

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

2010

2-сон

Адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов — кенгаш раиси

Абдуваҳоб Нурматов
Баҳамдулло Нурабуллаев
Абдулла Орипов
Тўра Саидов
Сирожиддин Саййид
Йўлдош Солижонов
Хайриддин Султонов
Рустам Қосимов

Ўрозбой Абдурахмонов
Акрамжон Адизов
Эркин Воҳидов
Туробжон Жўраев
Наим Каримов
Тўра Мирзаев
Иқбол Мирзо
Минҳожиддин Мирзо

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам
Бош муҳаррир ўринбосари — Икром Отамурод
Масъул котиб — Зиёдбек Ўринов
Наср бўлими мудири — Асад Дилмурод

Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон кўчаси, 16-а уй.

Телефонлар:

227-00-81, 245-22-99

www.sharqyulduzi.uz

E-mail. sharqyulduzi1931@mail.ru

Саҳифаловчи:

Акбарали Мамасолиев

Мусаҳҳих:

Дилфуза Маҳмудова

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хузурида “Ижод” фондини ташкил этиш тўғрисида

ИСТИҚЛОЛ МАНЗАРАЛАРИ

Акмал Саидов. Демократия ва маънавият

ШЕЪРИЯТ

Садриддин Салим Бухорий. Дунё гўё улкан бир куртак. Шеърлар

НАСР

Собир Ўнар. Бибисора. Қисса

ШЕЪРИЯТ

Йўлдош Эшбек. Кўнглимда қайнайди бир булоқ. Шеърлар
Турсун Али. Қуёш оҳанглари сочар борлиққа. Шеърлар

НАСР

Нурилло Аббосхон. Шўрқишлоқ. Роман

ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ

“Шеъриятнинг икки қаноти”. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева билан суҳбат

ШЕЪРИЯТ

Зулфия Мўминова. Дилимдан сўз очсам. Шеърлар
Гулум Мирзо. Зарра- зарра томади толе. Шеърлар

ЖАҲОН ҲИКОЯЛАРИ ХАЗИНАСИДАН

Оноре де Бальзак. Даҳрийнинг ибодати. Ҳикоя

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Шавкат Раҳмон. Юрагингда аллақандай мунг. Шеърлар

ИХЛОС

Нодир Жонузоқ. Қалб қадрдони

НАСР

Исажон Султон. Қисмат. Ҳикоя

ТАФАККУР МИНТАҚАЛАРИДА

Жалолiddин Румий. “Маснавийи маънавий”дан

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Анвар Обиджон. Кезаргон бойчечак. Қисса.

МУШОИРА

Шудринглар сочган тонг. Шеърлар

НАВОИЙ САБОҒИ

Олимжон Давлатов. Бир байт синоати

НАЗМ БЎСТОНИ

Роберт Бёрнс. Сенсиз йўлим ёритмас қуёш. Шеърлар

ҚУТЛОВ

Марғуба Мирқосимова. Истеъдод ва матонат

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Бобур Элмуродов. Нимадир айтмоқчи бўлувдим сизга. Шеърлар

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Тўхтамурод Зуфаров. Мақом зарбларига йўғрилган юрак. Ессе

ДЕДЕКТИВ

Оллоназар Абдиев. Тузоқ. Қисса

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Нўмон Раҳимжонов. Танқидий тафаккур ва эстетик мезонларнинг янгиланиши

Абдурахим Солиев. Сатирик характер ва маҳорат

Абдулла Улуғов. “Хур гулсан, ҳаёт”

ДИЛЛАРДАН-ДИЛЛАРГА

Боҳодир Раҳмонов. Тоғлар юртининг тоғдек шоири

ГУЛҚАЙЧИ

Иброҳим Чориев. Дадамнинг иши. Ҳажвий ҳикоя

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ Қ А Р О И

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҲУЗУРИДА “ИЖОД” ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида камол топтиришда бадий адабиётнинг беқиёс ўрни, таъсири ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, адабиётимиз равнақи учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёзувчи ва шоирларнинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 июлдаги 394-ф-сон фармойишига биноан ташкил этилган Республика комиссиясининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт фонди негизида Уюшма ҳузуридаги юридик шахс мақомига эга бўлган “Ижод” фондини (кейинги ўринларда – Фонд) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қуйидагилар Фонднинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўзбек адабиётини янада ривожлантириш, бадий сўз санъати соҳасидаги ютуқларни кенг тарғиб этишга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағлар жамғариш ва йўналтириш;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг самарали ижодий фаолиятини таъминлаш мақсадида улар учун зарур маиший, тиббий хизматлар кўрсатиш ва бошқа шарт-шароитлар яратиш;

адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган кекса авлодга мансуб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларига аниқ йўналтирилган моддий ёрдам кўрсатиш;

ижодий кўрик-танловларни ташкил этиш, иқтидорли ёш адибларнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тавсия этиладиган ижод намуналарини, жумладан, биринчи китобларини нашр этиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш;

халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти, асрий анъана ва кадриятлари тараннум этилган, миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти теран бадий ифодасини топган мумтоз ва замонавий адабиётимиз муносиб намуналарининг хорижий тилларга таржима қилинишини ҳамда Интернетда кенг тарғиб этишни молиялаштириш;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, унинг тасарруфидаги кўчмас мулкни бошқариш, Фонд маблағларидан Фонд низомида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мақсадли ва самарали фойдаланиш.

2. Қуйидагилар:

Фонднинг Васийлик кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ;

Фонд ижро этувчи дирекциясининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Фонднинг ижро этувчи директори Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг тавсиясига биноан Фонднинг Васийлик кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

3. Фонднинг Васийлик кенгаши (Ш.Мирзиёев):

ҳар йили Фонднинг даромад ва харажатлари истиқбол кўрсаткичларини тасдиқлаб борсин;

Фонд маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини кўриб чиқсин ва маъқулласин;

Фонд олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда манфаатдор давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларини, шунингдек, Фондга ҳомийлик ёрдамини жалб қилсин;

Фонднинг ижро этувчи дирекцияси фаолиятини Фонд даромадларининг шакллантирилиши, харажатларининг асослилиги ҳамда маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан

мунтазам назорат қилиб борилишини таъминласин.

4. Қуйидагилар Фонд маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

ноширлик ва матбаа корхоналарининг босма маҳсулотларини реализация қилишдан, шунингдек, босма маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ таҳрир, матбаа ва ноширлик хизматлари кўрсатишдан тушган тушумнинг 2 фоизи миқдоридаги ажратмалар;

“Дўрмон” ижод уйи коттежлари ва меҳмонхона хоналарини ижарага беришдан ҳамда Фонднинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик ёрдами;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ушбу қарорнинг 4-банди иккинчи абзацда кўрсатилган ажратмалар фойдадан олинадиган солиқ, ягона солиқ тўлови ва давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасига ажратмаларни ҳисоблашда солиққа тортиладиган базани камайтириши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг:

“Дўрмон” ижод уйи ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникасини Фонд бошқарувиغا ўтказиш;

Фонд томонидан “Дўрмон” ижод уйидан фойдаланиш дирекцияси” унитар корхонасини таъсис этиш ва унга бошқариш учун берилаётган мулкдан самарали фойдаланиш вазифасини юклаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг Захира жамғармасидан Фондга унинг айланма маблағларини шакллантириш мақсадида 2010 йилда 100,0 (юз) млн. сўм маблағ ажратишни, шунингдек, зарур бўлган ҳолатларда, кейинги йилларда маблағ ажратиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилишини таъминласин.

8. Фонд ва “Дўрмон” ижод уйидан фойдаланиш дирекцияси” унитар корхонаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси 2015 йил 1 январгача барча солиқлардан, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига ва Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар фақат Фонд ва унинг бошқарувидаги “Дўрмон” ижодий уйидан фойдаланиш дирекцияси” унитар корхонаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси зиммасига юкланган вазифаларни бажаришга йўналтирилади.

9. Фонднинг Васийлик кенгаши Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан келишилган ҳолда Фонд уставини ҳамда Фонд маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига “Дўрмон” ижод уйи коттежлари ва меҳмонхона хоналарини уюшма аъзоларига ижодий хизмат сафарлари учун фойдаланишга бериш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш тавсия этилсин.

11. Фонд Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси балансидаги Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 16а-уй манзилидаги бинога жойлаштирилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.Каримов

Тошкент шаҳри,

2010 йил 26 февраль

*Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Демократик институтлар,
нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг
ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг раиси,
юрідик фанлар доктори, профессор.*

ДЕМОКРАТИЯ ВА МАЪНАВИЯТ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бошқа кўплаб соҳалар қатори демократик ислохотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролик жамияти институтларини таркиб топтириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича ҳам кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислоом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларнинг очиклиги ва ошкоралигини таъминлашда уларнинг фаолигини ошириш, медиа маконга илғор ахборот коммуникация технологияларини бевосита жорий этишга қаратилган қарийб ўнта қонун ҳужжати қабул қилинди.

Айниқса, бу борада, парламент палаталарининг кенгашлари 2008 йилда қабул қилган “Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарор катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этмоқ жоиз. Бу ҳужжатга биноан, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг мустақил, демократик принципларга асосланган тизими яратилди.

Шу маънода, мазкур қўшма қарор нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг мустақил ривожланишини босқичма-босқич таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Айни вақтда, Юртбошимизнинг дастуруламал маърузасида мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, давлатимиз ва жамиятимизнинг яқин истиқболдаги устувор вазифалари белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек: **“Парламентнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислохотлар тарғиботчисига айланишига эришиш энг асосий вазифа бўлмоғи зарур”**.

Президентимиз таъбири билан айтганда, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ташкилотлар фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш қонунчилик фаолиятининг муҳим йўналиши бўлмоғи даркор. Токи, бу институтлар ва ташкилотлар қарорлар қабул қилиш, ўзлари мансуб бўлган ижтимоий қатлам ҳамда тузилмаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тизимида муносиб ўрин эгаллай олсин.

Бунда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни, маҳаллаларнинг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масалалари муҳим қиррага айланиши зарурлигига алоҳида урғу берилаётгани бежиз эмас.

Бу хусусда сўз кетганда, маҳалла институти халқимиз ҳаётида асрлар давомида шаклланган, замонлар синовидан ўтган, энг ноёб, энг адолатли идора экани ҳақида қанча гапирсак ҳам арзийди. Чунки халқимиз минг йиллар давомида маҳалла бўлиб, жамоа бўлиб яшаш асносида ўзининг миллий қиёфасини, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини сақлаб қолган.

Ҳозирги кунда ҳам ана шу анъаналаримиз давом этиб, маҳалланинг, маҳалла аҳлининг фикри кўпчилик учун асосий ижтимоий мезон бўлиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳаллага янада кўпроқ ҳуқуқ бериш, уларнинг имкониятларини ошириш, унга иқтисодий фаолият юритиш имкониятларини бериш кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари боришга қаратилган дастуримизнинг ҳозирги босқичида алоҳида ўрин тутаети. Бу, шубҳасиз, эртанги кунимизнинг, биз барпо этаётган фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятини амалда шоён этади.

Кези келганда, демократик ислохотларимизнинг яна бир муҳим қирраси – миллий сайлов тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирларнинг барчаси юртимизда сайловларни очиқлик, эркинлик ва ҳаққонийлик асосида ўтказишга қаратилганини таъкидлаш лозим. Бу ишларимизнинг ижобий самаралари 2009 йил 27 декабрь куни Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар, шунингдек, 2010 йилнинг 10 январь куни ана шу идораларга ўтказилган такрорий сайловлар мисолида, айниқса, ёркин кўзга ташланди.

Шу азиз Ватанимизда яшаётган ҳар бир инсон учун муҳим синов, таъбир жоиз бўлса, жиддий имтиҳон бўлган бу сайловлар ҳақида мамлакатимиздаги тегишли ваколатга эга бўлган тузилмалар кузатувчилари ва жамоатчилигимиз, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий ташкилотлар ва кузатувчилар томонидан берилган барча баҳо ва тафсилотларда, аввало, сайловчиларимизнинг овоз бериш пайтида умумий фаоллик, очиқлик ва ошкоралик, миллий ва халқаро қонунчилик меъёрлари ва талабларига риоя қилиш муҳити яққол намоён бўлгани таъкидланди.

Бу, ўз навбатида, жамиятимизнинг ўтган давр мобайнида, демократик ўзгаришлар, ҳар қайси фуқаронинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида, том маънода, қандай улкан қадамлар қўйганини яна бир бор тасдиқлади. Қолаверса, ушбу сайловлар халқимизнинг сиёсий-ижтимоий савияси ва маданияти, фуқаролик онги ва юксак маънавиятини имтиҳондан ўтказди.

Мазкур сайловлар юртимизнинг сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик тизими тобора мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатди. Бунда ҳар қайси партия ўзига хос, ўзига мос мақсадлари ва ҳаракат дастури билан сайлов майдонига чиқиб, сайловчиларнинг овози учун ўзаро кураш олиб борганини алоҳида қайд этиш даркор.

Бу борада, ўз вақтида қабул қилинган муҳим қарорлар, хусусан, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонун, шубҳасиз, сиёсий партияларни Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган чуқур ўзгаришларнинг ҳал қилувчи кучига айлантиришга қаратилган амалий чоралар ишлаб чиқилиб ҳаётга жорий этилиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтади.

Шу маънода, сайловда иштирок этган ҳар бир сиёсий партия аъзолари, ушбу партиялардан депутатликка кўрсатилган номзодлар ҳозирги глобаллашув даврида, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, минтақада ва мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, турли сиёсий-мафкуравий таҳдид ва хавфлардан одамларимиз онгини асраш, айниқса, ёшларимиз қалбида, онггу тафаккурида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, тарихий мерос, миллий қадрият ва анъаналаримизни, миллий турмуш тарзимизни асраб-авайлаш сингари долзарб вазифалар олдимизда турганини чуқур ҳис этган ҳолда, сайлов жараёнига пухта тайёргарлик кўргани ва унда фаол қатнашгани эътиборга лойиқдир.

Таъбир жоиз бўлса, сайловлар – маънавият кўрсаткичидир. Чунки айнан сайловлар миллий тараққиёт йўлимиизнинг алоҳида устувор йўналишлари, мамлакатимизнинг кенг қўламли сиёсий, иқтисодий-ижтимоий дастур ва режалари, халқимизнинг маънавий ҳаёти билан боғлиқ муҳим масалаларнинг нечоғли ижобат этилишини белгилаб беради.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини, муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ҳамда юксалиши билан узвий боғлиқдир. Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида қайд этилганидек, **“халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади”**.

2010 йилнинг мамлакатимизда “Баркамол авлод йили” деб эълон қилингани, ҳозирги кунда барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, соғлом ва баркамол авлодимизнинг ёруғ келажак учун амалга оширилаётганининг яна бир тасдиғидир. Шу номдаги давлат дастурининг тасдиқланиши эса, бу борада, олдимизда турган навбатдаги устувор вазифаларни белгилаб олиш ҳамда уни амалга ошириш учун кенг йўл очиб берди.

Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, **“биз юртимизнинг эртанги ривожини йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги кунини, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиздир”**.

Демократия ва маънавият тушунчалари билан муштарак боғлиқ бўлган яна бир муҳим мавзуга тўхталмоқчимиз. Тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий ғурур, Ватан муҳаббати жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин. Бугунги кунда Президент Ислам Каримовнинг ана шу даъвати ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўз ижобатини топмоқда.

Миллатимиз, халқимиз истиқболини таъминлашга қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрлик туфайли, мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, турли соҳаларда улуғвор ўзгаришлар юз бермоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, юртдошларимизнинг турмуш фаровонлигини ошириб, маънавий-маданий эҳтиёжлари юксалмоқда.

Ва, табиийки, маънавиятимизнинг ғоят муҳим, узвий қисми бўлган, инсоннинг маънавий оламини кашф этадиган қудратли воситалардан бири – сўз санъати, бадиий адабиёт изчил ривожланмоқда.

Миллий адабиётимиз мавзулар кўламини жиҳатидан ҳам, жанрлар нуқтаи назаридан ҳам ранг-баранглашиб, юксак дид билан яратилаётган асарлар давлатимиз ва жамиятимиз олдидаги бош мақсадлардан бири – комил инсон тарбиясида муҳим ўрин тутмоқда. Адабиёт майдонида янги-янги номлар, турли жанрларда яратилган бадиий пишиқ асарлар пайдо бўлмоқда.

Буларнинг барчаси ҳар биримизнинг қалбимизга чексиз қувонч бағишлаб, фахру ифтихор туйғуларини уйғотади ва бу бежиз эмас. Нега деганда, Юртбошимиз таъкидлаганидек, **“агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихини ва ёруғ келажакини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак”**.

Мамлакатимиз раҳбарининг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” номли асарида қайд этилганидек, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ижодкорнинг башариятни эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат,

меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунинг учун ҳам Юртбошимизнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолияти самарасини оширишга қаратилган эътиборлари ниҳоятда долзарб бўлиб, бу йўлда амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор.

Ўз навбатида, соҳада мана шундай улкан ҳаётбахш ислохотларнинг жорий этилиши ижодкорларимиз зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Яъни, жонкуяр ва фидойи ижодкорларимиз ўзбек адабиётининг муқаддас анъаналарига садоқатли бўлиб, уларни муносиб давом эттирган ҳолда, ижод қилишлари ва янги-янги гўзал асарлари билан халқимизни хушнуд этишлари ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Хулоса қилиб айтганда, адабиёт масаласи маънавият масаласидир. Шундай экан, соҳада амалга оширилаётган самарали ўзгаришларнинг барча-барчаси ижодкорларимизни қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳар томонлама рағбатлантириш билан бир қаторда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, юртимизда ижод соҳасининг, миллий маданиятимизнинг ривож топиши учун, келажагимиз учун хизмат қилишини ёддан чиқармаслигимиз лозим.

ДУНЁ ГЎЁ УЛКАН КУРТАК...

* * *

Дилларда умидлар уйғонди,
Паҳлавон Маҳмудлар уйғонди,
Ошиқу обидлар уйғонди,
Наврўзинг муборак, Ватаним!

Аббосинг, аслида, Алпомиш,
Бу олқиш жаҳоний, бу олқиш,
Ўзбекнинг зарбаси бу эмас туш,
Наврўзинг муборак, Ватаним!

Тушларинг ўнгларга айланди,
Тунларинг тонгларга айланди,
Ёвларинг гунгларга айланди,
Наврўзинг муборак, Ватаним!

Ўзбекнинг зарби ҳам зарб экан,
Жаҳон лол, бу ажиб ҳарб экан,
Рингларда мададкор рабб экан,
Наврўзинг муборак, Ватаним!

* * *

Сўз қанотга айланди,
Шайлан, юрак, парвозга.
Ғиркўк отга айланди,
Сиғмагай у қоғозга.

Сўз қанотга айланди,
Қалам ҳам даркор эмас.
Сўз баётга айланди,
Олам тинглаб бўлди маст.

Сўз қанотга айланди,
Кўкни қучмоқда қўшиқ.
Сўз саботга айланди,
Малаклар унга ошиқ.

Сўз қанотга айланди,
Юрак қўчди осмонга.
Сўз ҳаётга айланди,
Сўз айланди инсонга.

* * *

Замин кутиб навбахорни, музу қорни ютади,
Қуёш уч ой куртакларни сийпаб-сийпаб кутади.
Куртакларга бутун олам кўз тиккандур, воажаб,
Баҳор менинг юрагимдан куртакларга ўтади.

Куртакларнинг рангларидан безанади камалак,
Куртакларнинг шивиридан уйғонади капалак,
Куртакларнинг зикрига, ох, жўр бўлади ҳар малак,
Баҳор менинг юрагимдан куртакларга ўтади.

Дунё гўё улкан куртак, куртакда дунё жодир,
Дунёларни бир куртакка жойламоққа у қодир,
Унинг ҳукми билан бўлар дунёда ҳар иш содир,
Баҳор менинг юрагимдан куртакларга ўтади.

Баҳорларни тукқан куртак баҳорга нозланади,
Ифорларга бурканиб у жаҳонга юзланади,
Кейин эса юрагимга кириб у ёзланади,
Баҳор менинг юрагимдан куртакларга ўтади.

Қиш келганда навбахорни сиз куртакдан изламанг,
Деразамнинг ёнидаги гултувақдан изламанг,
Баҳор менинг юрагимда, гулбаргақдан изламанг,
Баҳор менинг юрагимдан куртакларга ўтади.

* * *

Эй мозийни унутган одам,
Эй сўзини унутган одам,
Ғафлат билан умринг ўтмоқда,
Эй ўзини унутган одам.

Ўзни нечун сен хор айладинг,
Таъмага қул-абгор айладинг,
Дунёингни бозор айладинг,
Эй ўзини унутган одам.

Ибодатинг, шукронанг қани,
Раббинг бирдир, раббингни тани
Ҳаётингда бошланар маъни,
Эй ўзини унутган одам!

Сен эмасми Сино фарзанди,

Баҳоуддин бобо фарзанди,
Марғилоний даҳо фарзанди,
Эй ўзини унутган одам!

Замон келди, гафлатни тарк эт,
Куёшдай балқ ўзингни Шарк эт,
Ёмондан-да, яхшини фарк эт,
Эй ўзини унутган одам!

* * *

Гуллар гуллигидан хижолат, Гулим,
Сиз турганда гулга на ҳожат, Гулим?

Гуллар гулзорини тарк этиб кетди,
Сизни кўрганида, не ҳолат, Гулим?

Гулзор ҳам сиздайин гулнинг пойига
Тўшалиб сўнг топди ҳаловат, Гулим.

Ажабки, сиз гулни кўриб Садриддин
Этди ишқ оятин тиловат, Гулим.

* * *

Мен сабрни тоғдан ўргандим,
Дўлу қордан этмагай нола.
Мева берган боғдан ўргандим,
Кўзёш тўкмас бамисли жала.

Мен сабрни гулдан ўргандим,
Хушҳид сочиб фидо этар жон.
Қишлоқдаги йўлдан ўргандим,
Кас-нокасан этмагай фиғон.

Кўзни очиб этдим тафаккур,
Сайёрада кўрдим сабрни.
Мен сабрни кўрдим минг шукур,
Минорада кўрдим сабрни.

Улуғлардан ўрганса бўлур
Сабр этмокни ғаму дардларга.
Сабр олий мукофот эрур,
Берилгайдур факат мардларга.

* * *

Гар жаҳон истасанг – жаҳонинг манам,
Замининг, аё, дўст замонинг манам.
Манинг рихлатимдан кейин билгайсен:
Баҳоринг манаму хазонинг манам.

Бухоро

Таниқли шоир Садриддин Салим Бухорий журналда шеърларини тайёрлаётган кезимизда қайтиш қилди. У кишининг ётган жойлари нурга тўлсин. Оллоҳ раҳматига олсин!

Таҳририят.

БИБИСОРА

Қисса

*Уларда дард ва изтироб не қилар,
Улар фақат кишнаб юрган йилқилар.
Ўлжас СУЛАЙМОН*

Мактаб ҳовлиси катта танаффусда ўйинқароқ болаларга тўлиб кетади. Айниқса почтачи қўниш ака келса худо урди – кейинги соатга бир гуруҳ бола кечикиб киради. Чунки почтачи опкелган хатларни эгаларига улашгунча кўп вақт кетади. Кейин эса қўниш ака четига обуначининг фамилияси ёзилган газеталарни тарқатади. Кимга хат келган бўлса, хат эгаси виқор билан даврандан чиқади, шартга конвертнинг гардишини йиртади-да, четга ўтиб ўқий бошлайди. Армиядаги акаси хатга қўшиб сурат юборган бўлса-чи, унияма деярли ҳаммага кўрсатиб мақтанишга улгуради. Акаси посанг аскар кийимида, шапкасини дўндириб тушган бўлса, унда кўринг қизикни. Кечагина шу мактаб ҳовлисида лой оралаб, ланка тепиб, муаллимдан дакки эшитиб юрган бола сал ўтиб Москвадами, Ленинграддами ёхуд чет элда хизмат қилаётган бўлса, албатта расмини жўнатади. Укаси расмни хўп мақтаниб ўртоқларига, синфдош қизларга кўрсатиб бўлгач уйдаги кўринарлик жойга осиб қўяди. Аканг қарағай мана армияда, полвон йигит, ефрейтор бўпти, ҳадемай сержант унвони олармиш, командирлари раҳмат айтибди – ҳалол хизмат қилипсан деб, тунов куни ота-онасигаям ўрисчалаб машинкаланган қоғозда ўғлингиз Совет Армияси сафида сидқидилдан хизмат қилипти, шундай интизомли йигитни тарбиялаганингиз учун сизларга раҳмат ва ҳоказо, деб мактуб йўллабди. Бундан ота-она бир газ ўсади. Қолганини ўзлари тўқиб-бичишади: ўғлимиз мана, мактабдаям дуруст ўқиган эди, лекин институтда домлалар пул илинжида ёмон баҳо билан йикитиб юборишувди, ана, ҳақиқат бор экан, ўрис камандир мактаб ётибди, хизмати тугасаям юбормаймиз, бундай одам давлатга керак, зарур бўлса ўзимиз ўқитамиз, уй берамиз, энг чиройли қизга уйлантирамиз, бола-чақали бўлади, бир кучоқ неварали бўлгач келиб кўрасизлар, полковник бўлгандан кейин ўзи қайтиб боради қишлоғингизга. Ва яна кўп гаплар. Бир парча қоғоз бўлса, яна у ўрисча ёзилган бўлса, ким тушуниб, ким суруштириб ётибди қолган гапларни.

Боз устига армиядаги йигит сенинг аканг бўлса ҳар қанча керилсанг арзийди. Топ-тоза офицер кийимида қирчиллаб юрган, ранг-рўйи ҳам оқариб-тозарган, қўл остида қанча аскар чест бериб буйсуниб турган бўлса, рус жононлари, ҳа-ҳа, бир-биридан ўтиб тушган оқбилак ўрис қизлар унга ҳавас қилиб кетма-кет севги изҳор қилиб ётган бўлса, пўрим йигит кечалари буларнинг қайси бири тузук, қайсиси хотинликка ярайди деб ўзича ўйлаб ётса. Бундай йигитга ҳавас қилмай бўладими?

Ахир у қизлар дунёнинг сулувлари. Бизнинг қишлоқдагиларга ўхшаб қўли косов, сочи супурги, кийимидан тезак иси анқиб ётмайди-да. Эҳ, қўяверсанг-чи!..

Бу галги катта танаффусда почтачи ўзиям юзтадан ортиқ хат тарқатди. Гарчи акам армия ёшига етмаган бўлсаям менга-да хат тегди. Хат амаким Султон акага эди. Мен уни мактабдан қайтишда уйига ташлаб ўтишим керак эди.

Синфхонага кириб хатни очиб ўқимокчи бўлдим. Кимданлигини билолмадим. Тагига Таняма, деб ажи-бужи имзо қўйилган эди. Орқасини ўгирсам «Ўз қўлига тегсин!» деган ёзув. Лекин жуда қалин конверт. Ўйлаб-ўйлаб топдим: бўлғуси янгам Тўлғанойдан. Акам уни севади. Хатлар ёзади, хатлар олади. Китоблардагидай севишиб ётади. Бари бир конвертни очишга

уруниб кўрдим. Очилмади. Янгам биров очиб ўқишидан чўчиб конвертни обдон елимлаб ташлабди.

Султон амаким чавандоз. Армиядан келиб ўқишга кирмади, кондаги шахтада ишлади, кейин шофёрликка ўқиб самосвал ҳайдай бошлади. Лекин кўпқари жони дили. Кейинги вақтларда танилиб қолди. Ўзининг оти бўлмаса ҳам биопунктнинг айғирларидан минади. Амаким бир гал кўрғондан ишдан қайтаётганда машинасига иккита қиз ўтирган, улар жумабозорлик қизлар экан, бири чавандозни таниркан, «сиз Султон полвон бўласиз, таниймиз», дебди. Амаким шундан сўнг ҳалиги қизга ошику беқарор. Ўшанда у қизни уйигача обориб қўйган. Кейин боришга уялиб нукул хат ёзади, янгам ҳам шундоқ: қалин-қалин мактублар йўллайди. Мактубни амакимга обориб берсам суюнчисига уч сўм пул беради. Уч сўм катта пул. Ўртоқларимга мактаниб Жўллибой аканинг дўконидан бир ҳафта картошкали пирашка олиб ейман. Амакимнинг севгиси ҳам бор бўлсин!

Геометрия дарсида хатни латта папкага энди беркитиб турган эдимки, почтачи синфга кириб келди, ҳой, Жонибеков, сенга яна битта хат бор, ҳалиги чегачи чолга бериб қўярсан, деб менга тагин бир конверт берди. Конверт одатдагидан каттароқ, сарғиш-малларанг, орқаси ҳам қалин малла рангда сўрғичланган эди. Хатнинг қувонарли жойидан кўра ажабланарлиси кўпроқ эди. Сабаби у чолни мен кимсасиз деб ўйлардим. Аввал Болиқул бобоникида бир ойча ётиб юрди. Кейин бизникига келиб бобом билан ошна тутиниб қолди-ю, шу ерда танда қўйиб қолди. Бобом содда одам, юмшоққўнгил бўлгани учун ҳар нарсани гапираверади. Ҳалиги чол эса кулоқчинли қора телпагини кўзигача бостириб чакчайганча эшитиб ўтираверади. Чолнинг кўриниши алламбало. Елкасига хуржун ташлаб олади. Телпакли узун қора плашини ҳечам ечмайди. қишнинг изғиринли кунларида мотоциклчиларникига ўхшаш катта кўзойнак тақиб олади. Қош-кўзини совуқдан сақласа керак-да. Чолни Ўшданми, Жўшданми, бир ёқдан келган дейишарди. Албатта, у юртларни биз билмаймиз. Шунинг учун чет эллик деб ўйлаймиз.

Қалин қора соқоли ҳар замонда кўриниб қоладиган, кир босиб-ялтираб кетган ола қўйлагининг ёқаларигача тўсиб туради. Устки мўйлови ҳам ўсиб оғзигача тушган. Тагин бурқситиб чилим ҳам чекадики, бу ҳол уни баттар ажнабийлаштириб кўрсатади.

Чолнинг хуржунида бир белбоғ қора ялтироқ кўмир, уни пуфлаб ёндирадиган найсимон мис асбоб, чинни идишларни ямайдиган майда тунука ва елимлар юради. У ҳар бир чойнакни чегалар экан, буни алоҳида маросимга айлантирарди. Ҳовлига чиқиб кичкина ўра қаздирар, унга бир ҳовуч кўмир ташлаб, яна пайраҳа, ёғоч ўтин опкелтирар, мослашиб ўтириши учун ўриндик ҳам талаб қиларди. Айни замонда Хитой чинчилари арзанда эдими, топилмасди чоғи, синган чинчиларни одамлар Иштихондаги мўлтони ёхуд Каттакўрғондаги араб дўконларига олиб жўнаб кечқурун қир ошиб қайтиб келишарди. Отам бир замонлар армияда Владивостокда хизмат қилиб хитойлардан катта сарик чинни чойнак сотиб олиб келган экан. Ҳадеганда чойи адо бўлавермайдиган чойнакни бобом кўп қадрлар эди. Не тонгки, катта энам бир гал ўчоқ бошида чойнакнинг тумшуғини офтобага уриб олиб, тумшуқ иккига бўлиниб тушган, шунда ҳам темир чойнақдан обрўли, афзал бўлганидан бобом уни ишлатишни қўймас эди. Кунларнинг бирида мана бу чол келдию чойнагимиз темир ямоқ билан бўлсаям тузалиб, бобомнинг кўнгли жойига тушди... Шундан бери анови чолнинг олдида гўё муттаҳамдаймиз. Уйимизнинг тўрига ўтқазиб қўйдик.

Ўша куни мактабдан чиқиб амакимникига ўтдим. Амаким кўпқарига кетибди, уйидагиларга хат борлигини билдирмадим. Кечқурун тагин борсам, энди кўпқаридан қайтиб баланд пошнали этигини айвондаги устунга суяниб олиб ечаётган, терлаб-сасиб кетган пайтаваларини чорпоёга қараб отаётган экан. Мактабда роса қоқоқлиги учун ўқимамай қўйган укаси Суюндикка терга пишиб кетган, устидан бутунлай буғ кўтарилаётган катта қора отнинг жоловини ушлатиб қўйди-да:

– Эгарини очиб, жобувини ташла, тўхтатмай юргизиб тур, икки соатдан кейин жойига

опкелиб бойла, бир сатил чойни совитиб ичир, – деди-да, менга ўгирилиб:

– Ҳа, дабба, ўқишинг зўрми, Марди муаллим «беш» қўяяптими? – деди.

Мен ўқишим аъло эканини, мана, иккинчи синфга ўтганимдан кейин синфком бўлганимни ҳам айтиб мақтандим.

– Ў, маладес, – деди амаким. Гуппи фуфайкасининг кўкрак киссасидан бир сиқим букланиб кетган пул чиқарди. Орасидан бир сўм олиб менга узатди:

– Ма, яна яхши ўқи, бизлар одам бўлмадик, ука.

– Сизга хат бор, ака, – дедим.

Ажабсиниб қаради-да:

– Армия жўраларданмикан? – деди менга.

– Йўқ, Таня чечамдан, – дедим мен ҳам тап тортмай. Эшикни ланг очиб қараб турган энасига бир ялт этиб қаради-да:

– Келинингиз хат ёзипти, – деди. – Ана, тезроқ оббермасангиз уйингизга кеволади.

– Ай, сен бети қора, Таня нимаси тагин? – деди энаси айвонда ялангоёқ берироқ юриб.

– Таня-да, ўрис-да янги топганим, – деди амаким хингир-хингир кулиб.

– Қамчини бер, қани, – деди энаси.

– Мана, деб қўлига тутқазди амаким.

– Агар Тўлғанойдан бошқасига кўзингни олайтирсанг, мана, кўрасан, мана, – дея гўппи фуфайка устидан савалай кетди энаси.

Амаким роса таёк еган боладай у ёқдан бу ёққа вой-вой деб думалаб қочар эди.

Бу уриш ҳазил уриш эканлигини мен ҳам билиб турардим. Амаким шунақа эшгириб отаси билан ҳам, онаси билан ҳам ҳазил қилишни яхши кўрарди.

Амаким таёқдан бўшагач:

– Ўҳ-ўҳ, қани, Таняxonнинг хатини бер бу ёққа, – деди менга.

Уйга кириб мойчирокнинг ёруғига тутиб ўқий бошлади. Амакимнинг дув қизариб бўғриқиб кетганини кўрдим.

– Товушингни чиқариб ўқи, менам эштай, – деди онаси.

Амаким хатдан кўзини узди-да, эшитмагандай менга бир оз жиддий қараб турди. Сўнг энасига:

– Ўрисчани тушунмайсиз-да, – деди.

– Эй, бети қора, косов билан соламан ҳозир, ҳа-а, – деди она.

Амаким эйтибор бермай олти бетлик хатни охиригача ўқиб чиқди. Сўнг беихтиёр уни яхшилаб қатлади-да қўйин чўнтагига тикди.

– Ҳайит қачон? – деди ўшандай паришон ҳолда.

– Олти кундан кейин, – деди онаси.

– Олти кундан кейин Суюндик билан янгангникига ҳайитлик юборасизлар, – деди менга амаким.

– Индамасак, ўзинг ўзинга тўй ҳам қилиб юборарсан? – деди иддао билан онаси, худди ота-она бўлиб бизлар нима қилиб юрибмиз, дегандай. Аммо амаким бу гапга парво қилмади.

– Маладес, ука, – деди менга тагин.

Ўрнимдан туриб эшикка бораётган эдим:

– Шошма, – деди.

Ёстикқа ёнбошлаган кўйи кўкрак чўнтагига тагин қўл юбориб, беш сўм чиқарди.

– Буниси суюнчи, – деди.

Онаси бирданига қизғанчиқлиги тутиб:

– Ўзи кўпкарида беш сўмлик жалов олганмидинг? – деди тўрсайиб.

– Бир тўйлик соврин олдим, бўлдима? – деди онасига ўзини аразлагандай кўрсатиб ва тагин хиринг-хиринг кулди: – Таня келинингиз зўр-да, пойчалари шилдинглаб бир хизматингизни

қилсин ҳали!

Она энди гап Таня эмас, Тўлғаной ҳақида кетаётганини тушунди, шундаям ўғлига ёлғондакам пўписа қилиб қўйди.

* * *

Суюндик акам билан янгамникига ҳайитлик оборадиган кунимиз кун гарчи куёшли бўлса-да, кечга бориб аёз тушди. Янгамнинг қишлоғига етти-саккиз чақирим бор эди. Катта газа – қишлоқ чегарасидан ўтаётганимизда куёш ботиб бораётган эди. Эшакка ҳолва ва бошқа мевалар солинган хуржунни ортанмиз, амаким бир ҳўкизча ҳам етаклатиб қўйди. Қишлоққа ўрганган ҳўкиз қишлоқдан чиқаверишда сира етовга юрмай қўйди. Ҳўкизнинг ипини эгарга боғлаб эшакка ўтириб олганман. Совуқ уриб кетаёзди. Айниқса кўнжи калта ботинкамда оёғим қотиб қолди. Ҳўкиз ҳар торхошовлик қилиб силтанганда эшак ҳам мункиб кетар, йиқилмоқдан бери бўларди. Суюндик акам бўғилиб ҳўкизни сўкар, таёқ билан аямай бошига соларди. Янга бўлмишнинг уйига етганимизда қоп-қоронғи тун эди. Дахлиздан жиккаккина бир сариқ чол чиқиб хай-хайлашимизга қарамай бизнинг юз-кўзимизга ун суриб ташлади. Удум шу эмиш. Бўлажак келин-куёвнинг ҳаёти оқликларга буркансин эмиш.

Гарчи ҳайитлик келтирган дастёрлар бўлсак ҳам қудалар мақомида эканмиз. куда бобо-чолнинг олдимизга келиб ўтириб катталар билан ҳангома қилгандай жиддийсифат ўтириши, сергўшт кулчатоё тортилгани, ва энг муҳими, сўпоқ, каттакон шишали «Портвейн» виноси келтирилиб сузилгани бунинг яққол тимсоли эди. Суюндик акамга тенгкур бир қўшни йигит келди, у ўзидан бир неча ёш кичик уй эгаси Норча деган йигитга бемалол ҳазил қилар, қўлидан винони тортиб олиб дадил пиёлаларга қуяр, ора-чура Самарқанддаги аллақандай техникумда ўқиб юрган чоғидаги қизлар билан муомалаларини мароқ билан ҳикоя қилиб қоларди. Албатта, қулоқни бекитиб туришнинг иложи йўқ, қайтанга мен учун жуда қизиқ эди бу гаплар. Суюндик акам бошидан бунақа ширин саргузаштлар ўтказмаганиданми, укувсизлигиданми, ҳар қалай бир оз маҳлиё бўлар ва винонинг кучи зўрлик қилиб, бари бир мақтангиси келиб нуқул акаси билан тоғда каклик, олқор, тўнғиз овига чиққанидаги гапларни сўзларди. қўшни бир маҳал ташқарига чиқди-да, учта пати юлинган қушни кўтариб кирди.

– Эй, куда, – деди, – сизга ўхшаб тоққа чиқмасак ҳам шу ернинг ови етади бизга. Мана бугун эрталаб отамнинг йигирма саккиз милтиғига бир картонни сочмага тўлдириб ўригимиз остидаги зағчаларга қаратиб битта қўйиб эдим, ўн олтитаси жойида қолди. Мана ов, мана ов. Гўшти какликникидай ширин. Опам тушда бештасини қовурмага босди. қолгани турибди. Мана, Норча, опанга айт, қовурсин.

Йигитнинг ўткири ўткир бўлади-да. Унга термулиб тамшаниб ўтиришдан бошқа иложимиз қолмади.

Куда бобо ҳам ўзимиз қатори оддий, камбағал одам экан. У киши яқин орадаги беморхонада кўмир ёқувчи, кампири ҳам ўша ерда ошпаз экан. Винодан икки пиёла сипқориб, гўшт, картошка, пиёз, оқ ёғ, карам, макарон, гуруч улуши борлиги, шу нарсалар уйига текин келишидан ғурурланиб, ўзи ҳам ора-сира уйига кўмир ўмариб келишидан мақтанди. Кўмир обдон қизарган печканинг ёнида мулғиб-мулғиб, охири ухлаб қолибман. Турсам, тонг ёришиб кетибди. Уй сигарет ва вино ҳидидан сасиб кетган. Суюндик акам фуфайкасини бошига тортиб қотиб ухлаб ётибди. Нариди Норча, уям чалқанча тушиб хириллаб ухляпти. Дераза пардасини тортиб қарасам, чол жегдасининг ўнгирини белидаги қизил белбоққа қистирган қўйи ташқарида қор кураб ётибди. Орқасида қалин оқ жун рўмолни танғиб ўраб олган қиз чўкир супургида қорни супуриб юрибди. Чамаси куда бобо одамлар тургунча ҳожатхонага йўл очаётган эди. Батартиб, янги калиш кийиб олган хушбичим шу қиз ҳойнаҳой янгам бўлса керак. Музлаган

дераза ойнасини нафасим билан эритдим-да ўша «тирқиш»дан янгамни томоша қилиб туравердим. У олдидаги супани ҳафсала билан супурарди. Гоҳ-гоҳи совқотган кўлларини куҳ-куҳлаб иситиб оларди-да, тагин энгашиб супура кетарди. Юзи тўлин ойдек оппоқ, қомаги бежирим, ўрим сочи жун рўмолнинг тагидан тошиб тушиб турибди. Амаким бекорга ошиқ бўлмаган экан-да. Ҳадемай шу қиз тўй бўлади. Амакимнинг оғушига тушади. Ҳазиллашишади, ўпишишади. Сўнг тўшакда ўйин қилишади. Шундай нозиккина, сулуvgина қиз-а!

Этим жимирлаб, ичим шувиллаб кетди.

Ҳожат қистаб колди...

* * *

Кўкламнинг булутли, аммо ёгинсиз бир кунида тўй бўлди. Мастура момо гулхан ёнида лапар айтиб, чилдирма чалиб ҳамма хотинларни ўйнатди. Келин-куёвга салом солдирди. Дарвоқе, у замонларда енгил машиналар камёб эди. Бўлсаям бизнинг қишлоққача доvon оша етиб келолмас эди. Лойгарчиликда юк машина ҳам юролмасди. Келинни Мустафо аканинг «Зил»ида аввал доvonгача, ундан берисига куёв бўлмишнинг кўпқари жўраларидан бирининг саман қашқасига мингаштириб келибди. Келганда амаким келинни ўзи отдан кўтариб туширди. Шунда янгамнинг оқ, қалин пошнапи туфлиси отнинг яғринига тегиб учиб кетди. Шўтанок болалар туфлини опқочишди. Амаким келинни кўтариб тураверди. Роса ўсал бўлди. Хотин-халаж, қизлар, бизлар чувиллашдик. Келин, чамаси йиғлаб юборди. Амаким ноилож уни ерга қўйди. Янгам оёғи совқотган лайлақдай оппоқ пайпоқли оёғи учини ерга тираганча энгашиб турарди. Шўтанок болалар охири туфлини келтириб беришди. Амаким жуда изза бўлди. Отақул бахши унга танбеҳ берди:

– Султонбой, полвон деганам шундай бўлама? Келинни даст кўтариб олмайдими одам! Бир улоқча солмоғи йўқдир ўзи!

Егани бир туйир нон, ичгани бир коса шўрва, одамлар ҳам эрта кунни кеч қилиб уй-уйига тарқашди.

Эртаси куни куёш чарақлаб чиқди. Офтоб чиқди оламга, югуриб бордим холамга, деганлари сингари уч-тўрт қайнлар, беш-олти қайнсингиллар янга кўришга шошдик. Ҳали юз очар бўлмаган, келин чимилдикда экан. Чошгоҳда дугонаси ва кайвонилардан бирининг етовида келин ўчоқбошига қараб юрди. Оппоқ либос, оқ пойафзал, бошида ҳам оқ ҳарир рўмол, унинг тагида ироқи гулли оқ дўппи остидан кўп ўримли кўнғир сочлар соллана тушиб турибди. қишлоғимизда бундай гўзал кийинган қизни ҳеч ким кўрмаган. Чунки асли янгамнинг ўзи гўзал. Жудаям гўзал.

Янгамнинг юзини намоз ёшига етмаган ўғил бола очиши керак экан. Албатта, намоз ўқиш ёшига етган бўлсам-да, бу юмушга биринчи галда мен талабгор эдим. Чунки янгамнинг уйига ҳайитлик оборганман, янгамнинг хуснихатларида битилган севги мактубларини почтачидан биринчи мен опкелганман, амакимнинг хатлариниям почтачига ўзим оборганман. Хўш, бу мишиғи оққанларнинг ичида мана шундай муҳим вазифаларга қўл урган мардлар бормикан? Албатта йўқ.

Талабгор эканимни билдирдим. Хотинлар кўнмади. Бироқ қараб ўтирганим йўқ. Ўчоқдаги қозонда турган чўмичга биринчи бўлиб чанг солдим. Хотинларнинг уни ўчди. Биламан, мойли чўмич билан келиннинг юзи очилади. Чўмични паранжигга текизсанг бас, у ёғини хотинлар эплашади. Ҳа, шундай.

Янгамнинг ойдек юзи ялтираб кўринди. Сурма кўйган кўзлари оқи оққа, қораси қорага ажралиб, қуралай бўлиб турарди. қалам текизилган қошлари ҳам ибодан яна эгилиброқ кетган, ўзи ҳам бошини тагин қуйи солинтирган эди. Бундай тиниқ чехрали сулув ҳеч ерда йўқ. Ҳеч ерда! Ўша сулув менинг янгам. Ўзимнинг янгам!

Янгам кўзининг ости билан бир оз сузилиб қараб кулиб қўйди. Бу менга хайрихоҳлиги, балки яхши кўриши эди. Ичимда бир нарсалар тўлғониб кетди. Уқдимки, янгам сиз яхши боласиз, деди. Эшиттирмай пичирлаб айтди. Эшиттирса уят бўлади. Ҳалитдан қайнисини суйиб эркалаяпти деган, кўча-куйда тарқалади.

Хотинларнинг ундови билан янгам ярим чўмич мойни ўчоқдаги ёниб турган олов устидан куйди. Шундай қилса келин мойли оёқ бўлар эмиш. Бу уйга келин барака опкелар эмиш. Одамлар нималарни ўйлаб топишмайди-я. Ахир шундай гўзал аёл хизматингизни қиламан деб эшигингизга келди, остонангиздан уч бор тавоф олди, ҳар биримизга эгилиб салом берди – етмайдами? Уни хижолат қилиб, уялтириб ҳар иримга дуч қилаверасиз.

* * *

Тўйнинг тўппаси тўрт кун. Яъниким тўрт кунгача тўйхонанинг овқати узилмайди. Зериккан, бекорчи борки, тонг отгач бу ёққа секин томоқ қириб қириб келаверади.

– Ҳай, Жонибекип, келин мойли оёқ бўлсин! Опкелавер нишхўрдингдан, бизга бўлаверади.

Амакимникида калла-поча қозонга осилган куни бўйинсалари шундай деб келади.

Бир ҳафтадан сўнг куёвнинг тенг-тўшлари келади.

– Тарвuzинг ёрилди, илигинг қуриди, қулоғингдан ой кўриняпти. Ҳай, баччағар, энди кўпқарига ярамайсан. Хотининг билан кўпқари ўйнайберасан. Тамом бўлдинг, тамом. Овқат-повқат ҳам еб тур. Қани, топган-тутганингни опкел, биз ҳам шерик бўлайлик.

* * *

Ўша кунларда қишлоққа эндигина электр келган эди. Уям пастки овулдаги Пўлат тоғанинг моторхонасига қўйилган катта движокдан одамларнинг уйига тортилган симлар бўлиб, кечқурун уч соат ёнарди. Пўлат тоғаям уч сўм, беш сўм ёхуд «Портвейн»нинг мудгори, то шом қоронғуси чўкиб одамлар бетоқат бўла бошлагандагина моторхона ёнига эшагини бойларди-да, аввал битта «Беломор» сигаретни обдон охиригача сўриб, кайфини суриб, кейин бемалол моторхона дарвозасини очиб қўйиб тимирскилана-тимирскилана моторнинг учидаги парраги ёнига каноп арқонни хўп ўраб оларди-да, оёғини тираган кўйи тортиб юборарди. Мотор шу юрганда юрса-юрди, бўлмаса тўрт-беш учқун чиқариб «пат» этиб ўчиб қоларди. Сўнг арқонни ўрай кетарди ва бошқатдан оёқ тираб тортиб қолар эди. Шундан сўнггина қишлоқ чироқлари чўғдай лимиллаб турарди-да, мотор овози кучайгач, чароғон бўлиб кетарди. Кечқурун қирларга чиқиб қишлоқ этагидаги сой ичига жойлашган моторхонага кўз тикиб ўтирган ёшу кексанинг Пўлат тоғага инсоф тилаб термулиб ўтириши, мотор юриб, чироқ ёнгач қичқириб қувнашларини кўрсангиз эди. Бу бир олам қувонч, бир олам соғинч, яна бир нималар эди-да. қишлоққа электр келиши билан Жиянбой муаллим шаҳардан «Рассвет» деган телевизор сотиб олиб келганди. Мол-ҳолларни жойлаб бўлгач, биз болалар катталарга қўшилиб домланинг уйига уриб кириб борардик. Аксар ўрисча кўрсатувлардан бирор маъно уқмасак ҳам тирик одамларнинг экранда юриши, қўшиқ айтиши, хоккей ўйнаши, гапиришини томоша қилиш ғоят мароқли эди. Кўп ўтмай тоғ қоровули Исоқул ака ҳам «Кварц» деган кичкина телевизор сотиб олди. Шундан сўнг қишлоқ одамлари иккига бўлиниб телевизор кўришга киришиб кетишди. Султон амаким катта чавандоз бўлишига қарамай тўртинчи ё бешинчи бўлиб телевизор олди. Шундан кейингина болаларни жеркиб берувчи муаллим ва тоғ қоровулининг миннатларидан кутулдик.

Энди чироқнинг ёнишини ҳам амакимникида кутиб оладиган бўлдим. Янгам менга эрига ўхшаб «дабба бола» деб от қўйган эди, бу от менга ёқмади. Асли бобомнинг кичик укаси қора отам ўйлаб топган бу лақабни. Қора отамни қора деган ҳам, акасини Малла дегувчилар ҳам

янгалари бўлган. Улар қайниларининг исмини айтолмагани учун лақаб қўйишган. қишлоқда шу – агар бехосдан келинчак қайнисининг исмини айтиб юборса, қолди балога – худди улкан бир жиноят содир этгандек қарашади унга. Акамнинг оти – «Зўр қора», укамники «Тошбақа», меники «Дабба». Оғир, тенгқурларимга нисбатан гавдали бўлганим учун шу номни қўйишгандир. Аммо янгам ҳам хадеганда «дабба»лай кетгани бошида сира ёқмади. Шундай чиройли аёл бирор чиройли исм топса бўлармиди? Бари бир кейин-кейин қулоғим ўрганди. Бора-бора янгам билан ҳазиллашадиган ҳам бўлдим. Янгам мени китиқлар эди, мен унинг баданидан чимчилаб қочиб кетар эдим. Мени тутиб олиб китиқлаётганда бир ажойиб атир ва бадан ҳиди димоғимга урилар эдики, тўсатдан энтикиб кетардим.

Шу уйга, аниқроғи, Тўлғаной янгамга тамоман ўрганиб қолдим. Янгам ҳам бошқа қайнлари билан эмас, мен билан гаплашишни яхши кўрарди. Баъзан оқ чамадонини очиб амакимнинг мактубларини, яна аллақайси жойлардаги дугоналаридан олган хатларини ўқирди. Мен учун бу хатлар жуда сирли, ҳаммасида севги-муҳаббат туйғулари яширин эди. Янгам хатларни овоз чиқариб ўқир экан, мен унинг оппоқ бўйнига, балдоғи каттакон сариқ исирғасига, чиройли энгаги, бурни, лаби, ёноғи, энтикишлари, кийими, антиқа атир бўйлари – бари-барига термулиб тўймас, хаяжонланар эдим. Катта энам бир маҳаллар ойнани очиб:

– Ҳей, дабба, уйинг борми сенинг? Чечангга жуда ёпишдинг-қолдинг, уят эмасми? Бор, жўна. – деб қоларди. Айб иш қилгандай секин ўрнимдан туриб жўнай бошласам, янгам:

– Эна, қўйинг, бир пасил ўтирсин, яхши бола-да бу, – деса, энамга қараб турардим, у эса:

– Бўлди-бўлди, молига қарасин бориб, онасиам изиллаб излаб юргандир, – дерди жеркиб.

Бу ерда қолиб кетишим, албатта, онамга, амакимгаям ёқмасди. Нима қилай, жудаям ўрганиб қолган эдим. Чунки бу дунёда биргина чиройли аёл бор эди, у ҳам нукул севгидан сўзлаб одамни илҳомлантирар, бу жозибали туйғуга кишини асир этар эди.

Одат бўлиб қолди: кечкурун ҳам телевизор кўргани келаман. Амаким ҳаш-паш дегунча овқатини еб бўлиб бир оз телевизор кўриб ўтириб мудрай бошлайди. Катта энам дарров:

– Тўлғаной, бунга жой соббер, тоза тинкаси қурибди, – дерди одатдагидай жеркинсиб.

Янгам ирғиб ўрнидан туриб нариги келин-куёвнинг уйига кириб кетарди-да, шу билан ўзиям ғойиб бўларди. Менга эса энди бу ерда ўтириш тоза азобга айланарди. Чунки бошқалар ҳам қачон уйига даф бўларкин шу бола деётгандек бўлаверарди.

Биз амакиларнинг уйлари бир қатор узунасига солинган эди. Уйидан чиққанни бир-бири билиб, кўриб тураверарди. Бир гал кечки пайт амаким билан янгам уйларига кириб кетишгач, одатдагидай бегонасирай бошладим ва секин туриб жўнадим. Ҳожат баҳона уйнинг орқасига ўтдим. Янгам билан амакимнинг товушлари орқа дарчадан эшитилиб турарди. Назаримда ички дераза очиқ, фақат ташқи ёғоч қопқа ожизгина ёпилган эди. Амаким шивирлаб бир нарсалар дер, янгам беғубор овозда қикир-қикир куларди. Кейин янгам кулгидан тўхтаб аразлагансимон:

– Боринг-э, – дегани ва афтидан, амакимнинг яланғоч баданига шапатилагани эшитилди.

Титраб кетдим.

Жимиб қолишди.

Туйкус аёл кишининг сескангандай товуши чикди.

Сўнг чўзиб «вой-й!» деди. Жаҳлгами, ғазабгами ўхшаган бир нима қорнимдан биқинимгача ўрмалаб чикди. Сескангандай тиниқ овоз такрорланди. Энди инграётгандай эди. Амаким янгамни нимадир қиляпти, аммо аямаётган эди. Бирдан уни ёмон кўриб кетдим. Одамзот шундай ажойиб аёлга шафқатсизлик қилиши мумкинми? Ҳайвон, йиртқич инсоннинг иши бу!

Одам баданининг нафас ва кўрпа товушига қўшилиб ишқалангани, нафасларнинг тезлашиши, дунёнинг энг бокира аёли бирданига ўзига қўтосдай ташланаётган эркакнинг қулоқлари тубига беихтиёр чўзиб «жони-им!» деб юбориши ақлга сиғмас ходиса эди. Тушуниб бўлмас эди. Кечириб ҳам бўлмас эди.

Музлаб кетдим.

Иштонимни ҳўллаб қўймаслик учун нарироққа чопиб кетдим.

Бу гапларни бировга айтиб бўлмасди. Тушунтириш ҳам қийин. Янгам айникса, мен учун ёмон иш қилган эди. Шундоқ ийманиб тургани билан бари бир уятсиз хотин экан-да, деган қарорга келдим. Уч кунгача бу ерга қадам босмадим. Тўртинчи куни амакилар янги келинчакни бирин-кетин нонга чакира бошладилар. Чилласи чиққач, якин қариндошлар нонга чакириш одат эмиш.

Янгам бизнинг бўсагадан уч карра тавоф олиб уйга киргач, менга кулиб қўйди. Бошқалар олдида ийманиб ўтирди. Сўрашиб бўлиб бир оз киришимли бўлгач, менга юзланиб:

– Бу асал бола бизникига бормай қўйди. Хафаман. Янгасини ёмон кўрадимми ё? – деди жуда тиниқ овозда энтикиб кулиб.

Негадир дилимдаги ғубор бирданига тарқади. Хайрият, дедим ичимда. Янгам амакимни эмас, мени яхши кўради деб ўзимни ўзим ишонтиргим келди.

Орада янгам ота-онасиникига ҳам бориб «чой ичди» бўлиб келди қудағайлар етовида. Анча юзи очилиб, ҳамма билан баралла кўришадиган бўлиб кетди.

Янгам ҳам менга ўхшаб ҳалиги чегачи чолни ёқтирмас экан.

– Бизнинг қишлоққаям борган, – деди у. – Одамларникида чегачилик қилиб юрар, почтахонага кўп қатнар эди. Айтишларича кимлардандир унга ўрисча хат келармиш. Бошқача конвертларда. Буям хат жўнатармиш – ўшандай конвертларда. Почтачилар бунинг хатини алоҳида олиб туманга обориб беришармиш. Жуда ғалати чол, индамайди, нуқул гап эшитади, бировга эл бўлмайди. Шпионми дейман-да.

Шпион чол амакимнинг уйида ҳам уч-тўрт кун яшади. Тўйда синган бир-икки пиёла, чойнақларни ямаган эмиш. Сўнг яна бизникига қайтиб келди. Бора-бора сездимки, бобом ҳам уни ёқтирмайроқ қолди. Ўз ишига уннаб чолни холи ташлаб кетадиган бўлди.

Бобом жуда меҳрибон одам. Мени ортиқча яхши кўради. Мана, мактабга бораётган бўлсам ҳам қайтганимча соғиниб қолади. Иккинчи синфда ўқишимга қарамай «қани, булбулни кўрайчи!» дейди. Энди уяламан. Бобом бўлса эркалаб, чақалоқдай қилиб «оҳ-оҳ, улимнинг булбулидан-а!» деяверади.

Орада каникул бошланди. Султон амакимга янги уй бошлашди.

Овул-ҳамсояннинг ҳашари билан ҳадемай девор тикка бўлиб, эшикбоши ҳам қўйилди. Гувала, лой ташишларда биз ҳам қатнашдик. Ҳаммасидан кўра турғазилган девор ичи, биз болалар учун чинакам ўйин майдонига айланди. Иссиқ кунларнинг бирида Жумабозордан янгамнинг синглиси Бибисора меҳмонга келди.

У мен билан тенгқур экан. Бир сиёғи янгамга ўхшайди. Юзи лўппи, шахлоқўз. Аммо жуда оғир, босиқ қиз. Янгамга ўхшаб ҳар икки гапнинг бирида шарақлаб кулавермайди. Биз тенгқурлар билан уни бекинмачоқ ўйнашга зўрға кўндирдик. Бора-бора бизга ҳам эл бўлди. Янги уйнинг деворлари, гувалалар уюми, хожатхона, уй орқасидаги куноқ тераклар ортига – дуч келган жойга беркинардик. Топган одам маррага биринчи келиб тупуриши, агар ундан ўзиб маррага қараб чопса қўлидан тутиб тўхтатиб ҳам қолиши мумкин эди. Бибисора ўзи босиқ бўлгани билан бизга ўхшаб кета кийиб олганиданми, жуда илдам экан. Ҳар гал биз ўғил болаларни доғда қолдирарди. Шуйтиб у бизга жўра бўлди-қолди. Ўйин асносида бир-икки марта унинг оппоқ, юмшоқ қўлларидан ҳам тутдим. Негадир яна ушлагим келарди. Уч-тўрт кун тургач у уйига кетди. Шунда биз уни кўмсаб қолдик. Янгамдан синглингиз яна келадими, деб сўрадим. Янгам маъноли кулди. Кейинроқ келади деди. Уни ростакамига соғинаётган эдим. Янгамдан уларнинг адресини, ўқиётган мактабининг номери ва синфини сўрадим.

– Акангизга божа бўлмоқчимисиз, дабба? – деди янгам ва энтикиб-энтикиб кулди. Мен бу сўзни тушунмадим, лекин уят гап бўлса керак деб ўйладим.

Бибисорага хат ёздим. Неча баҳоларга ўқиши, уйида неча киши экани, каникулда нималар қилаётганини сўрадим. Ундан ҳам жавоб келди. Уям худди шунақа саволлар берган эди. Жавоб

ёздим. Кейингисида расм сўрадим. Яхши расмим йўк, кейин жўнатарман дебди. Бир гал янгам оқ чамадонини очиб хатларини ўқиётган пайтда Бибисоранинг расмини кўриб қолдим ва билдирмай кўйнимга тикдим. Бибисора опаси – янгам билан бир-бирига суянишиб тушган. Сочларининг орасидан бежирим парк очиб, икки ўрим қилиб кўксига ташлаб олган. Эгнида атлас, энги калта кўйлак. Янгам ҳам шундай кийинган. Мен бу расмни папкага солиб, панада ёки ҳеч ким йўғида хўб томоша қилар эдим. Кейинги ёзган хатимда беихтиёр, ўғирлаганим эсимда йўк, расмга зўр тушибсан, деб ёздим. Негадир сени яхши кўриб қолдим, деб ёзгим келди. Уялдим. Бунинг ўрнига «Ж+Б=С» деб ёзиб кўйдим ва кимдир кўриб қоладигандай тезда конвертни елимлаб ёпиштирдим. Почтачи кўниш акага беришдан олдин конвертнинг елимланган жойига «Ўз кўлига тегсин!» деб катта ҳарфларда ёзиб кўйдим.

Эртаси кун жўраларим билан келаётган эдим, газанинг устида чегачи чолга кўзим тушди. Кун иссиқ бўлишига қарамай у одатича қора плашига ўралиб, бўйи баробар заранг ҳассасига суяниб олган эди. Биз бу сўхтаси совуқ одамга салом беришгаям чўчирдик. У бўлса кўзини чакчайтган кўйи менга тикилиб турарди. Ёнидан ўтаётсам, олдимни тўсди. Жўраларим тирақайлаб қочиб қолишди. Мен ҳам қора соқол чолни айланиб ўтиб қочмоқчи эдим, у эпчиллик билан кўлимдан ушлаб қолди.

– Ҳа, гўрсўхта, – деди. – Сенга севишни ким кўйибди, сволоч! – Шундай дея у чўнтагидан мен Бибисорага ёзган хатни чиқарди. – Расм қани?

Ичим ўтиб кетди. Қалтирай-қалтирай папкадаги китоб ичидаги расмни олиб бердим. Чол уни юлқиб олди-да, мендан кўз узмаган кўйи хат билан кўшиб тилка-пора қилиб ташлади.

Сўнг уни майда-чуйда қилиб чанг йўлга сочиб юборди. У ҳамон билагимдан сиқиб ушлаб турарди. Юзини юзимга яқин олиб келди. Кўзлари чакнаб кўкимтир тус олди. Соқолларига нимадир майда нарсалар ёпишиб турарди. Бурнимга унинг оғзидан қўланса бир ҳид урилди.

– Қисиб юр, бўлмаса қамоқда чиритаман!

Шундай деб у суяқдангина иборат кўлини билагимдан бўшатди. Уни шапалоққа мўлжал қилиб орқасига тислантирди. Йўк, хайрият, урмади. Аммо эхсонам чиқиб кетди.

Бир-икки кунгача қилаётган ишимни ҳам билмай юрдим. Кўз олдимда унинг кўкимтир кўзи ялтираб турар, ҳадеб юзимга қўланса ҳидли нафаси уриларди.

Ҳаммаси майлику-я, у мени севишганга чиқариб бобом, отам, онам, акам, янгам ва амакиларим олдида шарманда қилса-чи? Ёки элдан бурун айтган бўлса-чи?

Шу кунларда чол бизникида ётмади. қаердалиги номаълум. Бобом ҳам кун бўйи пастдаги олмазор чорбоғ остида ўт ўради. Тушда қизил белбоғида бир белбоғ чучук олма олиб келади. Бу олмаларни бобомнинг ўзи эккан. Сап-сарик, олтиндай ялтиллаб турибди бу олмалар – жуда серсув, карсиллайди. Ўта ширин. Димоқни қитиклагувчи муаттар ҳиди бор. Олма дарахтлари ёввойидай шохлаб, бўйи ҳам теракниқидан баланд бўлиб кетган. Музбулоқдан оқиб келаётган тегирмон ариққа тап-тап олмалар тушади. Тилладай ялтироқ олмалар...

Чолнинг қилиғи ҳеч эсимдан чиқмай қолди. Уни эслаганим заҳоти танамда титроқ тура бошларди. Энди Бибисорани ҳам эшлашга чўчийман. Чунки ўша заҳоти шпион чол кўз олдимда гавдаланади.

Кунларнинг бирида Бибисора яна келди. Энди амакимнинг уйига болор кўтаришган, устини ёпишга янтоқ, хашак, хари, ходалар келтириб ҳовлига уйиб ташлашган эди. Уста Омон каттакон пойтешасини олиб у ёғоч билан бу ёғочни жуфтлаб, мослаб кесиш, йўниш билан машғул эди. Бибисора аввал мендан уялиб, ётсираб турди. Кейин беихтиёр поччасининг янги уйини кўргиси келдими, том олдидаги ёғочларни айланиб ўтиб ичкарига бўйлади. Мен ҳам орқасидан бордим. Шумлигим тўтиб орқа ром ўрнидан ичкарига ошиб тушдим-да, унинг рўпарасидан чиқиб «пах» деб қўрқитдим. «Вой ўлмасам, опагон!» дедию дарҳол қизарган юзини рўмоли билан бекитди. Орқасига тислана туриб шаҳлога монанд кўзини норози бўлгандай сузди ва «тавба қилдим» деди оҳиста. Туриб қолдим. Бориб «кечирасан» демоқчи бўлдим. Хат ёзиб ҳам чакки қилибман,

ўзи келаркан-ку. Ҳар қалай «сени севаман» демовдим-ку. Шпион чол мени йўлдан қайтарди-ку.

Чол шу заҳоти рўпарамда пайдо бўлди. Кўзини ўқдай қадаб чап қўли билан ўнг юзимга чарсиллатиб бир шапалоқ урди. Юзим ёниб кетди ўзиям. Бир пас кўз олдим қоронғулашди. Нимагадир бутун танам қизий бошлади. Гўё айб устида қўлга тушган жиноятчи ҳолида эдим. Оёқ-қўлим қалтирай бошлади. Шапалоқнинг зарбидан эмас, холимнинг забунлигидан хўрлигим келиб хўнграб йиғлаб юбордим. Ўтириб олиб кўп йиғладим. Кўзларим ачишиб кетди. Бориб уйдагиларга айтиб берсам-чи? Отам уйда йўқ, акамнинг бу одамга кучи етмайди. Бобомга айтсаммикан? Бобом «гўдакни нега урдинг, эй, от тепкур» дейди. Хезланиб келади. Урмоқчи бўлади, шунда чол мени айблаб қолса-чи. Бировнинг қизига кўз олайтиряпти, хат ёзаяпти, деса-чи. Бундан ортиқ уят, алам қиладиган жойи борми тагин. Моторхонани томоша қиладиган қирга чиқиб, узала тушиб ўзимни босиб олмоқчи эдим. Қирга чиқдим. Атрофда ҳеч ким йўқ. Тавба, бўкириб йиғласанг ҳам биров нима бўлди, деб сўрамайди-я? Узала тушиб олдим, энди йиғлагим келмаётган эди. Чаккам ҳалиям қизиб жонсиздай бўлиб турибди. Теваракка қарасам, ўнг кўзим жимир-жимир қилади, қовоғим халтадай осилганга ўхшайди. Туриб, хайрон бўлиб, узоқларга, Оқзов томонларга қарадим. Бир қора одам кетаётгандай туюлди. Ўнг кўзимни бармоқларим билан беркитиб, чап кўзимда қарадим. Чол елкаси бир оз букчайган кўйи шувок, буталар оралаб бир маромда кетиб борарди. қозонбулоқ, Токли, қизил олма, Кийикли, Оқ зов, Парандоз, Беш бармоқ, ўх-хў, ундан нарисиди яна юртлар бормикан ё дунёнинг охири ўша ерлармикан? Менинг бола назаримда ер шарининг охири чегараси кўриниб-кўринмаётган ўша кўкимтир тоғлар эди.

Анови менинг қўнглимни вайрон қилган, ёруғ хаёллар суришга, шахлоқўз Бибисора билан суҳбат қуришимга, хат ёзишимга монелик қилувчи, мудом қўл кўтариб йўлимни тўсиб қўрқитувчи қора плашли шпион сўхтаси совуқ чол ўша тоғлар чўққисидан йиқилиб ўлсин, Парандоз чўққидан қулаб кетсин, парча-парча бўлган гўштани, қузғун, калхатлар есин!

* * *

Кечқурун молайиришдан сизир, таналарни айириб қайтдим. Онам нега бунча шишиб кетгансан, биров урдими, деб тергади. Ҳеч нарса бўлгани йўқ, бетимга чўп тегди, дедим. Онам юзимни ушлаб кўрди, ким урган бўлсаям илоё қўли синсин, деди. Ҳеч ким урмади, десам ҳам, бармоғининг излари турибди-ку, деди. Бари бир айтмадим.

Ётарда онам ҳар куни эртак айтар эди.

Бу гал эртакдан сўнг ухламай, анови шпион чол яна бизникига келадими, деб сўрадим.

– Бу Азроилдай сўрамай келадиган чол, – деди онам. – Чолни келган куниёқ таниганман. Урушдан кейинги ўроқ-машоқ йили у Саритой тоғамни ўроқ билан сўйиб кетган.

– Нега сўяди?

– Негалини ҳеч ким билмайди. Бу одам мактабда дарс берар эди. Саритой тоғам саводли эди. Райондан газет, китоб опкелиб ўқир эди. Бир куни ёз пайти тоғам уйининг олдидаги супада газет ўқиб ўтирса бу одам ўроқ кўтариб келиб қолган. Келинг маллим, деб ўрнидан тураётса, ўроқни бир силтаб қорнига тикиб тортиб юборган. Тоғам ичак-чавоғи осилиб қолиб кетган. қизлари, бизлар, янгам чувлаб қола берганмиз. Бу совуқбашара шундай плашини ечиб майкачан бўлиб олиб тоққа қараб қочган.

– Ҳеч ким ўч олмадими?

– Билмадим. Биров дарагини тополмаган бўлса керак. Бизлар ёш эдик-да.

* * *

Шу бўйи чол қишлоқда қорасини кўрсатмади. Мен ҳам энди Бибисорага хат ёзмадим. Энди

ўйлар эдимки, хат ёзсам ёки учрашсам чол бир ёқдан қора калхатдай учиб келади. Йўлимни тўсади.

Балки энди ўроқ кўтариб келар...

* * *

Ёз ўтди. Янгамнинг бўйида бор эмиш. Унинг оқиш-сарикдан келган юзлари қизариб, тўлишди. Семирди. Билак ва кўкраклари бўлик бўлди. Оёқлари ҳам.

Янгам ойдаи эди. Ойдек тўлин эди.

* * *

Қишга бориб туғди. Бир бўларли ўғил туққан эмиш: новча, кўзлари кўкиш. Кимгаям ўхшарди, амакимга-да: полвон бўлса, кўзи кўк эмас, маллатоб. Лекин ҳазилнинг уйини куйдиради. Онаси билан ҳам сенсирашиб, туртишиб, жўрттага уришиб кетаверади. Бунда хотин бўлса балиқдай. қишлоқнинг азобли меҳнатидан чўчимайди. қайтамга кундай, ойдаи очилаверади.

Менинг дунёда ягона янгам!

Амаким у билан қандай бахтли!

* * *

Мен бир оз улғайдим. Пионер бўлдим, сўнг комсомолга яқинлашдим. Бибисора ҳам бўй етган қизлардай очилди. Энди биз бир-биримизга бошқача қарай бошладик. Бу бошқача туйғу эди. Биз гўдак эмасдик, бир-биримизни сизлардик.

Янгам бир этак бола туғиб ташлади. Ҳаммаси ўғил. Ҳаммаси оппоқ, полвон болақайлар. Фақат каттаси новча, ориқ, қора, кўк кўз. Бошқанинг боласидан ажралиб туради.

Янгам энди турмуш ташвишларига кўмилди. Шаддодлиги ҳам сусайди. Биз билан аввалгидай ҳазиллашиб ўтиришга вақти ҳам йўқ эди. Балки хоҳиши ҳам йўқдир. Аммо синглиси Бибисорани менга оберишга ваъда қилган. Бибисора эса янгамнинг аввалги кўришига ўхшаб тобора бўй етар, тобора гўзаллашиб борарди. Аммо биз энди бир-биримизга аввалгидек болаларча тирғалишдан ийманар эдик. Янгамнинг икки оғиз ваъдаси худди бизни унаштириб қўйгандек эди. Чунки бизни таниганлар аллақачон ошиқ-маъшукка чиқариб улгурган, гап-сўз қилиб юборишганди. Шу боис унга хат ёзмаётган бўлсам ҳам ҳар куни ёзаётган, кўришмасам ҳам ҳар куни пана-пастқамларда учрашаётган, кучоқлашаётган ва бўса... олаётган эдим.

Бироқ унга айтар сўзларим кўп. Чегачи чолни у ҳали билмайди. Бу сирли одам ҳақида гапиргим келади. Чол эса шу бўйи гумдон бўлди. қанийди зовдан тушиб кетган бўлса.

* * *

Бир замонлар, тоғ ортидаги тожиклар билан бизнинг қишлоқдагилар борди-келди қилмасларидан бурун ўша ёқлик овчилар тонг чоғи Парандоз чўққисида ялтираган қора нарсани кўриб қолишибди. Ўшшайиб катта сойга туртиб чиққан чўққи учида телпақдан каттароқ бир нарса тонг шафақида живир-живир товланар эмиш. Бири- ёмби, този олтин бўлаги деса, бири – тош шираси – мўмиё, кийик ҳам етолмайдиган қояда қотиб туриб қолган дейди; ёзда у эриб, сойга томчилаганда кийик, олқорлар сой тошлари устидан уни ялаб ейдилар. Чунки умр бўйи тоғ-тошда сакраб ҳаёт кечирувчи бу беозор жониворлар кўпинча оёғини, тошга уриб лат ейди, синади. Савқи табиий равишда шу мўмиё малҳам эканини биладилар ва талпиниб ундан

ризқланадилар, шундай қилиб ўзларининг жароҳатига ўзлари малҳам кўядилар. Ўқ тегиб ярадор бўлса ҳам қочиб кутулиб кетиб, сўнгра тузалиб оёққа туриб кетгувчи олқорларнинг соғайиш сабаби ҳам шундан. Буни овчилар яхши билишади. Қочди демак, энди у мўмиё бор жойга етиб олади, ўша ёқлардан пойлаш лозим дейишади. Хушёр жонивор эса ўта ҳид билгич, одам исини ҳам, мўмиё исини ҳам тез пайқайди: энди чўққилар атрофида тагин овчига ўлжа бўлишни хоҳлармиди дейсиз – қочади-кетади-да.

Хуллас, овчилар маслаҳатни бир жойга қўйиб, зовга чўққининг тепа томонидан бир кишининг белига арқон боғлаб туширишни келишининг олишади. Арқонларни бир-бирига боғлаб, Парда исмли бир бўз йигитни тушириб, ўзлари нарёқда арқоннинг бир учини маҳкам тортиб туришади. Йигит чўққининг ёмби ялтираб турган лабига етай деганда шунақа қаттиқ шамол турадики, муаллақ қолган йигит беихтиёр ён томонга сурилиб кетади. Ўз оғирлиги билан босиб турган арқон ҳам сирпанади, шу сирпанишда давом этаверади, қоянинг қиррали тошлари арқонни кесиб кетади, бора-бора у енгил ипларда илиниб қолади ҳамда қоянинг бир четига етганда чарс узилади ва йигит пастга қараб вой-ҳойлаганча тушиб кетади. Пастга, боя улар маслаҳат қилган жойга Парданинг бир неча бурда гўшти ва кийимларининг бир парчасигина учиб тушади. қолган тана қисми Парандознинг арра тишидай чўққиларида осилиб қолиб кетади. Шундан бери у ёққа кишилар кўп ҳам талпинмай қўйишган. Ёмбини ёки мўмиёни кўрадилар, тамшанадилар, аммо у беозор тоғ жониворининг дахлсиз ризқи эканига иқрор бўладилар.

Бир бўз йигитнинг бевақт ажали уларнинг очкўзлигига барҳам берган бўлса ажабмас. Айтиб бўлмайди: вақт-замони келиб бир удабурон учар бу чўққиларга вертолётда келиб ҳамла қилиши ҳам мумкин-да. Ахир техника тараққиёти нималарга олиб келмаяпти.

Мана, неча йил ўтди, чегачи чол ўша ёқларга кетди, даф бўлди. Бироқ ўсиқ қошлари ва юзидаги баттар қора мўйлари орасидан ўқдай қадалиб боқувчи кўк кўзлари ҳамон эсимга тушади, туйқус сесканиб кетаман. У менинг болалик туйғуларимнинг йўлини кесиб чиқди, гўё сен бола эмассан, ўйнаб-қулишга ҳаққинг йўқ, дегандай бўлди.

Бу дунёси унча ҳам кенг эмас экан.

Ўша чўққи, Парандоз – дунёнинг бир чеккаси. Чол эса чўққидан ошиб нарига кетган. қани эди у чиндам ҳам ер шарининг охириги чегараси бўлса-ю, чўққидан нарёққа овчи йигитдай парча-парча бўлиб тушиб кетган бўлса...

* * *

Еттинчи синфга ўтаётганимда биз турган жойлар торлик қилиб, пастдаги қишлоққа кўчиб тушдик. Мактаб олислигини ҳисобга олмаганда бу ерлар кенг, яйлов кўп, сербулоқ-сув ҳам етарли, ҳаммадан ҳам мол боқиб кун кўрувчи отамга ўнғай эди. Мактабдан келгач, биз бемалол отамга ёрдамчилик қила олардик. Энг муҳими, биз Бибисоранинг қишлоғига яқин жойга кўчгандик. Бир уй, бир дахлиз қурдик. Саккизинчи синфга ўтганимда тагин бир уй ва ғаллахона, молхона солдик. Кейинги йил каникулда ўтинхона ва яна бир уй курсак, эл қатори яшай бошлаймиз, ҳеч ким бизни камбағал демайди.

Физкультурадан бизга тарих ўқитувчимиз, отамнинг ошнаси Сайпи муаллим дарс ўтарди. У ҳар баҳорда сел ювиб кетувчи сайхонликдаги стадион деб аталувчи майдончамизда олтмиш метрга пойга югуртиришнигина биларди. Мактабимиз футбол, волейбол тугул бир турникка ҳам ёлчимаган эди. Югуришга ўнғай жой ҳам умумий машина йўли, ҳар замон патирлаб бирор трактор ёки мотоцикл чангитиб ўтиб қоларди. Тракторни эса то кўздан пана бўлгунча қувиб борамиз, ичимиздан бирда-ярим шўтанокларимиз теляшқасига осилиб олар, тракторчи пайқаб қолиб, такторини тўхтатиб сўкиб туширгунча тушмас эдик. Тушгандан кейин ҳам қўймай теляшқасига тош отиб қарсиллатиб ураб эдик. Нима зарил экан – ҳайронман. Шўхликмикан ё техника камлигидан ҳавасакмикан? Тавба.

Хуллас, Сайпи муаллим қадами билан ҳоппойлаб олтмиш ҳоппой санаб, у бошигаям, бу бошигаям ялпоқ қайроқ тош билан ўйиб бир чизик тортарди. Команда беришдан олдин уқтирарди: «бошинг етсин, кетинг қайтсин! Тушундингми?» Албатта, бу гапни қиз болаларга айтарди. қиз шўрликлар рўмоли ечилиб, калишини пойи тушиб қолиб, сўнг имиллаб орқасига қайтиб, рўмолини бошқатдан пешонасига танғиб ўраб, отилиб кетган калиш пойини топиб, учи йиртиқ пайпоғини қўли билан қоқиб, артиб, кейин пойабзалини кийиб, устидан кулган ўғил болаларни қарғай-қарғай бемалол юриб келарди. Муаллим бари бир уларга «тўрт» ва «беш» баҳо қўйиб нарига ҳайдаб юборарди-да, сўнг ўрнига ўғил болаларни сафга тизарди.

Бу сафар ўн икки нафар ўқувчига худди бир болага уқтиргандек команда берарди: «Қара, ҳой бола, бу чизик и нарги чизик, ораси олтмиш метр, старт берилади – учасан, нариги чизикқа бошинг етсин, ортинг қайтсин. Бутун дунё спортида шу қоида – қаерга борсанг баравер. Биров бир нарса деса – номаъкулнинг нонини жепти! Хўпми, ҳаммага тушунарли, а? Кетдик: внимание! На старт! Марш!

Ичимизда биргина Зойир «тўрт» баҳо оларди. қолганларники – «беш». Чунки унинг қишин-ёзин киядиган кетаси тамом айрилиб кетган, тез югурганда оёғининг остига қайрилиб тушиб суришиб кетар, югурганда ҳам пойабзалининг ичига ҳаво кириб «ҳап-ҳап-ҳап» этган товуш чиқарар, биз бу товуш қаерингдан чиқяпти, деб қотиб кулардик.

Абдураим билан Ражаб бу ташвишдан холи эди. Чунки улар қишда ҳам бир нарса киймасдилар, бемалол ялангоёқ қор, лой кечиб келаверишарди. Чамаси камбағалчилик ё отасининг зикналиги устун келиб оёқлар туёққа айланиб бўлганди, валлоху аълам.

* * *

Шаҳардан Фахриддин деган физкультура ўқитувчиси келди-ю бу юмушларга барҳам берилди: «туёқдорлар» қандай кўринишда бўлса-да пойабзал киядиган бўлди –ўқувчи қишда ялангоёқ ўқишга келиши кодексга мувофиқ эмас. Иккинчи янгилик – Сайпи муаллим жисмоний тарбия дарсидан озод эитилиб, тарихчилигига куни қолди.

Қорачадан келган, хушбичим бу физкультура ўқитувчиси ўта қаттиққўл эди. Берилган вазифани бажаролмасанг жазоларди. Масалан, темирдай қаттиқ қўли билан билагингдан маҳкам қисиб ўзига тортиб, кўзини тик қадаб тураверарди. Темир қўли билакни ўйиб кетарди. Иккинчи жазоси – бош кийимни ечтириб қўйиб, бошқа бармоғини иккинчи қўли бармоғига тираб туриб рогатка қилиб уриш эди. Ўйлашимча бошга гурзи тушса, бундан кўра енгилроқ бўларди, чунки унинг бармоғи оддий бармоқ эмас, мундайроқ болтга ўхшаб тегарди ва ўша заҳоти шишиб чиқарди. қизларни эса иягидан қўли билан кўтариб, ўзига қаратиб оларди, иягига бармоғини тираб кўзини чақчайтириб тураверса – шунинг ўзи оғир гап эди, биринчидан, қизнинг нозик ияги кўкариб чиқади – оғриқ ҳам бор-да, иккинчидан, нигоҳ масаласи анча ваҳимали эди – кўзига кўзи тушгач беихтиёр хўнграб йиғлаб юборарди.

Аммо мактабимизда кўп ўзгаришлар бўлди. Ўз кучимиз билан волейбол майдончаси қурдик: сой тошларини териб майдонни тозаладик, иккита устунга ер ковлаб, уни ўрнатдик, сетка тортдик, майдон четига майда тошлар териб чиқдик. Бир чеккага турник ўрнатдик.

Баъзан кечки пайтларда шу тор майдонда футбол ҳам ўйнардик. Бироқ тўп ҳадеганда сойга тушиб кетар, тошқин сой уни оқизиб кетарди. Икки бола югуриб, унинг ортидан қувар, хода билан уриб сувдан ташқарига чиқаролмагач, бир чақирим пастдаги тегирмоннинг ёнидаги қисилчангдан сув кечиб тутиб келишарди. Бунгача футболчиларимиз коптокни сувга тепиб юборган чемпионни сўкиш билан андармон бўлиб турар, у бўлса ўзини оқлаш учун бошқани айбдор қилиб бақириб ётарди. Бу тор майдонда «аут» қилмасликнинг эса сира иложи йўқ эди.

Нима бўлганда ҳам Фахриддин муаллимнинг турник ўрнатиш сиёсатини ижобий баҳолаш мумкин эди, сабаби биз ўғил болалар турникда тортилиш у ёқда турсин, чирпирак бўлиб

айланиш машқини ҳам ўзлаштириб олдик. Дарсдан кейин ҳам галма-галдан турникка осилганимиз осилган эди. Домла бу юмушга қизларни ҳам сафарбар этиб улгурди. Табиийки, умрида бир нарсага осилиб кўрмаган қизлар турника яқинлашгиси ҳам келмасди. Домла уларга қатъий команда бериб чақирар, ўзи белидан кўтариб турникка етказиб кўяр ва «тортил» деб зўрлар эди.

Бу ишларга қизлар қарши эди. Ҳатто ота-оналар, баъзан муаллимлар ҳам аралашиб кўришди. «Қизларимизнинг путини кўтариб гимнастикачи қилмоқчимисан, мактабни битирса эрга тегади, ўқишгайм, ҳеч жойга бормайди. Буларни буйтиб шарманда қилма!»

Фахриддин муаллим рус тилидан дарс берувчи Аҳмад муаллимникида ётиб юрарди. Аҳмад муаллим бир куни ўқитувчиларга айтибдики, бу йигит марказдан махсус жўнатилган, қишлоқларда спортни ривожлантириш, улар ичидан зўр чемпион етиштириб бериш унинг асосий вазифаси, топшириқ билан келган.

Ростдан ҳам мактабимизда хоккейдан бошқа ёт ўйин турларининг ҳаммасини ўргана бошладик. Қизлар ҳам лозимларини ечиб брижа, кета кийишарди, югурганда елпиниб халақит бермаслиги учун дуррача ва рўмолларини ечиб ялангбош бўладиган одатлар чиқаришди.

Қиш ўтса, туман марказида ўтадиган ўқувчилар спартакиадасига ҳам қатнашадиган бўлдик.

Қишда синф хоналарда дарс ўтиларди. Волейбол, футбол, гандбол, баскетбол ва бошқа спорт турларининг қоидаси, назарияси ўқитилар, ёздирилар, ёдлатилар эди. Дафтарлар тўлиб кетарди. Ёзилган қоидаларни ёдлаш шарт, бўлмаса жазо қаттиқ.

Айни вақтда тош кўтариш, ўтириб туриш, қўлга таяниб гавдада ётиб туриш каби машқлар ҳам синфда бажариларди. Ётиб туриш айниқса қийин эди. Мактаб пол бўлмаганидан парталар ўртасидаги йўлак лой, тупук-шилимшиқ жой, шу ерга кафтинг билан таянишинг керак эди, чарчасанг ҳам домла устингда туриб «давай» деяверар, охири қўлинг толиб юзинг, кўкрагинг билан шу булғанч жойга ётиб ҳам қолардинг. Аммо муаллим бошингда туриб олиб «двадцать один, давай, еҳё четўре раз» деб бақираверарди.

Аҳмад муаллимнинг уйига икки хотин ва бир чол жанжал кўтариб борибди: қизларимизни тинч қўядими бу ё қишлоқдан изини қуритайликми?.. Муаллим яна ўртага тушибди: бу ўзи яхши йигит, нияти яхши, ҳукумат бободан шундай-шундай топшириқлар олиб келган, қишлоғимизнинг номини элга кўрсатмоқчи. Яна бир янгиликни сизлар билмас экансизлар, айтиб қўяй: бола асли қишлоғимизга жиян экан. Саритой бобонинг ҳалиги бурун қочиб кетган аёли бор-ку, ўшанинг ўғли эмиш. Момой уч йил олдин ўлипти, боласигаям тоғаларингни топ, деб васият қилпти. Бу, энди, тоғаларининг ичида бир оз эркалик қилса, кечиринглар-да. Педагог ўғил-қизларингизни тарбиялаб одам қилиши керак. қизиқ экансилар. Мана, бизга ўхшаб мундайроқ ўқитса, болалар русчани ўрганмаса, майли, қаттиқ турганнинг энасини Учқўрғондан кўрсатиш керак экан-да, а? Бундай бўлмайди-да, қўйинглар энди...

Одамлар қариндошлик туйғулари билан бир оз юмшаб, шунда ҳам қизларимизни путини кўтариб турникка осилтирмасин, дея шарт қўйиб ортга қайтишибди.

Бироқ Фахриддин муаллим бари бир шаштидан қайтгани йўқ. Айниқса у мен билан ўчакишади. Ерга қўл билан таяниб туришни бошида эплаёлмасдим. Кейин йигирма, элликтага чиқардим. Бошқалар йигирматага етказа олмаса ҳам менга етмишта қиласан, деди. Етмиштага ҳам етказдим. Бари бир у менга илиқ гапирмади. қишнинг ўртасида у қаердандир йигирма тўрт килолик тош топиб келди. Аввал ўзи кўтариб кўрсатди. Енгил нарсани кўтаргандай уч марта ҳаволатиб кўтарди. Партадодим Абдушукур беихтиёр «ўхў, маллим, полвон экансиз, нечтага оборасиз?» деб қолди.

Муаллим қовоғини уйди.

– Йигирмадан ошади, – деб қўйди сўнг тўнғиллагансимон.

Тош ниҳоятда оғир, жойидан кўзгатишнинг ўзи амри маҳол эди. қиш бўйи ҳадисини олгач, кўпчилигимиз уни уч мартадан ошириб кўтарадиган бўлдик. Мен майиша-майиша йигирмага

етказдим. Майишганим менга дакки олиб келарди. Сўнг майишмай ўнг кўлимда ўттизга етказадиган бўлдим. Чап кўлда ўнтадан оширолмасдим. Муаллим шу томонимга ёпишиб олди. Худди бошқа қиладиган иши йўқдай мен билан ўчакишар, сира бунинг сабабини тушунолмасдим.

Кўклам чикди. Дарслар ичида энг муҳими физкультура бўлиб қолди. қизлар ҳам оғир жисмоний машқларга ўрганиб қолишди. Футбол ўйнамас, кураш тушмас, тош кўтармас эдилар, холос, бошқа ҳаммасини бажаришга мажбур эдилар Баҳордаги туман спартакиадасида биз яхши қатнашдик. Югуришда, узунликка сакрашда камина биринчи ўринни олдим. Футболда ишимиз юришмади, майдон катта, қоидадагидек тўқсон метр, тор жойда ғуж ўйнаб, коптокни сувга тушириб юборишдан чўчиб қисқа масофага тепиб ўрганганимиз панд берди чоғи, ҳеч қайсимиз узоққа тепиб, бир-биримизга оширолмаймиз. Дарвоза ҳам катта, дарвозабонимиз узоқдан келган тўпни ҳам ўтказиб юборади – кичкина дарвозага ўрганиб қолган-да. Учта мактаб билан ўйнаган бўлсак, учовидаям йирик ҳисобда ютқаздик: югурамиз – бефойда. Ҳар гал ўйиндан кейин ҳақимизни оламиз: Фахриддин муаллим бўралатиб ўрисчалаб сўкади. Нима деяпти – тушунмаймиз. Одам бўлмайсизлар, деётган чиқар-да. Янаям айтиб бўлмайди, шахар кўрган, ўрисча таълим олган.

Қизларимиз волейболдан учинчи, биз иккинчи ўринни олдик. Биринчини ҳам олардиг-у, ҳакам уларга очикдан-очик ён босди. Ўқитувчимиз бир оз қизишди, ҳакам билан талашди, фойдаси бўлмагач, тагин биздан ўчини олди – русчалаб бақирди.

Ўнинчи синф қизларидан Тўти опа деганимиз ҳам турникда машқ бажаришдан учинчи ўринни эгаллади. У ҳамма машқларни рисоладагидек бажарди, бироқ формаси йўқлиги, қишлоқча кийингани, ақалли рўмолини ҳам ечмагани унинг очкосини тушириб юборди. Шундоқ ҳам муаллим Тўти опани мактаб турнигига белидан ушлаб чиқариб қўйгани, оёқларининг юмшоқ жойларидан ушлаб турникда айлантиргани, кейин яна кўтариб тушириб қўйиб, ўрисча макташи гап бўлиб кетган эди.

Кўп ўтмай муаллимнинг Аҳмад аканикидан мактаб қоровули Исрофил бобоникига кўчиб ўтгани бу гап-сўзларни яна кўпайтирди. Чунки Тўти опа – Исрофил бобонинг кенжа қизи. Гарчи мактабда унча аълога ўқимаса ҳам жуда чиройли, дуркун қиз. Унча-мунча аълога ўқийдиган катта йигитлар ҳам унга суқланишар, хатлар ҳам ёзишарди. Айтишларича, у бу синфдошларига парво қилмайди, Тошкентда ирригация институтида ўқийдиган туман марказидаги йигит билан аҳд-паймони бор эмиш, қиз мактабни тугатган заҳоти бунга уйланармиш, кейин Тўти опани медтехникумда ўқитиб дўхтир қилармиш. Ана орзу, ана бахт! Одамлар ҳали ўқувчилигидаёқ келажак истиқболини таъминлаб қўя оладилар.

Куёв бўлмиш ҳам гоҳо қишлоққа келиб, мактаб атрофида ўралашиб юрармиш. Кеч тушгач Тўти опа билан бекитиқча шивирлашиб кетармиш. Тошкентга бориб фавворалар бўйида гулдор қўйлак, клёш шим, узун сочларда ўртоқлари билан тушган, пастига «Тошкент-1974» деб чиройли ёзилган суратини юборармиш.

Фахриддин муаллим Тўти опаларни кига кўчиб ўтгач бу миш-мишларнинг шовири камайди. У Тўти опага келган хатларни йиртиб ташлармиш, йигитга ёзилган хатлар ҳам етиб бормасмиш.

Ва, кунлар ўтди – Тўти опа Фахриддин муаллимни севиб қопти, деган гап чикди. Ростдан ҳам муаллим энди физкультура дарсларида Тўти опани кўп аяйдиган, аввалгидай мураккаб машқларни бажартирмайдиган бўпти. Ҳар қалай бу гап бекорга эмасдир. Дўппидай қишлоқ, ҳамма бир-бирини билади – сир ётадим бу ерда?

Мен туман газетасига бўлиб ўтган спартакиада ҳамда унда мактабимиз спортчи ёшларининг муваффақиятларини бир-бир санаб, мақола қилиб хатда жўнатиб юбордим. Унда Тўти опанинг ҳам моҳир гимнастикачи экани, туманда фахрли учинчи ўрин соҳибаси бўлгани тилга олинган эди.

Тўрт кун ўтиб, мактабда буткул шов-шув кўтарилди, «Жонибекип, ёзувчи бўп кет-э»,

«Илғор чорвадор»да мақоланг чиқибдими? Югур, кўниш почтачи хали шу ерда, хат тарқатяпти».

Отилиб чиқиб дўконнинг ёнидаги почтачи от боғлайдиган столбага қараб чопдим. Одатдагидек кўниш ака икки кўзи посилка ва газетага лик тўла хуржунини бутини орасига қисганча кирланиб, шўр босиб, ранги унниққан дўпписини кўзигача бостириб терлаган кўйи бир даста хатни эгалари ёки қариндошларига тарқатмоқда. У содда бўлсаям жуда сезгир одам. Узоқдан мени пайқади-ю хат ўқишдан тўхтади.

– Ўх, бўламнинг боласи, молодес. Жўрналис бўлади бу. Бери кел.

Шундай деб у хуржунидан менга иккита «Илғор чорвадор» газетасини олиб узатди. Яна қайтиб олди-да:

– Мана бу ерда, охирги бет. Ана, «Жонибеков», сенми шу? Ҳа, бўламнинг боласи, яна ёз! – деди ва тагин гувиллаган ўқувчилар қуршовида мактубларни бирин-кетин ўқий кетди.

Мақола газетада бир қарич жойни эгаллаган, бу жуда катта дегани эди. Менинг биринчи мақолам. Чиқадими, чиқмайдими деб ёзиб юборсам, чиқаришибди азаматлар. Илғари «Гулхан» журнаliga икки марта шеър жўнатганимда, улар хали пишиқ эмаслиги, кўп ўқиб, ўз устимда ишлашим зарурлиги ҳақида ёзиб жавоб жўнатишганди. Чиройли, рангли қоғоздаги мактуб эди. Негадир шунда ҳам жуда севинганман. Бу гал эса нақ газетанинг ўзида, ҳе йўқ, бе йўқ, босиб чиқаришибди-я. Демак, таниш-билишчилик қилишмас экан, эгасини билмасаям чиқараверишаркан. койил!

Сўз, гап тузилиши, сарлавҳа ҳам гарчи ўзимники бўлмаса-да, маъноси ўша-ўша эди.

Кейинги алгебра дарсимизда деярли дарс бўлгани йўқ, ўқитувчи ҳам қизиқиб кетиб, аввал бизнинг мақолани, кейин газетанинг у ёқ-бу ёғини ағдариб обдон синчковлик билан ўқиб чиқди.

– Ҳа, ана, биздан ҳам чиқар экан-а, – деди.

Болалардан дам-бадам газетани тортиб оламан. Ўзим ёзган нарсамни қайта-қайта ўқийман. Ҳарфлар бир-бирига урилиб жимирлашиб кетади. Шунда кўзим ёшланаётганини сезиб қоламан.

Дарс сўнггида синфга директор кириб келди. У мени турғизиб кўйиб бир оз мактади. Мактабдан ташқари бўш вақтларида шеър ҳам ёзаркан, мана, районимизнинг газетида шеъри чиқибди, биласизларми бу қандай газет-жуда катта газет, у ерда унча-мунча нарсани чиқазишмайди обдон суриштиради-кимнинг боласи, отаси судланганми, қайси мактабда ўқийди, «беш»и кўпми, «тўрт»ими, хулқи, интизоми қандай – бари-барини сўраб, билиб, ундан сўнггина шеърини чиқаришади. Шундай экан, биз бу боланинг хулқи, одоби, ўқиши билан тинмай шуғулланишимиз зарур. Шундай эмасми, домла?

– Шундай-шундай.

– Ўзи сиздики нима предмет?

– Алгебра.

– Ҳа, дарвоқе, алгебра. Бу боланинг ўзлаштириши қандай ўзи?

– Тузук. Масалаларга бир оз кучи етмайди, лекин тарбияласа бўлади.

– Физкультураси қандай экан?

– Унисини билмадик, директор бобо. Мана, шеър ёзишиниям сиздан эшитдик. Мақоласини ўқидик.

– Ие, бу мақола дейиладими, шеър эмасми?

– Мақола-да бу, домла.

– Майли, бизга бари бир. Муҳими – чиқибди. Физкультурасини қандай дедингиз?

– Буниям ўқитувчиси билса керак-да.

– Ҳа-ҳа, билмаппиз, янги маллим ўтса керак-да. Энди билдик, тўғри-тўғри. Турник қандай, турник, – дея менга ияк қоқди директор.

– Турник яхши, баланд.

Болалар дув кулиб юборишди.

У турникда яхши машқ бажарасанми, деб сўрамоқчи эди, буни билардим. Лекин – саволга яраша жавоб-да.

Директор савод масаласида андак бадхатроқ. Лекин «хулқи яхши» эди. Шунинг учун ва айнан чаласаводлиги учун атайлаб район маориф бўлими мудир келиб тайинлаб кетган уни. Чунки шунгача икки-уч директор қўйилганда нукул устидан ёзишма бошланиб кетаверган, бирини иккинчиси, иккинчисини учинчиси ёзиб бадном қилиб, ишдан олдириб ташлайверган. Бу одамнинг доводирлиги, саводсизлиги маорифгаям қўл келган: мана, баттар бўлинглар, дегани бу.

Жонибековнинг мухбирлиги оғизга тушди. Мактабда она тили, адабиёт ўқитувчиларим керилишди: болани биз тарбиялаяпмиз-да, ўқитяпмиз, ёздиряпмиз, иншоларини текшираяпмиз, топшириб «беш»ини қўйиб беряпмиз, натижада мухбирлик даражасига кўтардик. Мана, бутун районга танилди.

Камина бир парча информация ёзиб шу алфоз шов-шув кўтарибман, мабодо Тошкентдаги бирор газетада мақолам чиқиб кетса, билмадим, нима бўлади. Онам бурун сенга ўхшаган саводи борлар одамларга ариза ёзиб бериб хожатини чиқарарди, масалан, Саритой тоғам ўн бир одамни қамокдан опқоганман деб айтганини эшитганман. Сен ундан ошиб тушдинг, деди. Бобом ҳам алқади: ёзғич улим, барака топ!

Менинг ёзғичлигим фақат бир кишига – Фахриддин муаллимга ёкмади. Мақтов, олқишлар бир оз пасанда бўлгач, у мени мактаб коридорида тўхтатди ва ташқарига опчикди.

– Ёзибсан, яхши, – деди. – Лекин билиб қўй: бундан бу ёғига Тўти опанга тил теккизма, нак қўлингни синдириб ташлайман.

Фахриддин муаллимга сўз бердим. Тўти опани ёзаман деб кўзим ҳам учиб тургани йўқ. Лекин бу одам нега ҳадеб мен билан ўчакишади: шунисига қотаман. У туман Наврўз байрамидаги тош кўтариш мусобақасига мени атайлаб қатнаштирмади. Ўзи катталар ўртасидаги тош кўтаришда қатнашиб ютқазиб келди. Ўқувчилар баҳсида албатта соврин олишим мумкин эди. Боз устига мактабдаги тош кўтаришда ҳам нукул менга эллиқдан оширсанг, олтмишдан оширсанг баҳо қўяман, деб қийнайверади. Кураш тушишга укувим йўқлигини билгач, нукул катта синф болалари билан кураштирадиган бўлди. Тош кўтариб юрганам боис рақибимнинг белига кучим етса бас эди, агар у тоғ бўлса ҳам ердан озод кўтариб қулатардим. Мувозанатдан чиқариб чалиш ёки оёқ тираб тўсатдан елкадан ошириб ташлаш усулларини ҳеч қўллай олмасдим.

– Приём ишлатолмайсан, баҳойинг «бир», – дерди у кўзини лўқ қилиб.

Болалар, синфдошларим муаллимнинг адолатсизлигини билишса-да, пичинг қилиб кулишарди. Айниқса, қизлар.

Бир куни муаллимнинг кўзига тик боқдим:

– Илтимос, ўзимнинг баҳойимни қўйинг, сизга ўхшаб физкультурачи бўлмоқчи эмасман!

– Шундайми?

– Шундай!

– Унда жаноби олийларининг баҳоси «бир!»

– Қўйинг ўша «бир»ни. Устингиздан районга ариза ёзаман.

– Ундан нарига – Москвага ёз, билдингми? Кимсан ўзи сан: ўқитувчига, азиз устозингга гап қайтарасан! Мана шу шапалоқдан битга тушади – ўласан-қоласан!

Қочишни мўлжаллаб, орқага бир оз тисландим-да:

– Ўқитувчининг ўқувчини уришга ҳаққи йўқ, – дедим.

– Кўрамиз. Сенга ўхшаган бетарбия, мараз, сволочларни кўзини жойига келтириб қўйиш учун қамчи билан савалаш керак!

Шундай деб у мен томон хезланиб, лекин уришни мўлжалламай – қўлини орқага қилиб келди-да:

– Тупурдим-сенгаям, уруғ-аймоғингаям, – деди башарасини жийириб.

Уруғ-аймоғим бунга нима ёмонлик қилган экан – тушунмадим. Буни ўйлаб ҳам ўтирмай шартта директорнинг хонасига кирдим.

Директор «Прима» сигаретини буруқситганча нималарнингдир чўтини ташлаб ўтирарди.

– Маллим, – дедим ҳовлиқиб, – мен бу мактабда ўқимайман. Бошқа мактабга ўтаман, рухсат берасизми, йўқми – эртадан бошлаб келмайман.

Директор:

– И, – деди-да қотди-қолди.

– Ариза ёз десангиз ёзаман.

– И, – деди яна бир марта директор.

– Фахриддин маллим мени кўймаяпти. Энди ўқимайман бу ерда.

– Жонибековсанми? – деди директор бир оз ўзига келиб. – Ҳа, жўра, нима гап, бунча пишқирасан?

– Физкультура маллим қийнаяпти. Ўқимайман бу ерда.

– Сен бир нарсани тушун: уни ҳукумат бобо, яъниким партия жўнатган – шу ернинг аҳолисини ҳаммасини таълим-тарбия қилиб, муносиб кадр чиқарасан деб. Бундай деганинг нимаси – гўргаям бормайсан.

– Унда районга ёзаман, – дедим тап тортмай.

– И, – деди-да яна қотди директор.

Турди, турди-да, папиросини охиригача симириб бичогини ерга ташлаб, ости қалин боғичли ботинкаси билан обдон эзфилади.

– Жонибекипсан-а сен? Биламан, ёзишни эплайсан. Сен бизга кераксан. Лекин у ўқитувчи билан ўйнашма: тайинланган кадр.

– Бўлмаса айтиб қўйинг, мени қийнамасин.

– И, – деди директор. – Марказдан, – дея бармоғини осмонга нукиди, – ҳа, марказдан келган етук домуллога бир нарса деб бўладими? қизиқ болаёкансан-ку, жўра.

Шартта чикдим-да, синфдан папкамни олиб қўлтиғимга қисиб уйга кетдим. Ҳеч кимга айтмай икки варақ дафтар қоғозига физкультура ўқитувчиси Фахриддин қурбонов устидан шикоят ёздим. Районга. Кечкурун почтачи кўниш аканинг уйига бориб, бир конверт сотиб олдиму устидаги адресини ўзига ёздириб қўлига тутқаздим.

Директорга ҳам энди бу мактабда ўқимайман, деган мазмунда ариза бердим. Домла одатдагидай «и» ҳарфига урғу бериб қотиб қолаверди. қайтиб мактабга бормадим.

Уч кун ўтдим, тўрт кунми, директор мени, ота-онамни чақиртирибди. Отамнинг қўли тегмаганидан эшакка миндириб онамни олиб бордим. Ўқитувчилар хонасида синф раҳбарим Улаш ака, завуч Хотам муаллим, директор ва директорнинг ёнида физкультура домлам мунғайиб ўтиришибди.

– Чеча, – дея гап бошлади директор, – бу болангиз бизда тузуккина ўқиётиб эди, кейинги вақтда айниди. Газетада шеъри чикди – айниди-қолди. Бу укамиз Пахриддин шаҳардан келган. Олий маълумотли. Гандболми ё волейболданми, а, – дея физкультурачига қаради директор, – ҳа, гандболдан чемпион бўлиб медаль олган полвонлардан ўзи. Бизга керак одам. Ўғил-қизларимиздан спортчи чиқараман, деб жон куйдирыпти. Улингиз, манови бўлса шундай катта домулла билан тирашади. Ай, ким қўйибди тирашишни бунга, китобини ўқисин, одам бўлсин.

Онам менга мўлтираб қаради. Жуда хафа эди. Бечорани мажлисга чақиришнинг ўзиёқ уни тамом қилганди.

– Маллимжон, кечиринг, мен буни уришиб қўяман, – дея олди зўрға.

Йўлда онам билан шунга келишган эдик. Бошқа гап гапириб ўтирманг, дегандим.

– Масала ҳал, – деди директор, – ота-она буни тарбия қилолмаган, биз эпини қилолмадик, улингиз ҳайдалади мактабдан. қаерга борса бориб ўқийверсин.

– Ўзи нима қилди болам? – дейишга журъат қилди онам. – Айтинг-чи, нима қилди, қаерга бориб ўқисин?! – Шундай дея онам бечора юм-юм йиғлайверди.

– Йиғламанг, – дедим онамга. – Қайтанга яхши бўлди. Жумабозорнинг мактабига бориб ўқийман. У ерда ўқитувчилар яхши ўқитади экан. Ҳаммаси олий маълумотли. Мактабни битирганларнинг ҳам ҳаммаси ўқишга кирар экан. Йиғлашингизга арзимади. Жумабозорнинг мактаби энди бизга яқин-ку. Ҳечам йиғламанг, кетдик.

Йўлда онам йиғлай-йиғлай менга арз қилиб кетди:

– Шу жаллоднинг боласиминан қасдлашасанми? Отаси Саритой тоғамни сўйиб қочган, уч кундан кейин Гулой чечамни отга ўнгариб опқочиб кетган бўлса, Гулойдан туғилган бу бола тагин келиб қишлоқда билган номаъкулчилигини қилиб юрган бўлса, бандаси буларминан тенг келолмайди, болам. Нега сен қасдлашдинг?

– Мен ҳали унинг ковушини тўғрилаб қўяман, – дедим негадир. Аммо отасининг қилган ишларидан кўрқиб, титроқ босди.

– Сени бир нарса қилиб қўяди, шунисидан кўрқаман.

– Нурмат, Шермат тоғалар Саритой тоғанинг болалари-ку. Шулар ўч олса бўлади-ку.

– Қўй уларни. Мурғак гўдакка ўхшайди.

– Ана холос. Бу дунёда қотил бўлиш керак экан-ку. Кўрасиз, ҳали совет ҳукумат бундайларни жазолайди. Бугун-эрта жазолайди.

Уйда бобом ҳам мени койиди.

– Буларминан тенг бўламан дея кўрма. қўли қон, болам. Сенга зиёни тегади. Бизнинг қўлимиздан нима келади? Худо кўрсатмасин, отаси қилган қилиқларни қилса бутун юртни харомга ботиради.

– Мен унинг устидан ёзганман. Ҳадемай комиссия келиб текширади.

Уйда бобом ҳам мени койиди.

– И, – деди бобом директорга ўхшаб. – Тинч юр, ёзма буни, нега Азроилга тегишасан, жоним болам. Бекор қипсан, энди ҳаммамизни хонавайрон қилади.

* * *

Мактабни комиссия босди. Мен шикоятда Фахриддин муаллимни ахлоқан бузуқ, ўз ўқувчиси Тўти Исрофилова билан бузуқ ишларни амалга оширган деб ҳам ёзган эдим. Иккита мелиса ҳам кепти. Улар муаллимдан тушунтириш хати опти. Тўти опа мен муаллимни севаман депти. Бироқ отаси мен кўп нарсани билиб юриппан, кўрқиб индамаётувдим депти. Тўти опанинг онаси келиб қизининг ҳомиладорлигини айтибди. Бу жуда катта гап бўлиб кетди. Боз устига мелисани кўриб ҳимоячи топилганидан бошқа ота-оналар ҳам менинг боламниям урар экан, деб ёзиб беришибди.

Бўлди тўполон, бўлди тўполон.

Аканг қарағай жиноятчидан қаҳрамонга айландим. Муаллимни мелиса опкетадиган бўлди. Мен ҳам шу атрофда ғолибона айланишиб юрар эдим. Почтачи қўниш ака келиб мени сўрабди. Бордим. Бир каптанса тутқазиб қўл қўй деди. қўл қўйдим. қўйнидан олти сўму йигирма тийин чиқариб берди. Газетадан пул келибди. Гонорар дейишаркан буни.

– Менга қара, бўламнинг боласи, – деди у тўсатдан. қизиғар ўттиз йилдан бери хат, пенсия, газет-жўрналларингди ташийман. Биров бир оғиз раҳмат демайди. Сен ёз. Мақта, хўпми? Газетада чиқсин. Мана, беш сўм. Икки винонинг пули-да. Ол. Ош бўлсин. Ҳалол пулим.

Пулни олмаганимга қўймади. Уни олгач нима деб мақташни ўйлаб қолдим.

Почтачининг олдига директор келиб қолди.

– Тоғамнинг боласи, – деди уям менга қараб. – Отасининг отаси тус тоғам-да менинг. қўниш, бу бола анови ифлосни ёмон болади-да. Ёмонам болади. қутуладиган бўлдиг-э шу

мараздан. Тоза жонга тегиб юрувди. Биров бир нарса деёлмайди. Шу қилди ҳамма ишни. Ҳа, молодес, жўра. Ўзинг бўладиган боласан-да. Документларингам қолади. Энди шу мактабда ўқийверасан. Оббо тоғамди ули-я.

Ичимда шайтон кўзғолиб «жиян»га гап қайтардим:

– Муаллим, энди мен сизнинг мактабингизда ўқимайман, Жумабозорга қатнайман, отам директори билан гаплашиб келди.

– Номансизнинг нонини ебсан. Отангга ўзим айтаман. Бу нимаси, бу ерда ҳаммаси оға-ини, қариндош, бегона жойда пишириб қўйибдимми сенга?!

– Бари бир у ёқда ўқийман, кўрасиз.

Кўз олдимга Бибисора келди. Балки бир синфда ўқирмиз. Майли, бир синфда ўқимасак ҳам танаффусларда кўришсак, икки оғиз гаплашсак. Жуда бўлмаганда қуралай кўзларини сузиб кулиб ўтиб кетса ҳам майли. Эҳ-ҳ.

Мелисалар Фахриддин муаллимни сайхонликдаги «Уазик» машинаси томон олиб тушишди. Домла хафа эди, бироқ кўзи ёнарди. Тўдага қўшилиб мен ҳам пастга тушдим. Муаллим машинага минатуриб тўхтади. Менга қаради. Мелисага бир нарса деб шивирлади-да, мен томон юрди. Орқага тисланган эдим, кўркма, урмайман, деди. Келиб энгашди.

– Чавандоз аканг бор-а, Султон деган? Шерали деган ўғли бор-а? Ўша бизнинг ука бўлади. Тушунасанми бунақа гапларга? Бу қишлоқда бизнинг уруғларимиз бор. Ҳали улар отилиб чиқади. Бизни излаб топади. Янганга, чавандозга тайинлаб қўй, укамизни яхшилаб боқишсин, ўртоқ Жонибеков!

Унинг кўзларидан яшин сачрагандек бўлди.

Машинага чиқаётган ортига, аниқроғи менга тагин тикилди. Чамамда бўрининг кўзлари шунақа бўлса керак. ғижиниб «Жонибеков!» деди яна, тишларининг орасидан тупук сачради.

Кетди. қайтиб қорасини кўрсатмади.

* * *

Янгамнинг энди келин бўлиб тушган чоғларини эслайман: хуркаккина, қалин қўнғир сочлари тўпигини ўпади, юзи оппоқ – сулувларнинг сулуви, кўзларининг оқи оқ, қораси қора – тип-тиник, кийим-либослари ҳам – ҳамма нарсаси гўзал, энтикиб сўзлашлари-да бўлакча эди. Менинг ғўр ва дағал болалигим янгам туфайлигина маъноларга қоришди. Гўзал инсон, бокира аёл қандай бўлишини янгам тимсолида кўриб, мафтун бўлдим. Янгам мен учун бўй кўрсатиб турган жонли хилқат, битмас-туганмас орзулар манбаи эди.

Анвойи атирлари бўйи шундоқ димоғимни қитиқлаб ўтди. Аввал шарақлаб сўнгра энтика-эника ҳаяжонланиб кулганлари кўз олдимга келди.

Мана бу ифлос, кўланканинг, кўлансанинг фарзанди нималар деяпти? Нимага мени, бизни ҳақорат қиляпти? Шундай дейишга ҳаққи борми ўзи? Бутун бир қишлоқни булғанча ботириб кетаверадими? Отасининг қилгани, қилганига яраша жазоланмагани етмагандай боласи ҳам нажасини бегуноҳ болалар, пок қизлар оғзига тикиб, устидан хоҳлаганча кулиб кетаверсинми?

Наҳот, наҳот менинг Тўлғаной янгамнинг этагига ит теккан бўлса? Итдан баттар қора чол... мараз, яна қандай сўз бор экан, таърифлаб бўлмайди. Наҳотки ўша шу сассиқ чол учун ҳамманинг эшиги, уйи, ҳатто бокира қучоғи ҳам очиқ бўлса?! Бунини тушуниб бўлмайди. Ўғли-чи, ўғли? Нега ундан ҳам ҳамма кўрқади? Шермат, Нурмат тоғамлар нега унинг қорнига ўроқ уриб ёриб ташлашмади? Мана мен – сенинг отангнинг қотилининг ўғлиман деб кўкрак кериб ёлғиз келди-ку бу! Ёлғиз ўзи бошқа ишларни ҳам қилди-ку!

Отаси-чи? Отангизнинг жаллодиман, онангизни отга ўнгариб опкочиб кетган ҳам ўзимман. қаридим, лекин тап тортмай, кўркмай яна келдим, қани, кўлингдан нима келади, демадимми? Бечора, ғурусиз, латгачайнар тоғаларга бу ҳам камми? Номусини, орини ҳимоя қила

олмайдами? Мактаб директори-чи? Ўл мундай ялтоқланмай. Аввал Фахриддиннинг товонини ўпар эди. Энди у кетар бўлгач, мен тоғасининг ўғлига айланиб қолибман.

Хўш, Фахриддин нима ишлар қилди? Ҳаммаси кўзингизнинг ўнгида содир бўлаётган эди-ку, директор бобо? Ҳаммаси сиз бошқараётган, сиз раҳбар бўлган улў даргоҳ ичида бўлди-ку. Исрофил бобо сизнинг ишчингиз эмасми? қизи Тўти опанинг кимдан кам жойи бор эди – у сизнинг ўқувчингиз, керак бўлса, бир мард эркакнинг бахтини очадиган гулдай қиз эди-ку. Ёки мен кимман? Ўғаймидим? Ит, тўнғиз ғажиганда думоғингиз чоғ бўлиб қараб турасиз, қўл ковуштирасиз. Энди дунё ўзгариб ит ҳайдалса, тоғам дейсиз?

Энди мени бу мактабда арқон билан ҳам боғлаб ушлаб тура олмайсиз. Елкамнинг чуқури кўрсин! Жумабозорга бориб ўқийман, Жумабозорга! У ерда қандай муаллимлар борлигини биласизми: маданиятли, билимли, муҳими – ғурурли! Яна бир зот бор у ерда. Буни сизга айтиб ўтирмайман. Айтганимда ҳам тушунмайсиз. Умуман, тушунишгаям арзимайсиз, домла!

* * *

Уч кун ўтиб, ҳали мактабдан ҳужжатларимни ҳам олиб улгурмаган эдим. Бибисорадан мактуб келди.

«Салом Жаҳонгир! Соғликларингиз яхшими? Ўқишлар қалай? Биламан, «беш»га ўқийсиз.

Хат ҳам ёзмайсиз. Жуда бўлмаса 8 мартда табриклар турардингиз. Аразмисиз? Майли, ўпкаламайин, ўпкалашга ҳаққим ҳам йўқ.

Бизлардан сўрасангиз, яхши. Ўқишлар ҳам ёмон эмас. Фанлар анча мураккаблашиб кетди. Ўқитувчилар талабчан.

Отам тўрт ойдан бери касал. Дўхтирлар инсулт дейишди. қон босимидан бўлармиш. қимирламай ётади. Акам армияда. Укам жуда дангаса. Дарс тайёрламайди. Онам балнисанинг ошпазлигидан бўшамайди. Кеч келади. Отамга ўзим қараб ўтирибман.

Баъзан сиқиламан. Сизни ҳам ўйлайман, нима қилаётган бўлса деб.

Тепа қишлоққаям бориб турибсизми? Тўлғаной янгангизни яхши кўрардингиз. Ҳазиллашиб юрганларингиз эсимга тушяпти. Кўриб турибсизми? Отам ётиб қолгандан бери бир мартагина келди. Болалари кўпайиб қўли тегмай қолгандир-да. Бироқ поччам ҳар замонда келиб туради. Катта ўғли – кўк кўз жиян роса тўполончи эмиш. Кўрсангиз, менинг номимдан ўпиб қўйинг, илтимос. Соғиндим. Тайинлаб ҳам қўйинг: кўп тўполон қилмасин, онасини қийнамасин.

Айтмоқчи, сиз мухбир экансиз-а? Билмас эканман. Бугунги «Илғор чорвадор»да қўниш почтачини мактаб чиқибсиз. Мен ҳам танийман у одамни. Балнисанинг орқасидаги почтахонага кириб туради.

Аввалроқ ҳам бир мақолангиз чиққан экан. 48-мактаб болалари районда ютиб чиқди, деб ёзибсиз. Кечроқ олиб ўқидим. Физкультура муаллимларингизни ҳам мактабсиз. қойил, энди физкультурадан нукул «беш» олаётган бўлсангиз керак.

Дарвоқе, бизнинг мактабгаям янги физкультура устози келибди. Унинг ҳам исми Фахриддин экан. Шаҳардан келган дейишди... қора плаш кийиб юрармиш...

Шу билан соғинчлик салом хатим тамом. Хайр. Кўришгунча.

Биби. 19.. й. 14 апрел».

КЎНГЛИМДА ҚАЙНАЙДИ БИР БУЛОҚ

* * *

Сузар дарёда бир ой
тўлқинлари бахтиёр.
Атрофда ёруғ чирой,
ойдинликда ифор бор.

Ой чиқиб борар узоқ,
чўзиб қолар соҳил қўл.
Йўл топиб тўхтар қирғоқ,
ўзин сувга отмас йўл.

Бурилиб, соҳил бўйлаб
бўйнин чўзиб югурар.
Атрофга сурма бўйлар
таратиб ой улгурар.

Чўчиб, уфққа бир қараб
шўнғир дарё мавжида.
Келар шафақ ярқираб –
ошиқ қуёшдан мужда.

* * *

Бир уй қурдим, келақол,
айвонлари қиёда.
Шифти нур бўйли шамол
дунёлардан зиёда.

Бир уй қурдим, келақол,
туйнуклари туйғудан.
Тин олиб гўзал хаёл
хуш уйғонур уйқудан.

Ё уйқу йўқ уйқуда,
бедорликда бедорлик.
Барча ўйлар беҳуда,
бор кенгликлар тор, торлик.

Сен сиғмассан оламга,
яша кулбахонмада.
У – менинг кўнглим уйи:
Эни – ер, осмон – бўйи.

Қайда бўлсанг, қайтарсан,
ишқ уйи топмас завол.
Қайлардасан, қайдасан,
бир уй қурдим, келақол?!

* * *

Саҳар ўтиб кетмасин, дейман,
кўксимда урилиб туради –
бир кўрқув, ғамини хўб ейман,
кўксимдан кўзимга юради –

Очаман, шарпамас, улкандир,
одамдан, оламдан, жаннатдан.
Покиза кўнгилдан ул камдир,
ул камдир ризою раҳматдан.

Уйқуда ўтмасин бу саҳар,
ғафлат саҳарида тўлғониб.
Бу тонгда тонг қотган бесамар
қуёшни кўрмасам уйғониб.

* * *

Девона кўнгилга севги шох,
жаҳолат - нафратнинг тошидир.
Кўнглимда қайнайди бир булоқ,
муҳаббат – кўзимнинг ёшидир.

Нур келар, ҳур келар сўзимга,
муҳаббат – кўнглимнинг тожидир.
Шуълавор жимирлар кўксимда,
муҳаббат кўзимнинг ёшидир.

Ҳижрон ҳам, висол ҳам бари у –
ҳисларнинг охири бошидир.
Кўзларга тошса ҳам бу туйғу –
муҳаббат кўнгилнинг ёшидир.

* * *

Юрагимнинг қуввати
камайганга ўхшайди,
Емрилса чел уввати

ёвуз селдан қақшайди.

Йиллар бажарар ишин,
кам келасан ёдимга,
Хаёл кўзгуси яширин
олиб келар олдимга.

* * *

Қувончдасан, ғамдасан,
сен менинг сўзимдасан.
Йироқда, яқиндасан,
сен менинг ўзимдасан.

Чопинар дарё кўкка,
мен есам дарёдаман.
Тунлар ой нурын ўпган
кўзлари қародаман.

Сен – мисли денгиздирсан,
уйимда, кўзимдасан.
Сен беҳад тенгсиздирсан,
барибир, ўзимдасан.

* * *

Булоқлар фалакка қараб отилди,
ҳар зарра товларди мисоли бир чўғ.
Лолалар бир гўзал бўлиб очилди,
тошлар гулладилар, гулга-ку, гап йўқ.

Қонлар отилгудай танда суринар,
уринар кўкракда безовта юрак,
Тиниқ кўк тагида тоғлар кўринар,
япроқлар уфқни ёпгандай титраб.

Ташна бормоқдаман – қондирмас сувлар,
ғалати муздайман – олов ёндирмас.
Жасурроқ кўринар мендан оҳулар,
ботирлик кўрқувни баъзан сўндирмас.

Уйғоқ туш кўраман, сезаман буни,
тасаввур суратсиз тўлади тушга.
Кўркиб, йўқотишдан бундай кўрқувни,
жисми йўқ нарсани босиб оғушга,
баҳорга юраман, ўхшаб беҳушга...

* * *

Қувончдасан, ғамдасан,
сен менинг сўзимдасан.
Йироқда, яқиндасан,
сен менинг ўзимдасан.

Чопинар дарё кўкка,
мен есам дарёдаман.
Тунлар ой нурын ўпган
кўзлари қародаман.

Сен – мисли денгиздирсан,
уйимда, кўзимдасан.
Сен беҳад тенгсиздирсан,
барибир, ўзимдасан.

ҚУЁШ ОҲАНГЛАРИН СОЧАР БОРЛИҚҚА

Ижодхона

Кенг-тор ижодхона.
Униққан стол.
Китоб жавонидан кўзўалар аста:
Томасс Манн,
Думбадзе,
Ҳомер,
Бокаччо,
Цветаева шеър ўқийди хаста,
Теран денгиз каби сертўлқин Байрон.
Лабда ёнаётган аччиқ папирос,
Қимтиниб туради Муҳаммад Раҳмон.
Ўтли қўлин чўзар:
Маркес,
Сервантес.
Гўзал Биатрисе Янг,
Оҳ, дилбар аёл.
Ой каби нур тарар жимгина, бедор.
Бехосдан барчани чулғайди хаёл.
Куйлайди Висоцкий ёниқ,
Исёнкор.
Олтин сочларини тўзғитган кўйи,
Яланғоч ўйнайди хурдай раққоса.
Мусаввир Брюллов,
Салвадор Дали
Мангу хаёлотни, қани, чизолса?!

Кенг-тор ижодхона.
Уринган стол.
Тамаки қолдиғи,
Оҳ, остин-устун.
Кўпириб-тошиққан кулдон ҳам.
Не ҳол?
Хонада булутдай бурқсийди тутун...

Кенг-тор ижодхона.
Майишган стол.
Ғижимланган қоғоз,
Ёзувлар рангин.
Туйғулар шарпаси кезар бемалол,
Ўпмоққа чоғланиб хотирот зангин...
Чирсиллаб ёнади, синиққан юрак.

Дераза ортида бир кушча беҳол,
Тикилар хонага маъюс,
Жонсарак.
Ҳозир,
Ҳозир тамом,
Ёнади юрак,
Хонани кучоқлар тирик аланга.
Ловуллаб кетади пардалар,
Бешак,
Армон кечиб ўтар китоб жавонга.
Босиб келар ёнғин,
Ёнар шўрлик ер,
Оҳ, ёнғин қаърида бир сирли баёт.
Олов замирида чараїлайди шеър,
Балки,
У армонга йўғрилган ҳаёт.

Чилланинг сўнгги куни

Балиқ йили.
Далв.
Шамсий йилнинг охири ойи –
Бешинчи февраль –
Қиш чилласин сўнгги куни.
Онам айтишича,
Ўша куни,
Ўша туни
Қор ёққан экан роса гупиллаб.
Оч бўридай бўрон увиллаб,
Алангадай ўрлаб,
Шип-шийдам дарахтлар шохлари
Қор уюмидан қарсиллаб, инграб синганда,
Лайлак ташлаб кетган экан
Мени осмондан –
Юлдуздан тушган экан тақдирим
Туғилган кунимга эш бўлиб.

Далв.
Қор ёққан экан,
Еру осмон гўёки тутаб,
Ризқ излаб, изиллаб учган чумчуқлар
Қора шохларда қолиб
қора мевалардек тўкилиб дув-дув,
Барибир, «қор» дея
қарғалар куйлаган экан нақорат:
“Қор, қор-а, қора,
Қора, қорр...”

Дераза,
Синган «кезлардан»
Кирган экан кишининг совуғи.
Музлаган хона,
Совқотган танимни
Илитган экан онамнинг тафти
Авайлаб бағримга босганда кафтин.

Яна Далв...
Қор ёққан эди устма- уст.
Ранглари турфа:
Қирмизи,
Оқ,
Қора,
Сап - сариқ...
Яна Далв...
Осмон ғалвирини элаган эди бошимга
Чилвирдай узун,
Тўрдек тўзғин,
Музлаган иплари чатишган сочимга,
Илашган оёғимга.
Тўр ташлаган кўзимга,
Боғланган сўзимга
Ў, неча бор дилимни куйдирган аёз.

Яна Далв...
Бугун чилланинг сўнгги куни,
Ажабо,
Ёмғир ёғаётир,
Менинг бағрим,
Дунём шалаббо.
Вожаб,
Эрта ёмғир айланар қорга
Балки,
Қуёш оҳангларин сочар борликқа,
Қайдам,
Шодликлардан чечак очадир юрак?!

* * *

Ёмғирдан беркиниб, қочиб
Хонада танҳоман – ёлғиз.
Китоблар саҳифасин очиб
Ёпаман, сўз укмай беҳис.

Зорикқан юракни қучиб,
Ёмғирга отаман ўзни.

Тахир, шўр томчини ичиб
Топаман излаган СЎЗни.

Уйқудаги гўзал
Наманган. 2009 йил

Нанай.
Тоғ тепасида
Тошлардан яратиб ёстик,
Тупроқ – кўрпа оғушида жим
Чалқанча ухлайди фаришта.
Қайдам.
Унинг тушларида
Дунё доғсиз,
Чириксиз,
Саришта.
Уни қор буркайди момик тўшакка,
Ухласин деб сокин ва узоқ.
Овозига солиб сиртмоқ – қўйнида уйғоқ сукунат,
Ой қўллари уни белади беланчакка.
Қалби қон юлдузлар унга сўзлайди эртак,
Осуда куй тараб тонглар, қуёш уйғон дея,
Ёруғ шуълалар сочар
Юзларига,
Кўзларига,
Киприкларига
Ва бутун тош қотган борлиғига.
Уйғонсин деб най чалар гўзал қулоғига,
Уйғотмоқчи бўлар аждардек ўкириб момақалдироқ.
Уни уйғотмоқ бўладир
Томирлари чатнаган чақмоқ,
Уйқудаги гўзални ҳеч нарса,
Ҳеч кимса
Уйғотолмас, э воҳ!
У ухлар
Сукунат қўйнида жимгина.
Тоғ тепаси –
Уйқудаги гўзал,
Хўрсиниқ шуълаларин дунёга сочиб,
Уйқуда ҳам
Кўзларга,
Қалбларга
Бахш этар мўъжаз бир чирой.
Уйқудаги гўзал
Балки,
У
Шириндир,

Лайлидир,
Кумушдир, балки?!
Майлига,
Ким бўлса ҳам,
Бирон куни туғилар
Фарход,
Мажнун,
Отабек.
Уйқудаги нур уйғонар, бешак!

ШЎРҚИШЛОҚ

Роман

Биринчи боб

Дунёнинг бир қавати

Жазирамадан қизиган асфальт йўл бўйлаб елиб келган такси Адиркўча бошида тўхтади. Ундан тушган кўзи ожиз эр ва хотин, такси ҳайдовчиси билан илиқ хайрлашдилар. Машина ортга бурилиб жўнаб кетгач, улар охиста одимлаб Адиркўчага томон юрдилар. Қўлтиқлашган эру хотин, бамисоли бир вужуд каби ҳаракатланадилар. Чуст дўппи ва оқ кўйлак кийган, буғдойранг юзли, пешонаси кенг, ўрта бўйли киши йиғма ҳассасини ерга уриб, йўлни аниқлаб бормоқда. Узун енгли хаворанг кўйлак кийиб, оқ рўмол ўраган, оқ-қизил юзли ҳомиладор аёли эса эрига суяниб, бежавотир одимлайди.

– Шўрқишлоққа хуш келибсиз, пирим, – деди аёл мулозамат ила.

– Хушвақт бўлинг, азизим, – жилмайди эри, пешонасидаги тер томчиларини рўмолчаси билан артиб.

Кўр жувон исми Обида эди. У Олимга турмушга чиқиб, шаҳарда қолиб кетганига кўп йиллар бўлди. Ўшандан бери иккиси кўрлар жамиятидаги шолча тўқиш цехида ишлашади. Ёши ўттиздан ўтганда Обида фарзандли бўлишни хоҳлаб қолди. Кўзёриш муддати яқинлашганда оналик машаққати нечоғли оғирлигини ҳис қила бошлади.

Улар Раҳмон амакининг темир дарвозаси яқинида тўхтадилар.

– Пирим? – деди Обида, эрининг билагини маҳкам қисиб.

– Қулоғим сизда, – деб унга томон бир оз энкайди Олим.

– Боламиз кўзи очик туғилар эканми?

– Ҳа, дўхтирни айтишига қараганда, кўзи очик туўилиши мумкин экан.

– Агар кўр бўлса, туғилмасаям майли эди, – оғир хўрсинди Обида.

– Тавба қилдим денг, Обидахон, – унга дакки берди эр.

– Астағфируллоҳ... – пичирлаб тавба қилди аёл.

Йигит яна далда берди:

– Биз бу дунёнинг бир қаватида яшаш учунгина келганмиз. Банданинг иши Аллоҳ берган қисматга рози бўлиш, азизим. Аллоҳга шак келтирманг.

– Мени кечиринг, пирим, – узр сўради жувон. – Ўйламай гапирдим.

– Аллоҳ сизни ўз паноҳида асрасин.

* * *

Раҳмон амакининг Адиркўчадаги қўхна ҳовлиси оқпошшо аскарлари Кўқон хонлиги ҳудудларини босиб олган 1860-70 йилларда қурилган. Бобоси Зуннур эшон бундан бир юз ўттиз йиллар аввал, мана шу қўриқ ерга сув келтириб, сўлим боғ барпо қилган. Энг аввал боғ ўртасига аравада тош ташиб, баландлиги тизза бўйи, кенглиги беш квадрат метрли супа қурган. Зуннур эшон авваллари бу супада, мана шу боғда пишиб етилган меваларни қоқ қилиб қуритган. Боққа том солиб бутунлай кўчиб келгач, ўз муридлари билан шу супада давра қуриб, хатми хожаган ва ирфоний суҳбатлар ўтказган. Бу супада юртга донғи кетган асилзода бойлар – Ҳорунбой,

Нурмухаммадбой, Отахонбой ва бошқа казо-казолар тўпланиб ўтириб, Зуннур эшоннинг назари ва нафасидан бахраманд бўлганлар. Кейинги авлодлар шуни инобатга олиб, супани ҳозиргача асл ҳолида сақлаб келишди. Харили¹ ва харисиз катта-кичик хоналар захлаб шўрлагани сабабли, ўтган йиллар давомида беш марта қайта қурилган. Адир бағридаги бу баҳаво боғда ҳозир ҳам узум, ўрик, олма, анор, ёнғоқ, анжир, хурмо, нок, гилос, олу, бодом, тут дарахтлари бор. Раҳмон амакининг иккинчи ўғли Шокир қадимги учта хона ёнига бундан уч йил аввал цемент пойдеворли бир хона уй қурди. Кун чиқиш томонда ошхона ва бостирмалар тиклаб, устига шифер ёпди.

Бу кўхна ҳовлида не шўри савдолар бўлиб ўтмаган дейсиз. Раҳмон амакининг отаси Эшондада шўролар даврида иймон-эътиқоди учун жазоланди. Уни терговчи Ниғмонов, “худо йўқ” дейишга мажбурлади. Лекин қайсар эшон: “Алҳамдулиллоҳ, худо бор,” деб туриб олди. Шўровий ҳакамлар қахру ғазабга миниб, уни қамаб қўйдилар. Қамокда ўтириб келгандан кейин ҳам эшоннинг “ақли кирмади”. Ўз “жинойи фаолияти”ни давом эттириб, шўроларнинг ғашига тегиб, беш вақт намоз, жаноза ўқиб, тирикларга дам солиб, ёшлар “онгини захарлаб”, оила қурмоқчи бўлганларни Аллоҳ ва Пайғамбар фарзу суннатига биноан никоҳлашда давом этди. Бу “жинояти” учун боши бир умр ғавғодан чиқмади. “Замон сенга бокмаса, сен замонга бок”, дейди шўрқишлоқликлар. Эшоннинг ягона фарзанди Раҳмон, отасининг қисматидан сабоқ олиб, замонга боқиб, янгича услубда яшаб, ота-боболари тутган эски йўлни тарк этди. Отасига “қандай яшашни ўргатиб”, унга бир-икки бор дакки берди. Замонавий дўстларига қўшилиб газета ўқиб, Россияга ўрик олиб бориб сотиб, соч ўсириб, шапка кийиб, ўрисча сўқиниб, нос ва папирос чекиб, ҳатто вино ичишни ҳам ўрганиб олди. Шу тариқа умр ўтказиб, куч-қувватидан айрилиб нафақага чиқди.

Қайси бир куни телевизор кўриб ўтирган Раҳмон амаки ҳангу манг бўлиб қолди. “Вой тавба! – дея ўйлади. – Дадамни айтган башоратлари рост экан-да! Шўро ҳукумати ағдарилиб кетдимми?! Воҳ қудратингдан кета-а-ай!” Раҳмон амаки ўз тенгдошлари қаторида, янги очилган масжидга қатнаб, билиб-билмай жойнамозга юмалай бошлади. Аммасининг ўғли мулла Ҳакимдан, хижжалаб Қуръон ўқишни ўрганди. У ҳамма ёмон одатларини ташлади-ю, лекин нос қурғурдан қутулолмади. Наслу насабини инобатга олган масжид жамоати унинг нуқсон ва камчиликларини кечирди. У гоҳо масжидда азон айтиб, ўнги келиб қолганда имомликка ҳам ўтиб турарди. Иттифоқо, масжидга имом келолмай қолиб, Раҳмон эшон имомликка ўтди. Ният қилиб, қулоқ қоқиб, намозни бинойидай бошлаб, қиёмда қўл боўлади. Сураи фотиҳа ва замсурани ўқиб бўлгач, “Аллоҳу акбар!” деб рукуъга эгилди. Жамоат ҳам шундай қилди. Шу пайт имомнинг қўйнидаги олмадай носқовоқ “топ” этиб жойномозга тушди. Мулзам бўлган эшонзода бир амаллаб намозни якунлади. Шу кундан эътиборан масжид аҳли уни имомликка ўтказмай қўйишди. Четанбойнинг чойхонасидаги чойхўрлар эса бу аҳволни шарҳлаб, маломат қилиб, устидан кулдилар.

– Мен ўзим имомликни отказ қилдим – дея ўзини оқлашга уринди Раҳмон амаки қизариб-бўзариб. – Атайлаб қилганман бу ишни! Тузукми?!

* * *

Бундан қирқ йил муқаддам, Шўрқишлоққа келин бўлиб тушган Карима хола, “шўрим бўлмаса Шўрқишлоққа келин бўлармидим”, – деб йиғлаган эди. Хола ҳозир анчагина қариб қолган, аммо унинг шу гапи ҳамон навқирон. Меҳнаткаш эру хотин қирқ йил колхозда ишлаб, олти фарзандни ўстириб вояга етказишди. Ёқуб, Шокир, Обида, Насиба ва Назиралар уй-жойли бўлишди. Кенжатой Султон ҳали уйланганича йўқ. Раҳмон амаки соч-соқоли тўла оқариб,

¹ Харили – устунларга кўндаланг ўрнатилувчи таянч ёғоч.

юзидан нур ёғиладиган бўлиб қолди. Унга оқ яктак ва тўрт гулли чуст дўппи жуда ярашади. Баъзи бир улфатларига ўхшаб, вино ва носдан юзининг ранги қочмади. Қазисан, қартасан, ўз зотингга тортасан дейдилар. Айтишларича, одамнинг зоти тоза бўлса, унга унча-бунча дарду иллат юқмас экан.

Раҳмон амаки ҳовли ўртасидаги супага ўтириб, бир илгаги синиқ кўзойнагини тақиб, мутолаага тутинди. У ўз уйидаги можароларни унутиш мақсадида дуч келган газетани ўқийверади. Бу одам ўз тенгдошлари орасида шу жиҳати билан ажралиб туради. Баъзида газетани тушунолмаб, ғазабланиб, ғижимлаб улоқтиради.

Ошхонадан Карима хола чикиб эрига яқинлашди. Хола буғдойранг, кулча юзли, қалинқошли, ўрта бўйли, сочлари оқарган, лекин тишлари ҳали ҳам садафдек, гапга уста шаддод кампир. Агар гап бошлашдан олдин чордана куриб ўтириб олса, демак, хангома зўр бўлади. Доим бир хилда кўк дурра ўрайди. Кўча-кўйга чиққанида дурраси устидан оқ дока рўмол ташлаб юради.

– Чой ичасизми? – деб сўради хола эрига разм солиб. – А? Ичасизми?

– Йўқ, – дея ғулдуради чол газета варақлаб.

– Нега ичмайсиз? – ўчакишди кампир унга халал бериб. – Чой опкелайми?

– Нега ичмайсиз деганинг нимаси?! – газетани йиғиштирди чол. – Мен иймонли одамман! Гапим битта. Ичгим келса, ичаман дейман. Ичгим келмаса, ичмайман дейман!

– Тавба! – асаби бузилган кампирнинг яна жағи очилди. – Сизга бирор нарса дедимми?! Чой ичасизми, деб сўрасаям жаҳл қилаверасизми?

– Ҳой, хотин! – чол чинакамига тутакди. – Қачон мен жаҳл қилдим?! Иштаҳам бўғилиб турса мен нима қилай ахир?!

– Э-э-э! – қўл силтади кампир. – Ёмон қаридингиз чол!

– Жонимга тегма, хотин, тузукми?!

– Да-а-а-ард! – хола уф тортиб супага ўтирди. – Шўрим бўлмаса Шўркишлокқа келин бўлармидим!

Ичкари хонадан ухлайвериб қовоғи шишган Шокир чиқди. Бу замонавий тадбиркор аввалига омади чопиб каттагина пул топди. Аммо ақлидан адашиб, савдо ишларида хатога йўл қўйиб, барча топганини бой берди. Қўлга кирадиган бор нарсасини сотиб, қарзларига тўлади. Руҳи тушган Шокир, бугун ярим тунда, оёғида туролмайдиган даражада маст бўлиб, гандираклаб уйга қайтди. Хотини Ойхон уни бир амаллаб ўз хонасига олиб кирди. Барзанги эрини тўшаккача судраб боришга кучи етмади. Пойгакка йиқилиб қолган Шокир туни билан ухлади. Юзига шолча ботиб, катак-катак излари тушиб қолибди. У нақшинкор юзини ишқалаб, ҳожатхонага кириб чиққач, ювина келиб супага яқинлашди.

– Ҳа, пахан? – деди у мудроқ овозда хириллаб.

Барзанги Шокир қирққа етса-да, ёшига мос келмаган кийимларга ўраниб, бош яланг юради. Ёз кунлари калта иштон кийиб юради. Россияга қатнайвериб, отаси айтмоқчи, ранг-рўйигача ўрислашиб кетган. У оғзини карракдек очиб, эснаганча супага ўтирди. Девкелбатли ўғилнинг оғзидан анкиган ароқ ҳидига чидолмай, отанинг кўнгли ағдарилди. Раҳмон амаки ўқчиб йўталди-да, ух тортди.

– Шокир, мол қани?

– Молингиз хафа бўлиб бировникига кетиб қолди, – минғирлади Шокир хорўин овозда.

– Ҳе, аҳмоқ! – яна газетани қўлига олди чол.

– Махан, – деди Карима холага юзланган Шокир. – Овқат борми?

– Овқатни хотининг берсин! Молни ўрнига қўйиб қўй! – жавради кампир.

– Ой! Ойхон! – чақирди Шокир.

– Хув! – ошхона дарчасидан бош чиқарди Ойхон. – Ҳа, турдингизми, дадаси?

– Овқат-повқатинг борми?

- Кечаги овқатни еяверасизми?
- Ачимаган бўлса опкелавер, – деди Шокир супага ёнбошлаб.
- Сен ярамас қачон ўнгланасан?! Бунақада хароб бўласан бола, тузукми?!
- Бўлди-да, пахан.
- Кун тиккага келгунча ётаверасанми?! Ҳозир соат неччи бўлди?!
- Соатларини сотиб юборганлар, дада, – овоз берди келини Ойхон ошхонадан туриб.
- Бу ҳали ўзиниям сотиб ейди, – жавради кампир.

Шокир суякларини қисирлатиб керишиб, қашинди. У бир йил бурун донўи чиққан бойвачча эди. Вилюят марказидаги уйида тузуккина давр сурди. Энди эса патак соқолини қирай деса, устара олишга пули йўқ.

Ойхон кечаги жирсиз хамирошни иситиб дастурхонга қўйди. Шокир овқатдан бир қошиқ еб, нон кавшаб хўмрайди.

- Тузукрок овқат қилсанг бўлмайдимми? На маза, на матра бор...
- Ҳар доимги овқат, – кифтини қисди Ойхон. – Уйни овқатигаям кўнасиз энди, хўжайин.
- Ҳа, сен кам эдинг кесатмаган, – деди Шокир чайналиб.
- Мен кесатмадим...
- Ойхон ортга бурилиб, ерга боққанча ошхонага кириб кетди.

Раҳмон амаки ва Карима хола феъллари айниб, Шокирга тешиб юборгудек тикилиб унсиз ўтирдилар.

- Бисмилло дедингми? – сўради Раҳмон амаки ниҳоят тинчликни бузиб.
- Ичимда айтдим, – бепарво чайналди Шокир.

– Ҳа, фосиқ! – ғазабланди куни кеча динга қайтган шўрлик ота. – Мен эшонлар зурриёдиман. Боламни аҳволи эса мана бу!

– Э, кончайте, пахан! – ўйжинди Шокир. – Ундан кўра бувамдан қолган дуолардан ўқиворинг. Ахир мен банкрот бўлиб қолдим.

– Курортма-курорт санғиб юраверсанг, бангикурорт бўласан-да, – тўўри гапирдим деб ўйлади сўз маъносини тушунмай Карима хола. – Молни ўрнига қўйиб қўй!

– Дунё бевафо деб тўўри айтишаркан! – деди у қошиқни ташлаб. – Ўз ота-онанг вафо қилмаса, бошқалардан ниманиям кутиш мумкин? Жарақ-жарақ пул топиб келганимда елкамга қоқиб, алқаб-алқаб пулимни олгансизлар. Ишим орқага кетганда, сизлар ҳам мени ёмон кўриб қолдинглар!

- Қанча пулингни олақолибмиз? – аччиқланди Карима хола.

Кунботиш томондаги пахса девор ортидан Салим каптарбознинг хотини Зоҳиданинг боши кўринади.

- Карима хола-а?! Ҳувв, Карима хола-а-а! – деб баланд овозда қичқирди.
- Беканинг шанўи овозидан ҳуркиган каптарлар потирлашиб учиб дорходага қўнишди.

- Нима дейсиз, қўшни? – энсаси қотиб жавоб қилди хола.

- Озгина тузингиздан берворинг, – ховлига бир сидра назар солди у.

– Да-а-ард! – энсаси қотиб ошхона томонга овоз берди кампир. – Қўшнига туздан бериб қўйинг, қизим. Бу қўшнилар ўз ўамини ўзи еб юрса ўлармикин-а...

Ойхон ошхонадан бир кафт туз олиб чиқиб, деворга яқинлашди.

- Эшикдан келсангиз бўлмайдимми, қўшни? Ҳа, тузлаб қўяйми? – жеркиди у ва қоғозга ўроғлик тузни узатди.

- Раҳмат, – Зоҳида тузни олиб, девор ортида ғойиб бўлди.

Шу пайт дарвоза очилиб, Олим билан Обида кириб келишди.

- Ана, – чой хўплади Шокир. – “Кўрлар жамияти ” етиб келди. Шуниси кам эди.

- Ҳой, ким бор, азизлар? Ассалому алайкум, – очиқ эшикни тақиллатиб овоз берди Олим.

Карима хола, Раҳмон амаки ва Ойхон меҳмонларга пешвоз чиқдилар. Салом-алиқдан сўнг

меҳмонлар супадаги ўринларга ўрнашдилар. Шокир эса, парвойи палак, чой ичишда давом этди. Раҳмон амаки Шокирнинг кўлидан пиёлани тортиб олиб, тагида қолган чойни сочиб юборди, пиёлани икки кур чайқаб, янгитдан чой қуйиб Олимга узатди.

- Ия?! Ҳой-ҳой! Менинг чойим бор эди-ку?! – аччиқланди Шокир.
- Куёвни пайғамбаримиз сийлаганлар! – деди у ўғлига олайиб. – Тузукми?!
- Оҳ-оҳ-оҳ! – тебранди қувониб Олим. – Яшанг, дадажон! Яшанг!
- Шу ердамидингиз, ака? – бошини эгди Обида.

Обида бу ҳовлидаги ҳамма нарсани беш кўлдай билади. Ҳар бир қариндошини нафас олиши, қадам босиши, ҳатто ҳиди орқали ҳам ажарата олади. Обида Шокирдан анқиётган ароқ ҳиди ва хўриллатиб чой ичишидан уни таниб ўтирар, лекин сўз қотишга ботинмаётган эди. Сўқир сингил Шўрқишлоққа бемаврид келганини англаб, пушаймон бўлди.

- Ассалому алайкум, Шокир ака, – кўлини ҳавога чўзди куёв.
- Ва алайкум ассалом, – сўқир куёвнинг кўлини олиб саломлашди Шокир.
- Ака? – сўради Обида. – Келганимизга хафамисиз?
- Нега ундай дейсан? – оғир хўрсинди Шокир. – Келсанг ўз уйингга келгансан. Бугун кайфиятим яхшимас. Кўнглимга ҳеч нарса сиғмаяпти.

- Ташвишланманг, ака, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, – деб уни юпатди Обида ўкиниб.
- Албатта, – деди Олим кўтаринки руҳда. – Ҳали яна бой-бадавлат бўлиб кетасиз.

Шокир апил-тапил фотиҳа ўкиди.

- Хўп, мен борай. Шаҳарда ишим бор.

Шокир ҳовлидан чиқиб кетгач, Ойхон супани саранжомлаб, қайтадан дастурхон ёзди. Кексалар эса ҳар доимгидай Шокирнинг ортидан ғийбат бошлашди.

– Бангикурорт яна Маҳлиё ўлгурни ёнига кетди. У бўлса буни гўл қилиб, ҳамма пулини тортиб олди. Ҳозир қарзи бошидан ошиб ётибди. Молимизни сотиб, бизни сут-қатиўдан бенасиб қилди.

– Мен унга минг бор айтганман, – уф тортди Раҳмон амаки. – Ҳозирги замонда кўп хотин олиш нотўғри. Қадимда Саидазимбойни кўш-кўш хотинлари бўларкан. Ҳаммаси иймонли, ҳалол-пок, аҳил-иноқ экан. Эрини дуо қилиб, еган-ичганига шукур қилиб, тўрт девор ичида ўтираркан. Ҳозирги иймонсиз хотинлар бир-бирини кўзини ўяди. Эрини алдайди. Қарғайди. Илму амал ичириб, йўлини боўлайди. Мана, бургутдай учиб юрган Шокир бойвачча қаноти синган мусичадай бўлди-қолди.

Ойхон қайнотасининг сўзларини эшитгиси келмай, хаёлга чўмиб ошхонага қайтди. “Худога солдим, – деб дилида қарғанди у, – гўдақларни оч-юпун қолдириб, олтинга бурканган бузуқларгаям худо бордир... Хароб бўлгур Маҳлиё... Эр жонивор бўлса хотиним борми-йўқми демай яна шаҳарга кетди... Балки ўғил тукқанимда болага меҳр қўйиб, уйга боғланиб қолган бўлармиди... Қачонгача шундай ғурбатда яшайман-а, худойим?..”

Ойхон ўчоққа ўт туташтириб юборди. Қозонга озгина пахта ёғи қуйиб, пиёз тўўрашга киришди. “Ҳа, – дея ўйлади у. – Кимдир қора нон еб юпун яшаркан. Кимдир айшу ишрат қиларкан. Дунёнинг ишлари қизиқ. Учта қизимнинг тақдири нима бўларкин? Менга ўхшаб тош чайнаб, бу ёруғ дунёдан товони ёрилиб ўтармикин? Бузуқларни бўлса ошиғи олчи. Ҳаммаси яраклаб юрибди. Қорни тўқ, эгни бут. Балки қизларим ҳам замона зайли билан ўшаларга ўхшаб олғир бўлиб кетар? – Ойхон ўтга тикилиб кескин бош чайқади. – Ҳо-о-о! Тириклайин ерга кўмиб ташларман! Ҳу, отангга тортмай ўлгур қанжиклар деб, мана шунақасига соламан!”

Ойхон капирни ғазаб билан бир силкиди. Капир ўчоқ бошида тиклоғлиқ копқоққа урилди ва у тарақлаб ерга тушди. Ойхон қопқоқни ўрнига қўйиб, қизиган ёққа пиёз ташлади. Ҳовлига тотли хид таралди.

Шўрқишлоқлик жайдари келин Ойхон кўхликкина, бодомқовоқ, соддадил жувон. Эгнига пушти духоба халат кийиб, бошига араб рўмолини дурра қилиб, оёғига хитой шиппагини илиб,

ҳовлида югуриб-елиб хизмат қилади. Қачон қараманг, сўйлоқ тишини кўз-кўзлаб кулгани-кулган. Шокир бир куни тунда, “шаҳарда Махлиё деган хотиним бор”, деб ўз гуноҳига иқроп бўлди. Ўшанда бу содда аёл, “ий-я-а-а! Вой алдоқчи! Вой тавба-а-а!” деб кулган, кейин эса ҳеч кимга сездирмай тонг отгунча пиқиллаб йиғлаган эди.

Иккинчи боб

Махлиёнинг махлиёси

Асаби бузилиб уйдан чиққан Шокир катта асфальт йўлда “Дамас” машинасини тўхтатди. Ҳайдовчи ёнида ўтириб, сигарет тутатди. Машина шаҳар томон йўл олди.

– Шокир ака, – деб сўради ҳайдовчи. – “Камаз” машинангиз нима бўлди?

– Сотиб юбордим, ука, – деди Шокир хўрсиниб.

– Нега сотдингиз? Мен бўлсам, сизга ишга ўтаймикин, деб тургандим.

– Мендан омад юз ўгирди, – гапни қисқа қилди Шокир.

– Э-э, яхши бўлмапти, – жимиб қолди ҳайдовчи ва бир оздан сўнг тилга кирди. – Парво қилманг, Шокир ака, бундай ўткинчи қийинчиликлар ҳамманиям бошида бор. Мен ўзим олдин колхозда юк машина минардим. Маош озлик қилди. Бензин йўқ. Запчаст йўқ. Ишдан бўшадим. Бойвачча Алимардонни “Камаз”ини ҳайдаб, Россияга икки рейс бориб, тирикчиликка етадиган пул топиб келдим. Акамни омади келиб, мана шу “Дамас”ни сотиб олди. Бировни шопирликка ёллаб, бир йил кира қилиб фойдаланди. Машина чарчаган экан, тирикчилик қилолмай қолган ҳайдовчи бола ишни ташлаб кетворди.

– Машина тузуккина шекилли? – разм солди Шокир.

– Буёғини эшитинг, – жилмайди ҳайдовчи. – Кейин акам машинани тагин бошқа бировга берди. У бир ойдан сўнг машинани бузиб, “калла-поча” қилди. Акам мени ҳар куни уйига чақиртириб, “машинани ўзинг мин!” деб мажбурлайверди. Мен унга: “Ака, мен калта пойга қилиб, майда машина минмаганман, киракашликка ўрганмаганман”, деб кўнмадим. Акам ҳолжонимга қўймай, шу машинасини барибир бўйнимга илди.

– Жуда яхши бўпти-да, – деди Шокир. – Ака-ука иноқ бўлиб, биргалашиб рўзўор тебратса нимаси ёмон?

– Нимасини айтасиз. Ака-укани дўст бўлганига етадиган нарса бор эканми, – тан олди у ва кулиб қўйди. – Ҳозир мана шу машинани деб қозон-товоқни сувга солиб қўйганман, Шокир ака.

– Ия! Нега? – ажабланди Шокир.

– Емаган сомсага пул тўлаб юрибмиз-да. Машина бутунлай тўкилиб кетган экан, қўлимга ўтгандан кейин уч кун ғилдиради холос. Шундан бери топган пулимни ремонтга сарфлайман. Тўрт юз минг сўм харжладим. Уйимдаги қўйларни сотдим. Машина бутун бўлди. Акам эса бўйнимга уч юз минг сўм қарзни илиб қўйди.

Шокир энди жиддий ажабланди.

– Бу қандай қарз бўлди?!

– Машина икки ой бекор ётди-да, – жилмайди ҳайдовчи йигит. – Акам машинани бекор ўтган кунларигаям план қўяди. Кунига беш минг сўм топширишим керак. Бугун ишлаб топган пулимни бугун топшираман. Учта қўйимдан айрилганимга мингдан минг розиман. Майли, кетса акам учун кетибди. Аммо, уч юз минг сўмни қаердан топиб бераман? Тушгача шаҳар томонга йўловчилар кўп бўлади, қайтишда бўм-бўш қайтаман. Тушдан кейин аҳвол буни тескараси. Бензин қимматлади. Икки юз сўмга бир сих кабоб емасам бўлмайди. Икки минг сўмга ёқилўи олиш керак. Янгам бўлса, хотиним келинликда кийган эски туфлисини кўриб, янги туфли олибди, деб жанжал кўтарди. Ана сизга Шўрқишлоқ хангомаси!

Ҳайдовчи йигит шунақа шарақлаб кулдики, Шокир “эси жойидами буни” деган хаёлда унга назар ташлади.

– Топширворинг машинасини, – деди Шокир асаби бузилиб. – Сиз Аҳмад домланинг укаси Раҳматилламисиз?

– Ҳа, Шокир ака. Мени таниркансиз-да? – жилмайди ҳайдовчи. – Жон деб бу “ҳўл бало”ни топширворган бўлардим-у, акам “агар қарзингни тўламасанг, машинани олмайман” деяпти-да. Мени биргина чорам қолди. Ҳовлимни ярмини қўшнимга сотаман, Шокир ака. Қарзимни тўлаб, қолган пулга йўлқира қилиб чет элга кетаман. У ердан дастмоя йиғиб қайтаман. Бўлмаса холим хароб, ака.

– Балки акангиз инсофга келиб қолар? – ачинди Шокир.

– Акам отамизни қарзини кечмаган, меникини кечармиди, – деди ҳайдовчи юзини четга буриб.

Шокир унинг ёшланган кўзларини кўриб, юраги ортга тортди.

– Ана сенга оқибат! – бошини чангаллади Шокир. – Бу дунёга нималар бўляпти ўзи?!

Машинага икки боласини етаклаб олган бир жувон чиқди. Машина яна йўлга тушди. Қуёшнинг ўтли хароратидан олам энтикиб нафас олади. Иссиқдан қочиб, ҳатто осмонда куш учмайди, ерда жонивор ўрмаламайди. Салоннинг очиқ ойналаридан иссиқ асфальтнинг ҳиди кириб димоғни бўғади. Йўловчилар болали аёлдан тортиниб, суҳбатга чек қўйиб, сукут сақлаганча бордилар.

* * *

Шокир шаҳарнинг гавжум кўчаларида, паришон аҳволда бемақсад изғиб юрди. Ҳали у, ҳали бу бекат сўрасида шумшайиб ўтирди. Кейин таваккал қилиб, кичик тумандаги кичик хотини ҳузурига жўнади. Қишлоқ кўчаларида пулинг бор-йўқлигига қарамай, ҳайдовчилар машинани тўхтатиб олиб кетавердилар. Шаҳар кўчаларида чопиб бораётган, ҳар турли русумдаги машиналарга пул тўламасанг бўлмайди. Ёнида пули йўқ Шокир бойвачча, шоҳона уйига, шоҳона ихтиёр ила пиёда кетишни маъқул кўрди. У кичик хотини Маҳлиё билан илк учрашган кезларни хотирлади. Кўз ўнгида ўша қарғиш теккан ресторан намоён бўлди.

Ресторанда омади чопган тадбиркор улфатлар коньяк ичиб, ҳар тўғрида валақлаганча қаҳ-қаҳлашиб ўтирардилар. Рўпарадаги столда ёлғиз ўтирган хушбичим бир хурилиқо фақат қаҳва ичиб, пирожний ер, бу одобсиз кишиларга қараб аста бош чайқар, Шокир билан нигоҳи тўқнашганда нафратланиб юзини четга бурарди. Қизнинг нозик қадду баста, оппоқ юзи, сариқ рангга бўялган калта сочи, оҳу кўзлари Шокир кўнглида ўзгача бир ҳирсу ҳавас уйғотди. У официант аёл билан ҳисоблашгач, Содик акаш, Алишер ва Ҳомид исмли шаҳарлик ҳамкорлари ортидан ташқарига чиқди. Савдогарлар у билан кучоқлашиб хайрлашиб, машиналарга ўтириб жўнаб кетишди. Шокир бояги жозибатор қизнинг олдига қайтиб киргиси келди-ю, негадир ўз фикридан қайтиб машинаси томон юрди. У машинаси эшигини очиб рулга ўтирди. Бояги қиз яна кўз олдида гавдаланиб, юраги безовта бўлди. У фикридан қайтиб Шўрқишлоққа жўнаб кетганида бугунги кўргиликлар юз бермаслиги ҳам мумкин эди. Аммо ресторанга қайтиб кирди. Маҳлиё ўтирган столга яқинлашиб, тавозе ила салом берди. Қиз кифтини қисиб, лабини буриб алик олди.

– Ўтирсам бўладими?

– Мақсад нима ўзи? – жиддий нигоҳ ташлади қиз. – Овқатланиб бўлдингиз-ку?!

– Сизни меҳмонга таклиф қилмоқчи эдим.

– Нега айнан мени? – мулойим жилмайди у. – Мен сизни танимасам, билмасам...

– Энди танишиб оламиз-да, – сузилди Шокир.

Француз коньягидан боши қизиган тадбиркорнинг кўкрак чўнтагида бир даста кўк доллар

“ол мени!” дея кўзга ташланиб турарди. Маҳлиё унга зимдан назар солиб, қармоўига лаққа балиқ илинганини сизди. У Шокирда олиймақом таассурот қолдириш учун кимнинг сиймосига кириши лозимлигини билолмай иккиланди. Голливуд мадоннаси бўлсинми ёки Кумуш биби суратига кирсинми? Балки унга оддий Мария ёқар? Ёки беозор Жэн Эйер бўлиб кўринсинми? Оддий фоҳиша сифатида у билан жуфтлашса, анави кўк қоғозларнинг биттасиниям ололмайди. Бу йигит ҳам у қадар гўл эмас. Маҳлиё ногоҳ ғамгин малика сиймосига кириб, Шокирга қараб сузилди.

– Илтмос, – деди у мунгли оҳангда. – Мени жароҳатимга туз сепманг.

– Жароҳат дейсизми? – ёйилиб стулга ўтирди Шокир.

У суҳбатнинг бошланишидан тушундики, қизнинг кўнглини эритиш мумкин. Мулойимлик билан нотаниш гўзалнинг дилига қўл солди. Ўамгин малика эса ўз аянчли қисматини маҳорат ила баён қила бошлади.

– Мен худди шу ерда, шу алфозда бир киши томонидан алданганман. Оқибатда уй-жойим, ота-онам, обрў-хурматимдан жудо бўлдим. Инсоннинг энг ёмон душмани унинг содда кўнгли экан. Сиз, бойвачча, кеч қолдингиз. Мени сиздан олдинроқ алдаб бўлишган. Мен ўша кезларда эркак кишини тушунмасдим. Охир-оқибатда ўз юртимни ташлаб кетдим. Бу иснодга чидолмай, отам раҳматли оламдан ўтдилар. Онам тузалмас дардга чалиндилар. Шундан сўнг эркак зотидан нафратланадиган бўлиб қолдим. Ортиқ хиралик қилманг. Анави аёл мени яхши танийди. Гап-сўз бўлишни хоҳламайман...

Шокир бойвачча Маҳлиё кўрсатган официант аёлга бурилиб қаради. Официант ҳаддан ортиқ бўянган, юпқа кўйлак кийган енгилтак жувон эди. Маҳлиё столга пул ташлаб, ўрнидан туриб, сумкасини елкасига илди. Қизнинг қадду қомаги ва хусну жамоли рассом Леонардо орзуларида туўилган беқиёс асар эди. Бу хўрланган малакнамо маҳлиқо ширакайф Шокир дилида олиймақом ҳирсу ҳавас уйғотиб, ресторандан виқор ила одимлаб чиқиб кетди. Колхозчи хонадонидан улғайган Шокир бойвачча фикру хаёллар уммонига ғарқ бўлди. Официант аёлни ўз ёнига чорлаб, бир қадах коньяк буюриб, уни суҳбатга тортди. Маҳлиё ҳақида эринмай сўраб-суриштирди.

– Ҳа, – деди аёл. – Мен бу қизни яхши танийман. Биз ёнма-ён уйда яшаймиз.

– Сал ғамгинроқ эканми? – қизикди Шокир

– Ғамгин? – кифтини қисди у. – Ҳа-ҳа! Шунақа бўлиб қолган. У шунақа ғамгин...

– Эркак кишидан нафратланармиш, – коньяк ичиб газак қилди Шокир. – Шу ростми?

– Маҳлиёми?! – юзини четга буриб иршайди аёл. – Тўппа-тўғри. Унинг ҳаётида эркак киши – салбий қаҳрамон. У эркаклардан жуда-жуда нафратланади.

– Адресини беринг, – ўтинди Шокир.

– Вой, худо! – ёқасини ушлаб, кўзларини ола-кула қилди у. – У мени нақ ўлдиради-я!

– Биздаям қолиб кетмас.

– Ундай бўлса ёзиб олинг, – деди аёл.

Шокир бойвачча шу тариқа, Маҳлиёнинг уй манзили ва телефон рақамини олди.

* * *

Эртаси куни Шокир ўша манзил бўйича йўл топиб, “ўамгин малика” ҳузурига келди. Маҳлиё аслида бу манзилда яшовчи ижарагир эди. Уйнинг эгаси абжир кўшмачи хотин бўлиб, Маҳлиё уни ўз қариндоши сифатида таништирди. Шокирни меҳмон қилди. Йиўлаб-сиқтаб суҳбатлашишга мослашиб олган Маҳлиё у билан бир ой давомида тузуккина пачакилашди. Шокирнинг кун сайин Маҳлиёга нисбатан ишқи алангаланиб борар, кўшмачи аёл эса пул ундиролмай армонда эди.

– Махлишка, бойваччани пулини олайлик? – деди у сабри тугаб.

– Менга уни пули эмас, ўзи керак, – деди Маҳлиё.

– Ўзини бошингга урасанми? – жеркиди аёл. – Қарзингни тўлаб қўй! Сен мижоз бошлаб келмаяпсан. Бир ойдан бери текинга еб-ичиб ётибсан. Шоирона гапларингни қозонга солиб бўлмайди.

– Агар ўзини қўлга олсам, ҳамма мулки меники бўлади, – деди муўомбир аёл. – Бугун бир хунар ишлатаман. Сенам мен қўядиган “кино”да қатнашасан.

Шу куни Шокир коньяк ва қазии кўтариб келди. Залда бир овсарроқ йигит, атрофга аланглаб, иршайиб ўтирарди. Уй бекаси жаврар, Маҳлиё додлаб йиўлар, залдаги буюм ва жиҳозлар ҳар томонга сочилиб ётарди.

– Мени айтганимни қиласан! – бақирди уй бекаси.

– Ҳеч қачон!! – ув солиб йиғлади Маҳлиё. – Отамнинг арвоҳини чиркиратмайман! Ҳаром йўлга юрмайман!

– Нима гап ўзи?! – ҳайрон бўлди Шокир.

У Маҳлиёни бу алфозда кўриб кўзларига ишонмади. Қиз шўрлик телбага айланиб қолганди. Кўзлари тубида мавҳум зулмат ва иблисона макр учқунлар, юзи ўрнида эса нотаниш бир чехра пайдо бўлган эди. Гўё сиймосида бу жирканч дунёдан тўйган самовий фаришта ўз осмонига учиб кетмоқчи бўлиб қанот ростлаганга ўхшарди. Қизнинг телбалиги ўзига шу қадар ярашгандики, Шокир унинг бу жиннилигини ҳам беҳад севиб қолди. Олам аҳли томонидан алданган гўзалнинг самовий фаришта эканига аниқ ишонди. У қизга яқинлашиб, ўзига томон отмоқчи бўлаётган чойнакни қўлидан тортиб олиб столга қўйди ва Маҳлиёни бағрига босди.

– Сенга нима керак?! – унга зардали боқди Маҳлиё, зир-зир титраб. – Сенгайм покиза баданим керакми?! Мени ҳеч ким, ҳеч қачон сотиб ололмайди! Мен охири нонимни еб бўлиб, ўзимни балкондан ташлайман. Лекин бузуқчилик қилмайман.

Сохта хола бу гапни эшитиб, уйни бошига кўтариб шанғиллади.

– Ташласанг бошқа уйни балконида ташла! Менинг бошимни балога қўйма! Йўқол уйимдан. Менга пулсиз фаришта керакмас!

– Кетаман! Қўшмачи! Бузуқ! – ув солиб йиўлади шўрлик жувон.

– Ҳой, сўтак, – Шокирга юзланди сохта хола. – Отинг Шокирмиди? Жиянимни ўз ҳолига қўй! Ўргилдим сендақа фаришталардан! Ҳалол бўлсанг, икковинг масжидга бориб намоз ўқи! Менга ҳозир пул керак! Пул!

Шокир бу шаллақи аёл сиймосида фаришталарни асирга олиб азобловчи малъун иблисни кўрди. Унинг сариққа бўялган калта сочи, муғомбирона жилмайган юзи, қаҳрдан олайган кўзлари шўркишлоқлик тўпори азамат дилида бекиёс нафрат уйғотди. У қаҳрамонлик кўрсатиш истаги ила ёниб, ақлидан адашиб, шамол тегирмонига қарши уруш очган Дон Кихотга айланди. Мардона чўнтак кавлаб:

– Қанча керак?! – дея пишқирди.

– Анча керак! – қилпиллади сохта хола.

– Кавланманг, Шокир ака, – йиғидан толиқиб ҳиқиллади Маҳлиё. – Мени ҳеч кимдан қарзим йўқ. Бир йил шу ерда фаррош бўлдим. Олган ҳалол маошимни келтириб, тийинигача топширдим. Меҳнат қилиб-қилиб, охири қўчага ҳайдалдим.

– Ким сени ҳайдади, Маҳлиё?! – хонадон бекаси ёқа ушлаб анграйди. – Вой, куруқ туҳматингдан ўзинг асра, худойим!

– Шундан кўра ҳайдаганингиз яхши эди! – сохта холасига бақирди Маҳлиё ва Шокирга сохта жазманни кўрсатиб фарёд урди. – Бу ҳозир мени манави гўрсўхтага қўшмоқчи бўлди, Шокир ака-а! Мен ортиқ яшашни истамайман! Ҳаром яшагандан кўра, ҳалол ўлганим яхши-и-и!

– Тавба қилдим десангиз-чи... – юраги ачишиб уни инсофга чақирди Шокир.

– Сенам мени азобладинг!... – Шокирга мўлтираб қаради қиз. – Мен жинни сени севиб қолганман... Ҳамманг бирлашиб мени бошимга етдинг! Мен ортиқ яшашни хохламайман!

Махлиё дабдабали нутқини яқунлаб, ошхона томон отилди. Сохта хола ваҳимага тушиб дод солди. Шокир ва жазман йигит Махлиёнинг ортидан югурдилар. Ошхонага кирган Шокир бенажот қиз бечоранинг титраётган қўлларида пичоқ кўрди. Унга ташланиб бир амаллаб пичоқни тортиб олди. Вақтни ғанимат билиб, Махлиёни яна маҳкам кучоқлади. Жазман йигит ўзини босолмай ҳиринглаб кулди. Шокир ғазаби қайнаб, унинг юзига бир мушт урди. Жазман полга кулади. Сохта хола ошхонага кирди. У ўзини кулгидан базўр тийиб, оғзи қийшайди.

– Юр, Махлиё, – деди Шокир Махлиёни юз-кўзларидан ўпиб. – Менинг уйимга кетдик. Ҳамма нарсани мухайё қиламан. Сени хўрлашларига йўл қўймайман.

– Ростданми? Қарорингиз қатъийми? – қалтираб йиғлади Махлиё. – Йўқ. Мен сизгаям ишонмайман! Ишнолмайман! Йўқ...

– Ишон, жоним, – деди Шокир ўамгин маликанинг бошини силаб. – Уйимда ҳамма кулайликлар бор.

– Яхши йигит! – ўшқирди сохта хола. – Буни онасига нима деб жавоб бераман? Бу қиз казоказоларни боласи. Кўчада қолмаган. Агар ўз номига уй олиб берсангизам бермайман.

– Керак бўлса ўз номига олиб бераман! – ишонч билан гапирди у. Сохта жазман “балодан ҳазар”, дегандай, эмаклаб ошхонадан чиқиб, залдаги каравот остига кириб бекинди. Сохта хола Шокирни туртиб:

– Ҳозироқ кетинг! – дея эшикни кўрсатди.

– Махлиё, сен нима дейсан? – бағридаги қиздан сўради Шокир.

Хола Махлиёни куч ишлатиб ундан ажратиб олди.

– Қани, кўчага марҳамат! – буюрди у, Шокирни ташқи эшик томон суриб.

– Шокир ака-а-а-а! – додлади Махлиё, унга томон интилиб. – Мени олиб кети-и-и-нг!

– Ҳеч қаерга бормайсан! – ўшқирди хола.

У Махлиёни залга итариб киритиб, Шокирни турта-турта ташқарига чиқарди ва эшикни ичидан кулфлади. Шокир бу кўнгилсиз воқеадан дили вайрон бўлиб, эшик олдида бир оз тургач, машинасини ҳайдаб ўз уйига кетди.

Махлиё ўз ролига берилиб, йиўига мослашиб қолиб, ҳамон ўзини босолмай хўрсинарди. Сохта хола залга кириб диванга ўтирди ва қиқирлаб кулди. Махлиё яна бир оз хўнграб йиўлаб олгач, ҳиринглаб унга жўр бўлди ва ниҳоят қотиб-қотиб кула бошлади. Каравот тагида яшириниб ётган зўраки жазман ташқарига эмаклаб чиқди. Аёллар унинг кўқарган юзини кўриб, баттар китиўлари келиб, полда юмалаб кулишди. Ориятсиз жазман ҳам уларга кўшилиб, эрларга ярашмаган оҳангда ҳиринглар, оўриган юзини сийпалаб уҳ-уҳларди. Махлиё кулавериш ҳолдан тойди. Хола қорнини чангаллаб ҳо-ҳолади:

– Жа оширвординг-да, Махлишка! Ҳа-ҳа-ҳа-а-а! Театр артистиям сенчалик ўйнолмайди.

– Истеъдодимни ҳақоратламанг! – таманно ила қилпиллади Махлиё. – Театр артистингиз мени олдимда ким бўпти?

– Вой бўлди! Ҳа-ҳа-ҳа-а-а! Ичагим узилиб кетади! Вой, лўх! Лўх!

– Шокир ака-а-а-а! Мени олиб кети-и-инг! – мазахлаб чийиллади сохта жазман.

– Ҳой, Сўтақўзи, бор уйингга, – деди сохта хола, сохта жазманнинг кетига бир тепиб.

Юзи кўқарган ориятсиз олифта ўхшовсиз ҳиринглаб. Кулги яна авж олиб, бу телба томоша кечга қадар давом этди. Сохта хола қазини шўрвага солиб пиширди. Шокир ташлаб кетган коньякни ичиб, икки маккора янада пухта режа тузди. Бир ой мобайнида узлуксиз ижро этилган, сийқа сценарий асосига қўйилган спектакль тобора авжига чиқиб борди. Ақлидан айрилган Шокир, ҳар куни телефон орқали улар билан ади-бади қилиб, висол илинжида Махлиёга ялинади. Нариги томонда ё Махлиё йиўлайди ёки хола жаврайди. Хуллас, бу айтишувлар ниҳоясига етиб, шўрқишлоқлик лақма тамомила мавҳ этилди. Шокир бойвачча Махлиёсиз яшолмаслигини тушунди. Шаҳардаги уч хонали уйини ичидаги мебеллари билан унга хатлаб берди. Гувоҳлар ва Махлиёнинг онаси иштирокида шаҳардаги улфатлари билан базми жамшид

ясаб, бир тўп искирт меҳмонларни тўплаб тўй берди. Тўйда Раҳмон амакининг кичик ўғли Султон ҳам иштирок этди. Шокир ўз отасидан бир оғиз рухсат сўрамади. Оилани оқ ювиб, оқ тараган мусичадай Ойхонни, юлдуздек чақнаб турган учта қизини хаёлига келтирмади. Маҳлиёга маҳлиё бўлган Шокир тез орада бор-будидан айрилишини билмасди. Маҳлиё турлитуман сиймоларга кириб роль ўйнаб, бойваччанинг ақлу хушини бутунлай эгаллаб олди. Шокир айтарли ҳар томонлама ўзгарди. У ичкиликка, айшу ишратга берилиб, савдогарчилик қонунқоидаларини унутди. Натижада чув тушди. Қачонлардир илоҳий ишқни тарғиб этиб, риёзату итоатда яшаб ўтган аждодлар вориси шахвоний ишқ гирдобиди тўғри йўлдан адашди.

Учинчи боб

Орзуманд ожизлар

Шокир юмшоқ кўнгил йигит. У ҳаммага қайишиб яшайди. Обида Шокирдан кейин туғилган. Ораларида тўрт ёш фарқ бор. Ёғинли ноябрь кунларининг бирида мактабдан қайтаётган Шокир олти ёшли Обиданинг Адиркўча четидаги катта ариқда йиқилиб ётгани устига келиб қолди. Обида пайпасланиб, совуқ сувдан чиқишга уриниб зорланиб йиғлар, лойда тойилиб яна ариқ ичига қайтиб тушарди. Сал нарироқда тўпланиб турган болалар:

– Их! Обиш кўр сувга тушиб кетди! Сувга тушиб кетди! – деб жаврашар, лекин ёрдам беришга шошилмасдилар.

Шокир югуриб келиб, синглисини ариқдан чиқариб олди. Обида кичик жуссали, Шокир эса бўлалигина эди. У синглисини даст кўтариб, уй томон юрди.

– Қайда юрибсан, Шокир? – деди Обида акасининг бўйнидан кўчоқлаб. – Сув совуқ экан!

Шокир хўрлиги келиб йиғлаб юборди. Шу воқеадан сўнг у сўкир синглисига бутунлай боғланиб қолди. Баъзан Обидани етаклаб мактабга олиб борар, синфдошлари ёқимтой ожиза қизалоқни орага олиб эркалашар, бурро-бурро гапларидан завқланиб, савол-жавоб қилиб, ҳар соҳада суҳбатлашардилар. Обида ўз атрофидаги инсонларнинг илиқ муносабатлари ва меҳрларидан жуда яйрар, меҳрибон кишилар даврасига талпиниб турарди. Қиз саккиз ёшга кирганда, уни шаҳардаги кўзи ожизлар мактабига жўнатиб юборишди. У ойда бир ёки икки марта – шанба ва якшанба кунлари қишлоққа келиб кетарди.

Обида ўн икки ёшида шаҳар билан Шўрқишлоқ орасида мустақил қатнай оладиган, гап-сўзлари бамаъни, пишиққина қизга айланди. Автобусда таниган аёллар уни бағрларига босиб, қўлига қанд-курс тутқазиб эркалашарди. Бир куни отасининг дўсти Пирмат кулоқ, автобусда шаҳардан қайтаётиб, Обидани ўз ёнига ўтқазиб олди. У пайтларда шаҳар билан қишлоқ орасида биттагина эски автобус қатнар, моторидан “вой-вой-вой” қабилида овоз чиқариб, ўқтин-ўқтин йўталиб, эшакдек имиллаб йўл босарди.

– Мунча судралади бу автобус! – жиғи-бийрон бўлди Пирмат кулоқ. – Соат неччи бўлдийкин?

– Соат ўн иккидан йигирма беш минут ўтди, – деди Обида ойнаси очиладиган қўлсоатини пайпаслаб.

– Ҳеч-да, – деди олдинги ўриндикда ўтирган Шароф дўкондор ўз соатига қараб. – Соат бешта кам ўн икки бўлди.

– Соатингизни тўғрилаб олинг, Шароф почча, – бўш келмади қиз.

Шароф дўкондор пишиллаб, соатини силкитиб кулоўига тутди.

– Вой, падарингга миллион минг лаънат! – аччиқланди у. – Яна тўхтаб қолибди-ку!

– Бунга соатиям Заҳродан кўрқади! – хоҳолаб кулди Пирмат кулоқ. – Бир бақирганда ўзиям, соатиям тўхтаб қолади. Ваҳ-ҳа-ҳа-ҳа-а-а!

Ҳамқишлоқлар ичқуёв Шарофнинг устидан мириқиб кулишди. Нозиктаъб Обида бурнини жийириб, Пирмат кулоқдан нарирокқа сурилиб ўтириб олди.

– Пирмат амаки? Бозорда мол сотдингизми? – деб сўради.

– Ё тавба! – ёқа ушлади Пирмат кулоқ. – Обиш, буни сен қаердан билдинг?

– Қўйнингиздаги арқонни ҳидидан, – деди у.

– Зоти тоза-да! – йўловчиларга маъноли боқди Пирмат кулоқ. Эшондада эшонни кароматлари бу! Ерни тагида илон кимирласа билади-я.

Пирмат кулоқ таъсирланиб кетиб, носқовоўини киссасидан олиб, бошини сарак-сарак қилиб нос чекди. Сизгиси кучли Обида, носқовоқдан таралган хиддан бурнини жийириб, лабини буриб, қошларини чимирди.

– Шу сассиқ нарсани чекишдан сизга нима фойда, Пирмат амаки? – деб дакки берди у. – Орқада ўтирган Офтоб холамни сотилмай қолган қулупнайидан есангиз, қонингиз кўпайиб, жаҳлингиз кам чиқадиган бўлади.

– Ҳой, сўпини хотини! – орқада ўтирган мулла Ҳакимнинг хотини Офтоб холага овоз берди Пирмат кулоқ. – Қулупнай касод бўлдимми?

– Вой ўлай, Обида, шуниям билиб қўйдингми? – ажабланиб ёпинчиўига ўралди бир қўли ногирон Офтоб хола.

Обиданинг бундан бошқа ажабтовур қобилиятлари бир талай эди. Эшонлар хонадони таътил пайтларида, қизнинг беғубор қаҳ-қаҳасидан жонланиб кетарди. Оиланинг бошқа аъзолари эса ўзаро муштлашгани-муштлашган. Катта ўғил Ёқуб, Шоқир ва Насиба, ховлини бошларига кўтариб, шовқин солиб уришиб-талашардилар. Булар тинч туришганда Раҳмон ака билан Карима опа жанжал кўтаришарди. Назира билан Султон эса энди тетапоя қила бошлаган бўлиб, улар ҳали жанжал қилишни билишмасди.

* * *

Обида ўн беш ёшида ўзгача бир сиймо касб этган эди. Иягини баланд, тик қоматли ожиза қизнинг узун ва қалин киприклари, қалдирўоч қанотидай қайрилган қора қошлари оқ юзига ажойиб кўрк бағишлаганди. Ўспирин Обида кўзи кўрмаса-да, дадил ва чўрткесар эди. У кўзи очиклар етаклаб юришини ёқтирмас, доим алюмин ҳассача тутиб юрар, қўлидан ушлаб ақлбоши бўлувчиларни ўзидан нари суриб:

– Мингтангдан битта ҳасса яхши, – деб осмондан келарди.

У ҳар доимгидай шанба куни кечқурун дарвозадан кириб салом берди. Супада ўтиришган оила аъзолари пешвоз чиқишди. Қиз ҳассачасини супага тираб қўйгач, ҳамма билан кучоқлашиб кўришди.

– Бизга қаланқат қани? – дея сўради у.

Қаланқат тут мевасидан тайёрланадиган ширинлик. Карима хола таомлар қаторида охириги қаланқатни товоққа солиб дастурхонга қўйган, оила аъзолари уни паққос тушириб бўлишганди.

– Бошқа нарсалардан еяқол, қизим, – деди онаси.

– Қара-я, сени унутиб қўйибмиз, – хижолат бўлди Раҳмон амаки.

– Ҳечқиси йўқ, – сўқир қиз илжайиб, бўшаган товоққа нонни суртиб оғзига солди ва ўз одатига кўра мезбонларга захрини сочди. – Кўз улашаётганда мени ҳатто худо унутиб қўйган-у, сизлар унутсангиз нима бўпти.

Дили вайрон бўлган ота ва она дастурхон устида сукутга толдилар. Сўқир фарзанднинг бу аччиқ сўзлари уларнинг қалбига ханжардек санчилди. Эртасига Раҳмон амаки якшанба бозорига бориб, сўраб-суриштириб ярим кило қаланқат топиб келди. Обидани эркалаб, бош-кўзини силаб, Карима хола ортидан пахтазорга кетди. Обида супага ўтириб олиб, Султон ва Назирага қаланқат едира бошлади. Насиба касалликка кўп чалинганидан уни авайлаб эркалатиб

қўйишганди. Эркатой қиз тозаликка риоя қилмас, қўл-оёғини ювишга эринар, бурун қоқишдан кўра бурун тортишни осонроқ кўриб, Обиданинг ўашига тегарди. У Султон ва Назиранинг орасига тиқилиб, ювилмаган қўлини товоққа чўзди. Обиданинг лаблари асабий пирпиради. Синглисининг қўлига қошиқ билан бир туширди.

– Ҳе-е-е! – бурнини тортиб овозини баралла қўйиб йиўлади Насиба. – Ҳой, Обиш! Нимага менга бермаяпса-а-а-ан? Ҳе-е-е-е! Ҳе-е-е-е!

– Сен қўлингни ювмагансан! – тергади уни Обида. – Қўл-оёғингни ювиб, бурнингни тозалаб қоқиб келсанг бераман.

– Бераса-а-ан! Ҳе-е-е! Ювмасамам бераса-а-а-ан!

– Оёғингни ювмасанг товонинг ёрилиб кетади! – деди Обида қўлини бигиз қилиб.

Насиба опасининг кўрлигидан фойдаланиб, товоқдаги таомга сездирмай яна қўл чўзди. “Золим” сўқирнинг узун киприклари пирпираб, қошлари чимирилиб, бири сўроқ, иккинчиси ундов белгига айланди. У сал олдинга энкайиб, Насибанинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Супадан ағдарилиб тушган Насиба қаттиқ ғазабланди. Обиданинг ортига ўтиб, кураклари орасига бир мушт тушириб қочди. Кўрлар ўзларини урган одамни чаконғич хашарот ва газандалар билан баробар кўришади. Ўтирган жойида қадам товушларига кулоқ тутган Обида, Насиба жойлашган жойни аниқлаб олгач, қаҳру ғазабга минди. Сакраб ўрнидан туриб, супага суёғлиқ ҳассачасини қўлига олди. Оёғига Карима холанинг катта ковушини илиб, Насибанинг қочишга қулай йўлини тўсиб, атрофга диққат билан кулоқ солди.

Насиба кўркуви ортиб, эҳтиёткорликни унутди. Супа яқинидаги даҳлизга чошиб кириб, эшикни ичкаридан ёпиб олди. Ожиза ўолибона жилмайиб, бор кучи билан итариб, эшикни очди. Насиба ташқарига қочмоқчи бўлиб, Обиданинг ёнидан эмаклаб ўта бошлади. Аммо кўрнинг темир ҳассаси унинг ориқ елкасига қарсиллаб урилди. Насиба шўрлик жазодан қочиб кутулолмади. Оёқ-қўлларига беш-олти марта аччиқ зарба егач, додлаб палосга ётиб олди.

– Бор, айтганимни қил! – буюрди Обида темир таёғини унинг боши узра ўйнатиб.

Бир муддат ҳовлини бошига кўтариб йиўлаган Насиба охири ювина келиб, ўз улушини олди. Обида бир-икки лўкма ширинликни ўз қўли билан укасига едириб, унинг бўйнидан кучоқлаб, ювилган юзидан аста ўпди.

– Менинг укажоним бирам ширинки! – деб қўйди, киприкларини пирпиратиб жилмаяркан.

– Ҳе-е-е! Жинни-и-и! – хўрлиги келиб чайналиб йиғлади Насиба. – Сени ҳали ойимга айтиб бераман! Ҳе-е-е-е!

Ожиза қиз қаланқатдан бир лўкма ҳам емади. Чамаси, унга қаланқат эмас, бошқа нарса керак эди. Кечкурун Карима опа ва Раҳмон ака Насибанинг арзу додини эшитиб, қавариб чиққан болдирини кўриб аччиғланишди.

– Қиз ўлмагур! – жавради Карима опа. – Шунчалигам урасанми болагинамни?

– Болага ёшлиқдан тўғри тарбия бериш керак, – деди Обида пинагини бузмай. – Ҳовлини тоза тутиш керак. Бўлмаса фаришталар уйимизга кирмай қўйишади.

– Ола-а-а! – кулди Ёқуб. – Санком сиёсатни бошладилар-ку!

– Сен, Ёқуб! – ҳарбий хизматни битириб қайтган акасини тергади Обида. – Нос чекасан. Вино ичасан. Оёғинг сассиқ! Пайпоғингни ювмайсан!

– Ола-а-а, – хўмрайди Ёқуб. – Сизни нима ишингиз бор мен билан?!

– Шоқир сигарет чекаркан, – унга парво қилмай ҳаммани айблай кетди Обида. – Ўрисча уят гаплар билан сўқинаркан. Армияга бориб келса бу аҳмоқ ким бўлади? Насиба бўлса бурнини қоқмайди. Қўлини ювмайди. Ҳамма ёғи сассиқ. Назирингиздан доим сийдикни ҳиди келади. Қовуғига қўй ёғи сурунг, деб ўтган гал айтганман! Султон жинни бўлса супани ёнига сияди. Ҳожатхонага бормайди. Бу уйда тартиб йўқ! Ҳовлини тозароқ супурунг, ойи! Ювган кирингиздан совунни ҳиди келяпти. Шу кирни тоза сув билан икки эмас, уч қур чайқасангиз бўлади-ку?!

– Вой худо! – шанғиллади Карима опа бу айбномаларга чидолмай. – Қайнанамданам бунақа дакки емагандим. Вой, Озодахон, шўримга шўрва тўкилиб тирилиб келдингизми ?!

– Онагинамни тинч қўй, хотин! Тузукми? – унинг сўзини бўлди Раҳмон ака, битта-иккита оқ оралаган мўйлови ва қиртишланган иягини силаб. – Обидамни ҳамма гапи тўғри. Гапиравер, қизим. Буларни бир таъзирини бериб қўй!

– Ҳамма айб сизда, дада, – давом этди кўр қиз. – Жанжал қилганингиз-қилган. Бувамдан қолган табаррук супада вино ичавердингиз, ичавердингиз. Мана, Ёқуб билан Шокир ҳам вино ичишни ўрганди. Кароматилла домламиз сув бошидан лойқа, деганлар.

– Иях! Вой падарингга сендай қизни! – Раҳмон ака фиёони фалакка чиқиб, унинг гапини бўлиб бақирди. – Ўчир унингни! Калтак ейсан ҳозир!

– Қани урибам кўринг-чи! – орқа томонидаги темир ҳассасини қўлига олди сўқир қиз. – Бу уйда бирор кун тинчлик йўқ. Ҳамма бир-бири билан уришади. Бирортаси худога шукур қилиб нон емайди! Қачон шу ерга келсам, бекорчи жанжални устидан чиқаман!

Раҳмон аканинг оила аъзолари кўр қиздан дакки еб, бир-бирларига қараб сукутга толдилар. Унинг танбехларини тан олишга ғурурлари, инкор этишга эса виждонлари йўл қўймади. Кўр қиз соғлом одамлардек ҳунарбоз сохтакор эмасди. У ҳамма ишни тўўри бажариб, тўғри сўзлаб, тўғри яшарди. Негаки, бундан бошқача усулда яшаш табиатида йўқ эди.

* * *

Шокир шаҳар интернатида ўқиётган синглисини ҳаммадан кўра кўпроқ соғинар, баъзан Обидани бировлар уриб хафа қилаётгандек туюлар, уни уйга қайтариб олиб келишларини сўраб, ота-онасининг юрагини эзарди. Обида шаҳардан уйга келмай қолган ҳафтада якшанба куни халтага егулик тўлдириб, ундан хабар олишга борарди. Бир сафар Шокир, кўрлар мактабида ўзидан икки ёш кичик, хўжақишлоқлик хушсурат Олим билан танишди. У ҳам Обидага ўхшаб туғма кўр бўлиб, ҳатто ёруғликни ҳам сезмасди. Олим тили бурро ғазалхон, кучли шашкачи, қироатини келиштириб Қуръон тиловат қиладиган, ширали овозда куйловчи истеъдодли йигит эди. Мактаб ҳовлисидаги сўрида Олим ва Обиданинг суҳбатлашиб ўтирганларини кўрган Шокир вақти чоғ бўлди. Олим билан тезда тил топишиб олди.

– Мен яқинда ҳарбий хизматга кетаман, – деди Шокир Олимга. – Сиз мен қайтиб келгунча синглимни ёмон болалардан ҳимоя қилиб турсангиз. Обида жуда яхши қиз.

– Биз буни биламиз, Шокир ака, – деди Олим. – Сиз хавотир олманг, ҳаммамиз Обидахонни ҳурмат қиламиз. У кишини хафа қилишга ҳеч ким ботинмайди.

Гапни чертиб-чертиб маъноли гапирувчи, ясан-тусанга уста чапани Обида, икки бармоғини қошининг икки учига қўйиб, ўсмали нилни кўзи очиклардан кўра бежиримроқ тортарди. Сизгир бармоқлари билан хонага қўнган чангни дарров сезарди. Хонасидаги стол ва дарча тоқчаларини яраклатиб артар, шифтдан осилиб тушган исларни супурги учига илиб тозаларди. Бу қизни қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам ўйжим кўйлақда кўришмаган. Иш-малакаси кир ювиш ва дазмол босиш. Гапи мантиқсиз, оғзи бузуқ бачкана ёки тили заҳар кишилардан нафратланарди. Қўли терлайдиган, тишини ювмайдиган, саримсоқ ейдиган кишилар ўзига яқинлашса, ҳассасини суҳбатдошининг қорнига ботириб:

– Э-э! Ўша ердан туриб гапиравер, худога шукур, қулоғим қар эмас, – дерди.

– Ёруғ дунёдаги ҳар бир инсон ғариб, – деб унга дашном берарди Олим. – Сиз ёмон одамга озор берсангиз ҳам ғарибга озор берган бўласиз, Обидахон. Бу қилиғингизни ташланг.

Обида ва Олим ўртасидаги дўстлик узоқ йиллар давом этди. Кўзи ожизларнинг айтарли барчаси мусиқа ва шеъриятга ишқибоз бўлади. Икковлон гоҳо жўрликда кўшиқ куйлаб турардилар. Бу дўстлик бора-бора муҳаббатга айланди. Улар турмуш қуриб, шаҳардаги ётоқхонага жойлашиб яшай бошладилар. Олимга тегмасдан олдин Обиданинг хулқ-атвори

шўрқишлоқча эди. Олимнинг таъсирида димоўдорлигини ташлади. Орадан бир-икки йил ўтгач, бутунлай хўжақишлоқча хулқ-атворга ўтиб олди. Карима хола айтмоқчи, қиз шўрлик мулойим супургига айланди. У тенгдошларига қўшилиб, Шўрқишлоқ кўчаларида оёқ-яланг чопмаган. Ғарб ва шарқ томондаги баланд адирларни, шимолда жойлашган мовий тоғларни, қишлоқ жанубида мил-миллаб оқаётган сув тўла анҳорни кўрмаган. Ўртоқлари билан ариқлар бўйида “нон-оқизоқ” ўйнамаган. Шундай бўлса-да, Обида Шўрқишлоқнинг тўпори одамларини, боўроўларининг атрини жуда севади. Ўлмаган кул ниятига етармиш. Мана, нотавон Обида ҳам ҳомиладор бўлиб, фарзанд кутмоқда. Агар Шокирнинг хуши жойида бўлса, ҳомиладор сингисини юқорида қайд этилган алфозда кутиб олармиди. Обиданинг унга қанчалар суяниб яшашини наҳотки садоқатли ака унутиб юборган бўлса? Эҳей, одамларга нима бўлди ўзи?.. Ахир, сингил учун буғдойзорни босганга жазо йўқ дейдилар.

* * *

Туғиш арафасида аҳволи танглашган нотавон аёл докторнинг ундови билан қишлоққа келди. Юраги қисиб, оёғи оғриб, шаҳар хавосининг димлиги туфайли нафаси бўйилиб қийналди. Ой-куни яқинлашгани сари бечоранинг юрагига ғулгула тушиб, ота-онасидан умидвор бўлган эди. Ўз уйига сиғмай қолганини англаган Обида кўнгли чўкиб, тилини тишлади. Раҳмон амаки билан Карима хола супада ўтирган Олим ва Обиданинг арзу додини тажанг кайфиятда тингладилар.

– Шу ишингни қўй десам кўнмадинг, – жавради Карима хола. Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига. Ўзимни ташвишим озмиди, болам. Назирани рўзғори нотинч. Насибани ичи оғригани-оғриган, боши касалдан чикмайди. Шокир қарзга ботди. Болаларимга нима бўлди демай, кўчада санғиб, бузуқ хотини билан домга бориб ётиб олди. Ёқуб лавоқни бўлса хотини эшак қилиб миниб юрибди. Машинасига тўртта қайнисини ўтқазиб олиб, кўчамизни чангитиб ўтиб кетади. Дарвозамизга бош тикиб ўтишга эринади. Унга на ота керак, на она. Бир қишлоқда яшамасак ҳам майли эди. Султонни айтмайсанми! Ўлгур ичиб олиб, қишлоқни бошига кўтариб ашула айтади. Йигирма олтига кирди. Ҳалиям уйлантиролмаимиз. Битта тинч ўтирган боламиз сен эдинг. Мана, сенам ўалва орттириб келибсан. Уфф! Бошимни қаерга урсам экан-а?

Чорасиз сўқир эру хотин, айб иш қилиб қўйган боладек, чурқ этмай ўтиришар, Обида ҳаяжонланиб титраганда, Олим оппоқ қўлини аста сиқиб қўяр, “парво қилманг” дея пичирлаб, далда берарди.

– Ойижон, – деди Олим босиқлик билан. – Ҳали ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади. Мени сизлардан бошқа ҳеч кимим йўқ. Тўлқин тоўамнинг келинларини кўзи ёриган. У ерга боролмаймиз. Агар ўз ота-онам ҳаёт бўлишганида, сизларни безовта қилмасдик.

– Сизларга болани нима кераги бор эди, – деди Карима хола бир оз шаштидан тушиб. – Худо деб тинчгина яшайверсанглар бўларди-ку...

– Ундай деманг, ойижон, – хўрсинди юраги эзилиб Обида. – Бизларданам бирорта туёқ қолсин. Дунёдан беному нишон ўтиб кетмайлик... Ундай деманг...

– Тўғри айтасан, қизим, – деб қизини қўллади Раҳмон амаки. – Онанг қариб мияси суйилиб қолган. Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлади.

– Нима? – тўнғиллади Карима хола. – Сиз туғиб кўрибсизми?

– Кўнглим сезиб турибди. Ҳаммаси яхши бўлади.

– Иккисини кўзи кўр бўлса, – деди чолига ўчакишиб Карима хола. – Боласи ўсиб-униб оёққа турса, катта кўчада югуриб қочса, иккиси кўчани бошига кўтариб додлаб қолаверади-да. Сизга шу керакми?

– Олдиндан фол очиб жаврайверма, тузукми?! Балки буларни боласиям кўр туғилар, – деди

Раҳмон амаки. – Ҳали иккита кўрдан кўзи очиқ бола туғилди-ю, катта кўчага қочиб кетдим! Жуда майда гапсан-да, кампир.

Кўрлар қалбига кампирниқидан кўра чолнинг сўзлари, оўирроқ ботди.

– Шундаймикин? – қайўуриб бошини эгди Обида. – Мен туфайли яна битта кўр туғилиб, бу дунёда пайпасланиб юраркан-да?

Карима хола Раҳмон амакига кўзини олайтириб бош чайқади. Эри кифтини қисиб кўллларини ёйди.

– Анави одамни кўринглар! – аччиқланди Карима хола ва Обиданинг кўнглини кўтарган бўлди. – Сен парво қилма, қизим, даданг ўйламай сўйлайдиган бўлиб қолган.

Дарвозадан Раҳмон амакининг аммаваччаси мулла Ҳаким кирди. У – оқ-қизил юзли, узун соқоли қордай оқарган, бели бир оз букчайган, лекин ҳассага таянмаган серҳаракат, бардам қария. Ёши саксонга етиб қолган мулла Ҳакимнинг юз-кўзидан илму маърифатдан бохабарлиги яққол сезилиб туради. Бошига кулоҳ дўппи, эгнига оқ яктак-иштон, кўк чопон, оёғига калиш-маҳси ёки ковуш кияди. У оҳиста одимлаб, доим пичирлаб дуо ўқийди. Кўлидан тасбех тушмайди. Ялинчоқ оҳангда ҳалимлик билан сўзлайди.

– Раҳмон эшон?! Ҳов, Раҳмон эшон! – деб чақирди у дарвоза ёнида тўхтаб.

– Лаббай?! – Раҳмон амаки пешвоз чиқди.

– Масжидга жўнадим. Асрни бирга ўқирмиз?

– Ака, – деди у билан сўрашиб хонадон соҳиби. – Олимжон куёв келганлар. Мен таҳорат олиб чиқай. Сиз унғача булар билан сўзлашиб, чой ичиб ўтиринг.

– Бўпти-бўпти, – деди у ва хонадон аҳли билан илиқ саломлашди.

Карима хола рўмоли билан юзини тўсиб, ичкари хонага кириб кетди. Мулла Ҳаким супага ўрнашиб ўтириб олгач, фотиҳа ўқиди.

– Тузукмисизлар, болаларим? – деб меҳмонлардан ҳол сўради. – Олимжон, тузукмисиз?

– Раҳмат, амаки, – бош эгди Олим.

– Сен қалайсан, Обида қизим?

– Раҳмат, амаки, – бош эгди Обида. – Офтоб холам яхшимилар?

– Холангиз юрибди Аллоҳни паноҳида. Қочиб қаёққаям борарди, – деди қария ва Олимга юзланди. – Ўғлим, бу йил нечанчи порага етдингиз? Ўтган сафар ўн порага етдим дегандингиз?

– Ҳозирам ўша-ўша, – деди Олим. – Жамиятимизда иш кўп. Яна шолча тўқийдиган дастгоҳларни кўпайтирдик.

– Ҳа, рўзғорчилик шу-да.

– Ҳа, китоб ўқиш, Қуръон ёдлашга вақтимиз оз қоляпти, хўрсинди Олим.

– Ўзингиз қанча ёдладингиз?

– Беш порага етиб қолди. Сиз қандай қилиб баракали ёд оласиз?

– Магнитафонга ёзиб олиб ёдлайман. Устозлар қироатини тинглайман. Қуйма кулоқмиз-да, амаки.

– Кўзи ожизларга дуо теккан-да, Олимхон қори, – деди мулла Ҳаким. – Ҳазрати пайғамбаримизни кўр қорилари ҳақида биласиз-а?

– Абдуллоҳ ибн Умму Мактум, – жилмайди Олим.

– Ҳа! У кишини отлари Абдуллоҳ ибн Умму Мактум, – чой хўплади қария. – Ҳазрати пайғамбаримиз Макка раисларини динга даъват қилаётганларида, қурайшлар орасида шу кишиям ўтирган экан. Қурайш раислари пайғамбаримизга ихлос қилмабдилар. Абдуллоҳ эса суҳбатга араллашиб, “ҳой, Муҳаммад, буларни кўй, исломни менга ўргатакол”, деб ялинаверибди. Ҳазрати пайғамбаримиз алайҳи салом уни хархашасидан зерикиб, юзларини четга бурибдилар. Шу куни кечаси “Абаса” сураси нозил бўлибди. Тонг отиши билан Расулulloҳ Абдуллоҳни уйларига йўқлаб борибдилар. Уни қучоқлабдилар. “Эй, Аллоҳимдан менга дакки олиб берган зот, айтинг, сизга нимани ўргатай?” деб сўрабдилар. Шу кундан

этиборан Абдуллоҳ, Қуръони каримни ёдлаб, ёқимли оҳангда булбулдек сайрайдиган бўлибдилар. Замонаси етиб Ясрибдаги ансорларга шу қорини устозликка юборишибди. Орадан бир йил ўтгач, Ҳазрати пайғамбаримиз алайҳи салом ҳижрат қилиб Мадинага борсалар, Абдуллоҳни шогирдлари булбулигўёдек тиловат қилаётганмишлар. Худои таоло бир кўзи ожиз бандасини мана шундай азиз қилган экан. Агар сизлар ўксинсангиз хато қиласизлар, болаларим. Худо хор бандасини бир куни келиб албатта азиз қилади.

– Оҳ-оҳ-оҳ! – қувонди Олим.

– Омин! Илоҳим ували-жували бўлинглар! Хору зор бўлманглар. Аллоҳу акбар!

Қариялар масжидга кетишди. Олим, Обида ва Карима хола, бир оз ундан-бундан суҳбатлашдилар. Олим кўл соатининг мурватини бураб, ойнасини очди. Бармоғи билан пайпаслаб вақтни аниқлади.

– Шаҳарга кун ботмай етиб олишим керак, – деди у. – Соат тўрт бўляпти, Обидахон. Хархаша қилмай, одобли қиз бўлиб ўтиринг. Мен индинга келаман.

– Йўлларда эҳтиёт бўлинг, – деди Обида.

– Хўп, хўп.

– Овқатингизни ўзингиз эплаб пишира оласизми?

– Бир амаллайман. Сиз ўзингизни ўйланг.

Олимжон ҳамма билан куюқ хайрлашди. Карима хола бу туўма басирларнинг меҳр-оқибатларини кўриб ажабланди. “Кўрларга шунча меҳрни берган худога хайронман, – деб ўйлади у. – Нега шу меҳрни кўзи очикларга бермайди?.. Эҳей, замон айниди, замон. Наслу насаб айниди...”

Тўртинчи боб

Кўмилиб кетган илмлар

Назаркарда Зуннур эшон башорат қилганидек, нафақат бегоналар, ўз авлодлари ҳам жаҳолат ботқоғига ботишди. Бир замонлар бу хонадонда, илму маърифатли Зуннур эшон, унинг ўғли Эшондада эшон, олтин суви юритилган нақшинкор китобларни ўқишган. Отаси ва аммаваччаси мулла Ҳакимнинг аянчли оқибатини кўрган Раҳмонали, бу ёруғ дунёда тинчроқ яшагиси келиб, аждодлар маърифатидан воз кечди. Бу хонадонда сўқир Обидадан ташқари ҳеч ким китоб ўқимайди. Бир қатор қилиб қурилган эски ва янги хоналарда мактаб дастурига дахлдор китоблардан бошқа китоб йўқ.

Обида бугун ўзи туғилган ҳайҳотдек ҳовлида танҳо қолди. Ҳамма ўз юмуши билан ҳар ёққа тарқалди. Карима хола, ўртанча қизи Насибадан аҳвол олиш мақсадида, Раҳмон амакини етаклаб, тонг сахардаёқ уйдан чиқиб кетган. Ҳаммадан сўнг эшикни устидан қулфлаб, Ойхон ҳам бозорга жўнади. Обида ҳовлида танҳо қолгач, супага тўшалган кўрпачага ўтириб, кўзи ожизлар учун махсус чоп этилган китобини мутолаа қила бошлади. У бўртма нукталар зарб қилинган рангсиз ва жилосиз китобнинг, ғадур-будур саҳифаларини пайпаслаб, бармоғини бўртма сатрлар бўйлаб юргизар, онгида нукталар йиғимидан тамға, тамғалар йиғимидан сўз ва сўзлар тўпламидан гап ҳосил қилиб ўқирди.

Ҳовлидаги сукунатга раҳна етгач, ҳушёр тортган ожиза аёлнинг киприклари кетма-кет елпинди. Кунботиш тарафдан эшитилаётган шитирлашларга қулоқ осиб, нафасини ичига ютди. Ҳовли деворидан Зоҳида ошиб тушди. Супа устидаги Обидани кузатиб, бир муддат деворга қапишиб турди. Кўчадан болалар ва Олапарнинг шовқини эшитилди. Зоҳида чўчиб атрофга олазарак бокди. Кейин ошхонага кириб, капгирни олиб чиқди. У оёқ учида юриб, Обиданинг яқинидан ўта бошлади. Обида овқат ва атир ҳидини туйди. Аччиқланиб юзлари буришди. Бош

чайқаб китобдан бармоқларини узди.

– Зоҳида опа, капгирни ўз ўрнига қўйинг!

– Вой, худо! – деб юборди Зоҳида.

Тош йўлакка тушган капгир жарангги Адиркўчага баралла эшитилди.

– Нега бундай қияпсиз, Зоҳида опа?

– Мен кўриндимми? Мени кўряпсизми?

– Биласиз-ку, мен ёруғликниям кўрмайман, опа.

– Ундай бўлса мени қандай танидингиз? Авлиёмисиз?

– Йўқ, – Обиданинг пешонаси тиришди. – Мен сизни ковушингиз товушидан танидим.

Ўтган кунги ўтиришда атирингиз ҳидини эслаб қолганман. Капгирни ўрнига қўйинг.

Зоҳида ошхонага кириб, капгирни қозонга солиб, қайтиб чиқгач, супада бемалол ўтириб олиб, тиззасига шапатиланганча, хўнграй бошлади.

– Шарманда бўлдим! Мени эрим уриб ўлдиради! Вой, энди болаларим қандай бош кўтариб юришади! Вой, онажон, хароб бўлди-и-и-им!

– Оч қоляпсизларми, опа? – сўради Обида.

– Йўқ, ўлар-қолар чоғимиз йўқ, Обидахон. Вой, қандоқ қиламан?..

– Ўғри бўлиб кетибсиз-да?

– Йўқ, мен ўғримасман! – баландроқ йиғлади Зоҳида.

– Ўзингизни алдаманг, – деди Обида. – Мис лаган, пақир, қош тергич, ярим ишлатилган шампун... буларни ўғирлаш фақат сизни қўлингиздан келади. Сиз илгари пиёздок қилаётганда доим гўшт чайнаб турардингиз. Ўшандаёқ ўғрилигингизни билгандим. Салим акам сизни кўп урармиш. Нега шундай қилади, биласизми?

– Йўқ... – хўрсинди ҳиқиллаб Зоҳида.

– Ўғрилиқни сиз қиласиз, бегуноҳлар гумон остида қолиб азобланадилар. Кейин уларни қарғиши сизни тутди. Жазоингизни шунақа қилиб эрингиз беради, опа.

– Обидахон, – ёлборди Зоҳида. – Илтимос, ҳеч кимга айтманг! Раҳмингиз келсин. Икки боламни етим қилманг! Эрим мени уриб ўлдиради.

– Майли, – деди Обида. – Ўғирлаган нарсаларингизни ўрнига чиқариб қўйинг. Бошқа ўғрилиқ қилманг. Келишдикми?

– Келишдик, – рози бўлди ўғри қўшни. – Ҳамма нарсангларни қайтариб бераман.

Ногоҳ дарвоза тарақлаб очилди. Бозор халталарни кўтариб, қора терга ботган Ойхон кириб келди. Супага халталарни қўйди.

– Ия?! – пешона терини артди Ойхон. – Ҳа, келинг, қўшни?

– Мен... ҳалиги... – тайсаллади Зоҳида. – Қўшним зерикмасин деб, девордан ошиб тушдим.

– Обидахон ҳеч зерикмайдиган қиз эди-ку?

– Мен ўзим опамларни чақиртириб олдим, янга, – ўўрини ҳимоя қилди Обида.

– Хўп бўлмаса, – тисарилди Зоҳида. – Мен уйимга чиқа қолай.

– Эшиқдан чиқиб кетаверинг-да, қўшни, – деди Ойхон йўл кўрсатиб.

– Ҳа-я!

Зоҳида сохта кўтаринкилик билан, кўзлари ола-кула бўлиб, дарвоза орқали кўчага чиқиб кетди. Ойхон супада ўтириб елпинди. Обида Ойхон яқинига келиб ўрнашди.

– Зоҳидага жуда қийин-да, – ачинди Ойхон. – Эри кўп уради бечорани.

– Бир гуноҳи бордирки, жазолаётгандир, – деди Обида ва жиддий оҳангда сўради: – Нима бўляпти ўзи сизларга, янга?

Ойхон ҳасрат китобини очди.

– Акангиз қарзга ботиб қолдилар. Анави Махлиё туфайли маишатга берилиб, дастмояларидан айрилдилар. Россияга юборилган мевалар йўлда чириб кетди. Насияга олинган мевалар ҳақини тўлаш учун бор нарсамизни сотдик. Машиналаримиз ҳам арзон-гаровга кетди.

Сигирдан, қўй-эчкилардан айрилдик. Акангизни шериклари пул қистаб келишса, ҳовлиниям сотсак керак.

– Султон-чи?... – ғамга ботди Обида.

– Уфф... – яна жаврай бошлади Ойхон. – Ҳамма айб мана шу Султонда. У Россияга машиналарни бошлаб кетганди. Йўлда савдогарларни милисалар, ҳар хил ёмон одамлар тўхтатиб, пул талаб қилишаркан. Улар айтган пулни тўлаш керак экан. Шунда машиналар манзилга ўз вақтида етиб бораркан. Султон пулни қизўаниб, йўлтўсарларга кам тўлабди.

– Ёқуб акам буни биладими? – сўради юраги эзилиб ожиза.

– Бе, – хўрсинди Ойхон. – Ёқуб акамни овсиним эшак қилиб миниб олган. Бу ерга ўт тушса тешик пақириниям бермайди. Ёқуб акамда меҳрдан асар йўқ. Маҳлиёдан умидимиз бор. У пулимизни ярмини қайтарсаям майли эди.

Дарвозадан қизариб-бўзариб Зоҳида қайтиб кирди.

– Вой, қўшнижонлар, – деди у зўраки қулиб. – Нега мени адаштирасизлар? Ахир эшигим ичидан ёпиқ эди-ку? Вой, Ойхон!..

– Вой, қўшни?! – кафтини қисди Ойхон. – Сизни эшигингиз ичидан берклигини мен қаердан билай?

Зоҳида бир амаллаб пахса деворга чикди. Ўз ҳовлиси томон қулаб тушиб, додлаган овози эшитилди. Ойхон хавотир олиб девор ёнига бориб чақирди.

– Ҳой қўшни? Тузукмисиз ишқилиб?

– Раҳмат! – инқиллади Зоҳида. – Соғман! Раҳмат!

Зоҳиданинг овози ўчди.

Обида яна хонадон мушкулотини эслаб ғамга ботди.

– Жиянларим қачон келишади, янга?

– Бирор соатда келиб қолишар, – деди Ойхон.

– Илтмос, мени қишлоқда айлантириб келишсин.

– Жон деб айлантириб келишади. Ўзлариям сизни жуда соғинишган.

* * *

Обида шу куни туғилиб ўсган қишлоғида мириқиб сайр қилди. Акаси Шокир ҳақида кўп ўйлади. Шўрқишлоқ заминида асосан пахта, боғдорчилик ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Шокир полиз ва боғ маҳсулотларини Камаз машинасига юклаб, Россия бозорларига олиб бориб сотарди. Қовун-тарвуз, узум, олма, шафтоли, олу, ўрик ва хурмо меваларидан кўп фойда кўрган. Илгари барча ишни Обида билан бамаслаҳат қиларди. Обиданинг ўаройиб қобиляти бор. У суҳбатни тинглаб ўтириб, бир зумда оқилона ечим чиқара олади. Агар у, бу ишдан ёки мана бу кишидан яхшилик чиқмайди деса, албатта айтгани бўларди. Илгари Обида ва Олим Шокирнинг холис маслаҳатчилари эдилар. Кейинчалик Маҳлиё бошини айлантириб, улардан деярли узилишиб кетди. Шокир кўча кўрган йигит бўлгани билан одамларнинг яхши-ёмонини кўп ҳам фарқлай олмайди.

Шокирнинг уч қизи Обидани етаклаб, Сутбулоқ она мазоратига бордилар. Обида авлиё она қабрига баўишлаб қуръон тиловат қилди. Ўз оиласига худодан омонлик тилади. Акаси Шокирга омад тилаганда сўкир кўзларидан ёш келди. Обида ҳомиладор бўлса-да, ношуд хотинлардан фарқ қиларди. Унинг тик қомати, кенг тикилган куйлаги, турмакланган қора сочлари, бошидаги оқ рўмоли, оқ-қизил юзи, қалдирўоч қанотидай қошлари, ҳар қандай кўзни ўзига тортарди. У замин узра енгил одимлаб борар, гуё афсонавий Сутбулоқ она тирилиб келгандек, изларига майсалар салом беришар, шабада эркалар ва сочларини ўйнардилар.

Улар айланма сўқмоқ орқали адирдаги катта қабристонга боришди. Эшон буванинг қабри яқинида ўсган тут дарахти соясидаги сўрига ўтиришди. Қизлар атрофдаги қабрлардан кўрқиб

шумшайиб қолишди. Обида яна куръон тиловат қилиб, мархумларга бағишлади.

– Амма, мен кўрқяпман, – деди юраги увишиб Шокирнинг ўртанча кизи.

– Бу ерда катта буваларимиз ётишибди, – деди Обида. – Улардан кўрқсанг хафа бўладилар.

Улар дадангни, буванг билан бувингни, мени яхши кўришган.

– Улар қаерда? – сўради катта жияни Шаҳзода.

– Қорасоч бувимларни қабрлари анави, – деди Обида тутни ушлаб қаршисига ишора қилиб.

– Рўпарамиздагиси Зуннур эшон бувамларники. Уларни ортида иккита қабр бор. Булар Эшондада бувам билан Озодахон бувимни қабрлари. Мен Эшондада бувамларни эсламан. У киши тўрт ёшимда ўлганлар. Озода бувимлар эса мен мактабга кетганимдан сўнг ўлганлар. Улар мени жуда яхши кўришарди.

Шокирнинг қизлари қабрларга боқиб, ўйга чўмдилар.

– Тўрт ёшингиз эсингиздами, амма? – сўради ўртанча Озода.

– Нега эсимда бўлмасин, ҳаммаси эсимда, – деди Обида жилмайиб. – Даданг мени тўрт ёшимда катта ариққа чўкаётганимда кутқариб қолган. Буям кечагидай эсимда. Сўраб кўр-чи, дадангниям эсида бормикин.

– Эсларида йўқ, – деди кенжатой Ўғилой. – Дадамни каллалари яхши ишламайди. Ҳамма нарса эсларидан чиқиб қолади. Ҳар куни эрталаб пайпоқларини тополмай ойимни уришадилар.

Зиёратчилар кечга томон уйга қайтишди. Қизлар кўхна қабрларда ётган боболари ва момолари ҳақида ўй суриб борар, Раҳмон амаки ва Карима холага ўхшаган, улардан ҳам қарирок эркак ва аёллар сиймосини тасаввур қилиб, орзу-армонларга тўла оламга боқиб, энтикиб-энтикиб кўярдилар. Қизиқ, дунёдан ўтиб кетишган ўша ота-боболар қандай бўлишган экан-а?

* * *

Юз йиллар муқаддам Шўрқишлоқ ҳаёти мутлақо бўлакча эди. Бир умр рўза тутган Зуннур эшоннинг оқ юзидан нур ёғилиб, сурма тортгандек қора кўзлари жилваланиб турарди. У кўриниш берганда кишлоқ аҳли эгилиб-букилиб истиқболига пешвоз чиқиб, оппоқ ва майин кўлини кўзларига суртарди. Эшон кишлоқдаги ҳар бир одамни номма-ном танирди. Ҳар бирини исмини айтиб мурожаат қилар, ҳар бирига тегишли панду насихат берарди. Мушкул муаммоларни ечиб, жанжаллашган томонларни осонгина яраштирарди. Унинг оўзидан чиққан каломлар, илоҳий башорат каби зухурга келиб, ихлосмандларни лолу ҳайрон қиларди. Улар сўлим боўидаги тошсупада ўтириб, дам солдириб, дуосини олиб кетардилар.

Октябрь инқилобидан бир йил аввал, эшоннинг супасида, йигирма кишига яқин жамоат жамланди. Шўрқишлоқнинг кексайиб қолган Ҳорунбой, ўрта ёшли Нурмухаммадбой, Отахонбой ва Саидазимбой каби бойлари ташриф буюриб, Зуннур эшон илҳомланиб шарҳлаган ояту ҳадисларни мароқланиб тингладилар. Шу куни у айтган сўзлар келажакдан башорат эканини ҳеч ким сезмай қолди.

– Нокис ақлимизни ишлатиб атрофга боқсак, банданинг кўлида ҳеч нарса йўқ экан, – деди у мудроқ оҳангда. – Оламга тўймаган кўзларимиз, жон қуши танамизни тарк этгач, Аллоҳнинг мулкида қолиб кетаркан.

– Ҳақ, ҳақ, тақсир, – деб бош эгиб қўйишди тингловчилар.

Эшон маъюсланиб сўзида давом этди:

– Бу дунёга этак силкиб ўтдик. Аммо ундан узилишиб кетолмадик. Жаноби Ҳақ дийдорига етолмадик. Кеча ғариб қули “Муфтоҳул жинон, мисбоҳул иймон” китобининг қиёмат саҳифаларини очди. Ҳазрати Расулulloҳ марҳамат қилибдилар: Қиёмат олдида, олимлардан илмига амал, бойлардан саховат, амалдорлардан қонунга итоат, гадолардан қаноат, авомдан шарму ҳаё кетур. Шу айтилган белгиларни ўз юртида кўриб, ғарибнинг юрагини ваҳми қиёмат

ларзага солди. Ғариб чор томонга боқиб кўрса, обидлару олимларнинг кўзлари сўқир бўлиб, эл бошига балою қазолар босиб келаётган эмиш. Илоҳим меҳрибон Аллоҳ бу жафокаш элни ўз паноҳида асрасин.

Эшоннинг шогирдлари, ихлосманд бойлар, ўзга юртлардан келган дарвишлар:

– Омин! Айтганингиз келсин, пирим! – дея хитоблар қилдилар.

– Бирингиз бой, бирингиз дарвиш, – деди тўрда ўтирган эшон оммага юзланиб. – Бирингиз амалдор, бирингиз тобе. Бирингиз шойи кимхоб кийибсиз, бирингиз наमत. Бировда илм бор, бировда олтин. Сўрагувчилар сўрадилар: кимда масъулият катта? Ким худога яқинроқ? Жавоб қилдиларким: ҳаммада масъулият катта, ҳамма Аллоҳга яқин. Аллоҳ кимга назар солса, ўша бандасини ўзининг юз исми сифатидан бирига монанд қилиб кўяди. Аллоҳ мўмин эди, назарига сазовор бўлган бандаси мўмин бўлиб, иймон топди.

– Қуллуқ, пирим, тасанно, пирим, – эгилишди дарвишлар.

– Аллоҳ олим эди, назари тушган бандасини олим қилди, – давом этди эшон. – Унга ўз илмидан бир ҳиссаи омонат бердиким, бандам илмимни элга тарқатсин деб. Аммо ўофил олим бу илмни қизўаниб, ўзгага раво кўрмади. Қиёмат куни унинг оўзига эриган кўрғошин қуйилади.

– Ох, астағфуруллоҳ, – бош эгишди дарвишлар.

– Аллоҳ бой эди, назари тушган бандасини бой қилди, – одатига яраша қироат ила сўзлади эшон. – Назаркардаларнинг масъулиятлари, насибаларига яраша каттадир. Қиёмат куни ҳақ тарозиси тортилганда, Аллоҳ жалла жалол сўради: “Эй, бандам, бой эдим, бойлигимни сенга омонат топширгандим, шуни қандай тасарруф қилдинг? Уйинг тўла буўдой эди, нега юртингда оч қолган бандаларим мендан норизо бўлиб нолаи зор қилдилар? Мен рўйи заминга туширган бойлик бисёр бўла туриб, нега бандаларим қашшоқ яшадилар, уйланмай-жойланмай ўтдилар? Хузуримда ким деган одам бўлдинг? Мени ердаги соям бўласан деб, зимманга юклаган вазифамни аъло ўтайсан деб, сенга назар солгандим. Оми бандаларим устидан сени масъул қилгандим.”

– О, ҳасрато алҳамдуллиллоҳ, о, ҳасрато, – кўзларига ёш қалқиб, бошларини эгишди шўркишлоклик бойлар.

– Дилингизда илм бўлса кимга бермак керак? – ўзи сўраб ўзи жавоб берди у. – Толиби илмга бермак керак. Қўлингизда нон бўлса кимга бермак керак? Очу яланўочга, мискину мусофирга бермак керак. Ишқу муҳаббатни меҳрибон Аллоҳга, бўш вақтни илму ҳикмат ва тоат-ибодатга, ҳурмату эҳтиромни ота-онага, таълим-тарбия ила меҳрни фарзандга, куч-қувватни ҳалол меҳнатга, Ҳақ фармони ила етиб келса, ширин жонни Маликул Мавтга бермак керак. Ғариб ўйлаб кўрса, биз бандалар, ўз тасарруфимиздаги ҳар бир нарсани ўз эгасига етказиб бергучи бир дастёр эканмиз. Дастёрликда хатога йўл қўйсак, Улуғ Подшоҳ – Аллоҳ бизни жазою сазога грифтор қилар экан. Эртага бул жаноби Азиз ҳақдор берган омонатларини тортиб олмаса эди, даргоҳидан қувиб солиб, шармандаи шармисор қилмаса эди, деб бандаси кўрқув изтиробига тушди.

– Яшанг, пирим! Ҳақ айтдингиз, пирим! – нидо қилди муридлар.

– Келинлар, бир дуо қилайлик, – дея фотиҳага қўл очди эшон. – Илоҳо омин!

– Омин, – фотиҳага қўл очди жамоат.

– Иймони муҳаммадий ила барчамиз ўафлатдин уйўонайлик. Илмимиз ила эл кўзини очайлик, молу давлатимиз ила элни ўз боламиздек парваришлайлик. Ҳақиқат қилайлик, адолат қилайлик. Жаноби Одил, Жаноби Ҳақ қилган гуноҳларимизни кечирсин. Истиқболда биз ўариб қулларни кутиб турган балолар бошимиздан арисин! Аллоҳ жалла жалол меҳру шафқатини бизлардан дариў тутмасин. Омин Аллоҳу Акбар!

– Омий-и-ин!!

* * *

Аммо эшоннинг дуолари ижобат бўлмади. Орадан йиллар ўтди. Эл худонинг қаҳрига учраб, дунё исёну туғён алангаси ичида қолди. Жаҳаннамнинг қопқалари очилиб, оташ аждарлари ўз ўлжаларини кутиб, оўизларини катта очдилар. Маърифатли Зуннур эшон хонадони токчаларини тўлдирган кўхна китобларнинг аксарияти ҳаттотлар томонидан кўчирилган бўлиб, баъзилари уч юз йил аввалги китоблар эди. Тошкент ва Қозонда босиб чиқарилган босма китобларнинг қоғозлари қалин бўлиб, бу нашрлар Санкт Петербургда назоратдан ўтказилгач, босишга руҳсат этилганди. Ҳажми, ёзилиш услубияти, қоғоз ва сиёҳлари ҳар хил, зармуқовали китобларни Зуннур эшон жуда авайлаб сақларди. Китобга нисбатан беҳурмат кишиларни ёқтирмасди. Мутолаадан аввал таҳорат қилиб, чордана қуриб, лавҳ тахтасига китобни қўйиб, хатчўпларни саралаб, тегишли варақни очарди. Бирон юмуши чиқиб қолса, албатта китобни ёпар, ўз ўрнига жойлаштирар, асло очик ҳолда қолдирмасди.

– Бир нуқта бирла кўзни кўр қилурлар, болаларим, – дерди у.

Бу ҳикматли сўзлар замирида икки хил маъно бор эди. Араб имлосида “ре” ва “зе” харфлари бир хил кўринишда бўлиб, “зе” устида нуқтаси бор. Агар “кўз” сўзида нуқта тушириб қолдирилса “кўз” сўзи “кўр” сўзига айланиб қолади. Очик қолган китоб саҳифасига мабодо пашша қўнса, нуқтали ва нуқтасиз харфлар устига, қўшимча нуқта-доғлар тушиб қолади. Оқибатда мутолаа қийинлашиб, китобхон “кўзи кўр” бўлади...

Шўровий фаоллар маърифатли халқ кўзини кўр қилишни бош мақсад қилиб олдилар. Араб алифбосида битилган барча китоб улар кўзига диний қурол бўлиб кўринарди. Фаоллар хонадонма-хонадон юриб, барча китобларни халқ қўлидан тортиб ола бошладилар.

Бир беҳосият кунда Зуннур эшон ҳовлисига, икки йигит билан йигирма беш ёшли фирка фаоли Сафар Нуғмонов кириб келди. У кезларда бирорта шўрқишлоқлик эркак соч қўйиб, соқол қирдирмасди. Узун сочини орқага тараб, соқол-мўйловини қиртишлаб, гимнастёрка кийиб юрвчи оқ юзли хушсурат Нуғмонов, ғоят истеъдодли бўлиб, ўн саккиз ёшигача диний мадрасада таҳсил олган, кейин Россияда рус тилини ўзлаштирган оташин коммунист эди. Нуғмонов эшикларни ялтироқ этиги билан тепиб очиб, ҳужрадаги китоб солинган сандиқни ағдаришга буюрди. Сўнгра у китобларни муқовасига кўз югуртириб, саралаб икки бўлакка ажратди. Ажратиб олинган китоблар қопларга солинди. Саксон ёшли Зуннур эшон сомон-сувоқ қилинган тош супасида ўтирар, бу ғаройиб қароқчиларнинг ҳаракатларини ҳайратга чўмиб кузатарди.

– Бу китобларни не қилмоқчисиз, азизларим? – деб сўради у.

– Гулханга ташлаймиз! – дўриллаган овозда жавоб қилди Нуғмонов, қора сочларини ортга силаб. – Шунда меҳнаткаш халқ афюн балосидан кутилади.

– Афюн лаънатга гирифтор бўлган кўкнордан бинога келмиш, – деди куйиниб Зуннур эшон. – Заҳматкаш илм аҳлининг меҳнату машаққати ила афюн орасидаги фарқни кўрмаётирсизми?

– Бу китоблар халқ кўзини кўр қилғувчи ғафлат! – деди папирос тутатиб Нуғмонов.

– Халқ кўзини саводсизлик ила китобга беҳурматлик кўр қилур, – дея афсусланиб бош чайқади Зуннур эшон.

– Чего ты понимаешь, темнота.

Нуғмонов эшонга қўл силтаб, йигитларга ишора қилди. Фаоллар икки қоп китобни орқалаб хонадонни тарк этдилар. Бўшаб қолган сандиқга боққан Зуннур эшон, катта оқ салласини бошига ўраб, оқ чакмонини елкасига илиб, “асои Мусо” ёўочидан ясалган ҳассасини бир қўлига, муборак ҳаж сафариди Маккадан олиб келган тасбеҳини иккинчи қўлига олиб, фаоллар ортидан гузар томон шошилди. Ёши ўттиздан ўтган Эшондада, ўз отасидан хавфсираб, бошига кулоҳ дўпписини апил-тапил кийиб, унинг ортидан кетди.

Гузарда қишлоқнинг каттаю-кичиги тўпланган, ўртада катта гулхан ёниб турар, гимнастёрка кийиб, қизил нишон таққан, йигирма-ўттиз ёшлар орасидаги навқирон фаоллар, олтига ўспирин

йигит ва милтиқли тўрт аскар эски чойхона айвонига жойлашгандилар. Нуғмонов диний китобларни қоралаб узоқ гапирди. Нотиқ сўзи тугагач, ўндан ортиқ қопдаги китоблар ерга ағдарилди ва гулханга ташланди. Уламолар кўзига суртиб ўқиган мусҳафлар, ҳадислар, илм-маърифат дурдоналари гуриллаб ёна бошлади.

Зуннур эшон аҳволни кўргач, вужуди музлаб, пешонасидан совуқ тер чиқди.

– Тўхтанглар, мусулмонлар! Тўхтанглар! – бор овозда бақирди даҳшатга тушган эшон. – Ақлингизни йиўинг!

– Отажон! – уни билагидан тутиб ортга тортди Эшондада. – Бошингизга бало чақирманг!

– Эй, фарзанд?! – умрида биринчи маротаба ғазабланган кўзларини ўғлига тикди Шўрқишлоқнинг сўнгги авлиёси. – Бу не ҳаракатким, отангиз билагини қайирмоқни ихтиёр этибсиз?!

Ғофил фарзанд ота нигоҳидаги ғалати бир бегона учқунни кўрди. Туну кун шу фарзанд бахту иқболини сўраб фотиҳага очилувчи қўллар қайрилиб, барча дуолар кунпаякун бўлди. У ота дуосидан айрилганини ҳис этди.

– Авф этинг, қиблагоҳим! Авф этинг!

Зуннур эшоннинг соясига салом берувчи халқ қўл қовуштириб, тавозе ила тисарилиб йўл очди. Зуннур эшон чойхона айвони ёнига бориб, халойиқ томон бурилиб, ўзига ярашмаган нотаниш бир оҳангда хитоб қилди:

– Ҳой, мусулмонлар! Тўхтатинг бу гумроҳликни! Шу азиз китоблар шарофатидан ризқингиз бутун, хонадонингиз тинч, дил ойнангиз мусаффо эди. Нега илмга ўт қўймоқдасиз?! Илмсиз яшасангиз кўнги кўзларингиз кўр бўлиб, дил боғингиз дашту биёбонга айланади! Огоҳ бўлинг, эй, халойиқ, бошингизга бало-қазолар келяпти!

Ранги гезарган басавлат Боймурод Мухторов, фирқа фаоллари орасидан ажралиб чиқиб, айвон зинаси орқали пастга тушди. Зуннур эшонга яқинлашиб, қисик кўзлари совуқ йилтираб, унинг муборак юзига бир шапалоқ туширди. Шўрқишлоқ аҳли буни кўриб оҳ урди. Чўтир юзли кўримсиз йигит – Ҳаким Эрназаров, ўрис биродарига қараб бош чайқади.

– Боймурод ошириб юборди, Максим, – деб ўзабланди тугулган муштлири қалтираб. – Бундай азиз кишиларга қўл кўтариш яхши эмас.

– Нимаям қилардик, – кафтини қисди малласоч Парфёнов. – Кураш кетяпти, Ҳаким.

Гузарга зўрлаб ҳайдаб келтирилган аёллар паранжи ичида ув солиб йиғладилар. Ёши саксондан ўтган нуроний эшон, ранги совуқ мўйловли йигитга ҳазин боқиб, сўзлашдан тўхтаб қолди.

– Ҳой, хурофотчи руҳоний ! – деди Мухторов. – Тўхтат тескари ташвиқотни! Ҳозироқ бу ердан йўқол!

– Ҳа, аттанг! – гулханда ёнаётган китобларга ачиниб термулди эшон. – Гулдек йигит экансан-у, бу тўтиёларни танимадинг. Ўзинг кўр бўлдинг! Элу юртни кўр қилдинг! Олимларни кўр қилдинг! Обидларни кўр қилдинг! Илоё, шу азиз китобларни уволига учрагин! Наслу насабинг ер юзида ўрмаламасин! Ўзинг қашқирларга ем бўлгин! Додингга етгучи бир зот топилмасин! Аллоҳу Акбар!

Зуннур эшон қаддини букиб уйига қайтди.

* * *

У жойнамаздан бош кўтармай, супа устида узоқ ибодат қилди. Ихлосмандлари ҳовлига тўпланишди. Далоилхонлар ёқилган “Далоилул хайрот” китобларидан “Асмаил-хусна” ва “Қасидаи бурда” бобини ўқидилар. Эшон енгил тортиб, даврага қўшилди. Кўзлардан оқаётган ёшларни кўриб:

– Йиғламангиз! – деб фармон берди. – Пайғамбар алайҳи салом суннатига эришган

устозингиз ўз қисматидан рози. Сиз нечун исёну туғёнга ботмоқдасиз?

– Пиримизга кўл кўтарсалар қандоқ чидайлик? – деди бир қаландар. – Сиз лойиқ топсангиз бошини узиб келиб, оёғингиз остига ташлайман.

– Ҳожатсиз амалга кўлингизни булғамангиз, – рад этди эшон. – Биз сизларни чўчка сўярсиз деган умидда илму маърифатга олиб кирганмидик? Биз ул бадкирдорни қашкирлар ҳукмига топширдик.

– Улуғ ёшингизни ҳурмат қилсалар бўларди, – ўқинди эшоннинг куёви Абдулхофиз.

– Минг ёшли Нух пайғамбарни урган кофир саксон ёшли қарияни аяб кўярмиди, фарзанд, – деди у оғир хўрсиниб. – Алҳамдулиллоҳ, ўзингга шукур, Аллоҳим.

– Нима сабабдан бу балолар бошимизга келди, пирим? – сўради эшоннинг асранди ўғли Садриддин қипчоқ мўлтираб.

– Аллоҳни қаҳрига учрадик, фарзанд, – эллик йил муқаддам бўлиб ўтган шўри савдоларни хотирлаб ўқинди Зуннур эшон. – Юртимизда фиску фужур, зиною куфр, бедодлик, бешафқатлик кўпайди. Бойлардан саховат, камбағаллардан сабру тоқат кетди. Подшоҳлардан куч-қудрат кетиб, ҳаммаси ёғийга кул бўлди. Охир-оқибат шу кунларга дучор бўлдик. Барча балоларга биз айбдормиз. Биз...

– Буларга сиз айбдор эмассиз, пирим, – ўкириб йиғлаб юборди Садриддин. – Аллоҳ шохид, сиз азизларнинг азизисиз...

– Ҳамма балоларга шу донғи кетган эшон отангиз айбдор, фарзанд, – оғир хўрсинди Зуннур эшон. – Баҳоуддин балоғардон айтибдурларким, гар юртга бало келса, у шохни эмас, дарвешнинг хатоси бўлади. Қутбликка даъво қилдик. Лекин қутбларда тизгин, камчи бўлишини эсдан чиқардик. Бу шох эмас, дарвешнинг хатоси. Бу хатокор ўфил сизни кўзёшларингизга арзимамайди! Агар биз дунё молига қарамаганимизда, дуоларимизни тўғри ўқиганимизда, бу фалокатлар юз бермаган бўларди. Унутманглар, авлиёларнинг дуолари чала бўлса, элу юрт бошига бало келади. Биз қилган хатолар эвазига, элни жабру ситам, очлигу хорлик ўз гирдобига олади. Эл подшоҳлари кул, маликалари чўрига айланади! Авом халқ тубанлашиб, жаҳолат ботқоғига ботади! Ҳаммасига биз айбдор. Кўзларимиз кўр экан. Қилган гуноҳларимизга тавба қилдик. Тавба қилдик...

Ўз қавмидан шапалоқ еб кўнгли чўккан Зуннур эшон, хафалик ва изтироб исқанжасида, бир ярим ой супада ётиб, рамазоннинг маўфират қисмида, намози жума куни оғзида калимаи шаҳодат билан боқий дунёга қайтди.

Бешинчи боб

Телба дунё

Тақдирни қарангки, 1981 йилда Қобил фронтчининг яккаю ёлғиз етим ўғли Салимни Афғон урушига олиб кетишди. Етимча Салим дарвозасига калладай кулф осилди. Салим болалигида уруш-уруш ўйнашни яхши кўрар, ёғоч милтикни елкасига тақиб, ҳар куни Ёқуб билан Шокирнинг олдига чиқар, Раҳмон амаки уни қувиб солмагунча тирғилаверарди. Фаришта омин деган экан, армияга борибоқ бўйнига автомат осиб, бир ойдан сўнг ўзини Афғонистон заминидаги Қандаҳорда кўрди. Салим ёшлигида отаси ва Холдор муаллимнинг зулми туфайли ҳуркак бўлиб қолган, бирор нарса беҳос қарсиллаб кетса ҳам сапчиб тушарди. У киноларда кўрган автоматга ҳам етишди. Ўша савилни икки йил кўтариб юриб, қилган орзуларига пушаймон бўлди. Бирин-кетин ўққа учиб, темир тобутга жойланаётган сафдошлари аҳволини кўриб, юрагида ўлим ваҳми пайдо бўлди. Ўша ноҳақ уруш давомида, ўз оёғи билан кетган шўркишлоқлик йигирмага яқин йигит, уйига темир тобутда қайтди.

– Бечора Қайназар қирғизни катта невараси Афғонистонда ўлибди! – афсусланади

чойхонада ўтирган бир қария. – Боласи тушмагур бировга ёмонлиги йўқ, тўғригина бола эди. Салом беришдан нарига ўтмасди. Дунёга келиб нима кўрди? Қўй ортида юриб умри ўтди-да шўрликни!

– Жаннати бола эди, жойи жаннатда бўлсин! – деб фотиҳа ўқишади чойхўрлар.

Орадан бир оз ўтгач яна янги шумхабар тарқалади.

– Эшитдингларми? – дейишади шўрқишлоқликлар. – Анави тўйга чақирадиган Нортожи чинкирокни ўғлиям урушда ўлибди. Темир кутида олиб келишибди. “Қутини очмайсан,” деб ҳарбийлар жанжал қилишибди.

– Вой, шўрлик! – ҳамқишлоқлар ачиниб бош чайқайдилар. – Жигарпораси дийдорини охирги бор бир мартагина кўриб олса нима бўпти? Очишавермайдими?

– Парчаю реза бўлиб кетганмиш-у, нимасини кўради!

Шу чоғларда Салим афғонлар яшайдиган қишлоқ яқинига ўрнашган ҳарбий қисмда хизмат қиларди. Рус, белорус, қирғизу қозоқ, ўзбеғу тожиклардан иборат бу ҳарбий қисм аскарлари, қишлоқни душманлардан кўриқлаб, пистирма окопларда тоғ томонни нишонга олиб турардилар. “Рухлар” деб аталувчи душманнинг қачон ва қаердан хужум бошлаши номаълум эди. Кундузи атроф тинч-осойишта, тунлари эса узук-юлуқ ўқ овози янграр, шўро аскарлари таҳликада чор тарафга беҳуда ўқ отарлардилар.

– Илоё отганим уларга тегмасин, уларни отганики менга тегмасин! Омин! – окопда ётиб осмонга қарата тариллатиб ўқ узиб нола қиларди Салим. – Вой, беминнат Шўрқишлоғим қайдаса-а-а-ан!

Афғонлар шўро аскарларини барча қуроллар билан мавҳ этишга уринардилар. Улар бу йўлда асосан қора дори ва “чарс” деб аталувчи нашани аямасдилар. Окоп ва чодирларда зерикиб ўтирадиган аскарлар бекорчиликда шу заҳарни истеъмол қилишга ўргандилар. Афғон болалари арзимас майда-чуйдалар ва ҳатто бўш гилзалар эвазига ҳарбийларга наша ташлаб кетардилар. Афюн истеъмол қилган аскарлар, хуш-беҳуш аҳволда, қарахт пашшалардай гўнғирлашиб кунни кеч қилардилар.

Бир куни душманлар хужуми бошланди. Шўро аскарлари чекиндилар. Қорадори еб окопда қотиб ухлаб ётган Салим уйғониб, ўрнидан туриб керишиб, бир амаллаб ўзига келди. Кайфи тарқамасани сабабли кўзлари хира, қулоғи битган ва танаси вазмин эди. У атрофга аланглаб, ҳеч кимни тополмади. Бошини кўтариб юқорига қаради-ю, эснашга очилган оғзи очиқ алфозда қотиб қолди. Окоп ёнидаги тепаликда узун соқолли бир мужоҳид қурол ўқталиб турарди.

– Ассалому алайкум, – Салим шўрқишлоқча тавозе ила қўлини кўксига қўйиб окопдан чиқди. – Бизникилар қаерга кетишди, ака?

Жавоб ўрнига кетига тепки еган Салим мужоҳиднинг амрига биноан икки қўлини бошига қўйиб йўлга тушди. Сергап Салим афўон йигитини гапга солиб, кўнглини юмшатишга уринди. У ҳар сафар сўз бошлаганда, золим йигит бақаникидай бақрайган кўзларини чақчайтириб, этиги билан кетига аямай тепарди. Шўрлик Салим ярим кун давомида кетма-кет тепки еб йўл босди. Урду забон мужоҳид туркий тилдан беҳабар экан. Асир Салим ҳориб-толиб, тоў орасидаги мужоҳидлар қароргоҳига етиб келди. Қишлоқда ўсиб ётган кўкнор ва нашаларни кўриб, афтини буруштириб минғирлади.

– Ҳа ўша сени экканиям, чекканиям падарига лаънат!

Салим афғон ерларида бирор-бир экинзорни учратмади. Қаёққа қарамасин, кўкнор ёки нашани кўрди. Афғонлар пахтазори ҳам, буғдойзори ҳам шу эмиш. Салимни бир томони очиқ катта чодирга олиб кирдилар. Чодирда йигирма чоғли узунсоқол мужоҳид ўтиришганди. Улар асирга бошдан-оёқ разм солишди. Сайид исмли ўзбек тилини биладиган бир йигит Салимни сўроқ қила бошлади.

– Мужоҳидларни отганмисан, шўравий?

Ўзбек тилини тушунувчи киши топилганидан боши осмонга етган Салим дам бўлиб

ёрилаёзган қорнини бўшатиб, булбулигўёдек сайрай кетди. Бунчалик кўп ва тушунарсиз сўзлардан иборат изҳору иқрорни эшитиб тилмочнинг боши айланиб қолди.

– Э, акажон, бормисиз! Бу каллаварам тил билмасларингиз орасида юрагим эзилиб кетди-ку!

– Саволимга жавоб бер! – ўқрайди терговчи. – Отганмисан?!

– Ака, ўзингиз олдин бир мундоқ қараб кўринг, кейин гапиринг, – қўлларини қилич қилиб ўқирди Салим. – Мен одам ўлдирадиган болага ўхшайманми? Синфимизда ҳаммадан кўрқадиган Тўхтасин деган бола бор эди. Ҳамма шуни урарди. Мен уни бир мартаям урмаганман. Ручкамни ўйирлаб олгандаям урмаганман. Тожик болалар билан уришиб қолганимизда Шокир уларни тошбўрон қилган. Мен биттаям тош отмаганман.

– Шокир ким, шўравий? Қумондонингми? – энсаси қотиб сўради афғон терговчи.

– Иях?! – кулиб юборди Салим унинг анқовлигидан ажабланиб. – Шокир ҳозир Шўрқишлоқда. Ошнаси Фитрат билан қора ёққа беланиб машина тузатиб юрибди, ака! Фират қирим-татар бор-ку, Эдим қирим-татарни ўғли, ўша билан билим юртида ўқиб авторем бўлимни битирган. Сиз мундоқ гапни анланг-да. Шокир кўшнимиз Раҳмон акамни ўғли. Ўзимизни Адиркўчада яшайдиган, сувчи Раҳмон ўрисни иккинчи ўғли-да, ака. Сиз бўлсангиз отганмисан дейсиз! Мактабимизни райондаги парадга оборишганда, 7-ноябрь байрамида, Турсун зўрлик қилиб мени ҳамма пулимни тортиб олди. Бу пулни менга дадам падарка қилганди. Униям урмадим, кел қўй, майли, нима қиламан катталардан калтак еб дедим. Шу Турсун...

Афғонистонлик тилмоч Салимнинг оўзидан чиқаётган ўнлаб сўзларни тушунмасди. Бунинг устига барча шўрқишлоқликлар каби бидирлаб тез сўзларди.

– Турсун ким, шўравий?! – ғазабланди Сайид.

– Ҳа-а-а! – ижғириниб қўл силтади асир. – Ким бўларди! Ўзимизни Петкани ўғли-да, ака.

– Петканг ким, шўравий?! – ўзини босолмай бақириб юборди Сайид.

– Пирмат қулоқ ким?! – чўчиб кетиб бидирлаб тушунтира кетди шўрлик асир. – Сутбулоқ мозори шайхи Ориф ота ошнасини айтаяпман-да, ака. Гапни мундоқ тушунинг-да сизам. Турсун афтинг курсун, ўша Петкани ўғли. Бу қулоқлар тўпи жуда расво-да. Каптарларимни нима қилди экан денг, каптарларимни! Ҳамма каптарларимни шунга ишониб топшириб келганман! Мени ўзи каллам ишламайди, ака. Турсун каптарларни точно сотиб еб бўлган, ака. Буларга худо бас келмаса бандаси бас келолмайди.

– Бизга ишлайсанми? – Сайид ҳеч нарса тушунолмай бошини чангаллади.

– Нима иш бор ўзи, ака? – асир қўлини кўксига босиб қуллуқ қилди. – Любой ишни қилавераман. Ротадаям ҳамма ишни ўзим қилардим. Старикларни пайтавасини ювардим, полни ювардим, ошхонагаям ўзим бориб келардим. Картошка артиш ўзимни бўйнимда эди, ака. Биз Шўрқишлоқданмиз, ака. Нима иш бўлса бажараверамиз. Ишлайсанми дейсиз-а, шўрқишлоқликни иш билан қочириб бўларканми.

Сайид энсаси қотиб, қўл силтаб терговни бас қилди.

– Буни отиб ташлаш керак, – деди форс тилида. – Бундан ҳеч қандай фойда йўқ.

Бомбардимон чоғида оиласидан айрилган бир кекса мужоҳид ўзбек тилидан хабардор эди. Автоматини созлаб ўтириб, асирга раҳми келиб, уни гапга солди.

– Исминг нима?

– Салим, – деб қуллуқ қилди асир.

– Исминг гўзал, китобий исм экан.

– Отимни Эшондада эшон бувам қўйганлар, – мактанди у. – Суф деб сувни тескари оқизардилар. Раҳмон акамни дадаси эдилар. Сиз ҳеч биз томонларга борганмисиз? У кишини Шўрқишлоқдаям, Хўжақишлоқдаям ҳамма танийди.

– Салим, – деди қария оўйир хўрсиниб. – Отанг борми?

Бу саволни эшитган Салимнинг вужудида енгил титроқ турди.

– Уч йил бурун қазо қилганлар... – кўзига ёш қуйилиб бошини эгди у.

– Онанг-чи? Онанг борми?

– Аввалги йили уларам ўтиб қолдилар... – ҳўнграб юборди етимча.

– Туўишганларинг-чи?

– Мен яккаман...

– Кўй, йиўлама, – деди қария. – Сизларда диндорларни кириб ташлашган дейдилар. Агар биз билан яшасанг, сенга дину иймонни, Қуръонни ўргатамиз. Биз билан қоласанми?

– Иложи йўқ-да, амаки, – деди у ҳикиллаб йиғлаб.

– Нега иложи йўқ?

Салим бурнини рўмолчасига қоқиб, ота-онасига аза очишни бас қилиб, жиддий тусга кириб, ўз ахволини ётиғи билан тушунтирди.

– Отахон, тушунган одам экансиз. Сизга айтмасам кимга айтай. Шу десангиз, ҳамма каптарларимни, Пирмат кулокни ўғли Турсунга омонат ташлаб келганман. Агар тезроқ қайтиб бормасам, татармахалладаги каптарбозларга сотиб юборади. Каптарларим, Шўрқишлоқда битта. Сизга ёлўон худога чин, ҳар биттаси беш сўм туради. Ҳаммаси узун пайпоқли, оқ каптар. Тикка учади. Бештагача ўмбалок ошади. Биттаси бор, – каптарларини эслаб, кўзлари сузулиб чайқалди Салим. – Осмондан тўўри учиб келиб, қўлимга қўнади. Мен оғзимни очаман. Оғзимда сув бор. Шу каптарим оўзимдан сув ичиб, яна осмонга учади. Олтита, еттита, саккизтагача ўмбалок ошади.

Мужоҳидлар ўз тилларида чуғурлашиб, узоқ тортишдилар. Қария барибир ўз мақсадига эришди. Асирнинг жонини сақлаб қолди. Салим бир ҳафта давомида мужоҳидлар орасида бўлди. Унинг вазифаси, тоў бағридаги булоқдан сув ташиш эди. Шўрқишлоқ боласи сидқидилдан меҳнат қилди. Оқшомлари болалар орасида ланка тепиб, улар билан баробар қичқиришиб ўйнаб юрди. Жафокаш қария унга термулиб, маҳзун жилмайиб қўярди.

Шўрқишлоқликлар телбанинг ишини худо ўнглари дейдилар. Бир куни вертолёт келиб қишлоқни ўққа тутди. Афғонлар қишлоқни тарк этишди. Тентак Салим ҳориб-чарчаб, эшакка ортилган сув тўла бидонлар билан қишлоққа етиб келди. Афғон мужоҳидлари ўрнида БТРлар ва ўз қуролдошларини кўриб, ҳайратдан донг қотиб қолди.

– Салим! – қичқириб қаҳ-қаҳ кулишди сафдошлари. – Бу ерда нима қилиб юрибсан, сотқин?!

– Ким экан сотқин?! – сир бермай ҳоҳолаб кула бошлади у. – Мана, сизларга булоқдан тоза сув олиб келяпман, жиннилар! Ҳў-ў-ў, Шўрқишлоқдан ҳозиргача сотқин чикмаган! Оўзингга қараб гапир, бўптими! Ҳа-ҳа-ҳа-а-а-а!

* * *

Лаънати урушнинг асорати кўп йилларгача чўзилади дейдилар. Йўқ, ундай эмас, бу асоратнинг жароҳати инсоният бағрида абадий қолади. Салим ва Зоҳида, уларнинг ўн-ўн икки ёшли ўғиллари ҳам бу асоратдан кутилиб кетолмадилар. Зоҳиданинг болалиги уруш жабрдийдалари орасида кечган. Унинг бувиси бамисоли бир ялмоғиз кампир эди. Кампир ўз набираларига нон-сувни ўлчаб берарди. Шакардан тортиб тузгача қулфлоғлиқ сандиқда сақланарди. Зоҳида ва унинг опаси, ухлаётган кампирнинг иштонбоғига боғланган калитни ўғирлаб, сандиқдан туршак ва новвот олиб ердилар. Отаси бозорда даллолчилик қилиб пул топарди. Қизлар унинг чўнтагидан тез-тез майда пул ўғирлашар, эртасига кампир жаврар, отаси бақирар, Зоҳиданинг бегуноҳ онаси ўғрилиқда айбланиб “қора калтак” остига олинарди. Қонга беланган келин дармондан кетиб тўшакда ётар, бетайин ялмоғиз кампир, унинг тепасида куйиниб йиғлаб ўтирар, келинидан қайта-қайта кечирим сўрарди. Зоҳиданинг онаси ёйилиб кулиб, кампирнинг меҳридан дили яйраб дармонга кирар, тўшакдан турар ва яна уй юмушларига уннаб кетарди.

– Ҳаммасига мен айбдорман, – дерди ялмоғиз кампир йиғлаб. – Ҳамма нарсани кулфлайвериб, кизларни нафсини оч қилиб қўйдим. Очарчилик йиллари бизни хароб қилган-да, болам...

Ялмоғиз кампирнинг касру касофатига қолиб, Зоҳида ҳаваскор ўғри бўлиб ўсди. Бузуклиги эса тухмат бўлиб, кучли шамоллаш туфайли бу аёл касалдан-касалга ўтиб кун кечиради. У мириқиб жанжал қилишни ва яхши таом ейишни ёқтиради. Айниқса, қониб ухлаш энг эзгу орзуси. Чунки отасидан бадхаёллик дардини юктириб олган Салим уни ноҳақ ва ноўрин “тергов” қилиб, ярим тунгача ухлатмайди.

* * *

Салим бир куни тунда Зоҳидани уйғотиб сўради:

– Бугун уни чақирдингми?
– Кимни? – сўради кўзини ишқалаб Зоҳида.
– Ўйнашингни! – илондек вишиллади Салим.
– Йўқ ... – кафтини қисди у.
– Йўқ?! Ҳай! – ғазабланиб бақирди эр. – Демак, ўйнашинг бор экан-да?!
– Йўқ ўйнашим! Йўқ! – ундан баландроқ бақирди Зоҳида.
– Бўлмаса, – овозини пастлатди терговчи эр, – нега ўйнашингни чақирдингми, десам йўқ дейсан?

– Нима дей бўлмаса? Ҳа, чақирдим дейми?
– Ўзи ўйнашинг борми?
– Йўқ дедим-ку!
– Йўқ бўлса кимни чақирасан?
– Ийя-а-а! Нима?! Мен, ўйнашим бор, уни чақирдим дедимми?!
– Бўлмаса нега бошдаёқ мени ўйнашим йўқ демадинг?!
– Битта сўзга осилиб олиб қийнайверманг! Менга ҳозир кимни кўзи учиб турибди?
– Ҳа-а?! – уни жиноят устида ушлади Салим. – Агар кўзи учиб турган киши топилса юрармидинг? А?! Юрармидинг?!

– Ҳой, мусулмон, ўзим орқамни зўрға кўтариб юрибман! Мени бунақа ишларга ҳолим етмайди! Бўлди-да э-э-э! – бошини тўшакка ўради у.

– Бўлмаса ким девордан ошиб тушди?
– Қачон?! – қўрқиб дераза орқали қоронғи ҳовлига мўралади Зоҳида. – Ким тушди?!
– Ҳа-а?! Қўрқиб кетдинг-ку? Ўйнашинг бор экан! Мен бир ҳафтадан бери кузатяпман. Ҳар куни кечаси, “топ-топ” қилган товушлар эшитилиб турибди.

– Ҳа, – деди Зоҳида хотиржам ҳомуза тортиб. – Ахир қурт еган олмалар тўкиляпти-да. Шуниям билмадингизми? Ётинг, ухланг. Жинни бўлмай ўлинг.

Салим мана шундай суҳбатлар чоғида, баъзан хотинини уриб юборар, ўзи ҳам ундан бирикки таёқ еб қоларди. Баъзи кунлари тунда ҳовлидаги чирокларни бутунлай ўчириб, қўлига паншаха олиб, олма тагида яшириниб, махфий ўйнашинг келишини кутарди. Бир куни топ этиб, бошига қуртлаган олма тушгач, Исаак Ньютон каби ялт этиб кўзи очилди. Хотини айтгандек, олманинг тўкилаётганига ишонч ҳосил қилди. Унинг ўйнаши йўқлигига эса барибир ишонмади.

* * *

Салим кишлокдаги кўпдан-кўп улфатлари билан бирга гап ўйнади. Бир куни даврада картабозлик тез тугаб қолиб, ўйбат авж олиб кетди. Гап хотинлар хусусида борди. Салимнинг

вужуди кулоққа айланиб, атрофга шубҳаланиб назар солди.

– Биласизларми, ғарни белгиси қандай бўлади? – деб сўради биринчи бўлиб паранжи ташлаган Гиллахон очиқнинг невараси магазинчи Тошмирза. – Бобом раҳматли кўп айтардилар. Ғарларни оёғи доим ўйнаб тураркан. Мундо-о-оқ, зехн солиб қарасанг, оёқларини ликиллатиб ўйнатиб ўтиради. Иннайкейин, ўсмани қалин кўяди. Чиройли эркакларни яхши кўради. Телевизордаги эркакларниям еб қўйгудек бўлиб томоша қилади.

– Бекор гап, – деди Пирмат чолнинг ўғли Турсун. – Хотин киши зағадка. Ҳеч ким, ҳеч қачон хотинлар сирини билолмайди. Ёлки-палки!

Турсун бу ўрисча ҳақоратни ҳарбий хизматдан ўрганиб келган. Аммо маъносини ўзи тушунмайди.

– Билиб олишни битта зўр йўли бор, – деб тушунтирди қитмир Тошмирза. – Тунда ухлаётган аёлга атаб фотиҳа сурасини ўқийсан. “Агар шу хотинни ўйнаши бор бўлса ҳаракат қилсин!” деб тилак қиласан. Етти марта “аён бўл!” деб суф соласан. Агар аёл қўзғалса, гапириб юборса ёки уйқусидан уйғониб кетса, у бузуқ бўлиб чиқади.

– А-а?! – хаёлга чўмган Салим тез-да хонадан чиқиб кетди.

Шу суҳбат баҳона бўлиб, Салим Зоҳиданинг сирини билиб олишга астойдил киришди ва тунлари хотинини сеҳрлай бошлади. Ахир у шунча йилдан бери каптар қувлаб, хотинига тузукроқ парво қилмаганди-да. Бепарво бўлсанг хотин нималар қилмайди дейсан! Салим таҳорат қилиб келиб, ухлаётган хотинининг бош томонига ўтириб, қироатни келтириб, чала-чулпа оят ўқиди.

– Ҳой, Зоҳида, – деб пичирлади Салим, ярим тунда телбанамо афсунлашни бошлаб. – Оёқларингни қимирлат. Биров билан юрган бўлсанг овоз чиқар. Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти! Аён бўл! Аён бўл! Аён бў-ў-ўл! – Уйқудаги бекачдан садо чиқмади. У қайтанга янада салобатлироқ хуррак ота бошлади. – Яна қайтараман! – овозини баландлатиб оят ўқиди “сеҳргар” Салим. – Ҳозироқ қимирла! Ана, ўйнашинг келди! Ҳамма сирларингни билиб олдим! – Салим бу ҳолатни уч-тўрт марта такрорлаб кўрди, лекин ҳеч қандай натижа чиқмади.

Салим бир ҳафта давомида, афсунгарлик бобида, бирор натижага эришолмагач, бу чораи тадбирни тўхтатди. Лекин, Тошмирза айтган бошқа бир “башорат” амалга ошди. Салим бир куни кўчадан кириб, хотинининг қимирлаётган оёғига қаради. Зоҳида радио орқали шўх мусиқа тинглаб, оёғини ликиллатиб ўтирганди. Тошмирза гапини эслаб, Салимнинг фиғони фалакка чиқди. Зоҳидага ташланиб, уни аямай дўппослади. Зоҳида ҳам қараб турмай, эрининг дуч келган жойини юмдалаб, гўштсиз терисини тишлайверди. Оғриқ жонидан ўтган Отелло издоши “қўйдим сендақа хотинни!” деб бақириб юборди. Ана шундан сўнг жанжал кучайиб, ажралишга қарор қилдилар. Қизиғи шундаки, Салим ўз хотини Зоҳидасиз бир кун ҳам яшолмасди.

Зоҳиданинг қариндошлари уни ўртага олиб, “тергов” қилишди. Салим ноиложликда қолди, гапхонадан чиққан гапни айтиб беришга мажбур бўлди. Шўрқишлоқликлар бу хангомани эшитиб, каптарбоз устидан мириқиб кулишди. Мулла Ҳаким иккисини қайта никоҳлаб қўйгач, насиҳат қилиб деди:

– Аллоҳ ўз хотинини талоқ қилган бандаларини севмайди. Шундан кўра тўй-маъракаларда қатнашиб юрсанг бўлмайдами, Салимжон ўғлим? “Гап”инг нимаси? Қобилжон акамни, Санобар янгамни арвоҳини шод қилай десанг, ақлингни йиғ!

– Бўлди, тавба қилдим, Ҳаким амаки, – рози бўлди Салим.

– Одамни бемаврид ўтиришларда зиёфат ейвериши аҳмоқлик, – деди қария. – Эҳей, телба дунё... Бу ғофил бандаларга нима бўлди ўзи?..

Оила сақлаб қолинди. Икки норасида фарзанд етим бўлмади. Аммо Салимнинг рашкчилиги касалликка айланиб, ҳанузгача давом этади. Узоқ вақт ўй суравериш ақлидан адашган Зоҳида у ер-бу ердан қўлга кирган нарсани ўғирлаб, уйига ташиб келадиган одат чиқарди. Хотини

ёшлигида “ўғри-томоқ” опаси билан чакана ўўри бўлганидан рашкчи эр беҳабар эди. Бир куни ҳовлида мотоцикл фараси пайдо бўлиб қолди. Салим яна гумонга бориб:

– Уйимда ўйнашингни мотоциклини чироғи тушиб қолибди! – деб уни урди.

– Чирокни қўшниникидан ўғирлаб чиққанман! – деди Зоҳида гуноҳини тан олиб.

– Нега ўғирлайсан? – ҳайрон бўлди Салим. – Менам ўғриман, лекин мен каптар ўғирлайман, бошқа нарса ўғирламайман.

– Ана, каптар ўғирларкансиз-ку? – баробар айтишди у.

– Ия?! – аччиқланди Салим. – Бошқалар ҳам мени каптаримни ўғирлайди-да! Қўшнилар сени ҳеч нарсангни ўғирламаган. Сен нега уларни нарсасини ўғирлайсан? Бу гуноҳ бўлади-я! Мотоциклини чироғини нима қиласан? Томга ўрнатиб, ўчириб-ёқиб, ўйнашингга сигнал берасанми, а?

– Менга ўйнаш керакмас дедим-ку, телба?! – ғазабланиб бақирди хотини.

– Оғзингга қараб гапир! – ундан баландроқ бақирди Салим. – Ким телба эканлигини худо кўриб турибди! Мен сени ғарсан деб юрардим! Ўғриям экансан-да?!

Раҳмон амакининг бу телба дунёда тентираган кунботиш томондаги қўшнилари мана шулар эдилар.

Олтинчи боб

Қудачилик минг йилчилик.

Ўртанча қиз Насиба касал бўлиб, Раҳмон амакига ташвиш орттирди. Насибанинг ўнг биқини тез-тез оғриб туради. Меҳнаткаш Насиба бировнинг кўзига тик қарамайди. Шундай бўлса-да, қудалар Насиба устидан арз қилиб, Раҳмон амаки ва Карима холани ўз уйларига чақиртиришди. Чолу кампир, бир жуфт нонни қўлтиқлаб, айтилган муҳлатда, антиқа анжуманга етиб келишди. Шўрқишлоқлик Холмат бангининг ўғли Сотимбой тракторчи Раҳмон амакининг тўртинчи қудаси. Сотимбой тракторчининг отаси Холмат банги, маълум ва машҳур Хорунбойнинг ўғли эди. Бизнинг замонларга етиб, эшонзода Раҳмон амаки илмсиз, асилзода Сотимбой тракторчи камбағал бўлиб қолишди. Иккисининг топган бойлиги ҳам, ортирган илми ҳам киссасидаги носқовоқ, холос.

Меҳмонлар ва мезбонлар қудачилик низомига биноан саломлашгач, меҳмонхонага жойлашдилар. Жабрланувчи куёв Маликжон билан айбдор келин Насиба иккига бўлиниб, ўз тарафдорлари яқинига ўрнашдилар. Анжуманнинг кириш қисмида барча қариндошлар саломатлиги сўраб-суриштирилиб тафтиш қилинди. Сўнг ўлган қариндошларга жаннатдан томорқа берилишини сўраб, худога оғзаки арзнома йўллаб, фотиҳа ўқилди. Дастурхон ёзилиб, чой келтирилди. Маиший бўлим қисқа тарзда кечди, ҳар икки томон вакиллари номигагина нон чайнаб, сукут сақлаб чой ичишди. Пиёлалар дастурхонга тўнкарилди. Тадбирнинг асосий бўлими бошланди.

– Қуда, қизингиз бизга бўйсунмай қўйди, – деди қирғизқовоқ хотин куда Орифа. – Айтган гапимга кирмайди. Овсини билан кўп уришади.

– Қачон, ҳе-е?! – ҳайрон бўлиб қайнонасига қаради Насиба.

– Жим ўтир! – буюрди Раҳмон амаки.

Хотин куда анжуман иштирокчиларига оиланинг бугунги кундаги аҳволидан атрофлича хабар берди.

– Ҳозир айни далада ишлайдиган пайт. Бу бўлса кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Ўзингиз биласиз, куда, биз қўл учида тирикчилик қиламиз. Кунимиз экин-тикин билан ўтади, – деб эрига юзланди. – Тўғрим, дадаси?

– Ҳамманиям ер боқади-да, – катта ҳикматни кашф этди эркак қуда.

– Дўхтирга олиб бориб кўрсатдик. Буни жигарида қурт бор эмиш. Апараста²га юз минг сўм кетармиш. Бунча пулни қаердан оламиз, ўргилай қудалар? Сизам айтинг, дадаси.

– Ҳа. Юз минг катта пул.

– Энди, қудажонлар, – масалани кўндаланг қўйди тадбирга раислик қилаётган хотин қуда. – Мана, қизингизни қўлингизга соппа-соғ топширяпмиз. Хоҳласангиз даволатинг. Бизда бор-йўғи икки сигир, тўртта қўй бор, холос. Бисотимизда бошқа ҳеч нарсамиз йўқ. Оиламиз катта. Агар ўзини ўнглаб келса – келсин. Бўлмаса қаерга бориб яшаса яшайверсин.

– Ия! Ойижон? – мўлтиради Насиба. – Мен нима қилдим, ҳе-е-е?

– Жим ўтир, аҳмоқ, – тергади Карима хола аламини ичига ютиб.

– Сизам бирор нарса денг... – деди Насиба эрига умидли боқиб.

– Мен нима дейман... Ўзингдан кўр – юзини четга бурди Малик.

Бундай бедодликни кутмаган Раҳмон амаки тилини тишлаб қолди. У қизининг аҳволига ачинса-да, охирини ўйлаб аччиқ сўз айтиб юборишдан ўзини тийди. Орага совуқ сукунат чўқди. Бир хира пашша ғинғиллаб учиб келиб, хотин қуданинг юзига кўнди. Орифа қуда пашшани қўл силкиб ҳайдади. Пашша ўчакишиб бурнига кўниб, бурун паррагини ялаб қўйди. Орифа қичишган бурнини қаттиқ ишқалаб қизартириб олди. Шу пайт эшикдан Насибанинг уч яшар қизчаси пилдираб кириб келди.

– Ойи, чушш-чушш! – дея типирчилади.

– Ҳозир, қизим...

Насиба ўнг биқинини чангаллаб, ихраб ўрнидан турди. Қизини базўр кўтариб, ёзилтиргани ҳовлига чиқиб кетди. Обиданинг тарбиясини олган, нозик дид билан бола боқувчи бу жувон таппи ёпиб, ер чопиб, эри билан баробар ғишт қуяди. Атиги беш-олти соат ухлайди, холос. Бу касал бўлмай яна ким касал бўлсин. Сотимбой тракторчи меҳнаткаш Насибани ўз фарзандидай яхши кўради. У сукут сақлаб, қудасининг юзига қаролмай хижолатга ботиб ўтирар, Раҳмон амаки эса ора-чора томоқ қириб бош чайқарди.

– Нимаям дердик, – деб тинчликни бузди Раҳмон амаки. – Аммо ҳозир ҳолимиз сал чаток эди-да. Майли, агар сизга келин керак бўлмаса, бизга қиз керак...

– Ҳой, дадаси, – деди Карима хола паст овозда. – Шошилмай туринг. Бир қарорга келмай туриб, гапга яқун ясаманг.

– Нима қил дейсан бўлмаса? – хотинига оўриниб қаради муштипар ота. – Ахир бор гапни айтиб бўлишди-ку.

– Бизнияма айтадиган гапимиз бор, дадаси.

Карима хола рўмол учида Сотимбойдан юзини тўсиб, Орифага қаради. Хотин қуда юзини қўли билан пана қилиб, ундан кўзини олиб қочиб:

– Мендан оғринманг-да, қуда, – дея минғирлади.

– Шу болани, – деди ташқарига ишора қилиб Карима хола. – Сизга соппа-соғ, қўлида ҳунари билан бергандик. Бош эгамдан беркитиб, ўмариб-сўмариб ҳамма камини ўзим қилдим. Ўн йил эшигингизда ўтириб, янги кийим киймади. Келинликдаги кийимларини кийиб умри ўтди. Ҳар йили нўхат экавериб, узум тарайвериб, сабзи ўтайвериб адо бўлди. Касалини биз даволаймизми? Эшакни ким минса, яғириниям ўша тузатади, ўргилай!

– Сизларга юз минг сўм пул пулмас, қуда!

– Э, ўғлимни омади кетиб, қозонни сувга солганмиз, Орифахон. Пулимиз бор бўлганида қизўанмаган бўлардим. Мени билардингиз-ку...

– Иши ростданам расво бўлган экан-да? – Орифанинг тарвузи қўлтиғидан тушди.

– Рост, ўргилай, рост.

² Операция демоқчи, шева.

– Э-э, Карима опа! – овозини кўтарди у, юз минглик чиқимни эслаб пешонаси тиришиб. – Қизингизни обкетинг! Ўзинглардан кўринглар. Ҳаммаям ўз қизига қилади-да. Ана, қизим билан куёвим, бола-чақаси билан бизникидан еб-ичиб кетяпти. Бизгаям осон тутманг. Ўўлингизни омади кетса нима қилай? Ўўлингиз эпполмаса нега иккита хотин олади?

– Иях?! – аччиқланди Карима хола. – Мени ўўлим билан сизни нима ишингиз бор, куда?! Ўўлим хоҳласа ўнта хотин олади.

– Эпласа олмайдими, куда! – ўшқирди хотин куда. – Қизингизни олинг-да, жилинг!

– Ҳеч қаерга кетмайди!! – бақириб юборди Карима хола, қаерда ўтиргани ёдидан чиқиб.

– Унингни ўчир! – унга сари бақирди Раҳмон амаки ранги гезариб.

Ҳайбатли овоздан Карима хола хаёли бўлиниб, бир сапчиб тушди. У эшонзоданинг қадимги жаҳли келиб қолганини сезиб, даҳанаки жанг майдонини тарк этди ва меҳмонхонадан апил-тапил чиқиб кетди. Малик бошини эгиб жим ўтирар, ўқтин-ўқтин отасига қараб кўярди. У ҳам оёқ учида юриб ҳовлига чиқди.

– Биздан хафа бўлманг, куда, – деди Раҳмон амаки тракторчига қараб. – Охир замон деганлари шу экан-да. Қариган чоўимизда хотинларга кучимиз етмай қолди. Болаларимиз кулоқсиз чиқди. Эркакман деб чойхонада носқовоқ кўтариб юрамизу уйда аҳволимиз шу. Нимаям дердик... Сизларга боламиз керак бўлмаса, бизга керак...

– Олиб кетиб яхшилаб даволатинглар, – деди хотин куда, – Насиба ўзи ёмон қиз эмас...

Ҳозиргача анжуман тадбирида кичик рол ўйнаган донишманд Сотимбой куда ўтирган ўрнидан бир кўзғалиб олди. Унинг ғазабдан қўллари қалтирай бошлади. Раҳмон амакининг охирги кесатикли гапи суяк-суягидан ўтиб кетди.

– Раҳмон ака, – деди у яна бир янгиликни кашф этиб. – Сизни қизингиз мениям қизим. Қандай меҳнат қилишини, қандай ётиб-туришини яхши биламан. Менам кимсан Холмат бангини ўғлиман. Ҳали-бери хотинга бўш келган жойим йўқ. Худоликка ишонсангиз менга ишонинг. Хотинимни бунақа режасидан беҳабар эдим. Насибани иккита бўрдоқи кўчқори бор. Шуларни сотса, ўрнига иккита кўзи олиб бераман. Ортган пулига апараста қилдираверади. Ўлмаса бўлди бизга. Сиз билан куда бўлиб ёмонлик кўрмадим. Ана, қайнсинглимни битта қизини кенжа ўўлимга олиб берганман. Ҳар куни маймун томоша кўрсатади. Бетавфиқ!

– Иях?! Ҳой, дадаси! – жавради хотин куда. – Бу нима деган гап?!

– Чиқ-чиқ! – хотинига дўқ урди эр. – Бор, овқатга урин!

– Кўчқорларни неvara тўйига боққанман, дадаси!

– Ҳу онангни сани!! – сўқиниб бақирди Сотимбой тракторчи ранги оқариб. – Мени иснодга кўймоқчимисан?! Кенжа келинингга кўшиб, ўзингизнинг синглингизига элтиб кўяйми?! Ҳу сени ўша синглингизим !..

Холмат бангининг ўғли донишмандликни четга суриб, дунё илмларини шўрқишлоқчасига кашф этишга ўтди. Унинг оғзидан отилиб чиқаётган қора ҳикматларни эшитиб, нафақат Орифа куда, ҳатто Раҳмон амакининг ҳам эси оғиб қолди. Хотин куда ўрнидан туриб, гандираклар ташқарига юзланди. Остонадаги ковушини пойма-пой кийиб, Насиба йиғлаб ўтирган хонага қочиб кирди. Насибанинг бошини силаб овутаётган Карима хола Орифанинг аҳволини кўриб ҳайрон бўлди. Хотин куда духоба ёпқичли бешик ортига биқиниб ётиб олди ва Насибани имлаб шивирлади.

– Насиба?

– Ҳа, ойи? – ажабланди Насиба кўзёшларини артиб. – Нега у ерга ётиб олдингиз?

– Қара-чи, даданг бу ёққа келмаяптими? – бешик ортидан бошини кўтариб, бўй чўзиб ташқарига мўралади Орифа.

* * *

Кечга томон эр-хотин ҳамма билан хайрлашиб уйга қайтишди. Насиба қизини қўлида кўтариб, йиўлаб уларга эргашди. Раҳмон амаки ва Карима хола юраклари эзилса-да, сир бермадилар.

– Мени олиб кетинглар...Ҳе-е-е-е...– йиўлади Насиба. – Мен бу ерда ўлиб қоламан. Ўлиб қолсам майлими, а?! Ҳе-е-е-е... Майлими?!

– Қайнатанг даволатамиз деди, қизим, – тушунтирди Раҳмон амаки.

– Борақол, уйингга, – деди онаизор. – Бизни уйда ейишга нонимизам йўқ. Яқинда ҳовлимизниям сотсак керак. Бошимизга шунақа кўргиликлар тушди, болам...

Улар ўнқир-чўнқир кўчада ортга қарамай кетавердилар. Насиба беҳол бўлиб боласини ерга туширди. Аста чўнқайиб, ўрта йўлда ўтириб қолди. Келинини бу аҳволда кўриб, Сотимбойнинг юраги эзилди. Малик отасининг ёнида анграйиб турар, ҳовли ичида Орифа куда қарўаниб жаврарди. Ҳамқишлоқлар Сотимбойни, отаси Холмат бангига тортган, ёмон феълли киши сифатида танийдилар. Унинг қайнилари юмшоқ сўзли, ҳалим кишилар бўлиб, золим поччадан очик-ойдин нафратланадилар. Орифа танноз жиянини келин қилиб, панд еб қолди. Жияни тушмагур жуда тартибсиз келин бўлиб чиқди. Ундан куйган қайнона аламини Насибадан оларди. Сотимбой буни яхши билар, ўғли Малик эса Насибани ҳимоя қилишга лаёқатсиз эди.

Сотимбой нос чекиб, ғазабланиб бош чайқади.

– Бормайсанми?! – деб ёнида турган Маликка ўшқирди.

– Қаёққа? – кафтини қисди Малик.

– Хотинингни олдига-да! – бақирди ота. – Тоғанга тортмай ўлгур! Хотининг ўрта кўчада ўтириб қолди! Эркакмисан ўзи?! Бор, олиб кел уйга!

– Ўзи келавермайдими? – минғирлади Малик қўлини чўнтагига солиб.

– Ҳа уруғингга ... сени!

Сотимбой кулочкашлаб ўғлининг бўйнига урди. Қари тракторчининг болғадай мушти зарбига дош беролмаган Малик орқасига ағдарилиб тушди. Сотимбой Насибанинг ёнига бориб, қўлидан боласини олиб, ўзини турғазди ва уйга олиб келди.

– Отангни иситма қилиб келганга ўхшайди куда ўлгурлар, – деди Орифа.

У жангари эрининг кўзидан панароққа яшириниб олди. Малик ҳам бўйнини уқалаб, балодан ҳазар дегандек, қўйхона ортига ўтиб, бир четда ўтирди.

– Бошқа одам шундай урганида эзиб ташлардим, – қонли сўлагини туфлади у. – Кўчкорларим қулоғини ушлаб кетадиган бўлди-да.

Шўрқишлоқликлар қиз аммага, ўғил тоғага тортади дейдилар. Малик чиндан ҳам отасига тортмаганди. Унинг юз тузилиши тоғаларига қуйиб қўйгандек ўхшар, оқибатсизлиги ҳам деярли бир хил эди. Бундай номаъқул иш учун Холмат бангининг ўғли Сотимбой ўз хотини ва ўғлини узоқ вақт жазолади. Қудасининг кесатикли сўзлари тунлари ёдига тушиб қолса, оҳ уриб юборар, асабийлашиб ўрнидан туриб кетар, каппа-каппа нос чекарди. Ҳозиргача уни ҳеч ким хотиндан кўрқишда айбламаган. Бола-чақа ортидан одам ҳар турли савдоларни кўраркан-да. Инсон шўрликнинг боши нима экан-а, не-не қисматларга дучор бўлмаган у...

– Бир умр дунёга этак силкиб, чилим тутатган отам не топди-ю, бир умр ер таталаб мен нима топдим! – дея фарёд урди бангининг ўғли. – Бола боқаман деб динимни ютдим! Умримни бой бердим! Тўрт томонимга таъзим қилиб, ўғрини оғам дедим, тўнкани тоғам дедим! Очу яланғоч қолсам-да, сенларни боқдим! Сенларни боқаман деб қошимга ўсма қўйиб ўйинга тушмадим, холос! Сенлар мени тириклайин ўлдирдинг! Ўлдирдинг! Шу кунларни кўргандан кўра, отамнинг чилимини қўлтиқлаб, тоғу тошларга чиқиб кетсам бўлмасмиди?! Ҳа, онагинангни ... сенларни!

* * *

Зот – зотга қараб исбот дейдилар. Хорунбойнинг набираси камбағал бўлса-да, наслу насаби тоза эди. Қўй кўрмаган бўлса ҳам қий кўрган тракторчи ота-боболарига лойиқ иш қилди. У иккала кўчқорни сотиб, пулини Насибанинг қўлига берди.

– Қўзиларга пул ажратмадингиз-ку? – деди Насиба.

– Апарастага қанча пул кетишини ҳали билмаймиз, қизим, – деб қўл силтади у. – Тузалиб келавер-чи, қўзи бир гап бўлар.

Йўлланма билан Насибани шаҳардаги жарроҳ шифохонаси бўлимига олиб кетишди.

– Қўйларим сотилиб кетди-я, – деб йиғлади қайнонаси. – Ҳа, эссизгина.

– Қанақасига сени қўйинг бўлади? – деди Сотимбой аччиқланиб. – Қўйларни қўзичоқлик давридан бери Насиба ўзи боққан-ку?

– Боққан бўлса мени уйимда, мени нонимни еб боққан, – ўчакишди хотини.

– У еган нонини оқлайди. Сени жиянинг нима ҳунарлар қиляпти?!

– Жияним мени ўз жияним, ўз холасини уйида ўтирибди.

– Сен кимни уйида ўтирибсан? – олайди тракторчи.

– Мен... – тилини тишлади аёл. – Сизни уйингизда ўтирибман...

– Бу келин шунча йил ишлаб, бу ерга эга бўлолмабди. Сен нега отамдан қолган уйни ўзимники деясан, таги паст? Менга қара, писмиқлар авлоди, агар тез-да кўзингни очиб олмасанг, анави сатанг жиянингга қўшиб, божамникига элтиб қўяман. Ҳамманг жонимга тегдинг!

Тракторчи анча вақтгача ўзабдан тушмади. Шубҳаланган Орифа куда, Карима холани қарғаб, уни боғлатиб ташлаш ва эрини юмшатиш учун қайтарма қилдиргани азайимхонга борди. Аммо бу “винохўр” тракторчига домланинг амали таъсир қилмади. Кун сайин қахру ғазаби алангаланиб борди. Ниҳоят, хотин куда ўз гуноҳини тан олиб, эридан узр сўраб йиғлади. Сотимбой ҳам бир оз ҳовуридан тушди. Аввалгидек бирга ўтириб чой ича бошлашди. Хотини уни эритиш мақсадида, оёғини уқаламоқчи бўлганди, бангининг ўғли қаршилик кўрсатмади. Оёғини уқалатиб яйраб ётди.

– Хотин, – деди тракторчи. – Насиба келинимиз эшонзодалардан бўлади. Мени бувам Ҳорунбой, шу Насибани катта буvasи Зуннур эшонга қўл бериб, бой бўлиб кетган экан. Бундай зотларнинг суягини хўрлаган кўр бўлади.

– А-а-а? – хушламайроқ бош ирғади Орифа.

– Ўзинг ўйлаб кўр, – тушунтирди тракторчи. – Шу Насибани келин қилиб тушириб келганимиздан кейин ишимиз юришиб кетди. Уйимизда қўш-қўш сигир, “Москвич” мошина, қоп-қоп буғдой пайдо бўлди.

– Эҳтимол бу тасодифдир.

– Тасодифмикин? – тракторчининг кўзлари олайди. – Насибадан кейин сени жиянинг Гўзални келин қилдик. Ҳамма ишимиз орқага кетди. Экинларга шўр тушдимми? Даладаги мол бўкиб қолиб, сўйиб юбордикми? Сен гимарой бўлиб, орқангни кесдириб келдингми? Мен биргадирни уриб қўйиб, милисага иштароп тўладимми? Мана энди Насибани ичидан қурт чиқиб турибди-да!

Орифа яна бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, чолнинг тепонғич оёғига ўнг ўтиргани ёдига тушиб, кўрқиб тилини тишлади ва унинг болдирини алам билан қаттиқ-қаттиқ уқалай кетди. Сотимбой тракторчи қўй-кўзларини юмиб, меҳнатда эзилган оёқларини узатиб, ўзини бобоси Хорунбойдек сезиб, жони ором олиб яйраб ётди. Отаси ва онасини, жабру жафолар ичра ўтган болалик чоғларини хотирлаб чуқур уҳ тортди.

* * *

Инқилобдан кейиноқ Хорунбойнинг молу мулки ишчи-деҳқон давлати ҳисобига мусодара

қилинди. Юрак хасталигига чалинган бой мол аччиғига чидолмай тез-да оламдан ўтди. Отасидан айрилган Холмуҳаммадга эса икки дунё бир кадам бўлиб қолди. У бир ой давомида бетиним йиғлади. Кейин бангиликни бўйнига олиб, кечаю кундуз наша чекиб, чойхонада чилим кучоқлаб ётаверди. Холмат банги қизил инқилоб даврида бош кўтарган босмачилар, кейинчалик ҳокимиятни қўлга олган қизилвойлар, колхозлаштириш давридаги фаоллар, қувғинга учраган муллоларга ҳам эл бўлмади. Бангидан ҳеч кимга фойда ёки зиён йўқ эди. Хорунбойнинг мулкида яшаб, кейин босмачиларга қўшилиб кетган шўрқишлоқлик ака-укалар Холматни ўзлари билан бирга олиб кетмоқчи бўлишди.

– Юринг биз билан, бойвачча, қизиллардан бой отамни ўчини оламиз, – таклиф қилди босмачиларнинг катта акаси Абдулла юзбоши. – Ҳозир Омон полвоннинг йигитлари билан биргамиз. Сизни хафа қилдириб қўймаймиз.

– Йўқ, мен одам ўлдиролмайман, – деди йиғлаб Холмат. – Қизиллар ҳам, оқлар ҳам ажал қувлаган ғариб. Мени тинч қўйинглар...

У ҳар турли давраларда сандирақлаб юриб, ҳеч ким билан фикри бир жойдан чиқмади. Бангилар билан наша чекиб, ўз ғаму хасратларини унутди. Кейин чилимга бутунлай сиғиниб қолди. Озиб-тўзиб, ранги докадай оқариб, кўз косаси чуқурлашиб, бадбашара бир кимсага айланди. Аммо шунга қарамай, уни Андижон, Ўш, Фарғона ва Намангандаги бангилар яқиндан танишар ва ҳурматлашарди. Холмат чилимини қўлтиқлаб юртма-юрт дайди:

– Мана, мен ёлғон дунёга ўт қўйдим! – дея чилимга солинган нашани қуриллатиб тортиб хоҳоларди. – Тута-я, жонингдан, тута-а-а! Сени кайфинг қанчалик ёлғон бўлса, бу ёруғ дунёям шунчалик ёлғон!

Улфатлар шўрқишлоқлик танти йигитга тан бериб, унинг қўлбола нашасидан қарахт бўлиб, қотиб-қотиб қулардилар. Ранги докадай оқарган, кўзлари сузулиб қизарган бангиларнинг, буруксиган қўланса хидидан одамлар нари турсин, ҳатто бургалар ҳам ҳазар қилишарди. Холматнинг баданига илашган бургалар, ёнида ётган шўрлик хотинини қийратиб чақишар, Холматга эса тегмасдилар. Бурга, битлар ҳам ўз саломатликларини асрашган бўлса эҳтимол.

Сталин ўлган йили қамоқдан қайтиб келган Эшондада эшон Холмат бангига насиҳат қилди.

– Иккимизам олтмишдан ошдик, дўст, – деди эшон. – Оталаримиз қадрдон бўлишган. Қандай жаннати одамлар эдилар. Балки шу гиёҳни ташлаб, ақлингизни йиғиб, иймонга келарсиз?

– Ақл иймонга душман, тақсирим, – деди бангги.

– Бу сўзда мантиқ йўқ, Холматжон, – рад этди эшон.

– Ажаблар бўлсинким, – изоҳ берди Холмат банги. – Кўринг, тақсирим, Исталиндай ақли одамни ер ютди. Искандару Доролар бу дунёдан қўллари бўш кетдилар. Марди майдон Омон полвон қани? Шермуҳаммадхону Муҳаммадаминбеклар қани? Сувни тескари оқизган отангиз Зуннур эшон қанилар-у, давлати тоғдан баланд Хорунбой отам қани? Уларни қўлларида нима келди? Бу дунёда бирор нарсани амалга ошираман деб, овора бўлмаслик керак. Ҳамма нарсани худо билади, худо қилади. Худо хоҳламаса мусулмон бўлолмайсиз, иймонга келолмайсиз. Сизам менга қўшилиб наша чекинг, тақсирим. Дуойингиз юз карра кучаяди! Ҳамма иймон бангиларда бўлади.

– Астағфуруллоҳ! – аччиқланди эшон ёқасини ушлаб. – Бу қандай шаккоклик бўлди, дўст? Иймон бангида нима қилади? Худога ишонган одам наша чекадимми?

– Наша чекмаган киши худога ишонмайди, эшоним!

– Нозамбиллоҳ! Нозамбиллоҳ! – аччиғи келиб, ғудранди эшон.

Бангилар ўта иймонли бандалар эканини исботлаш мақсадида Холмат банги Эшондада эшонга қўйидаги ривоятни айтиб берди.

Бир куни буюк яратгувчи Аллоҳ ўз хузурига олий бир фариштасини чақирибди.

– Ер юзига тушиб энг иймонли кишилар орасига бор, – деб буюрибди. – Уларни иймонларини синаб кўр. Аниқлаб билгинчи, қайси бандам мени қудратимга шубҳа қилмас экан.

Фаришта ер юзидаги энг катта саҳрога тушибди. Мусофир одам суратига кириб, карвонга қўшилиб олибди. Карвонни етаклаб бораётган сарбон, бирдан бўйи булутлар қадар ўсиб, улуғ фариштага айланиб, ерга жуда улкан бир жуволдизни санчиб, уни тешигигача қум барханига ботирибди. Кейин карвонни шу жуволдиз тешигидан олиб ўтибди. Карвон ғойиб бўлибди. Тафтишчи фаришта танҳо қолгач, саҳро ўртасида жойлашган бир шаҳарга кирибди. Жазирама ёз ойларида бу шаҳарга бирор карвон саҳродан ўтиб келолмас экан. Шаҳар аҳолиси мусофирни кўриб, хайрон бўлиб, уни подшоҳ ҳузурига бошлаб боришибди. Подшоҳ ажабланиб:

– Эй, мусофир? – дея сўрабди. – Сен бу чўлни қандай босиб ўтдинг?

– Аллоҳнинг қудрати билан, мен бир карвонга қўшилиб келдим, – дебди фаришта. – Карвонбоши эпчил киши экан. Бир жуволдизни саҳрога санчиб, карвонимизни тешигидан олиб ўтди. Мана, мен ҳузурингизга келдим.

– Э, биздек олий зот сенга мазах бўлиб қолдикми? Бу гапинг ақлга сиўмайди-ку? – деб ғазабланган подшоҳ, фаришта сўзларига ишонмай, уни калтаклаиб, саройдан ҳайдаб юборибди.

Фаришта маънос алфозда шаҳар масжидига кириб, икки ракат намоз ўқибди. Имомлар ва уламолар мусофирни кўриб, қизиқиб сўроқ-савол бошлашибди.

– Эй, биродар, – сўрабди имом. – Сиз бу жазирани қандай босиб ўтдингиз? Ахир бу чоғларда бирор карвон саҳродан ўтолмасди-ку?

– Аллоҳнинг қудрати билан, – дея сўз бошлабди фаришта. – Мен бир карвонга қўшилиб олдим. Карвонбоши ерга бир жуволдизни санчиб, шунинг тешигидан карвонни олиб ўтди. Мана, мен шаҳрингизга етиб келдим.

– Сиз ё беақл аҳмоқсиз ёки бизни майна қияпсиз, – аччиқланибди имом.

Фаришта масжиддан қувилибди. У бозорга борибди. Бозордагилар аҳвол сўрашибди. У бўлган гапни рўйи-рост айтиб берибди. Бозордаги савдогарлару харидорлар, фақирлар гадолар ҳам бу беҳурмат ёлғончини ўз ёнларидан қувишибди. Фаришта энг охири сасиб-ачиб ётган бангилар такяхонасига кирибди. Бангилар чилим чекиб, карахт бўлиб ўтиришган экан.

– Кел, мусофир, – илтифот кўрсатиб ёнидан жой берибди бир банги.

– Саҳродан қандай ўтиб келдинг? – сўрабди бошқаси.

– Аллоҳни қудрати билан ўтиб келдим, – хохламайгина жавоб қилибди фаришта.

– Ё, қудратингдан! – хитоб қилибди биров.

– Ана мўъжиза! – ёқа ушлабди кимдир.

– Айтиб бер, мусофир! – ошиқибди яна бирови. – Қандай ўтдинг?

– Бир карвонга қўшилиб олдим. Карвонбоши зукко киши экан. Чўлни ўртасига бир жуволдизни тикка қилиб санчди. Шуни тешигига қараб карвонимиз йўл юрди. Аллоҳнинг қудрати билан, ана шу карвонбоши, карвонимизни жуволдиз тешигидан олиб ўтди. Мана, кўриб турганингиздек, мен бу ерданман.

– Э тасанно! – ҳамма бангилар уни олқишлаб чилим тортишда давом этишибди.

– Бундай карвонбошининг устозига офарин! – бир банги илжайиб бош ирўаб қўйибди.

– Сизлар менга ишондингларми? – ажабланибди фаришта.

– Бўлмасам-чи, – деб жавоб қилибди бир қари банги. – Аллоҳнинг қудратига шак-шубҳа йўқ. Сени карвонинг бор-йўйи жуволдизни тешигидан ўтибди-ку. Агар худойим хоҳласа, карвонингни жуволдиз эмас, игнани тешигидан ўтказа олади. Худонинг қудратига шак-шубҳа йўқ.

Фаришта арши аълога қайтиб бориб Аллоҳга хабар берибди.

– Э Аллоҳим, сени қудратингга беақл бангилардан бошқа ҳеч ким ишонмади.

– Ундай бўлса, – дея фармон қилибди Аллоҳи таоло. – Оламдаги барча беақл бангилар

яйраб-яшнаб ҳаловатда яшасин. Оч қолсаям ўйнаб кулаверсин! Яланўоч қолсаям ўйнаб-кулаверсин! Хароба хонаси кўзига саройдек кўринсин! Қолган бандаларим эса ўз ақлига таяниб, ур-тўполон қилиб, югуриб-елиб, дўзах азобида беҳаловат бўлиб яшайверсин!

Эшондада эшон бу қайсар бангининг бемаза ривоятини тушунолмади.

– Ишонч билан итоат орасидаги боғланиш қани? – деб сўради у. – Масжид қани? Аҳли жамоа ва сунна қани?

– Ишончи йўқ кишининг итоати кимга керак, тақсирим? – беҳолгина томоғи ғириллаб йўталди у. – Менга бу дунёни савобиям, гуноҳиям, молу дунёсиям керакмас. Менга биргина Аллоҳ билан бир чеким наша кифоя.

Дунёга қўл силтаган банги болаларининг бахтига ҳам қўл силтаб қўйганини англамади. Холмат банги етмиш ёшгача наша чекиб ғужанак бўлиб ётди. Каттагина ер-сув, молу мулк, чорва эгаси бўлмиш Хорунбойнинг ягона ўғли, кафтдек ҳовли ва пастқам уй-дахлизда умр кечирди. Ётарга тўшаги, еярга нони бутун бўлмади. Умри наша туплари остига гўнг кўмиш билан кечди. Ундан туғилган тўртта фарзандга “бангининг боласи” деган тавқи лаънат мерос бўлиб қолди...

Давоми бор.

ОНА – ИНСОНИЯТ БЕШИГИ

Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожијева билан суҳбат

– Ойдин опа, сизнинг ижодингиздаги энг латиф, энг хароратли сатрлар онага бағишланган. Ҳатто, бир китобингиз “Мушфиқ онажон” деб номланади. Шу боис, суҳбатимизни онангиз ҳақида сўздан бошласак.

– Онамнинг исмлари Тошбиби бўлган. Онам Бўстон қишлоғида элим, уйим-жойим, болам деб яшаб ўтдилар. Жойлари жаннатдан бўлсин илоҳим! Улар ҳамма қишлоқ аёлларига ўхшаш оддийгина, камтар эдилар. Биз ота-онадан ўн олти фарзанд эканмиз. Ўнта акам гўдак ёшида чечак, қизамиқ, терлама, безгак сингари касалликлардан нобуд бўлишган. Оғир замонлар фожиаси бу. Неъмат акам эса, урушга кетиб, қайтмаганлар. Онамнинг, шунингдек, қишлоғимиз аёллари – Сарвар хола, Робия холла Шарофат холаларнинг ўша оғир уруш йилларида ҳар қандай шароитда ҳам имон чегараларига панд бермасдан, ҳалол, пок яшаб ўтганларига гувоҳман. Ўшаларнинг дарду ҳасрат тўла қўшиқ, лапарлари мени шоира қилган бўлса, ажабмас.

– Ойдин опа, мустақиллик йилларида шеър, қасида, дostonлар қатори, публицистик мақолаларингизда ҳам давримизнинг долзарб муаммоларини кўтариб чиққансиз. Менга, айниқса, тил ҳақидаги “Рухимизга ёнғин тушмасин” мақолангиз жуда маъқул бўлганди. Ҳозирги вақтда публицистик руҳ барқ уриб турган шеърларингиз, замон талабига куюнчаклик билан “лаббай”, деб жавоб берадиган сатрларингиз ўқувчилар ёдига муҳрланиб қолмоқда. Бундай сатрларнинг қуйилиб келишига нималар асос бўлмоқда?

– Биз бир ярим аср зулмат, қизил империя исканжасида яшадик. Тилимиз чиққандан сочимиз оқаргунча, тўтиқушдек сайрашни, бир хил гапни такрорлашни билдик, холос. Бу бизни ўзлигимиздан анча узоқлаштирди. Аждодларимиз сув ичган булоқларнинг кўзини ёпишди. Аёлларимизнинг қўли косов, сочи супурги бўлди. Гўдаклар турли касалликлар билан шифохоналарда нажот кутиб чинқирарди. Шукрлар бўлсинким, мустақиллик шабадалари тилимизни “ечиб” юборди.

– Ёш шоиралар ижодининг қайси жиҳатлари сизни қувонтиради?

– Тўғриси айтсам, ёш шоираларга ҳавасим келади. Биз ижодимизни қофияни ўрганишдан, адабиётшунослик терминларини титкилашдан бошлаганмиз. Улар эса, тайёр ҳолда, шиддат билан адабиётга кириб келмоқда. Уларда фуқаролик туйғуси кучли. Уларнинг қалбида нозик туйғулар куртак отаётганидан хурсандман.

– Бебаҳо фольклор меросимиздан баҳра олмаган ижодкор бўлмаса керак. Чунки халқ оғзаки ижоди туганмас хазина. Кимдир халқ оғзаки ижоди йўлларида ижод қилади. Кимдир халқ оғзаки ижоди ва қахрамонларига мурожаат қилиб, улар орқали ўз мақсадини айтишга интилади. Кимдир халқ оғзаки ижодидаги сюжетлар асосида янги асар ёзади. Умуман, бу таъсирнинг турлари кўп. Бу таъсир сизнинг ижодингизда қандай кечган?

– Мени кўпроқ халқ эртаклари, ҳикмат ва маталларидаги донолик ҳайратга солади. Болалигимдан эшитиб юрган мақол-маталларим, ажойиб эртаklar зехнимни чархлаган, улар ёзувларимга зийнат бағишлаган. Тилдан-тилга, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ оғзаки ижоди – туганмас чашма.

– Шеърда ҳис-туйғу етакчими ёки фикрми?

– Гоҳида бир сатр устида соатлаб ўйлайсиз. Фикр ва туйғулар қалбингизни остин-устин қилади. Қалбингиздан қоғозга тушган туйғулар кўпчиликниқига айланади. Ўқувчи юрагига етса, муҳими шу. Ҳис-туйғу ва фикр – шеърнинг икки қаноти.

– Илҳом онларини қандай тасаввур этасиз?

– Илҳом келиши – ноёб ҳодиса. У ўт-олов, тошқин сойга ўхшайди. Жонингизга чакмоқ

тушади. Тошқин сойга қўйиб берсангиз, ҳамма ёқни вайрон қиламан, дейди. Агар уни яхши ўзанга солсангиз далангизга, экиннгизга кут-барака бўлади. Илҳом тулпори сизни осмону фалакка олиб учади. Илохий туйғулар бахш этади.

Шеърятни шу олов, тошқинлик, шу беоромлик ҳеч қачон тарк этмасин. Расул Ҳамзатов айтганидек, болалар дардсизу шеър дард билан туғилсин.

– Айрим ижодкорлар танқидга салбий муносабатда бўлишади. Шахсан сиз адабий танқидга қандай қарайсиз?

– Бадиий асарга, ижодкор шахсига эътибор билан қаровчи мунаққидларга мен ҳам худди шундай нигоҳ билан қарайман билан қарайман. Тўғри сўз, адолатли, ҳалол адабиётшунослар кўпчиликни ташкил этади. Лекин саёз асрларга мақтов сўзлар ёзаётганлар ҳам йўқ эмас...

– Инсоният пайдо бўлгандан буён бахт ҳақидаги тушунча мавжуд. Бахт ҳақида, айниқса, ёшлар қизгин баҳслашади. Бу тушунчани сиз қандай изоҳлайсиз?

– Бахт – бошқаларга кераклигинда, сен шундай бўлгинки, оз вақт кўринмасанг ўрнинг билинсин. Яқинларинг даврасида бўлмасанг, излаб, соғинишсин. Шундай яшайдиган инсон ўзини бахтли ҳисобласа арзийди.

– Зулфия опа билан илк бор қачон, қаерда танишгансиз? У кишини ижодкор ва инсон сифатида ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?

– 1963 йил эди. “Саодат” журналы ходимлари ойнаижаҳонда чиқадиган бўлишибди. Ёш шоира сифатида мени ҳам чақиришди. Шеър ўқидим. Шунда Зулфияхонимнинг меҳрлари тушиб қолди. Ўқтам, зебо, шахдам, ғоят дилбар эдилар. Қарашларидан нур ёғиларди. Ёшларга меҳрибон. Талабчан. Тўғри сўз.

Бениҳоя захматкаш муҳаррир эдилар Зулфияхоним. 1976 йилдан 1983 йилгача “Саодатда” да бўлим мудури бўлиб ишлаган кезларида ижодкор ва инсон сифатида чиникдим, журналистика сирларини ўргандим. Ҳар бир шеъримни кузатиб фикр айтардилар. Бўш шеърларимни ўқиб, бундай шеърларни эълон қилманг, дердилар. Мушоираларда қандай шеър ўқиш, қандай кийиниш, сахна маданияти, суҳбат одоби... Ҳаммасида азиз устозимнинг маслаҳатларига кулоқ тутардим.

Қийин-қаттиқ кунларда устоз ҳузурига мадад сўраб борардим, улар қувват, ирода, сабот-матонат каби фазилатларни бағрида олиб яшаётган қояга ўхшардилар.

– Сиз илк китобингиз “Шабнам” биланоқ адабиётимизга ўзига хос шоира сифатида кириб келганлигингизни намоён этгансиз. Мана, орадан қирқ йил ўтди. Ҳамон яхши шоиралар сифатида тилга олинасиз. Бироқ, мана бу асари адабиётимиз учун воқеа бўлди, деган шов-шув кўзга яққол ташланмади. Танқид тиғига ҳам дуч келмадингиз. Бунга ўзингиз қандай қарайсиз? Ёки адабий танқидчилик ижодингизга кам эътибор бераётими?

– Нега? “Келинчак” дostonим шов-шув бўлиб кетган. Уни Ойбек, Миртемир, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухторлар макташган. Баҳслар бўлган. Мен ойдин туйғулар, табиатнинг ўзидай мусафо, майин, ёрқин манзаралар куйчиси эдим. 1988-89 йилларда ўткир муаммоларни кўтариб чиққан мақолаларим ўша йиллари радио орқали такрор-такрор бериларди. “Миллатнинг қайғуси нима?”, “Мени изтиробга солар бу ўйлар”, “Рухимизга ёнғин тушмасин”, “Оналар халқнинг ҳусни жамолидир” мақолаларим бунга мисол. Ўша пайтлар гўдаклар ўлими кўп эди. Туғруқхоналарда янги туғилган чақалоқлар онасига берилмай, уч кунгача ҳар хил сут билан боқиларди. Телевидение ўша йиллари менга жуда катта минбар берган. Она сути ҳақидаги суҳбатим “Гулхан” журналида ҳам чоп этилган. Соғлиқни сақлаш вазирлигидан расмий жавобим эълон қилинган. Гўдаклар туғилиши билан ўғиз сути эмишининг фойдаси тиббиётчилар томонидан маъқулланди ва ўша йиллари ҳар бир гўдак ўз онасининг сути билан парваришлана бошлади. Танқид ўз ўрнида, фойдали бўлса яхши. Гўзал бир ёш шоирани бир мунаққид аёвсиз танқид қилиб, руҳини синдириб қўйди, ўша ижодкор ўз йўлини йўқотди. Мен

шеърни гўдакдай беғубор хилқат деб биламан, унади, ўсади, тили чиқади, мукаммаллашади.

– **Нега сизга тенгдош шоиралар шеър, баллада, қасида, дoston жанрида ижод қилиш билан чекланиб қолаяпти? Сизларга драма, қисса, роман ёзишга нима халақит бераяпти? Ҳаётгий тажриба етишмаяптими ёки қобилият? Афсуски, бу “анъана” сизлардан кейинги авлод шоираларида ҳам давом этапти.**

– Драма, қисса, роман ёзаётган яхшигина ижодкорларимиз бор, шукр! Шаҳодат Исохонова, Саломат Вафо, Меҳринисо Қурбонова, Зулфия Қуролбой кизи бугун насримизнинг бир қанотини кўтариб турибди. Фарида Усмонова деган кекса адибамиз саксон ёшдан ўтиб роман ёздилар. Зулхумор Солиева Увайсий ҳақида драма ёзди, ёмон эмас...

– **Ҳассос шоира Саида Зуннунова билан ижодий ва шахсий муносабатингиз қандай эди?**

– Саида Зуннуовадай дилкаш инсон, назокатли шоира, жасоратли инсон билан суҳбатларим доим ёдимда. “Шарқ юлдузи” журналида ишлаган йилларим жуда кадрдон бўлиб кетганмиз. Уюшманинг мажлисларига келсалар, албатта, хонамга кирардилар. Шеърларим чиқса, дарҳол кўнғироқ қилиб табриклардилар. Ҳассос шоиранинг эллик йиллик юбейини ўтказиш комиссияси раиси ўринбосари эдим. Самарқанд, Бухоро сафарларида у кишининг қанотларида юрганман.

Шеърларимни хилватда, танҳоликда, бедорликда ўқиб, кимдир таскин-ҳаловат топса, бўлди, дерди Саида Зуннуова. 1977 йили айна баҳорда, барчамизни йиғлатиб кетди нозик хаёл шоирам.

– **Қайта-қайта ўқиб турадиган китобларингиз?**

– Новойни соғиниб ўқийман. Лутфий, Атойидан ёд ўқиб юраман. Аҳмад Яссавий, Шайх Саъдий ҳадиси шарифлар, ҳикматларини ўқиб турмасам, юрагим бўм-бўш бўлиб қолади. Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғофуров китобларига кўп мурожаат қиламан.

– **Ўзингизга тенгдош ёки кейинги авлод вакиллари ижодидан ҳам таъсирланганмисиз?**

– Албатта. Гулчехра Жўраева, Эътибор Охунова, Ҳалима Худойбердиеваларнинг кўп сатрларини яхши кўриб ёдлаганман. Шарифахон, Қутлибека, Фарида Афрўз, Ҳалима Аҳмад, Хосият Рустамовалар ижодини севиб ўқийман.

– **Ойдин опа, мазкур суҳбат орқали оз бўлса-да, яна бир бор мухлисларингиз қалбига яқин бордингиз. Уларга тилақларингиз.**

– Мухлисларим билан янаям яқинроқ бўлишни истаيمان. Кўпроқ суҳбатлашиш муродим.

Суҳбатдош: Ўрол Ўтаев

ДИЛИМДАН СЎЗ ОЧСАМ...

* * *

Ота, умрим ўтгани сайин
Якин келди Ватан деган сўз.
Шундан, ўтган куним азиздир,
Шундан, келар кунларим азиз.

Ватан деган сўз билан боғлиқ
Қайғум гўзал, қувончим гўзал.
Кўзларимнинг иссиғи шу сўз,
Ҳаётимнинг мазмуни ўшал.

Булоқлари дардимга дармон,
Шамоллари олтин тарағим.
Тупроғини кўзимга суртсам
Равшан тортар чашми қарағим.

Ватан десам онам келади
Оқ рўмоллар ўраб бошига.
Мен онамдан қарздор каби,
Қарздорман шу сўз олдида.

Китоб билан нонни тенг кўрган
Улуғлар дарсхонаси – Ватан!
Меҳнат билан сочи оқарган
Онагинам онаси – Ватан!

Ҳумо куши безаб турибди,
Қомусининг хошиясини.
Тонгда туриб куйлар кушлар ҳам
Ўзбекистон мадҳиясини.

* * *

Менинг боболарим йиғлаб келганни
Кўз ёшларин артиб икромлар этган.
Менинг момоларим сув сўраганга
Кумиш косаларда шарбатлар тутган.

Менким, хонлар берган, султонлар берган,
Қутлуғ Нигорларнинг зурёдидирман.
Соҳибқирон севган Бибихонимнинг –
Сароймулкхонимнинг авлодидирман.

Менинг боболарим муҳаббат ҳаққи
Тошларни тарошлаб тожмаҳал этган.
Менинг момоларим Алпомишни
Умр бўйи кутган, интизор кутган.

Менинг боболарим ҳаром-харишни
Эшигин ёнидан ўтказмаганлар.
Менинг момларим қушчаларни ҳам
Бир ҳовуч дон бермай кетказмаганлар.

Менинг ҳайратларим гулзотларимнинг
Жонидан – жонимга ўтган ганжина.
Менинг шеър ёзишим нурзотларимнинг
Қонидан-қонимга ўтган хазина.

Гуллари қизларга айланган боғлар:
Боғидилкушо бу, Боғишамол бу.
Қизлари гуллардан жозиба чорбоғлар,
Соҳиби камол бу, ойга тимсол бу.

Ватан деганимда, кўзимда қалққан,
Севинч ёшларимни артурман мен ҳам.
Ватан – дея келиб, Ватан – деб кетган,
Асл зотларимга тортурман мен ҳам.

* * *

Ўйланиб ўтардим бу кўчалардан,
Энди кулиб ўтгум, ўйланиб ўтгум.
Жаннат юзликлар-ла мубораклашиб,
Беклар суҳбатидан гул териб ўтгум.
Алвон гуллар экдим кўнгил бўстониға!
Истиклол мангу қол, Ўзбекистонда!

Чашмалар болини энди тушундим,
Қушлар саволини энди тушундим,
Қирлар шамолини энди тушундим,
Томирдек туташдинг, юракда – жонда,
Истиклол мангу қол, Ўзбекистонда!

Энди ҳазонлардан гул қидирмасман,
Энди нодонлардан дил қидирмасман,
Йўлим сен, мен гирён йўл қидирмасман,
Қариндош тутндим гул, гулистонға,
Истиклол мангу қол, Ўзбекистонда!

Дилимдан сўз очсам, ғунча очилгай,
Парилар кўлида тугунча очилгай,
Шодлансам, шодликлар шунча очилгай,
Мисли атиргулман тонгги рахшонда,
Истиқлол мангу қол, Ўзбекистонда!

Кўнгилни кўнгил-ла кошона этдим,
Сўзнинг мадорини дармона этдим,
Сифиндим дуони дармона этдим,
Ўзига шукрона ҳар дам, ҳар онда,
Истиқлол мангу қол, Ўзбекистонда!

* * *

Курсдошим шоир Равшан Файзни эслаб...

Равшан бизни кулдир,
Сўрарди санам қизлар.
Сен ёзгандай юзи ой,
Қошлари қалам қизлар.

Кулмай кўйдик, ўрнингни
Билдириб юрибсанми?
Жаннатларда хурларни
Кулдириб юрибсанми?

Энди ҳеч ким сим қоқиб,
Айтмагандир пайровлар.
Йўқ самимий сўровлар,
Йўқ самимий чорловлар.

Энди гоҳ-гоҳ тўплансак
Кулгулар ёлғон чиқар.
Ўртадан Равшан деган
Бир азиз армон чиқар.

Бир кечада дунёни
Доғлаб, тиғлатган йигит.
Бизни кулдирган йигит,
Бизни йиғлатган йигит.

...Сен Оқтовдан оқиб келган
Оқин эдинг бизларга.
Бир энани эмишгандик
Яқин эдинг бизларга.

Унутилмас талабалик
Кунлар олтин эканлар,
Сен тўйингдан кийиб келган
Тўнлар олтин эканлар.

Хотрада гулхан ёқиб,
Дилни чўғлатган йигит.
Бизни кулдирган йигит,
Бизни йиғлатган йигит.

Илоҳи жаннатларни
Тўрларини кўрган бўл.
Жаннатларга хурларга
Шеърлар айтиб юрган бўл!..

ЗАРРА-ЗАРРА ТОМАДИ ТОЛЕ

* * *

Озроқ елса шабада,
Зикрлари беҳисоб.
Хивчину шох-шаббада
Шитирлари беҳисоб.

Ёмғир ювса мабодо,
Ҳузурлари беҳисоб.
Новдаларин дуога
Чўзурлари беҳисоб.

Япроқдек бир қалбимда
Шукронам қанча, билмам?
Лек юзлаб юрак – баргда
Шукурлари беҳисоб.

* * *

Қуёшдек бошимдан балқсанг кун бўйи,
Ойдек осмонимда қолсанг тун билан.
Яшасам ҳамиша васлингга тўйиб,
Хайрлашгим келмас сен билан.

Жонгинам, доимо жонимда бўлсанг,
Нима бўлганда ҳам ёнимда бўлсанг,
Умримга дохил ҳар онимда бўлсанг,
Хайрлашгим келмас сен билан.

Кўзинг – кўз ўнгимда, кўзинг – тушимда,
Сен бору мен нега йўқман ҳушимда,
Оҳ, қўйвормагайман ҳеч оғушимдан,
Хайрлашгим келмас сен билан.

Биламан, сен нуру мен эса тупроқ.
Сени еру кўкка ишонмам, бироқ,
Кетма, томиримда севги бўлиб оқ,
Хайрлашгим келмас сен билан.

* * *

Кўзларингда ўт ва сув яшар,

Кўзларингда оқ билан қаро.
Кўзларингда қандай чиқишар
Манфий билан мусбат ўзаро?

Кўзларингда ҳаёт ва қазо,
Кўзларингда гул билан ханжар.
Кўзларингни ўзидир даво,
Кўзларингдан дард тегса агар.

* * *

Кема олис йўлга чиқиши керак,
Соҳилда кўл силкир эрлар, аёллар.
Янгидан айтилар эски бир тилак:
“Сизга ҳамроҳ бўлсин эрка шамоллар!”

Елканлар шишади, мавжланади сув,
Тўлқинлар келади тепадай, тоғдай
...Ва бирдан кемани тарк этар уйку,
У тушин тушунмай турар қумлоқда.

Кема тушунолмас, кўкда чағалай
Сўнгги кўшиғини куйлайди мунглиғ.
Қумга ботиб ётар кемалар талай,
Ечиб қолдирилган калишлар янглиғ.

Кема тушунишни истамайди ҳам,
Сузиш шавқи билан ёнаркан кўнгил.
(О менинг бечора кемажонгинам,
Кўнглингни Оролнинг тузига кўмгил!)

Кема тушунмайди, сўнгги чағалай
Сўнгги кўшиғини куйлайди сўнгсиз:
“Бизни ташлаб кетди қадрдон денгиз,
Бизни ташлаб кетди қадрдон денгиз!..”

* * *

Шундай севги бўлса,
Тўйиб севгулик.
Куйдириб севгулик,
Куйиб севгулик.

Молу жонинг тугул,
Бир висол учун
Икки дунёни ҳам

Қўйиб севгулик.

Шундай севги бўлса...

* * *

Яна қошлар ота бошлар
Кўнгил кўзгусига тошлар.
Яна чил-чил синар кўнгил,
Яна зил-зил ботар тошлар.

Яна сўзлар қота бошлар,
Маним жоним ҳовучимда.
Яна кул-кулку бардошлар,
Анинг булбул товушиндан.

Яна кўзлар – соҳир кўшиқ,
Яна сайд айлар қарошлар.
Яна ҳил-ҳил етилгай ишқ,
Яна сим-сим оқар ёшлар.

Яна сочлар сочар тушлар,
Яна қушдай учар ҳушлар.
Яна жим-жим эгилгайдир
Муҳаббат пойига бошлар.

УЧЛИКЛАР

* * *

Юрак тинмай санар
тақдирнинг
дўлдек зарбаларини.

* * *

Дарахт хатлар йўллагач,
қиш томонга йўл олар
йўллар.

* * *

Қарокларим даричасидан
кириб-чиқиб туради
Дунё.

* * *

Синикқан соғинчлардан
сарғаюр
саҳифалар.

* * *

Гоҳ шодлик,
гоҳ ғам тўла
муҳаббат жоми.

* * *

Умр –
тухфа эмас,
умр – қарз.

* * *

Кўнглим
тўлиб кетди –
уйим бўшагач.

* * *

Ўнгарилар қумсоат – дунё,
зарра-зарра томади толе
осма доридай.

* * *

Пешона, тирсак, тиздан
нур сочган бу одамнинг
йўли, манзили ёруғ.

ОЛТИЛИКЛАР

* * *

Вақт – қилич,
қирққани-қирққан.
Умр дарахтидан
қирқилган шохлар
ошибди
қирқдан...

* * *

Умр –
аравага кўшилган
қирчанғи.
Безаги –
занглаган занжиру
занггу узанги...

* * *

Инсонийлик,
ноинсонийлик –
шу икки мамлакат
фуқаросиман.
Чегара чизиғи
ўтган ичимдан...

* * *

Антенналар –
дунё дарахтининг
ўқ илдизлари.
Аввал, томимизни,
сўнг онгимизни
чирмаган томирлар.

* * *

Қалъа ёки дўнглик,
эрк ё адолат,
хатто Ватан деб эмас,
қалб ва онг учун
жанг борар бугун –
очунда.

ВОЛА

Онажоним – оҳизиндам,
юзингиз ажинларида
ҳиссам бор.
Юрагингиз ғижимларида
ғуссам бор.
Қанийди, буларни ёзиб бўлса...

МАКТАБ САБОҒИГА САДОҚАТ

Эллик йилки ҳаётнинг қаттиқ –

буғдой, жавдар нонин есам-да,
ишонгум: ўсади қайдадир
шоҳларида
хайрат гуллаган
ўша нон дарахти.

* * *

Соат ичида – мен
ичимда – соат
қўлимда
тақдирнинг соати эмас
тақдирнинг қўлида
соатим.

* * *

Дарахтларнинг
хужжати кўр:
Улар –
бизга нисбатан
минг қур
шу Ватаннинг фуқаросидур!

* * *

Ой –
зиндон оғзи.
Қобирғам – нарвон.
Чоҳдан
чиқасан қачон,
эй, руҳи равон?..

ҲОЛАТ

Кўзимдан –
ёш,
танимдан –
жон
тушиб келар
товонимгача...

* * *

Чанг чангингни чиқариб,
ғижжак ғиждалагач аямай,
тор айлаган эди-ку тор-мор.
Эй қалб,

эй дўсти ғариб,
сени яна найлади-я най!?

* * *

Ақлимга
тушунтирдим ётиғи билан,
кўнглимни кўндирдим.
Рухимга
уқтира олсайдим энди
кайғурмасликни...

* * *

Арши аъло сари
учгай учоқ – рух.
Ортда колар
ёнилғисиз идишлардек
ортиқча даҳмаза –
дунё ва вужуд...

* * *

Вақт топиб
тахайюл дарахтин
силкитсам,
тап-туп тушгай
пишган
шеърларим...

ДАХРИЙНИНГ ИБОДАТИ

Ҳикоя

Фанни бебаҳо физиологик назариялар билан бойитиб, ёшлигиданоқ ном қозонган доктор Бьяншен Оврупа медиклари томонидан маърифат маркази деб ҳисобланган Париж медецина факультетида терапевт бўлиб ишлашдан анча бурун жарроҳлик қилган эди. У талабалик йилларида фан осмонининг ёрқин юлдузларидан ҳисобланган буюк француз жарроҳи Деплен раҳбарлигида ишлаган эди. Ҳатто Депленнинг рақиблари ҳам у ўз тажрибасини, бирор кимсага ўргатиш хоҳиши йўқлиги боис, қабрига олиб кетади, деб тан олган эдилар.

Бошқа буюк даҳоларда бўлгани каби ҳам ўз соҳасида ворис қолдирмади. Ҳамма нарсани ўзи қандай олиб келган бўлса, шундай бирга олиб кетади. Жарроҳлик шуҳрати ҳам актёрлар шуҳратини эслатади: улар фақат ҳаёт бўлган вақтларидагина яшайдилар, вафотларидан кейин эса уларнинг истеъдодларини баҳолаш қийинлашиб қолди. Актёрлар ва жарроҳлар, шунингдек, юксак ижрочилик маҳорати билан музика куч-қудратини ёрқин намоён қила оладиган буюк хонанда ва созандаларнинг ҳаммаси бир давр қаҳрамонлари дейиш мумкин. Депленнинг шуҳрати ҳам барча даҳолар фаолияти билан кўп жиҳатдан муштаракдир. Яқиндагина шу даражада шуҳрат топган номи бугунга келиб тиббиёт олаmidан бошқа ёқда деярли унтилди. Лекин шундай бўлганда ҳам фавқулудда вазиятлар тақазоси билан олимнинг номини фан соҳасидан инсониятнинг умумий тарихига ўтиши наҳотки талаб қилинмаса?! Деплен ўз даврининг ифодачиси ёки уни ўз шахсига кўчирган кўпқиррали инсонмиди? У ақл бовар қилмайдиган даражада сезгир бўлиб, шахсий кузатувлари орқали орттирган тажрибаси ёки савқи табиийси ёрдамида бемор руҳий аҳволини дарров пайқаб оларди, касалликнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаб ташхис қўярди. Шу билан бирга, бемор кайфияти ва шарт-шароитини ҳисобга олиб, уни қачон ва қайси ҳолатда операция қилиш бўйича хулоса чиқарар эди. Деплен табиат билан бақамти бўлиш учун ҳаво ва ердан баҳра олиб турувчи одамнинг хужайраларини мутассил ўрганиб чиқишдан эринмадимикан? У Кювье даҳосининг маҳсули ҳисобланган индукция ва аналогия усулларининг қудратли кучидан фойдаланмаганмикан? Нима бўлганда ҳам бу жарроҳ тиббиёт сиру асроридан тўлиқ хабардорлик даражасига эга бўлиб қолди, у бу соҳанинг бугунги тажрибаларига асосланувчи замонавий кишиси сифатида унинг ўтмиши ва келажакига ҳам айланди. У ўз шахсияти Гиппократ, Гелен, Аристотель каби ўзида барча фанларни мужассамлаштирган киши эдимиз? Ёки бу соҳада алоҳида мактаби орқали янги дунё йўлларини очдимиз? Йўқ. Лекин адолат юзасидан шуни ҳам тан олиш керакки, инсон танасидек мураккаб хилқатнинг ўткир кузатувчиси бўлиб қолган бу шахс сеҳрарлик ҳақидаги қадимий илмлар уммонига ғоввоз каби шўнғиди, вужуднинг ҳали шаклланиб улгурмаган дастлабки даврлариданоқ уни пайқаб оладиган даражада сезгир бўлиб, ҳаётнинг ҳали юзага келишидан олдинги манбалари ва улар қандай бўлишлигини ҳам кўра олади, бу борада олиб борган текширишлари орқали тирикликни таъминлайдиган шарт-шароитларни аниқлади.

Лекин, афсуски, булар ҳаммаси Депленнинг шахсий характери учун хос эди. Шу боис манфаатпарастлик хислати ёлғизланиб қолишига сабаб бўлди ва худди ўша одати вафотидан кейинги шуҳратини ҳам сўндиришга олиб келди. Охир-оқибат қабри устида даҳонинг фидокорона изланишлари натижасида аниқланган тиббий сиру асрорни келгуси авлодларга эслатиб турадиган ёдгорлик бюсти ҳам ўрнатилмади. Балки таланти эътиқодига мослиги

туфайли у ўлимга маҳкум бўлгандир. Деппен эътиқодига кўра, ер атмосфераси ҳаёт яралиши учун замин яратган. Мана шунинг учун ҳам ер тухум ва унинг уст қобуғи шаклида бўлгани таъкидлайди. Лекин у дастлаб тухум бўлганми ёки товуқ қабилидаги саволга жавоб беришга қодир бўлмаганлиги боис уларни тан олмасди. У ибтидоий ҳайвонот дунёсининг яратилиши ва инсон қалбининг ўлмаслигига ҳам ишонмагани сабабли иккиланмай уларни рад қиларди. Даҳрийлар ва диндорлар орасида давом этиб келаётган азалий курашга Деппер ҳам бефарқ бўлмай, аллақачон иккиланишни йиғиштирган эди. Деппенда бундан бошқа бир эътиқод бўлиши мумкин эмасди. У ёшлик давриданок бутун тирик мавжудотнинг гултожи ҳисобланган одамзоднинг умр кечириши ва вафотидан сўнгги ҳолати ҳақидаги ҳақиқатни билиб улғайди. Танада мия, асаб, қон айланиш ва нафас олиш марказлари борлиги аниқланган. Улардан дастлабки икки марказдан бирининг ўрнини иккинчиси ҳам бемалол бажариши мумкин. Деппен ҳаётининг сўнгги вақтларида ҳатто кўриш ва эшитиш учун кулоқ ва кўзлар мутлақо зарур бўлмаслиги ва булар вазифаси қуёш нурлари тўқимаси таъсирида ҳам бажарилиши мумкинлиги хусусидаги хулосага келган эди. Шундай қилиб, Деппен одам жисмида марказлар мавжудлигини таъкидлаб, жоннинг абадийлигига ҳеч қандай асос топилмаганлигини тасдиқлади. Бу далил орқали у худо ҳақидаги диндорлар қарашларини таҳқирламаса ҳам ўз даҳрийлик қарашларини маъқулланган эди. Айтишларига қараганда, бу машҳур жарроҳ бошқа марҳум даҳо инсонлар каби чалғимай дорилбақога рихлат қилган экан.

Деппен шуҳратига соя солиш мақсадида душманлари ҳаёт вақтида бу буюк инсонни анча майдақаш одам деб иғво қилганлар. Бахил ва аҳмоқлар ҳеч қачон буюк ақл эгалари фаолиятини ҳаракатга келтирувчи сабабларни тушунолмайдилар. Буюкларнинг майда-чуйда камчиликларини кўришлари биланок дарҳол шуларга қараб айбнома ёпиштира бошлайдилар.

Деппен шуҳрати ва билимини таҳқирлаш имконияти йўқлиги учун душманлари асосий диққатларини унинг характеридаги майда-чуйда нуқсонларга қаратадилар. Ҳар ҳолда Деппен инглизлар айтмоқчидек ғайритабiiйроқ эди. У гоҳ буюк фожиачи Кребильонга ўхшаб кийинар, гоҳ костюмларига ўта лоқайд қарар, гоҳ аравачада юрса, гоҳ қизғанчиқдай пиёда юрар, гоҳ олижаноб кишидай бўлиб кўринарди. Тантанали вазиятда ҳам, мушкул вазиятда ҳам қандай бўлса, шундай, яъни бежаб-безалмаган кўринишда бўлганлиги учун одамлардан шубҳаланарди. Буюк инсонларнинг фазилати ҳам бир-бирига ўхшаб кетади. Агар уларнинг бирортасида ақлларига нисбатан истеъдоди зиёда бўлса, ҳар ҳолда оддийгина қилиб, “бу ақлли одам” дегандан зиёдароқ ақлли ҳисобланиши мумкин. Даҳолик одамни ички томондан кўришни ҳам тақозо этади. Кўриш, эҳтимол, айрим мутахассисларнинг билим доиралари билан чекланган бўлар, лекин кимки гулни кўрса, қуёшни ҳам кўради. Кунлардан бир кун ўзи даволаган дипломатнинг: “Императорнинг соғлиғи қалай” деган саволига: “Сарой аъёни ўзига келди, одам ҳам ўзига келади”, деб жавоб қилди. Кимки, шундай мулоҳазаларни айтишга қодир экан, у нафақат жарроҳ ёки врач, балки катта ақл эгаси ҳамдир.

Биз Деппен ҳаётидан замондошлари томонидан кузатиб юрилган, хотирасини баъзи таъналардан қутқарувчи энг қизиқарли бир жумбоқни танладик (бу жумбоқ ҳикоямиз сўнггида ечилади).

Орас Бьяншен Деппеннинг сеvimли шогирдларидан эди. Бу бўлғуси медик Деппен ишлаб турган Отель-Дье клиникасига амалиётчи-ассистент бўлиб келгунга қадар Лотин кварталининг “Вок уй” номли ғариб бир ётоқхонасида муҳтожлик билан кун кечирди. Лекин ҳақиқий истеъдод эгалари барибир худди олмос сингари мустаҳкам ва чидамли бўлиб, ёниб турган олов ичида ҳам оташга бардош беради, аслини сақлаб қола олади ва жўшқин эҳтирослари алангасида тобора тобланиб, эзгу орзу-умидлари йўлида ҳалол ва тинимсиз меҳнатга кўмилади, шу тариқа даҳолар қисматига хос курашга кўникиб боришади. Орас ору номусда оғиздагина эмас, амалда ҳам қатъиятли эди, вақти келганда, дўстлари учун биргина кийими бўлса ҳам аямайдиган, зарур келиб қолса улар учун вақтидан ҳам, уйқусидан ҳам воз кечишга тайёр турадиган пок инсон

эди. Бировга бирор нарса бериб, ўрнига қанча қайтариб бераркан деган ўй хаёлидан ўтмасди. Шунинг учун кўпчилик дўстлари қўли очиклигига тан беришар, айбини айтишга ботинолмасдилар. Бироқ, Орас ҳақиқий кадр-қимматини майдакашлар билан алмаштирмасди. Унда бирон бир сохта олифтагарчилик, куруқ ваъзхонлик кўринмас, одамларга ёқимли сўзлар билан маслаҳат берар, баъзан улар билан жиндак шакаргуфторлик ҳам қилар эди.

У ҳаётда ҳеч кимдан ҳеч нарсани яширмас, турли расмиятчиликлардан мустасно аскарлар каби қувноқ ва дилкаш шишадош улфат, эҳтиромга сазовор ёш йигит каби бошини дадил кўтариб, жилмайиб юрарди. Гапнинг пўст калласини айтганда, у кўплаб Орестларнинг Пиладаси³ эди. Ахир бугунги кунимиздаги кредиторлар (фойда олувчи судхўрлар) қадимги дунёнинг ҳақиқий Фурийлари⁴ тимсоли-ку.

Балки Ораснинг ўз бошига тушган шунча шўру ғавғолари бардош билан енгиб ўтишининг ўзи ҳам мардлигидан нишонadır. Ўзида ҳеч нарса бўлмаса ҳам у бировдан ҳеч нарса кутмасди, ҳеч қачон қарз ҳам олмасди, туядай сабр-бардоши, оху сингари чакконлиги, шу билан бирга, мустаҳкам эътиқоди ва жиддийлиги билан алоҳида ажралиб турарди. Машҳур жарроҳ доктор Орас Бьяншеннинг барча ютуқ ва фазилатлари, камчиликлари ошкор бўлгач, кадр-қиммати икки баробар ошиб, бахтли кунлар бошланади. Клиниканинг бош врачлари ўз ҳомийлигига олдим, демак, ёш йигит мавқеи ҳам таъминланади ҳисоб. Деппен кўплаб давлатманд хонадонларга бориш чоғи одатда ўзи билан бирга ёрдамчи сифатида Бьяншенни ҳам олиб кетади. Мазкур ташрифотлар давомида бу қишлоқ йигити кўз ўнгида бетакроп Париж ҳаётининг сирлари очилар онда-сонда унга ҳам совғалар тушиб турар эди. Деппен касал миждозларни уйда қабул қилган вақтларида Бьяншенни кўмакка чорларди, баъзан қайсидир давлатманд касални маъдан сувларига олиб боришни топширардилар. Бир сўз билан айтганда, у Бьяншенни беморлар билан ишлашга тайёрлар эди. Бир оз вақт ўтиб, бу қаттиққўл жарроҳнинг ўз Саиди⁵ пайдо бўлди. Бу икки инсон, бири билим ва иззат-икром чўққисига чиқиб, катта бойлик ва обрўга эга бўлса, иккинчиси бой ҳам, машҳур ҳам эмасди, Париж осмонида зўрға милтиллаб турарди. Буюк Деппен ўз ёрдамчисидан ҳеч нарсани яширмасди. Бьяншенга устози Деппен хонасида жойлашган столига аллақандай аёл ўтирганлиги ё ўтирмаганлиги ҳам маълум эди. Бьяншен ўзида арислон вазоҳати ва буқа қудратини жамлаган бу буюк зот феълү атворини ҳам, юрагини ҳам ўлими сабабини ҳам яхши билар эди. (Деппен юрак кенгайиши оқибатида вафот қилган эди). Шогирд сифатида устози ҳаётининг бутун икир-чикирларини, қалбидаги ягона ҳиссиёт ва унинг оқибатида келиб чиқадиган умидсизлик сабабларини олдиндан кўра олади. Ҳар ҳолда Деппен кўкрагида уриб турган юраги бронзадай бақувват бўлса-да, юрак эди, ахир.

Кунлардан бир кун Бьяншен Деппенга Сен-Жак мавзесида истиқомат қилувчи овериянлик камбағал мешкобчи оғир меҳнат ва муҳтожликдан қаттиқ касал бўлиб қолганлигини айтади. Бу бечора 1821 йилнинг қишида фақат картошка еб кун ўтказган экан. Деппен дарҳол ҳамма беморларни қолдириб, Бьяншен билан отни қамчилади-ю, мешкобчи олдига югурди ва уни Дюбуа томонидан очилган касалхонага жойлаштиради, у тузалгач, от билан бўчка сотиб олиши учун пул ҳам берди. Кейинчалик бу овериянлик дўстларидан бири бетобланиб қолганда, уни дарҳол валинеъмат Даппеннинг олдига олиб келиб ёрдам сўради. Деппен қанчалик қаттиққўл бўлмасин, қўлини маҳкам қисиб:

– Яна оғаларингдан кимки оғриси, ҳузуримга келтир, – деди.

У беморни Отель-Дье клиникасида қабул қилиб, катта ғамхўрлик кўрсатади. Бьяншен унга нисбатан меҳрини кўриб, Отель-Дье клиникасида ишлашнинг ўзиёқ буюк бир ифтихор

³ Пилад–Эврипеднинг “Таврида Ифигения” трагедиясида Орестни содиқ дўсти Пилад ёвуз тақводорларнинг таъқиб азобларидан қутқаради.

⁴ Фурий–қадимги дунё афсоналаридаги одамхўр (ялмоғиз) лар тимсоли.

⁵ Саид –Муҳаммад пайғамбарнинг қули бўлиб, диний таълимотининг содиқ давомчиси бўлган. Саид номи француз тилида ихлосманд маъносини олган.

эканлигини туйди, устози ҳатти-ҳаракатида бирорта ғайритабийликни сезмайди.

Бир кун эрталаб Бьяншен соат тўққизларда Сульпиция майдонидан ўтаётди, устозини шу майдонда жойлашган ибодатхонага кирганини кўриб қолади. Ҳар доим икки ғилдиракли аравачасида юрадиган Деппен бу сафар яёв бўлиб, хиёл шубҳали қиёфада будхонанинг Пти-Лион кўчаси томонидаги эшигидан секингина кириб кетади. Ёрдамчи устози эътиқодсизлигини, бунинг устига Кабанис⁶ бўлганлигини билганлиги боис, табиийки, бу ҳолатга қизиқиб қолди. У сездирмай кириб, будхонада бир талай ажойиб расмларни кўрди, хуру фаришталар устидан аёвсиз кулиб юрган буюк даҳрий Деппен тик турганча Биби Марям қошида ибодат қилар, муҳим бир вазифани бажараётгандек жиддий қиёфада бутхона ва камбағалларга хайр-эҳсон беради. Тагин бирор одам кириб қолса, Отель-Дье клиникаси бош жарроҳининг орқасидан кузатишмоқда, деган хаёлга бормаслиги учун Бьяншен бутхонадан аста чиқиб кетди.

Тасодифан ўша куни Деппен уни ресторанда бирга тушлик қилишга таклиф қилиб қолди. Бьяншен овқат пайтидаги суҳбатда гапни усталик билан ибодат масаласига буриб, бу ҳаракатини риёкорона бир майнавозчиликка ўхшатди.

Бу майнавозчилик оқибатида христиан оламида Наполеоннинг барча кўшинлари-ю, Брусснинг бутун аскарлари томонидан тўкилган қонларга қараганда ҳам кўпроқ қонлар оқизилди, – деди Деппен. Рим папасининг олтинчи аср бошларида ўйлаб топган бу кашфиёти замирида биргина “сиёсат теломос” деган сўз ётади. Папа худонинг мавжудлиги ҳақидаги ваъз-насихатларига ишонмаган даҳрийларга қарши олиб борган курашлар давомида ибодатхоналарда уч юз йиллаб хурофот, зулмат ҳукм сурди. Унинг бу кашфиётлари Тулис графи ва альбийцларнинг уришига сабаб бўлди (чунки, вольдентлар билан альбигойцлар папанинг уйдирмаларини тан олишни истамаган эдилар).

Деппен вольтерона даҳрийлик билимдонлигини тўкиб сола бошлади.

– Бу қандай мўъжиза бўлди экан? – деб ўйлади Бьяншен. – Мен эрталаб кўрган художўй одам қаёққа йўқолди?

У Деппенга индамади, бироқ уни ҳақиқатдан ҳам Сульпиция ибодатхонасида кўрганлиги ростми? Деппен Бьяншенга ёлғон гапиролмасди, улар бир-бирларини яхши билишар ва бундан бошқа кўплаб муҳим масалалар бўйича ҳам ўзаро рўй-рост фикр алмашардилар.

Орадан уч ой вақт ўтди. Бьяншен унутмаган бўлса ҳам ўша воқеани қайта эсламади. Лекин бир кун Отель-Дье клиникаси врачларидан бири Бьяншен олдида Деппенинг қўлини ушлаб, савол аломати билан:

– Муҳтарам устоз, муқаддас Сульпиция ибодатхонасига нега борган эдингиз? – деб қолди.

– Мен ибодатхона руҳонийсининг олдида борган эдим, унинг касалланган тизза қопқаси шамоллаб, йиринг босиб кетган экан.

Ангелогерцог хотини менга эҳтиром ила мурожаат қилиб, уни ўз клиникангизда даволасангиз, деб илтимос қилган эди, – дея жавоб берди Деппен.

Врач Деппендан олган изоҳларидан қаноат ҳосил қилди, аммо Бьяншен бунга ишонмади.

– Ана холос! У ибодатхонага тиззаси касал одамни даволаш учун борди. Яъни ибодатда бўлди! – деди ўз-ўзига шогирд.

Шундан кейин Бьяншен Деппеннинг Сульпиция ибодатхонасига қайси кун ва қайси соатда борганлигини эслади. Бир йилдан сўнг худди шу фурсатда у ибодатхонага яна келадими йўқми – шуни аниқламоқни мўлжаллади. Агар Деппен ҳақиқатан ҳам вақти-вақти билан ибодатхонага келиб турса, бу ҳодиса илмий тадқиқот учун асос бўлади, негаки, бир одам хатти-ҳаракати билан фикрлари ўртасида қарама-қаршилиқ яшаши мумкин эмас. Кейинги йил худди шу кун ва шу соатда Бьяншен (у энди Деппенинг ёрдамчиси эмасди) Пти-Лион ва Турно кўчалари бошида икки ғилдиракли соябон аравадан секин тушиб, деворлар бўйлаб ибодатхонага кирган ва яна

⁶ Кабанис – Кабанис издоши демақдир. Пьер Жорж Кабанис (175777-1808) француз врачлари, файласуфи ва жамоат арбоби, ХУ111 аср материалистлари шогирди.

Худолар онаси бўлмиш Биби Марям олдида тик туриб ибодат қила бошлаган жарроҳни кўрди. Бу худди ўша бош врач, дилда даҳрий, баъзи ҳолларда художўй Деппеннинг ўзи эди. Аҳвол жиддий тус олди. Машхур олим қайсарлиги ҳамма ўйинни чалкаштириб ташлади. Деппен чиқиб кетгач, Бьяншен бутхона ичидаги ашқол-дашқоллар турадиган ризохона мудури олдига бориб, ҳозиргина бутхонадан чиқиб кетган жаноб бу ерга доим келиб турувчиларданми? – деб сўради.

– Мана, бу ерда ишлаётганимга йигирма йил бўлган бўлса, жаноб Деппен бу ерга ҳар йил тўрт маротаба келади, ибодатга буюртма қилади, ибодатхоначи буюртмаларини адо этади, – деди мудир.

Деппен буюртмасидаги ибодат. Бу ўзини даҳрий қилиб кўрсатиш учун ўйлаб топган ўзига хос бир махфий усули бўлса керак, – деб ўйлади Бьяншен кетатуриб.

Вақт ўтиб борарди. Гарчи доктор Бьяншен Деппен билан дўст бўлса ҳам у ўзига хос хислати ҳақида сўрашга қулай фурсат топа олмас эди. Одатда улар бир-бирлари билан врачлар хонасида ёки юқори давраларда учрашардилар, бундай вақтларда яқин дўстлар, ўриндиқларда энгашиб ўтириб, оёқларини каминга тираб, яккама – якка сирлашишлари учун имкон бўлмас эди. Охири, 1830 йил инқилоби даврида, республикачилар ташвиқоти билан кўчаларни эгаллаб олган даҳрийлар ва исёнчилар томонидан ибодатхоналар бошқармаси жойлашган қароргоҳ бузилиб, уйлар тепасида ялтираб кўринадиган кўз илғамас тилларанг бутлар йўқотиб юборилгандан кейин орадан етти йил ўтгач, Бьяншен Сульпиция ибодатхонасига яна кириб бораётган Деппенни кўрди. Изма-из келиб, у билан ёнма-ён турди. Дўсти эса заррача парво қилмади, эътибор ҳам бермади. Деппен буюрган ибодат олдида биргаллашиб тик қолдилар.

Ибодатхонадан чиқишгач, Бьяншен: – Мен сизни бу ерда уч маррта учратдим, дўстим. Такводорлигингизни сабабини айтолмасизми? – деб сўради. – Сиз эътиқодингиз билан хатти-ҳаракатларингиз ўртасидаги бу қарама-қаршиликлар сабабини очиқ тушунтириб берсангиз. Сиз даҳрий бўла туриб ибодатга борасиз. Ҳурматли устоз, илтимос бу ҳолатингизни изоҳлаб берсангиз.

– Аслида ташқи кўринишимиз туфайли ўта такводор бўлиб кўринганимиз билан сиз ҳам, мен ҳам даҳрийларга ўхшаймиз, – Деппен шу ерда айрим таниқли сиёсий арбобларни масхаралаб, уларнинг баъзи хатти-ҳаракатларини Мольернинг Тартюфига ўхшатиб, ўткир пичинг билан тилга олиб ўтди.

– Мен сиздан буни сўраётганим йўқ, – деди Бьяншен. – Сизнинг ибодатхонага келишингиз сабабини ва нима учун ибодат буюргангизни билмоқчиман.

– Хўп, азиз дўстим. Ҳозир менинг тўримдан гўрим яқин бўлиб турибди. Энди мен сизга ҳаётимни қандай бошлаганимни айтиб беришим мумкин, – деди Деппен.

Бьяншен бу буюк инсон билан бирга Парижнинг энг яроқсиз, чиркин “Тўрт шамолли” кўчасида турарди. Деппен Бьяншенга шу ердаги бир бинонинг еттинчи қаватида ёдгорликка ўхшаб қолган бир уйчани кўрсатди. Уйча яшилроқ рангда эди. Унга бориш учун бинонинг кўча эшигидан кириб, лента-пенталар билан ўраб-чирмаб ташланган зинапоялар орқали юқорига қараб кўтарила борилар ва охирида яна чўзилган йўлакдан юрилар эди. Бу йўлак кичкина деразалар дарчасидан тушиб турадиган хира ёруғда ўта диккинафас бўлиб, бу ердан ўтувчилар қоқилиб-суқилиб кетишарди. Бинонинг биринчи қаватида мебеллар билан савдо қилувчи киши яшарди, бошқа қаватларда эса эҳтиёж учун зарур бўлган ҳар хил ашқол-дашқоллар тикилиб кетган эди. Деппен бирдан қўлини кўтариб:

– Мен шу бинонинг ана ўша ерида икки йил яшаганман, – деди уйчани кўрсатиб.

– Биладан, у ерда Артез ҳам яшаган эди. Ёшлигимда доимо бориб турардим, биз бу уйчани “Ўжар даҳолар яшайдиган катак” деб атардик. Кейин нима бўлди?

– Сиз гувоҳ бўлган ўша ибодат ҳаётимда бўлиб ўтган баъзи бир воқеалар билан боғлиқдир. Ўша уйчада яшаган вақтимда ҳозир сиз айтган Артез ҳам яшарди. Ана қаранг, уйчада гул ўстирилган тувакча, унинг тепасида кийим-кечаклар ҳам осилиб турибди. Азизим Бьяншен!

Мен Париждаги ҳаётимни худди шундай қийин бир шароитда бошлаган эдим. Бу жиҳатдан мени Парижда ҳаддан ташқари кўп азоб-уқубат ва қийинчиликларни бошдан кечирган киши дейиш мумкин. Ҳамма нарса – очликни ҳам, яланғочликни ҳам, камбағалликни ҳам – ҳуллас, ҳамма-ҳаммасини кўрдим. Ўша “Қайсар даҳолар кулбаси” дея ном олган уйчада қаҳратон киши кунлари совуқдан қотиб қолган бармоқларимни пуфлаб илитардим. Қишнинг қаҳратон кунларида оғзимдан чиққан ҳовур худди отларнинг бурнидан бурқсиб чиқадиган буғдай бошим узра кўтарилаётганини ҳам очиқ кўрардим. Бундай пайтларда, кимдан мадад олишингни ҳам билмайсан киши. Мен ёлғиз эдим. Ҳеч қандай ёрдам берадиган кишим бўлмаган. Китоб олишга ҳам, ўқувимга тўлаш учун ҳам пулим йўқ эди. Феъл-атворимдаги безовталиқ, асабийлик ва ҳадиксирашим туфайли бирорта дўст ҳам орттирмаганман. Бесаранжомлигим асосий сабаби йўқчилик ва ўқиш шароитим оғирлигидан эканлигини ҳеч ким тушунмасди. Ахир ҳаётнинг энг тубан ерида яшаб келардим, ундан чиқиб кетишни истардим. Айниқса, сизнинг олдингизда сиру асроримни яшириб юришга ҳожат бўлмаса керак. Гарчи узоқ йиллар қашшоқлик ботқоғида юрган бўлсам ҳам, турли қийинчиликка учраган бўлсам ҳам қалбимда доим барини енгиб, юксакликка интилиш ва инсоний орзу-истаклар туйғуси ҳукм сурарди. Мен оладиган арзимас ёрдам пулидан ташқари ота-онамдан ҳам, шахримдан ҳам бошқа бирор нарса кутишнинг иложи йўқ эди. Ўша вақтларда нонушта учун Пти-Лион кўчасидаги магазиндан қотган нон сотиб олиб (у янги нонлардан арзон турар эди), уни сутга бўктириб еб юрганлигимни айтишнинг ўзи сизни қаноатлантирса керак. Ресторанда икки кунда бир тушлик қилардим, у 16 суга (майда пул ҳисоби) тушарди. Шундай қилиб кундалиқ овқатимга 10 су сарфлардим. Шу аҳволда қандай қилиб кийим-бошимга эътибор беришим мумкин эди? Шунчалиқ оғир қийинчилик ва ранжу аламларни кечирганим устига яна баъзи бир ҳамкасаба дўстлар ботинкаларимнинг йиртиғи, қўлтиғи ости ажралиб кетган суюртикимга кўзлари тушганда риёкорона масхаралашлари-чи? Мен фақат сув ичардим ва Париж емакхоналарига ҳавас қилар эдим. Муколом Лотин мавзеидаги Цоппи емакхонаси мен учун гўё барча одамлар кира олиши мумкин бўлган ибодатхонага ўхшарди. Бир кун келиб, мен ҳам шу емакхонада бир пиёла қаймоқли қаҳва ичиб, бир жуфт домино ўйнаб кета олармикинман, деб ўйлардим. Мендаги муҳтожлик оқибатида келиб чиққан фидойилиқ шиддати ишлаган вақтларимда ҳам давом этди. Шунинг учун кейинчалик ҳам ўзим эгалламоқчи бўлган вазифага муносиб бўлиш ва кадр-қиммат топиш учун иложи борица яхши, пухта билим олишга тиришдим. Пулни бир бурда нондан ҳам кўра кўпроқ чироқ ёғига ишлатардим. Тун бўйи ишлаганим учун кечаси билан ёритиб турадиган чироқ ёғлари харажатлари овқатларимга кетадиган чиқимлардан қимматга тушарди. Бу узоқ ва ҳаловатсиз, ўзинг билан яккама-якка шафқатсиз жанг қилиш эди. Бирор киши менга ачиниб қарамасди. Ахир, дўстларинг бўлиши учун пулдор бўлишинг, ёш тенгқурлар билан танишиб, улар билан улфатчилик қилишинг, улар қаерга борсалар сен ҳам ўша ерга боришинг керак бўларди. Менда эса буларнинг ҳеч бири йўқ эди. Парижда эса бундай йўқчиликка парво ҳам қилишмасди. Бировларга қандай муҳтожликда ўқиганларимни гапираётганимда беморлар касали ҳақида сўзлагандек, томоғимга бир нарса тикилиб, асабий бир оғир аҳволга тушиб қолавераман. Кейинчалик ҳеч қачон ҳеч қандай муҳтожлик кўрмаган баъзи бир давлатмандлар билан учрашишга тўғри келган вақтларда ўша галварслар менга қараб: “Нега қарзга кирдингиз? Нега ўзингизни шунча мажбуриятли қарзга ботирдингиз?” – дея ахмоқона саволлар беришади. Шунда улар кўз олдимда гўё одамлар очдан ўлаётганини кўриб: “Нега улар юмшоқ нон сотиб олмаяптилар”, – деган маликага ўхшаб кетардилар.

Операция учун ҳаддан ташқари кўп пул олаётганимни гапираётган ўшандай давлатмандлардан бирортасини сўққабош, икки қўлидан бошқа ҳеч нарса йўқ, якка-ёлғиз, пулсиз, дўстсиз, Париж кўчаларида бурда нонга зор бўлиб юрганда бир кўрсам эди. Шундай вақтларда нима қила олган бўлардилар? Қаёқдан овқат излаб топардилар? Сиз Бьяншен, асабийлашиб, ишда қаттиққўлик қилган вақтларимни кўргансиз. Ёшлигимда юқори

табақадагилар орасида ҳар қадамда худбинлик, беписандлик муносабатларини кўравериб, кўп азоб-укубатлар чекканлигим учун аламзада бўлиб қолгандим. Шон-шарафга эришгунимча улар менга қанчалик кўп тухмат, иғво ва ичиқораликлар қилишганини эслаيمان. Баъзи бировлар Парижда яқин орада мансабга минишингизни сезишлари биланоқ сизни ерга ағдариб ташлашга ҳаракат қиладилар, йиқилиб бошингизни ёриб олишингиз учун минган отингиз айилини бўшатиб кўядилар, учинчилари эса отингиз оёғидаги тақаларни синдириб, майдалаб ташлайди, тўртинчиси камчинингизни ўғирлайди, энг ҳалол ҳисобланганлари эса қўлидаги тўппончаларини кўкрагингизга тираб, сизни отмоқчи бўладилар. Болаларим! Сизларда истеъдод бор. Сизлар яқин келажакда ўзларидан ўтиб кетаётган қобилиятли инсоларни кўрган ўртамиёна одамлар бир-бири билан қандай шафқатсиз ва тинимсиз кураш олиб боришларига гувоҳи бўласизлар. Агар кечқурун йигирма беш тийинлик қимор ўйнаган бўлсангиз, эртасигаёқ сизни қиморбоз деб айблаб бошлайдилар ва энг яқин дўстларингиз сизни йигирма беш минг франк пул ютқазибди, деб гап тарқатади. Бошингиз оғриб қолса, ақлдан озаяпти дейишади. Оғзингиздан тасодифан бирор ножўя сўз чиқиб кетишини эшитишлари биланоқ, мана энди, сизни ҳеч бир киши билан чиқиша олмайдиган одамлар қаторига қўшиб қўядилар. Агар сиз бундай майдакаш одамлар тўдаси билан кураш олиб боришда қатъийлик ва жиддийлик кўрсатсангиз яқин дўстларингиз ҳам сизни ўзидан бошқа бировни ёқтирмайди, ўзгаларга хўжайинчилик қилиб, ҳукмрон бўлиб олмоқчи, деб иғво қилишади. Хуллас, улар фазилатларингизни нуқсонга, иллатга йўядиларки, энг яхши эзгу ниятларингиз ҳам жинояткорона бир иш бўлиб кўринади. Бирор одам касалини тузатсангиз, уни ўлдириб қўйди дейишади. Бемор анча яхшиланиб, тетик ҳолига келган бўлса, барбир ҳадемай ўлади, оқибати ёмон бўлиб, бунинг учун у жавоб беради дейишади. Агар қоқилсангиз, ағдарилиб тушди, деган маломатга қоласиз. Хуллас, азиз дўстим! Буларнинг ҳаммасини кўравериб, худодан кўра одамларга ишонмайдиган бўлиб қолдим. Сиз ахир ичимда одамлар ноўрин айблаётган Деппендан ташқари яна бунга томомила қарама-қарши бўлган бошқа бир Деппен ҳам мавжудлигини яхши биласиз-ку. Майли, биз бу ифлос ишларни қовлаб ўтирмай қўя қолайлик.

Шундай қилиб, шу уйда яшардим. Бир пулсиз аҳволда имтиҳонга тайёрланиб ўтирардим. Биласизми бундай вақтларда ниҳоятда қийналиб кетганимдан аскарликка кетганим яхши эмасми, деган қарорга ҳам келиб қолардим. Менда ахир биргина умид қолганди: у ҳам бўлса туғилган шаҳримдан, Париж ҳаётидан мутлақо беҳабар жияним ўттиз франкка мазза қилиб парранда гўшти еб, ўқиб юрибди деган қишлоқи холам жўнатган кийим-кечаклар солинган чемоданни келишини кутаётган эдим. Университетдалик вақтимда чемоданни олиб келишгану ҳаққига қирқ франк тўланиши керак бўлгани учун бу пулни эшик қоровули, бино пастидаги зинапоялар бурчагидаги бир тор хоначада ишлаб ўтирадиган этикдўз немис тўлаб, чемоданни олиб қолган. Қандай қилиб, шу қирқ франкни топиб, чемоданни қайтариб олсам экан деб Фосье-Сен Жермен де При кўчаси ва медицина факультети биноси атрофида бошим қотиб айланиб юрдим. (Ахир, қарзни кийим-кечакларни сотиб бўлса ҳам тўлаш мумкин эди-ку). Шунда ишбилармонликда укувсизлигимни, ёлғиз қисматим жарроҳликда эканини сездим. Дўстим, соф қалб эгалари бўлган истеъдодли инсонлар юқори доирадаги кишилар орасида ишлаганларида кундалик ҳаётда дуч келадиган баъзи бир майдакаш одамларга хос устумон, учар бўлиб яшай олмас эканлар. Бундай даҳолар учун энг муҳими яшаш учун қулай фурсатнинг келиши экан. Фурсат келганда улар қидирилиб ўтирмай, ўзлари тўсатдан пайдо бўлиб қолар экан!

Уйга кечқурун жуда кеч қайтдим. Сен-фруалик Буржуа исмли мешкобчи қўшним ҳам менга ўхшаб кеч қайтган экан. Биз ёнма-ён хоналарда яшаб, бир-биримизга жуда яқин бўлиб кетган эдик. У менга уйнинг хўжайини ижара ҳақини уч марта тўламаганим учун уйдан чиқариб юбормоқчи бўлаётганини айтди. Эртасига бу ердан кетиш ташвиши остида қолдим. Шу тунни ҳаётимдаги энг оғир азоб-укубат билан ўтказдим. Худди ақлдан озган кишилар мияларига

келган бир саволни ҳадеб такрорлайверганига ўхшаб, мен ҳам кўз ёшларимни оқизиб, шу арзимас ашқол-дашқолларни, китобларимни ташиб чиқариш учун ҳаммолни қаердан топаман, эшик қоровули ва ҳаммолга тўлайдиган пулни қаердан оламан, деган саволлардан қутулолмадим. Борар жойим йўқлигини ўйлаб, охири ухлаб қолибман. Муҳтожнинг ҳам шериги бўларкан шекилли, бир самовий ширин туш кўрибман. Унда эрталаб қотган нонни сутга бўктириб, нонушта қилаётганимда Буржуа ёнимга келди.

– Жаноб талаба, – деди у менга қараб соф аверянча талаффузда йўғон овоз билан – мен кўчада қолган бир етимча, ота-онамни ҳам билмайман. Сен-Флуруско етимхонасида ўсдим, топган-тутганларим билан уйланиб ҳам бўлмайди. Сизнинг ҳам қариндош-уруғларингиз камга ўхшайди. Мени сизга айтмоқчи бўлганим, бинонинг пастида соатига икки су бериб, ижарага олган қўл аравам ётибди. Бизнинг бор лаш-лушларимиз унга сиғиши мумкин. Мудомики, хўжайин бизни уйдан чиқариб юборар экан, хоҳласангиз биргалашиб ўзимизга бир бошпана изласак, ахир бу ер ҳам қишда жаннат эмас-ку!

– Тушунаман, дўстим Буржуа. Гап унда эмас. Бу ерда муаммо шундаки, пастда менинг ўн люк пулим ва кийим-кечакларим солинган чамадоним ётибди. Ўша пулимни олсам, қоровул ҳақини ҳам, уй ҳақини ҳам тўлардим. Лекин ҳозир уларни олиш учун ёнимда беш франк ҳам йўқ, – дедим аҳволимни тушунтириб.

– Майли, хафа бўлманг, кийим-кечакларингиз ўзингизга қолаверсин. Менда тўлашга беш-тўрт танга топилиб қолар, – деди у менга эскирган чарм ҳамёнчасини кулимсираб кўрсатиб.

Буржуа уй ижараси ҳақини ҳам, эшик қоровулига қирқ франк қарзимни ҳам тўлади. Шундан кейин ашқол-дашқолларимиз ва кийим-кечакларим солинган чемоданни ортиб, қаерда ижарабоп уй бор экан, деб аравагани кўчама-кўча судраб юрдик, мен баъзи бўш уйларни текшириб чиқдим, лекин ҳақи биз учун тўғри келмади. Кун яримлаб қолган бўлса ҳам, Лотин квартали атрофида зўр бериб, ҳамон бошпана излаб, овора бўлиб юрардик. Буржуа менга вино дўкончаси олдида бир тамадди қилиб олсак, деди. Аравагани эшик олдида қолдириб, тамадди қилдик. Кечга яқин Роган кўчасининг Коммерческий проездиде жойлашган бир бинонинг энг тепасида бир-бирларини зинапоялар ажратиб турадиган болахонаси бор икки хоналик уй топиб, жойлашдик. Энди мен ҳам, камтарона дўстим ҳам бошпанага эга бўлдик, лекин уй ижараси учун бир йилига олтмиш франк тўлаш ҳаққи биродаримнинг бўйнига тушди. Биргалашиб овқатланардик. Буржуа кунига эллик су пул ишларди. Унинг юзтача экюси бор эди. У шу пулга яқинда кўпдан ўзи орзу қилиб юрган ниятини амалга ошириб, от билан бўчка сотиб олмоқчи эди. Бироқ менинг қандай ҳаёт кечирганлигим ва ҳозирги аҳволимни фаҳм-фаросат ва зийраклик билан тушуниб олгач, ўша кундан буён орзу қилиб юрган от билан бўчка сотиб олиш ниятидан воз кечганлигини ўйласам кўнглим бузилиб, кўзимга ёш келади. Буржуа йигирма йил мешкобчилик қилиб, сув ташиди ва ўша юз экю пулини ҳам менинг келажагим учун сарфлади.

Шу ерга келганда Деппен Бьяншен қўлини қаттиқ қисиб қўйди.

– У менга ўша пулларни имтиҳонларга тайёрланишим учун зарурлигини билганлигидан кейин берган эди! Дўстим, бу инсон менинг ҳаётда оладиган ўрнимни, менинг ақлий эҳтиёжларим ўз эҳтиёжларига қараганда муҳимроқ эканлигини тушунган эди. У менга ғамхўрлик қилар ва мени ўғлим деб атарди. Китоб сотиб олишим учун пул берарди, баъзи вақтларда аста келиб қандай ишлаб ўтирганимни кузатарди. Бора-бора менга отамдай қарай бошлади, илож тополмаганимдан еб ўтирган ночор лўқмаларимни кўриб, тўйимли ва сифатли овқатланишимга ҳам имконият ярата бошлади. Унинг юзи ўрта асрдаги шаҳар кишилари қиёфасига ўхшаб кетар, лаблари қалин эди, рассом бўлса, уни худди Ликурганинг расмига ўхшатиб чизса бўлар эди. Бечора гўё қалбида тўлиб-тошиб ётган меҳру шафқатларини кимга инъом этишни билмагандай юрарди. Ҳаётидаги биргина овунчоғи бўлиб қолган нарса кучукчаси эди. Буржуа ўзи ўлмасдан бурунроқ кучукчаси ўлиб қолса, ибодатхоналарда унинг руҳига тиловат қилишга рухсат беришармикин? – деб тинимсиз сўраб юрди. Айтишига

қараганда, кучуги Буржуа билан ўн икки йил давомида ўзи билан доимо бирга бориб ибодатхонада ибодат қилган. Попнинг ваъзларини диққат билан тинглаган, сира овоз чиқармай, бир марта ҳам хурмагани учун ҳақиқий христиан бўлган экан. Бу инсон ёлғиз ғариблигимни ҳам, кечирган азоб-укубатларимни ҳам кўриб юриб мени тушуна бошлади, бутун қалб кўрини менга бағишлади. Бора-бора меҳрибон бир ота, ягона ғамхўр валинеъматимга айлана борди.

Хуллас, у ёрдамга муҳтож бўлиб қолганлар учун ҳар доим мурувват кўрсатиш йўлини топа оладиган олийжаноб бир инсон эди. Мен билан учрашган вақтларида чинакам сахий кишилардай виқор билан боқар ва ғам-ташвишини сездирмай эркин юрарди. Соғлигимни, яхши кийинишимни кўрганда фахрланар, хурсандчиликдан боши кўкка етарди. Буржуа кечалари мени айтган вақтимда уйғотар, чироғларимни артиб-суртар, зинапояларни тозалаб чиқарди, у менинг ҳам отахоним, ҳам хизматкорим эди, у тозалик борасида баъзан хизматчи оқсоч инглиз аёллари билан ҳам баҳсга киришарди. Уйда бутун хўжалик ва рўзғор ишларимиз бўйнида эди. Ўтинларни худди Филопендай⁷ ёрарди. Ҳамма юмушларни ўзига муносиб равишда хотиржамлик билан фахрланиб қиларди. Отель-Дье клиникасига амалиётчи-ёрдамчи бўлиб ўтганимда клиника олдида яшашим зарур бўлиб, Буржуадан бошқа туришимга тўғри келди. Шунда у маъюс бўлиб қолди. Лекин кейинчалик диссертациям сарф-харажатлари учун пул йиғиб беришни ўйлаб, анча тинчлана бошлади ва бўш вақтларингда хабар олиб тургин, деб илтимос қилди. Буржуа мен билан фахрланарди. Ўзим учун ҳам, ўзи учун ҳам мени авайлаб-асрарди. Агар диссертациямни кўрсангиз Буржуага бағишланганига гувоҳ бўласиз. Касалхонада ассисент-амалиётчи бўлиб юрганимнинг охириги йилларида бу муҳтарам авериялик киши олдидаги ўз бурчимни адо этиш – унга от билан бўчка олиб бериш учун етарли маблағ ҳам йиғилиб қолган эди. Унга от ва бўчка олиб берганимни кўриб, бекор пул сарф қилибсиз-да, деб мендан жуда ранжиди. Лекин, шунга қарамасдан, барибир хурсанд бўлганлиги сезилди. Ахир бу кўнглидаги эзгу орзуси эди. Шунинг учун сўнги марта от билан бўчкага қараб, хижолат қилдингиз-да, овора бўлиб юрмасангиз бўларди. Аммо қандай ажойиб бўчка! От ҳам зўр! Худди овериянликлар⁸ отига ўхшаб жуда бақувват экан, – деди кулимсираб оқаётган кўз ёшларини артиб. Унинг бошқа ерда ҳеч қачон бундай таъсирли аҳволда кўрмаган эдим. Буржуа қаршилигимга қарамай, хў ана хонамда сиз кўриб турган – кумуш ранглар билан зийнатланган жарроҳлик асбоблари солинган ўша ғилофни олиб берган, менинг учун эса бундан бошқа бебаҳо совға йўқ, у биринчи ютуқларимдан ниҳоятда қувонган эди, лекин, шунга қарамасдан ундан бирор марта ҳам уни мен одам қилдим қабилида сўз эшитмадим. Ахир, у бўлмаганда қашшоқликда адои тамом бўлар эдим-ку! Ҳа, бечора, у мени деб ҳаётини қурбон қилди, кечалар

Машғулотим пайтларида зарур бўладиган қахва сотиб олиб берарди, кейин билсам ўзи фақат нонга саримсоқпиез суртиб еб кун кўрар экан.

Кейин касал бўлиб ётиб қолди, шунда тунлари ёнида бўлдим, уни даволаб ҳаётини сақлаб қола олдим. Бироқ орадан икки йил ўтиб, касал яна қайталанди ва шу вақтларда тиббиётда мавжуд бўлган барча имконият ва воситаларни қўллаб даволаш чораларини кўришимга қарамай вафот қилди. Ҳатто бирорта қиролга ҳам Буржуага эътибор кўрсатадигандай қарамаган эдим.

Ҳа, Бьяншен! Унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун қўлимдан келган барча чораларни ишга солиб кўрдим. Ўзи қилган саховатли яхшиликлар самарасини ўз кўзи билан кўриб қолишни истардим, ҳамма истакларини бажо келтиришни хоҳлардим. Ҳаётимда такрорланмас из қолдирган яхшиликлари учун унга нисбатан ханузгача юрагимда ёниб ётган оловни бир оз бўлса ҳам совутмоқчи бўлган эдим, юрагимдаги миннатдорлик ҳис-туйғуларимни охиригача адо этмоқчи бўлган эдим. Отамдек қадрдоним Буржуа қўлимда жон берди, – деди бир оз

⁷ Филопен (эрадан аввалги 253-189 йилларда ўтган) қадимги Греция ҳарбий кўмондони бўлиб, у ҳақиқий меҳнаткаш инсон сифатида ҳам ном чиқарган эди.

⁸ Овериян – Франциянинг жануб қисмида ташкил топган эски қишлоқлардан бирининг номи.

ҳаяжонланган ҳолда тўхтаб Деппен. – Васиятномасига кўра барча мероси менда қолди, васиятномани расмийлаштирган идора Буржуа билан Роган кўчасидаги уйга кўчиб келган вақтимиздан эътиборан қайд қилибди. Буржуа ҳақиқий имон-эътиқодга эга бўлган инсон тимсоли эди.

У ибодатхонани худди ўз хонадонидай севар эди. Гарчи ўта тақводор католикчи бўлса ҳам бирор марта даҳрийлигимни юзимга солмади. Касали зўрая бошлагандан кейин мендан: “Сиз ибодатхона учун қўлингиздан келган ёрдамнингизни аяманг”, – деб илтимос қилди. Сўнг ҳар куни ибодатхонага бориб унинг соғлиғини яхшилашни худодан илтижо қилиб сўраб юрдим. У ҳаётимда етарли тоат-ибодат қилолмадим, шунинг учун вафотимдан кейин охиратдаги қисматимдан кўрқаман, – дер эди. Бечора! Эртадан кечгача тинимсиз тер тўкарди. Агар жаннат борлиги рост бўлса, у ерга бориш учун ундан бошқа муносиб одам топилмаса керак.

Буржуа ибодатхонага охирги маротаба бегуноҳ бўлиб келди (ахир у ҳақиқатан ҳам гуноҳсиз эди). Вафоти ҳам ҳаётига муносиб тарзда яқун топди, тобути ёнида биргина одам борди, у ҳам бўлса ўзим эдим. Ягона валинеъматим бўлган Буржуани кўмиб қайтгач, қандай қилиб, қайси йўллар орқали менга қилган барча яхшиликларини қайтарсам экан, деб ўйлай бошладим. Оиласи, дўстлари, бола-чақаси йўқ, лекин динга эътиқодли, тақводор бир инсон эди (буларни мен муҳокама қилишга ҳақлиманми ўзи?). Кунлардан бир кун секин (тагин қилган яхшиликларим учун устимга мажбурият юкляпти, деб ўйламасин деган маънода) марҳумлар учун ибодатхонада қилинадиган амаллар ҳақида гапирган эди. Шунинг учун биринчи имконият бўлиши биланоқ Сульпиция ибодатхонасига бориб, ҳар йили тўрт маротаба руҳига тиловат туширишларини буюриб, ҳақларини бериб қайтаман. Хотираси олдида қиладиган ягона хизматим художўй Буржуа истакларини бажо келтириш эди. Ҳа, йилига тўрт маротаба: баҳорда, ёзда, кузда, қишда белгиланган вақтда ибодатхонага бориб, у ерда: “Эй худо, одамлар ўлгач сенинг масканинга борадиган тақводор одамлар орасида Буржуани ҳам мавжудлигини унутма, бечора дучор бўлган азобларидан қутилиши ва тезроқ жаннатга йўл олиши учун кўмагингни дариғ тутма, барча қийноқларингни менга бергин”, – деб илтижо қилардим.

Худо холис, У раҳмдил! Бордию худо менга Буржуа эътиқодидай бир эътиқод ато этгудай бўлса, бутун бойлигимни унинг йўлига сарфлаган бўлардим.

Бьяншен Деппеннинг охирги касалини даволаб турар экан, энди машҳур жарроҳ даҳрий бўлган-бўлмаганини тасдиқлашни ўйламас эди. Ахир, пештоқиға зийнатланган ҳарфлар билан “Ватан буюк одамларидан миннатдордир” каби шиор битилган буюк илм қасри дарвозаси очилмай турган бир пайтда уни очиб, унга йўл кўрсатиб берган овериялик саховатпеша тақводорлар руҳига ибодат қилишнинг ўзиёқ қанчалар катта қувонч ҳисобланар эди.

Париж 1836 йил, январь

*Рус тилидан
Шерали Турдиев таржимаси*

ЭСДАЛИК

Унутганим йўқдир хали
ўрикзорни, асов сойни,
сой бўйида кўздан холи
бақатерак ўсган жойни.

Унутганим йўқдир хали
ўйинқароқ зилол сувни,
тол тагида шом маҳали
ғира-шира икки қувни.

Ёдимдадир ўшал дамлар,
кулгуларинг эди сўлим,
хали йироқ эди ғамлар,
дунёда йўқ эди ўлим.

Қовжирадим ёз гулидай
соғинганча ўшал жойни,
холи кеча, етим хулво,
ярқираган улкан ойни...

* * *

Ой синиғи тўла сувлоққа
шаршарадай қўйилган ёллар.
Бу ёлларни силар меҳрибон
шабадалар – маънос аёллар.

Кўк ёлларин сувга ботириб
не замонки, сув ичар отлар.
Атрофдаги кўм-кўк адирлар –
ўтовларда ботирлар ётар...

Бироқ тунда ўт-майсаларга
тўкиладир кимнинг ёшлари?
Нега сувдан бечора отлар
кўтаролмас оғир бошларни?

Нима бўлган уларга, ахир,
ё сеҳрлаб қўйганми сувлоқ?
Нега жимлик босган воҳада
беғам ухлар ботирлар узоқ?

* * *

Мен йўғимда...
Гуллар очилар
ташна бўлиб салқин елларга.
Майин, тиниқ бўйлар сочилар
ёлғизоёқ, сокин йўлларга.

Мен йўғимда...
Тикилиб йўлга
хўрсингайдир яланг қоратол.
Хотирлардан фаромуш бўлган
булоқларнинг кўзида малол.

Мен йўғимда...
Ёвқур шамоллар
оғушида райхон кулади.
Гузларда мудраган чоллар
бир кечада ғойиб бўлади.

Мен йўғимда...
Фигон этармиш
кўкка қараб карнай-сурнайлар.
Мен йўғимда ташлаб кетармиш
фарғонани оппоқ турналар.

* * *

Эртага қийналиб сени топаман,
сен ҳамон ўйноқи, дилбар, расида.
Бўхтлиман, кучлиман, дея чопаман,
мовий кўзларингнинг доирасида.

Шаҳарга сачрайди севгининг бўйи,
сўнг кучоқ очади бахтиёр хонанг.
Даданг чиқиб кетар ковоғин уйиб,
жилмайиб қўяди меҳрибон онанг.

* * *

Гоҳ чекасан,
Гоҳ дарғазаб
каёққадир чопасан,
курғур уйинг шамол кирган
туйнугини ёпасан.

Атрофингда айтар кушлар
бахорига шукрона.
Соғинтириб келган баҳор
фақат сенга бегона.

Дўстинг келар:
“Баҳор учун
сатта-сатта қилсак” дер.
Бироқ сенинг хаёлингда
ўтган йилги чала шеър.

Топилмайди бирор фурсат
бахор завқин туймакка.
Навбахорни даст кўтариб
бола каби суймакка.

Вақт ўтар, ўтар шитоб,
табиат ҳам турланар
ва бир кун бошинг узра
йиғлаб учар турналар.

Аланглайсан, юрагингда
аллақандай мунг сезиб
ва баҳорни яна кузда
соғинасан
шеър ёзиб.

* * *

Бўлса ҳамки тахир ва аччиқ,
яширмасдан бор йўқ айбимни,
ҳаёт, босдим босдим лабингга қаттиқ
ҳароратга ташна лабимни.

Очиқ кулиб, сўйлаб ёруғ сўз,
куёш, ерга шукрона айта,
мен ҳар кеча юмяпман кўз,
туғиляпман ҳар сафар қайта.

ТУНГИ МАНЗАРА

Ўрмонлар жим, йиғламас шамол,
сой сайрамас, бақалар жимдир,
ингрокларга тўлиб кетган тун –
ғамгин қўшиқ айтади кимдир.

Отим ўлган, қиличим синган,
мажақланган совут, қалқоним,
ким ташлади мени бу чоҳга,
қайда қолди ёруғ осмоним?

Қаерданман, қайга борарман,
қора зиндон нақадар чуқур,
фақат тоқнинг буржидаги ой –
туйнукчадан тушар хира нур?!

Барча азоб камлик қилгандай
сой сайрамас, бақалар жимдир,
гўё мазах қилгандай гоҳ-гоҳ
ёпиб турар туйнукни кимдир...

* * *

Мен келаман навбахор бўлиб,
гулга тўлган танҳо сўқмоқлар.
Мен келаман сойлардай тўлиб,
етилганда саратон, боғлар...

Мен келаман, келаман сўзсиз,
кўзингизни яширманг зинҳор.
Пешвоз чиқинг йўлларимга сиз,
бахор бўлиб келаман, баҳор...

БАШОРАТ

Сурилар бу темир пардалар,
истибдоднинг туғлари қулар,
моғор босган қора қаърлардан
милён озод руҳлилар турар.
Тўсиб бўлмас сохта ваҳий-ла,
ёлғон шиор,
сафсата билан,
хур фикрни босган ваҳима,
дабдабаю асъаса билан.
Қулар қонда сузган қасрлар,
жудаб йитар сангин салтанат,
сўқир бўлар асрий наҳсдан
бино бўлган ёвуз шайтанат.
Келар,
келар буюк меҳрдан
кифтлар кифтга босилажак кун,
ғамдан фориғ жез каллалар ҳам

кўкракларга осилажак кун.
Порлар тошга дўнган сўзларим,
порлар мангу одамий руҳим,
порлар Ҳаққа ташна кўзларим,
худо берган мангу андуҳим,
ёруғ андуҳим...

ОЗОДЛИК

Қорли уваларда қора қўтослар,
темир халқалар бор бурунларида.
Бир жойда айланар буюк чўлларнинг
дарага қамалган куюнларидай.
Қамчинлар тарсиллар,
ёрилар ҳаво,
кий-чувлар,
хуштаклар,
суронлар жўшар, ҳарсиллар,
гулдирар ўжар қўтослар,
жон кириб қутурган тоғларга ўхшаб.
Қорлар қораяди...
орқада қолар
қамчинлар овози,
шавақи саслар.
Энди бирин-кетин кенгликка эмас,
қорли чўққиларга ўрлар қўтослар.
Бу йўл сўнгги йўлдир,
ягона йўлдир,
уларни на шамол,
на қоя тўсар.
Қўтослар ўрлайди тик чўққиларга,
поёнсиз борликда чўққилар ўсар...

БАХТ СЎЗИ

Бахтиёрман деган биргина сўзни
айтиш учун керак қанча куч-чидам,
гарчи бахт сўзларнинг энг ёқимлиги,
гарчи турса ҳамки тилнинг учида.
Оғир ботмасмикин
бу сўз кимгадир,
тегиб кетмасмикин оҳ-воҳларига,
қандоқ бардош бериб яшайман кейин
бахтсиз кимсаларнинг нигоҳларига.
Авалло бу сўзни ўзгалар айтсин,
айтсинлар кўзлари севинчга тўлиб,

элнинг бахти учун умрини тиккан
шоирлар айтмасин биринчи бўлиб.
Бу сўзни бир умр айтмай яшадим,
хар шодлик келганда юрдим секинроқ.
Гам сўзин элимдан аввалроқ айтдим,
бахт сўзин айтаман,
элдан кейинроқ.

ЁШ УЗБЕК ШОИРЛАРИГА

Сўзларни қайрайлик,
обдан тоблайлик,
идрок-ла совутиб тагин қайрайлик,
Ўзбекнинг қоракўз болаларига
битта дунё қолсин ҳайратлик.
Битта дунё қолсин мустаҳкам,
эшилган пўлатдай дарёлар қолсин,
чақилмас тошлардай бир тоғлар қолсин,
мусаффо хаёллар,
самолар қолсин.
Сўзларни қайрайлик,
дўстлар, жўралар,
ғафлат тўшагида ётмай, шошайлик:
яшамоқ, курашмоқ, ўлмоқ сирларин
болакайлар учун очайлик.
Битта дунё қолсин мустаҳкам,
унга посбон бўлсин ўткир шеъримиз,
токим бу дарёлар бемалол оқсин,
болаларга қолсин жаннат еримиз.

Сўзларни қайрайлик,
тагин қайрайлик,
токим кескир бўлсин бамисли олмос.
Ўткир сўз қолмаса шоирларидан,
ўткир сўз қолмаса...
ҳеч нарса қолмас.

ҚАСАМ

Шавкат Раҳмон деган
бир ўжар шоир,
бир куни кайтадан яраладим?
Ҳаётим маънисин жуда кўп ўйлаб,
сайладим сўзларнинг
сараларини.
Ҳар бир сўз

юз сўзнинг ўрнини босар –
Ватан Халқ Жасорат Кураш Озодлик.
Ҳар бир сўз етажак юзта умримга,
ҳар бири бахш этар
руҳимга шодлик.
Ҳозирлик кўраркан буюк сафарга,
пуштиранг пардали минглаб дарчадан
мўралаб ўтирган гўзал сўзларни,
қолдириб кетаман энди барчага.
Аслида атиргул бўйин таратган
бу ўйноқи сўзлар меникимасдир.
Менга нондай зарур,
қиличдай кескир,
заҳардай мард сўзлар бўлсаёқ басдир.
Сайладим сўзларнинг сараларини,
курашлар шамоли кирди назмимга.
Юртимни кезаман,
энди ҳар нарса –
эгилган нарсалар тегар ғашимга.
Энди ишлаш керак бу кенгликларда,
токим сўйламасин ёлғонни ҳеч ким,
токим буюк тоғлар салтанатида
эгилган бошларни
қиличлар кессин.

ТУРКИЙЛАР

Қиличин ташлади беклар ниҳоят,
босилди тулпорлар,
тиғлар сурони,
урҳога ўрганган тилларда оят,
туркийлар таниди комил худони.
Қиличлар занглади...
фалокат хушёр,
туркийлар қувватин берди ерларга.
Ҳийлагар дўстлардай яқинлашди ёв
комиллик қидирган жасур эрларга.
Илвасин йигитлар,
бобир йигитлар,
саждага бош қўйди ёвга терс қараб,
ғулларни кемириб йиғлади итлар,
буюк бошни кесди қилич ярақлаб.
Туркда бош қолмади...
қолмади довлар,
хотин-халаж қолди мотам кўтариб,
"бизга тик қарама" буюрди ёвлар,
ёвларга терс қараб яшади бари.

Таланди самовий тулпор уюри,
таланди зарлари,
зебу забари,
терс қараб ўлинг деб ёвлар буюрди,
ёвларга терс қараб жон берди бари.
Лаҳадга кирдилар ўзларин қарғаб,
қолмади арабий,
туркий хатлари,
туғингиз деди ёв тескари қараб,
ёвларга терс қараб туғилди бари.
Туғилди,
туғилди,
туғилди қуллар,
қиркида қирилган – имдодга муҳтож,
ёвларга терс қараб итлардай хура,
бир-бирига душман,
бир-биридан кож.
Жўмардлар қирилган Туронзаминда
дўзахий тажриба палласин кўрдим:
эшшак суврати бор қай бир қавмда,
қай бирида тўнғиз қалласин кўрдим.
Бу ҳолдан бувақлар бўғилиб ўлар,
қул Билол эзилиб йиғлар фалакда...
Ўзларин ёндирар борлиқдан тўйган
Бадахшон лаълидай асл малақлар.
Мўминлар беш бора Аллоҳни эслар
саждага бош қўйиб жаллод тошига.
Ўгрилиб сал ортга қарайин деса,
бошига урарлар,
фақат бошига.
Борми эр йигитлар,
борми эр қизлар,
борми гул бағрингда жўмард нолалар,
борми бул туфроқда ўзлигин излаб,
осмону фалакка етган болалар.

Бор бўлса,
аларга етқариб қўйинг,
бир бошга бир ўлим демаган эрмас,
шаҳидлар ўлмайди
бир қараб тўйинг:
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!

ИҚРОР

Рубобий шеър ёзсам...
қайтсам бир нафас...
хамиша мусаффо чашмани кўрсам,
қорайган чўққилар қорига қараб,
бир нафас хаёлчан ўсмирга дўнсам.
Воҳ, ўшал лаҳзалар...
ўтдими буткул
гунафша атирли тансиқ туйғулар,
сахарги боғларни уйғотган булбул,
ойларнинг нурларин элаган сувлар.
Яшил шажар эдим...
Қандок, соғиндим...
кўзимни яшнатса рубобий ранглар.
Қайси бир дунёга бунча оғриндим,
дилимни қаритди бесамар жанглар.
Мен жангчи эмасдим,
мен шоир эдим,
нихоят шоирдан кўра зобитман,
ҳар нафас мусулмон миллатим дедим,
нафсига куйганлар келди оқибат.
Ҳаромни хуш кўрган маслакфурушлар
зиғирдай ҳимматин қилганда миннат,
япроқдай сарғордим буюк урушда
мусулмон йўқ эди,
йўқ эди миллат.
Бас, қушлар сайроғи,
япроқлари мўл
яшил шажар каби турай мушаккал,
илҳомим ҳақида сўйласинлар хўб,
заҳарли тилимдан тўкилсин шаккар.
Рубобий саболар руҳимдан эсинг,
қайтадан уйғонсин илоҳий туғён.
Воҳ, яланг шохларим қиличдай кескир,
бир япроқ қолмаптир шивирлайтурғон.

* * *

Айт, эй, хаста булбулим,
Ўшга қачон етамиз?
Яшил боғлар сарғарди,
Мағиз бўлди гужумлар.
Оҳ, вой, мунча йўл оғир,
Булбулим...
Улкан соат ўртасида
Мадорим йўқ, юрмоққа,

Қашқирлар даврасида
Судраламан турмоққа.
Шунда қолиб кетсам гар
нетамиз?
Абадият оралаб
Ўшга қачон етамиз?
Қорли тоғлар бағрида
Бегим – Ўшим кўринди,
Султон – Ўшим кўринди...

ҚАЛБ ҚАДРДОНИ...

Шавкат Раҳмон билан учрашиш, афсуски, менга насиб қилмаган.

Шавкат Раҳмон билан ҳар куни биргаман.

Бирон ножўя иш қилиб қўйсам, ярашиқсиз сўз сўйласам, кўнглимдан ёмон ўй ўтса, шоирнинг ўткир нигоҳи кўксимга қадалгандай бўлади: “Ўлдир, ичингдаги хоинни ўлдир!” то тавба-тазарру қилиб ўзимни бир қадар покламагунимча қиличдай кескир нигоҳ мени тинч қўймайди...

* * *

“Сўзларни қайрайлик, обдон тоблалик...”

Кўз олдимизда сўзни қиличдай қайраётган шоир қиёфаси намоён бўлади.

Шоир фақат ўз шеърларида эмас, балки таржималарида ҳам сўзларни *тоблайд*. Хусусан, Федерико Гарсиа Лорканинг “Ғар” номли шеърларидаги ушбу мисраларни ҳар гал ўқирканман, беихтиёр ҳайратланаман:

*Ялтир-юлтур, кофур бадан –
нард гулидан форам, нафис –
шандир шабий ойнакларда
сузган ойнинг нури каби.*

“Кофур бадан”, “нард гули”, “форам”, “шабий ойнаклар” каби сўзлар, иборалар – ўзимизники, бироқ тан олайлик, омма тугул шоирлар, сўз усталарининг ҳам назаридан четроқда туради. Шоир, айнан, ана шундай сўзларни териб олади ва Лорка шеърлятига хос бўлган сирлилиқ, фусункорликни пайдо қилади. Гоҳо ўйлайман: бу мисралар испанчада қандай янграркин? Афсуски, тил билмаслигим панд беради. Бироқ рус таржимони билан қиёслаш имконимиз йўқ эмас:

*Ее жасминная кожа
светилась жемчугом теплым,
нежнее лунного света,
когда скользит он по стеклам...*

Ўзбекча ва русча матндаги айрим тафовутлар эътиборингизни тортган бўлса ажаб эмас. Русчада бошқачароқ-ку, деб шошилинич хулоса чиқарманг. Негаки, иккинчи рус таржимонида ушбу мисралар яна-да, бошқачароқ тарзда янграйди:

*Нардом, жемчугом ракушки
тело женское сверкало.
Так вовеки не блестели
ни хрусталь, ни лунный камень...*

Умуман олганда, қиёсий таржима – алоҳида, катта иш. Бунинг учун таржимон ўзбек, рус ва испан тилини мукамал билиши ва устига-устак, нозик поэтик дидга ҳам эга бўлиши лозим. Лекин, нима бўлганда ҳам, бир нарсани тан олиш керак, шеърнинг ўзбекча таржимасида табиий

оҳангдорлик, мусиқийлик кучлироқ. Мисралар испан романслари каби ўйноқилаб оқади. Ва, беихтиёр тилингизга ўрнашиб қолади. Ўзингиз билиб-билмай хиргойи қила бошлайсиз:

Шандир шабий ойнакларда...

* * *

Ҳар бир истеъдодли шоирнинг ижодида бевосита ўз қисматига дахлдор, ўз ёзуғини башорат қилувчи, ҳеч бўлмаса, битта шеъри бўлади, деб ўйлайман. Шавкат Раҳмонда бундай шеърлар кўп. Бироқ, унинг “Авж” деб номланган, бошқа асарларига нисбатан қисқароқ – тўрт бандли шеъри шоир қисматини тўлиқ *белгилаб берган*, назаримда.

Ҳа, белгилаб берган, деяпман.

Негаки, бу шеър шоир айна кучга тўлган, шеър сарлавҳасига мутаносиб тарзда авж нуқтада ижод қилаётган паллада – ҳали зулмат элчилари бўй кўрсатмаган, ажал кўнғироғи сукунат қаърида мудраб ётган, уйғоқ тоғлар дунёга доврүк солаётган кезларда ёзилган эди.

Шеър шундай бошланади:

Мен, шубҳасиз, парчаланаман, -

Шундай тугар буюк хизматим.

Кимга кўзим, кимга пешонам,

Кимга тегар қизиқ қисматим.

Шоир сохта камтарлик қилиб ўтирмайди. У “...хизматим”дан олдин “ажиб”, “сирли” каби *бетараф* сифатларни ҳам ишлатиши мумкин эди. Аммо, у ўз қисматининг бошқаларникидан кўра *қизиқ*, фавқулудда кечаётганини ҳис қилади ва, англайдик, тақдир уни *буюк* хизматга сафарбар қилмоқда. Бу хизматнинг сўнгида, шубҳасиз, у парчаланиб, бор-будини эл-юртга бўлиб, топшириб кетади.

Ғалаёнга тўла вужуддан,

Охир, дунё бўладир, халос.

Ер остига кириб кетарман

барча мўмин бандаларга хос.

Бу ерда изохга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Фақат икки хил товланишга эга бўлган, **охир**, сўзига эътиборингизни тортмоқчиман. Мустақил тарзда у *ғалаёнга тўла вужуд* қисмати якунини билдиради. Аммо, ёнидаги *дунё* сўзига уриларкан, *охирзамон* бирикмасини эслата бошлайди. Зотан, ғалаёнга тўла вужуддан халос бўлишга *охирдунё* интиқ эди. Шу боис, шоир **бўлади** сўзини **бўладир** тарзида **Р** ундоши билан мустаҳкамлаб тамбалайдик, бу интиқлик тугалроқ, яққолроқ акс этади. Зеро шоирнинг нафосат, эзулик, ор-номус ҳақидаги ўйлари *охирдунё* табиатига мос эмас, демакким, шоирнинг ўзи ҳам унга бегонадир.

* * *

“Шавкат Раҳмоннинг илк шеърлари гўзал!” дейди кимдир.

“Шавкат Раҳмоннинг сўнги шеърлари ўтли!” дейди бошқа биров.

Иккаласи баҳслашади. Гўё иккита шоирнинг тарафдорларидек.

Уларни жим кузатаман. Нимаям дердим: иккаласи ҳам ҳақ.

Ўзимга келсак, кайфиятимга қараб, гоҳ шоирнинг илк шеърларини, гоҳ кейинги даврда

ёзганларини ўқийман.

Шоирнинг “Сайланма” сини бир бошдан варақларкансиз, дарадаги шаффоф булоқ бўйида гўзал табиат манзараларидан завқланиб юрган сайёхнинг қандай қилиб хатарнок, илонизи сўқмоқлар орқали тоғ чўққисидаги даҳшатли вулқонлар қошигача чиқиб борганини кўрасиз. У бу йўлчилик мобайнида сокин кузатувчидан ёвқур жангчига айланиб боради. Олдин Сўз унинг учун мўйқалам бўлган бўлса, энди шамширға дўнади. Ортидан келаётган маънавият аскарларига қарата хитоб қила бошлади: “Сўзларни қайрайлик, обдон тоблайлик – идрок-ла совутиб тагин қайрайлик – ўзбекнинг қоракўз болаларига – битта дунё қолсин ҳайратлик...” Негадир шоир ўзидан олдингиларга эмас, кўпроқ ортидагиларга суянади. Навқирон авлодга ишонгиси келади: “Ҳозирги ёшларда покизалик бор - тирик қалбларига диёнат эга – гўё пок табиат ёмон кўзлардан – асраб қўйганларин шуларга берган...”

У энг кўрқадиган нарса бу – хиёнат, фитна. Негаки, “жангда ўлган эмас бирор баҳодир – бари ҳалок бўлган хиёнатлардан...” Шу боис шоир бетўхтов тарзда аҳли мардумни мард бўлишга, сўнгги сонияда ҳам сабот кўрсатишга чақиради. Бироқ дунёнинг буқаламунлиги, чиркин иғво-бўхтонларнинг сассиқ оқаваси очиққалб жангчини баъзан толиқтиради: у яна бир пайтлардаги беғам ёшлигини, мусаффо табиат қўйнидаги тоза, рангин лаҳзаларни кўмсаб қолади.

*Бир ойким
арчазор тоғлар бағрида
бир ўктам арчадай яшинадим қасддан.
Бир синиқ булоқдай кунга қарадим,
файласуфлик қилдим
бамисли харсанг...*

Ҳа, у яна зулмсиз, беғубор боладай кунларга дил бергиси келади. Бироқ, бу вақтинчалик ҳолат. Негаки, ўзи ҳам яхши билади, энди ортга йўл йўқ: кўксидаги гулханни бешафқат шамоллардан ҳимоя қилганча, олдга интилади у. Бераҳм қасирғаларга юз тутар экан, ўзига хайрихоҳ ахтаради. Аммо қани ўша жавонмард?! Ойга қараб увлаган бўридай нола чекади шоир: “Жувонмарг бўлгурлар, жўмардинг борми?!” Ҳадеганда сас-садо келавермайди. Ниҳоят, у афсус-надомат комида тан олади: “Мен жангчи эмасдим – мен шоир эдим, дилимни қаритди бесамар жанглар...” Унинг кўз олдида оқ сукунат портлаган саҳарда ялангоёқ чопиб юрган яшил дарахтлар жонланади. “Яшил шажар эдим... Қандоқ соғиндим... Кўзимни яшинатса рубобий ранглар...” – деб ич-ичидан ўксийди. Бир пайтлар ошиқлар бошидан тангачалар сочган шохларига қарар экан, эмранади; энди сокин туйғулар пинжидан асло ҳаловат тополмаслигини англаб тақдирга тан беради: “Воҳ, яланг шохларим қиличдай кескир – бир япроқ қолмаптир шивирлайтурғон...”

* * *

“Шоир” сўзи “виждон” атамасининг синонимига ўхшайди.

Шу боис виждонига хиёнат қилган шоир яхши шеър ёзолмай қолади.

Яхши шоирлар ҳамиша виждон кўзгусига тик боқиб яшайдилар.

Шавкат Раҳмон каби...

Бундай шоирлар жисман йўқ бўлсалар-да, маънан ҳамиша сафимизда. Уларнинг овози, нигоҳи бизни ҳамиша ҳалолликка чорлаб, мард яшашга ундаб туради.

Йўлдан тойсак, биздан аввал “оҳ” тортади.

Тушларимизга кириб безовта қилади.

Қулоқларимизга пахта тиксак ҳам, хитоби қалбимизда акс-садо бераверади. Жумладан, бу хитобга мен ҳам бот-бот дуч келаман. Ҳарқанча чап беришга уринмай, у кўзимга санчилаверади. Нима қилишни билмай, охири уни шеърга айлантириб, қоғозга хибсламоқчи бўламан. Аммо у қолипга сиғмайди, сирғалиб кўк сари ўрлайди. Менга насиб қилгани – унинг кўзгудаги акси, сояси, холос. Кўринг-чи, балки, у сизга ҳам бегона эмасдир...

ҚИСМАТ

Ҳикоя

КИЧИК ЎҒИЛ

Айвон.

Устунлар вақт ўтиши билан тўқ жигарранг-қорамтир тус олиб, узунасига ёрилган. Баъзи ёриқларида майда чумолилар ўрмалашади. Каттароқ бир ёриққа сариқ арилар ин қурган. Улар кўп эмас, саккизта ёки тўққизта. Эрталаб ҳали ҳавода нам кўп маҳали ғуж бўлиб турадилар, қанотлари қуригач, учиб кетадилар. Қаноти нам арининг ғўнғиллаши бўғиқ ва паст бўлади. Қаноти қуруқ ари зириллаган овоз чиқариб учади.

Буларнинг чақиши эрта баҳорда кучли бўлмайди. Ёз бўйи куч тўплайди. Заҳри кузда ўткирлашади. Чумолилар билан арилар бир-бирларига тегмайдилар. Гўё ҳар бири ўзининг ташвиши билан овора.

Ҳовли шўрлашган, оқариб қолган. Ҳар ер-ҳар еридан шўралар ўсиб чиққан. Битта-иккита ажриқ ҳам кўзга ташланади, лекин улар заиф, сарғайиб илвираб қолган. Тошни суриб-ёриб, дуч келган ерда ўсиб кетаверадиган бу безбет ўт шўрни нимагадир ёқтирмайди, сув сепса ҳам ўсмайди, илдизларини йиғиштириб олиб, куёшда тобланиб ётади. Шабада қуриб-енгил бўлиб қолган илдизни сургалаб, бошқа жойга олиб кўчиради, шунда намни сезган илдиз дарров томир отади – тўрт-беш кунда маҳкам ўрнашволиб, урчиб кетаверади.

Айвонда чўпсават. Чўпсаватда нон. Жуда ширин, суви қочгани ундан ҳам ширин. Лекин энам тўйиб егани қўймайди. Нон сўрасак, бир бурдагина беради. Баъзан нонпалов пиширади. Нонпаловга сабзи ҳам қўшади, сабзили нонпаловни мен ёмон кўраман, фақат нонларини териб ейман.

Умуман, нонни жуда қизғанади энам. Овқат еб бўлинганида, ушоқларни қунт билан тўплайди, кейин акамга, баъзан менга беради. “Ол, полвон бўласан”, дейди. Менинг ушоқ егим келмайди.

Иккинчи чўпсаватда қурутлар. Ҳар ер-ҳар ерига тупроқ ёпишган, аммо ёғли ва мазали.

Уйнинг орқаси томорқа. Томорқа жуда ораста, тартибли. У ерда ўйнашга рухсат йўқ. Эгатлар тўппа тўўри, қиялатиб олинган, суғорилганида кўллаб ҳам қолмайди, оқиб ҳам кетмайди, балки эгатларни бир маромда тўлдиради. Томорқа адоғи айланасига мевали дарахтлар. Катта қизил олма, олмурут, нок, ёнғоқ бор. Ёнғоқ билан ўрикнинг тагида ўт ўсмайди.

Кейин қатор ораста тераклар бўй чўзган. Улар катта бўлганида кесиб олинади, кесилганида ёғоч ширасининг бошни айлантирадиган иси анқиб кетади, пўсти шилинганида ҳам шунақа бўлади. Шох-шаббалар тандирга ишлатилади, ёғочлари уйга синч бўлади. Шу боис терак кўп, саноғи элликдан ошиқ. Япроқлари сал шабадага ҳам шилдирайди.

Ундан кейин қўшнининг томорқаси. Кейин яна аллакимнинг. Кейин дала, даланинг адоғида зовур бор. Зовурнинг суви баҳорда лойқа тус олади, ёзда шаффоф, кузда эса зангор-мовий тусга киради, сокинлашади.

Гап ана шу зовур ҳақида. Тўғрироғи, зовурда мен кўрган ажойибот ҳақида.

У ерда тилла балиқ бор.

Бу балиқдан бир Худо, бир мен хабардорман.

Зовурга у қандай келиб қолди экан? Ўтган куни жуда каттиқ момақалди роқ бўлиб, чакмоқ чакқан, овозидан худди осмон ёрилиб кетгудек бўлган, кейин эса шаррос жала қуйган эди.

Айтишларича, ўшанда шу ердан кўриниб турадиган тоғларнинг чўққиларидаги қору музлар кўчиб, йўлидаги қишлоқларни вайронага айлантириб шиддатли сел келган, мана шу зовурлар ҳам лойқа сувга лиммо-лим тўлиб оққан экан – балки ўшанда келиб қолгандир?

У туш маҳали, куёш қаттиқ қиздирганида сув бетига чиқади. Қинғайиб куёшга қарайди, кейин думи билан сувни қаттиқ уради, шунда қарсиллаган овоз чиқади.

Қамишлар ҳам қарсиллаган овоз чиқаради. Чунки танаси ғовак бўлади, шабадада эгилганида қарсиллайди.

Мен унинг рангини яхши кўраман.

У – товланувчан. Сувда роса чиройли кўринади, аммо сув бетига чиқса, унча товланмай кўяди. Нозик ранглари думдан бошга қараб билинар-билинемас ўзгариб боради. Куюқ қирмизидан оч қизғимтирга ўтади, кейин эса сариққа алмашади. Сузгичлари оч қизил, қора нуқтали – сариқ хошияли, ёмғирда қолган капалакнинг ҳўл қанотига ўхшайди.

У менинг гапларимга қулоқ солишини ҳам биламан. Гапирсам, индамай қараб туради. Сабру тоқат билан гапимнинг адоғини кутади. У чиққанида қушларнинг овози ўчади, хашаротлар чирилламай кўяди. Қамиш пояларидаги ниначилар жим чайқаладилар. Шабаданинг овози эса кучаяди, нимадир шивирлаётганга ўхшайди.

Балиқ шабадани ёқтиради. Майда мавжлар метин танасига тегиб синиши хуш ёқса керак. Куёш нури унинг йилтироқ танасида сув билан кўшилиб жилоланади. Томчилар йилтирайди. Оқимтир-сарғиш ойқулоқлари сокин-осойишта кимирлайди. Кўзининг атрофидаги хошиясигача нури туюлади.

Қоқ туш маҳалида энам катта акам билан сувни кўйворгани кетади, чунки туш маҳали экинни суғориб бўлмайди. Экинни эрталаб ёки кечаси суғоради. Шунда мен уларнинг кўзини шамғалат қилиб кўшнининг ерига ўтаман. Кўшнимиз томорқасини айлантириб маккажухори эккан, девордай бўлиб шитирлаб туради. Пояси билакларимни ачиштиради.

Зовур ёқасига бораман, дўнгга ўтириб, сувга қараб кутаман.

Балиқ менинг келганимни сезади, лекин дарров чиқа қолмайди. Унғача ғумбалдоқ ўтига тегишаман. Гулкосаси оч яшил, кўпол, ичида кичкина нуқтачалари бор, бармоғимни тегизсам дарров гулкосасини юмиб олади. Худди кўзини юмганга ўхшайди, кўрқоқ, хуркак ўт у.

Гоҳо хунук, ваҳший ниначи қурти сув остидан юзага – қамиш ёки ўт поясига ўрмалаб чиқади. У жуда очофат, кўрган нарчасини паққос туширади, баъзан ўзининг наслдошларини ҳам еб кўяди. Пояда соатлаб кимир этмай туради, кейин елка қисми тўсатдан ёрилади, ёрилган қисмидан қанотлари ҳарир, боши катта ўзга бир жонзот – ниначи чиқиб келади. Дўнгга кўниб, куёш ҳароратида қанотларини қуритгач, пирпираб учади-кетади... Милтиллаб сузиб юрган итбалиқлар ҳам ўзгариб, бақаларга айланадилар. Илдизнинг пўк қисмида истиқомат қиладиган яна бир жонзот – семизқуртнинг ҳаёти ҳам тўсатдан барҳам топади, бир-икки кун кимир этмай ётади-да, бузоқбошига айланади, яна бир оз вақт ўтгач, тўсатдан қанот чиқариб, дириллаб учишга тушади... Нарироқдаги эски тол кундасининг сувга ботган илдизлари орасида бир қари илон бор. У туш маҳали салқиндан чиқиб келади. Лекин куёш тиғига дош беролмайди, тўнка соясида, эски илдизга ўралиб тураверади, соатлаб кимир этмайди, баъзан пўст ташлайди...

Аммо менинг балиғим сув бетига чиққанида ҳамма жонзотларининг овози ўчиб кетади. Ҳатто капалаклар ҳам жим қоладилар.

Билганим – теваракда бунақа рангу тусдаги балиқ йўқ. Бировнинг кўрганинию айтганиниям эслолмайман...

ЎРТАНЧА ЎҒИЛ

У балиқни Худо юборганини мендан бошқа биров билмади!

Укам уни борлигини айтганидан кейин зовур бўйига бекитиқча бир неча марта бордим. Ҳар гал борганимда уни кўрдим.

У сирли балиқ эди. Сув бетига чиққанида теваракдаги курту кушларнинг овози ўчиб кетарди.

... Кичкиналигимда энамдан, одамлар ўлганидан сўнг нима бўлади деб кўп сўрардим. Энам “мени қабрга қўясан, кейин ҳар замонда бориб хабар олиб турасан,” деб айтарди. “Сиз ўлганингиздан кейин чиқолмайсизми?”, дер эдим. “Агар Худо хоҳласа, чиқаман”, дерди. “Худо хоҳламаса-чи?” “Унда қандай қилиб чиқай, болам?” Бир гал айтган эдики, одамнинг руҳи бошқа нарсаларнинг ичига, кўпинча капалакка ёки кичкинароқ жонзотларга, баъзан катталарига ҳам кира олади. Капалак учиб келиб жим ўтиради, унинг ичидаги марҳумнинг руҳи эса теваракни томоша қилади.

Буни энам бир-икки йил аввал айтган эди. Ҳозир у касал, кўзлари деярли кўрмай қолган. Қўлидан етаклаб олиб юрамиз.

Ўтган ҳафтадаги гулдуросли сел қабристонни отамнинг қабри билан қўшиб бузиб ўтиб келганида, отам шу балиқнинг ичига кириб келдимикин, деб ўйладим.

Чунки эртасига бир чол тушимга кирди. Зовур ёнида эмиш. Сиз улғайдингиз, лекин энангиз қийналди дермиш. Отанг балиқ бўлиб олдингга келади, акангга айт, пишириб энангга берсин, тузалади дермиш.

Отам қандай одам эди-я!

Отамдай вазмин, оғир... отамдай камгап... юрганида ер зирилларди, ҳовлига кирганида ҳайбатидан ҳамма жимиб кетарди... балиқ ҳам шунақа эди...

Кўрган тушим ҳақида кўп ўйладим, ниҳоят, отам бошқа бирор нарсанинг ичига кириб яна келар... шу балиқни ростдан ҳам энамга пишириб берақолайлик, шояд тузалса деб, акамга балиқ сирини айтдим.

Акам отамнинг милтиғини олиб, шошиб чиқиб кетди. Ярим соатлар ўтар-ўтмас, тутиб келтирди. Ўзини кўрмадим, балиқ қопда эди. Мен томорқадан бери келмадим. Ота, жон ота... сен ўлиб кетдинг, аммо энам касал-ку... у ҳам ўлиб кетсинми... биз сени емаяпмиз-ку, сен бошқа балиқнинг ичига кириб олаверасан, деб йиғладим.

Акам катта пичокни олиб, ўчоқ ёнига кетди, тангаларини шила бошлади.

Шунда... укам келиб қолди... У ниманиям биларди... Сирни очиб қўйганим учун роса хафа бўлди, келиб сочларимдан тортиб ура бошлади...

КИЧИК ЎҒИЛ

Кириб келганимда энам айвонда, олдида бир товоқда гўшт, кушдайгина бўлиб ўтирган эди. Менинг овозимни эшитиб, тириш юзлари ёйилиб кулимсираганча, фавқулудда ўктам овоз билан:

– Кел, той болам, ке! Камбағалга кун чиқди, аканг балиқ опкелди, ке, сен ҳам еб ол! – деди.

Айвондан нарида ерга гувалакдан ўчоқ қилинган, ўчоққа қозон осилган... ўтинлар ёниб бўлган, чўғи оқаринқираб кўринар... чирсилламоқда эди.

“Балиқ?!”

Ўчоқ ёнида шилиб ташланган балиқ тангалари, думи ва боши ётарди. Шу маҳал қайдандир кўшнининг мушуги пайдо бўлди, у бир сапчиди-да, бошни олиб қочди. Мовий кўзларини мендан узмай, шоша-пиша ғажий бошлади.

– Бу муборак балиқ-да, – энамнинг овози қулоғимга кирди. – Ҳазрати Юнус пайғамбарни ютиб юборган балиқни авлоди-да бу.

Катта акам балиқ гўштини узоқ вақтлардан бери емаганини айтиб, тилда эриб кетадиган бундай мазанинг қайдан келганига ҳайратланар ва мазани узоқроқ ҳис қилиш учун кўпроқ чайнашга уринар эди.

– Худои таоло балиқни ҳалол қилиб яратган, – деб ҳамон сўзланар эди энам. – Ўлганиям ҳалол, тиригиyam. Ўшан-чун ойқулоғидан сўйиб ҳам қўйган..

Балиқ?!

Бир Худонинг, бир менинг балиғим!?

Кичик акам тут тагида бошини эгиб ўтирарди.

– Сен нимага буларга айтиб қўйдинг? – деб бақирдим унга ташланиб, овозим хириллаган, бўйиқ эди. – Булар балиқни ейишяпти-ку?

Ажабо, кичик акам менинг муштларимга жавоб қайтармай, иккала қўли билан бошини бекитиб, ерга ўтириб олди. Мен унинг йиўлашини кўрқувдан деб ўйладим, шундай ажойиб балиқни ем қилганига йиғлаяпти деб, яна ура бошладим:

– У қанақа балиқ эканини билардингми? У тилло балиқ эди! Яна салгина каттарса, тилло балиқ бўларди!!!

Кичик акам ҳамон инграниб йиғлар, муштларимни сезмас эди. Кейин эса нима деяётгани қулоғимга кирди:

– Ота... Отажон.... – деб йиғларди у.

Олов сўнган, чўғларининг чирсиллашлари пасая-пасая ахийри эшитилмай қолган эди.

КАТТА ЎҒИЛ

Укамнинг тушига бир чол кирипти, айтибдики, энанг балиқ гўшти еса тузалади, кўзларига нур киради. Жума куни зовур бўйига борсанг, отанг балиқ бўлиб келади, сенлар уни ушлаб, энангга пишириб беринглар, дебди.

Отандан қолган қўшотарни олиб борганимда, балиқ ростдан ҳам сув бетиде экан. Шимимни шимариб сувга тушдим, сувнинг ости балчиқ, балчиқ ичидаги эски шох-шаббалар оёғимга қадалди. Сочма билан ўқлаб, тепкини босдим, балиқ питирлаб, тўнкарилиб қолди.

Кириб келганимда, югуриб укам қаршимга келди.

Кўрқиб кетгани афт-ангоридан сезилар эди.

– Калланг жойидами? – дедим ўдағайлаб. – Бу бир емиш-ку. Бор, ўчоққа ўтин қала!

Балиқнинг тангаларини шилдим, қорнини ёрдим, ичакларини олиб ташлаб, оппоқ қат-қат гўштли жойини сариқ ёғи билан қўшиб кесиб олдим. Ўчоққа ўзим ўт қаладим, қозон таги жизиллай бошлаганида ёғли жойларини пастга қаратиб, гўштни босдим.

Ана, дедим қониқиш билан. Ана, энди бўлди!

...Ана энди қозонда жизиллаб куйяпсан, ота. Дўзахда шунақа куйишингни орзу қилган эдим. Худои таоло шунга белги қилиб сени жўнатди, жўнатгандаям оловда қовуриладиган қилиб жўнатди.

Энамни урганларингда қўлингга ёпишганларим эсингдами? Мана сенга! Жизилла, жизиллайвер!

Ичиб келиб, ҳаммани тумтарақай қилганларингда-чи? Менга кетмон отганингда елкамни ўпириб юборувдинг, изи ҳалиям бор, ҳалиям қони силқиб турипти, елкамда эмас, ичкарида, юрагимда!

Умр бўйи ота деб ёнингга яқинлашолмадим, бир бола бўлиб бағрингда эркалангим келса-да, ҳайбатингдану ўшқиришингдан чўчидим, токи ўн икки ёшимга етгунча мени кўтариб томга отиб юборишингдан кўрқардим, бир марта укамни шунақа қилиб отиб юборувдинг, чириллаб йиғлаётган бечора болани овози чикмай қолувди, ғўзапояларнинг устига бориб тушганида ҳам

йиғлолмаганди... Уйдан милтиқни опчиқиб, энамга “отиб ташлайман!” деб бақирган эдинг, энам шўрлик “отсанг от, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим” деб ўзини ерга уриб йиғлаганди...

Яна айтайми?

Отингга миниб кетардинг, шу кетганингча қайтиб кунлаб кўрмасдим. Бир неча кундан кейин келардинг, эгарда иккитами-учтами қашқалдоқ, кўкқарға бўларди, ма, пишириб е ҳамманг захарингга, дердинг... Кейин улфатларинг келарди, энам овингни пишириб ўзларингга опкириб берарди, бизга қолган-қутган қанотлар тегарди...

Мана энди қовурил, оловда!

Бола бўлиб ота нималигини билмаганим етмади. Катта бўлиб томорқадан бери келмадим. Эсимни танибманки меҳнат қилдим, хайбатингдан кўрқиб уйдан кўчага чиқолмадим.

Мана, ҳалиям тупроққа ўралашиб юрипман.

Жизилла, жизилла!..

ОТА

Бир қамишзор эмиш. Оч-сарик, бўйлари узун-узун, поялари курук...

Қамишзорнинг ниҳояси йўқ, шовуллайди. Осмон эса кўм-кўк.

Ана шу қамишзорда минг йиллардан бери қамиш ўраман.

Бу қамишзор тугамайди. Зах кўлмакларда сувчаёнлар оёғимни чақади, баъзан бир нима шалоппайди, нималигини билишга қизиқаману ҳеч тополмайман.

Минг йиллардан бери адоғи йўқ қамишзор... майин учган оқ попилтириқлар...

Шу қамишзорни ўриб тугатсам, нимадир рўй беради. Ишқилиб, ўриб тугатолсам бас.

Ҳар куни тепамга бир куш келиб бошимдан чўқийди. “Сен кимсан, нимага менга бунча азоб берасан?” деб сўрайман.

“Оқпадар, оқпадар!!!” – деб сайрайди куш.

Отамнинг юзи ғира-шира эсимда қолган.

Бир қишлоқда, кашшоқ яшар эдик, егани нонимиз, ичгани сувимиз бўлмас эди. Отамга ўшқирганларим... елкасидан тутиб силтаганларим эсимда...

... Бир куни бу қамишзор тугайди. Ўша куни куш ҳам келмай кўяди. Шунда бу уқубатдан қутуламан.

Қамиш... қамиш...

* * *

... Қамишзорнинг охирида нима борлигини билишга улгурмадим.

Ўзгариш тўсатдан рўй берди. Осмон ёрилди... йўқ, аввал шамол эсди, попилтириқлар ҳамма ёқни тутди, кейин қамишлар синди, илдизидан суўурилиб учиб кета бошлади. Ва еру кўкдан, ўнгу чапдан, осту устдан “Балиқ бўл!” деган қаттиқ бир садо келиб, ўзимни гулдурос солиб оқаётган бир пўртана ичида кўрдим.

Пўртана оққандан оқди, кўшилиб оқиб кетавердим.

Ахийри, бир зовурга келиб тўхтадим.

Зовурда қанча вақт қолдим, билмайман. Назаримда теварак сокин, хаддан ташқари сокин, бегона, боз устига, хавотирли ҳам эди, балки сув остидан қараганим учун шунақа туюлдимикин?

Кунларнинг бирида яна сув бетига чиқдим, теваракдаги ҳамма нарсанинг овози яна ўчиб-жим бўлиб кетди. Сўнг зовур ёқасида эса юз-кўзи ўзимга ўхшаб кетадиган бир боланинг кўлидаги милтиғини менга ўқталиб турганини кўрдим...

КАМПИР

Кўзим кўрмай қолган кундан бери раҳматлик отаси тушимга киради.

“Кўрмаяпсанми, мен келдим. Балиқ е, балиқ!” – дейди ўшқириб.

Тушимда уни бинойидек кўраман.

Раҳматли бераҳм одам эди. Ҳеч кимни, ҳеч нарсани аяб ўтирмасди. Йўлидан биров чикса яксон қилиб-янчиб ўтиб кетадиган шиддатию хайбати бор эди.

Экин-тикин экаман, деҳқончилик қиламан деб кўп уринди, бироқ, эккан кўчатлари унмасди, кўкариб чиқардию жойида қуриб қолаверарди.

Сабаби, отасига кўл кўтарган эди-да. Энди, бир пайтлар... катталарнинг оталари намоз ўқимасин деган буйруқ бўлганида, ота ундан бекитиқча мачитга чиққан экан. Аксига олиб, ўша куни қанақадир байрам эди, ичиб олган эди, келиб отасига “мен қамалиб кетайми” деб ўшқирган, силтаб-итариб ташлаган, ота йиқилганида қамиш бўйранинг чўпи кўзига кириб кетган, шунда “қамишдай қуригин илоё” деб қарғанди...

Экин-тикин бўлмагач, қайдандир битта милтиқ топиб, уззукун қамишзорга жўнаб қоларди, кечгача юриб-юриб, гоҳо биронта қашқалдоқми, кўкқарғами отиб келарди.

Қаҳрига яраша меҳриям борийди раҳматликнинг, аммо нимаики қилса терси бўпчиқаверарди-да, тавба! Йўкса, кўзим кўрмай қолганини қайдан биларди-ю қайдан меҳрибонлик қилиб “балиқ есанг тузаласан” деб айтарди?

Мана, болам пишириб берган балиқнинг эти хил-хил, бирам мазали. Кўзим равшанлашаётгандай. Балки бугун-эрта басирлик барҳам топар?... Жойи жаннатда бўлсин раҳматлининг, мен ундан минг-минг розиман.

Шоядқи, у ҳам мендан рози бўлса...

КИЧИК ЎҒИЛ

У тилла балиқ эди. Бошида тожи ҳам борийди.

Агар кичик акам сирни очиб қўймаганида, катта акам уни энамга пишириб бермаганида... ўсиб-ўсиб бир куни росмана тилла балиқ бўларди. Ўшанда ҳаммамиз бориб, тутиб олардик, балиқ “Тила тилагингни” дерди, бизлар ҳам тилагимизни айтардик.

Энди мен нима қилай? Тилақларим, истақларим мўл эди, кимга айтай?

Фақат Худогами?... Ёлғиз Худогами?

“МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ”ДАН

ХАЛИФАНИНГ ЛАЙЛОНИ КЎРГАНИ

Халифа сўради: – Сенмисан Лайло,
Дардга йўлиқтирган Қайсни бедаво?

Қани, телба қилар гўзалликларинг,
Бошқа гўзаллардан афзалликларинг?

Лайло дер: – Товшингиз кўтарманг, бас, сиз,
Чунки халифасиз, Мажнун эмассиз.

Мажнун кўзларининг нури йўқ сизда,
Самовий ҳолат йўқ юрагингизда.

Унинг уйғоқлиги ухлоқдан ўтар,
Унинг ухлоқлиги уйғоқдан баттар.

Ҳеч нарсани кўрмас фидойи эди,
Хушини йўқотган савдойи эди.

Тангри уйғотмаса, уйғоқ жонимиз –
Қафасда қолгандай, қайнар қонимиз.

Ҳаёл тепкисидан эзилган жоннинг,
Йўқотиш ваҳмидан узилган жоннинг –

Гўзаллиги қолмас, қуввати қолмас,
Кўкларга учса-да, бир йўл тополмас.

Жон қуши юксалиб борар тобора,
Сояси ер узра сарсон – оввора.

Аҳмоқлар овлашга тушар сояни,
Сарфлар бор кучини – бор сармояни.

Сояга отар ўқ, такрор отар ўқ,
Қараса, ўқ битган, садокда ўқ йўқ.

Умр созурилар ва ўтиб кетар,
Соя кува-кува вақт эриб битар.

Сиз тансиз, соядан бадан тиларсиз,
Тан йўқлигин кўриб, ҳасад қиларсиз.

Йўқ, тангри эрларин пойига ҳар чок,
Кўлингиздан келса, бўлинг хок-тупроқ.

Сиз ҳам биз сингари, ҳасаддан қочинг,
Хок бўлиб ҳасаднинг бошини янчинг.

МАЖНУННИНГ ЛАЙЛОЛАР КЎЧАСИДА ЎТИРГАН ИТНИ СИЛАГАНИ

Дунёда қолмади Мажнундай бир жон...
Мажнун, ит кўзига термилиб нолон –

Бир ўпар, бир кучар, бирда силарди,
Куйиб-пишиб иззат-икром қиларди.

Эгилиб-букилиб этарди хизмат –
Унга гул сувидан сунарди шарбат.

Бир эзма дедик: – Э Мажнун, э ғўр,
Бу қандай телбалик? Ахир, ўйлаб кўр:

Ҳаром нарсаларни ит ейди, ахир,
Ҳаром жойларини ялайди, ахир!

Оламда борми ҳеч итдан ифлос жон –
Зоти ҳам, ўзи ҳам тубан бир ҳайвон?!

Мажнун деди: – Сен-чи, вужудсан ғовак,
Менинг кўзларим-ла боқ унга, тентак.

Тангрининг ажойиб тилсимидир бул,
Лайло кўчасида мудом қоровул,

Ҳиммат қил, ўйлаб кўр, қара кўзига –
Қаерни жой қилмиш бу зот ўзига.

Менинг бошпанамнинг қутли ити бу –
Менда қайғу бўлса, бунда ҳам қайғу.

Дардкашим, ғамдошим, сирдошим бу ит,
Вафоли дўстимдир содиқ ва собит.

Билсанг, арслонларга бермайман буни –
Итимнинг ҳатто бир тола жунини.

Лайло кўчасининг ити бу – тамом,
Дамингни чиқазмай даф бўл, вассалом!

МАЖНУН БИЛАН ТУЯНИНГ САВДОСИ

Лайлони соғиниб кунлардан бир кун
Сахрога йўл олди зориққан Мажнун.

Афсуски, туяси юрмас эди тез,
Бўйнидан кучоқлаб Мажнун дер шу кез:

– Биладан мен сени, эй она туям,
Бошимиз савдоли иккимизнинг ҳам.

Иккимиз бир хил дард адоларимиз,
Аммо, айро-айро савдоларимиз.

Сен ортга кетмоқни истайсан, туям,
Мен олдга бормасам, еб битказар ғам...

...Мажнун Лайлосига умтилар эди,
Туя бўтасига интилар эди.

Мажнун бир дақиқа кетса ўзидан,
Туяси қайтарди ортга изидан.

Ишқ дарди Мажнунга гўё тутар май,
Иложи йўқ эди ҳушидан кетмай.

Аввал, Мажнун бундай толмасди ўйга,
Ишқ дарди ақлини солди шу кўйга.

Лекин туя хушёр борарди йўлда –
Эпчил эди. Тизгин бўшаса қўлда,

Мажнун хушсизлигин фаҳмлаб дарҳол,
Орқага йўл солар эди бемалол.

Мажнун ҳушига келса кўрарди ногаҳ,
Орқага кетганин бир неча фарсах.

Улар шу алфозда юрдилар уч кун,
Йиллар йўқотгандай эзилди Мажнун.

– Эй туя, – деди у, – ошиқмиз икков,
Лекин қаршидирмиз бировга-бирова.

Демак, нолойиқмиз йўлдош бўлмоққа,
Елкадош бўлмоққа, қўлдош бўлмоққа.

Сенинг севгинг менинг севгимга ғаним,

Ажрашмасак бўлмас. Ҳақ – аҳдим маним. –

Ўзин пастга отди шундай деб Мажнун,
Кум билан тупрокқа беланди бутун.

Туянинг Мажнунга, унинг туяга
Ёвлиги, айтайми ўхшар нимага?

Бу – ақл ва нафснинг ёвлигидайдир,
Иккови бир-бирин ғажишга шайдир.

Кенг сахро Мажнунга бўлиб кетди тор,
Ўзини кум тошга ураверди зор.

Аъзойи бадани эзилиб битди,
Оёғи тилиниб, титилиб кетди.

Яра-чақаларин боғлаб деди у:
–Чавгон тўпи бўлай, босмасин уйқу.

Урилиб-урилиб кетай қошига,
Думалаб-думалаб етай қошига. –

Бу гўзал сўзлари шод этди ҳақни,
Қўллади танин оқ этган ошиқни.

Лайло севгисидан оллоҳ севгиси
Оз эмас. У бизга қанот бергуси.

Тўп бўлиб ҳақиқат хзматиди тур.
Ишқ чавгони мисол юмала, югур.

Етарсан оллоҳнинг жозибасига
Зор бўлмай банданинг бир туясига.

Бахт топарсан ҳақнинг жазби кетидан,
Устун ул инсу жинс ибодатидан.

Бу жазб бошқа жазбдан фарқлидир тамом,
Пайғамбар ҳам буни билган, вассалом!

БИР ҲАКИМ, МАЖНУНДАН ҚОН ОЛМОҚЧИ БЎЛГАНДА МАЖНУННИНГ НАЪРА ТОРТИШИ

Лайло фироғиди куйиб тобора,
Касал бўлиб қолди Мажнун бечора.

Соғинч оташида қайнади қони,

Наас ололмасди, тиқилди жони.

Ҳаким чорладилар. Келди мисли ўқ,
Деди: – Қон олишдан бошқа чора йўқ.

Қонин олдирмоққа жароҳ керак, оҳ...
Жарроҳ келтирдилар, энг уста жарроҳ.

Мажнунни боғлади, қўлида наштар,
Шунда бемор Мажнун бир наъра тортар:

– Пулингни ол-у кет, эй жарроҳ, – деди, –
Жон сабил узилса, тортмам оҳ, – деди. –

Қўй тўкма қонимни, бузма танимни,
Кет, тезроқ бу ердан, айт, қилганимни!

Жарроҳ деди: – Эй сен, шердан кўрқмаган,
Нега шу наштардан, мендан кўрқасан?

Ухлардинг тунлари ҳайвонлар аро,
Бўрилар, ўкирган арслонлар аро,

Кўринмасди сенга еру осмонлар,
Инсон деб билмасди сени ҳайвонлар.

Бўри ҳам, арслон ҳам, шер ҳам ишқпараст,
Ишқни билмас кўрлар, ҳатто, итдан паст.

Ишқ бўлмаса, борлиқ недан бўларди,
Нон қандай ейилар ва сен бўларди?

Сенга ўзин бериб, сен бўлди-ку нон,
Севмаса нондан бўлармиди жон?

Ишқ жонсиз жонга ҳам берди-ку ҳаёт,
Сен-чи қон беришдан кўрқасан, хайҳот!

Мажнун деди: – Кўрқаман, минг жоним тортиқ,
Сабрим менинг тошдан, тоғдан ҳам отриқ.

Ўқ емай, минг ердан ярадорман, мен,
Ярага ошиқман, унга зорман, мен.

Аммо менинг таним Лайлога тўла –
Лайлога айланган таним бир йўла.

Ичмда Лайлодан бошқа нарса йўқ,

Лайло-ку, бу садаф-инжу, киприк-ўқ.

Эй жарроҳ, сен менга урганда наштар,
Кўрқаман, Лайлога етгай деб зарар.

Кўнгли зиёлилар англайди, ахир:
Мен – Лайло. Лайло – мен. Икковимиз бир.

МАЖНУНГА БОШҚА ҚИЗЛАРНИ МАҚТАБ, УЛАРДАН БИРИНИ ОЛ ДЕГАНЛАРДА, МАЖНУННИНГ БЕРГАН ЖАВОБИ

Мажнунга: – Лайлодан кеч, – дер нодонлар, –
Қоп-қора, хунук-ку, – дерлар ёмонлаб. –

Кўрмайсанми, ахир, эй Мажнуни зор,
Бу ерда юзларча паривашлар бор.

Танла, оберамиз ўтмаёқ уч кун. –
Аларга сўз деди бўзларди Мажнун:

– Гўзаллик бу мисли пиёла, ахир,
Унда нима бор – билинмас ҳеч бир.

Сиз учун сиркадир мен учун шароб –
Лайло кўзингизга кўринар хароб.

Ҳақнинг қудрат кўли шундайдир азал:
Кимга заҳар қуяр, кимгадир асал.

Сизлар пиёлани кўрасиз, илло,
Унда ҳақ шаробни кўрмайсиз, асло.

Жон завқи ҳар кимга кўранавермас,
Оллоҳ раво кўрса кўринар, холос.

Ул чинни пиёла – сизга пардадир,
Кўзингиз қайда-ю, шароб қайдадир.

Ғозлар учун денгиз жаннатдай сўлим,
Қузғунларга эса, денгиз бу ўлим,

Заҳар илон учун озик, яъни, нон,
Бошқаларга эса кушандаи жон.

Ҳар қандайин неъмат, ҳар қандай заҳмат,
Ким учун жаҳаннам, ким учун жаннат.

Демак, ҳар нарсада озик, заҳар бор,

Аммо, сиз, у нима, билмайсиз зинҳор.

Ҳар бадан пиёла, косага ўхшар,
Унда озик бор ҳам дил ўртар захар.

Пиёла кимга не раво кўргуси,
Уни тортиб кўрган, ичган билгуси.

Сиз кўрган, ўйлаган ҳаёт бошқадир,
Мен севган, куйлаган ҳаёт бошқадир...

*Туркчадан Мирозиз Аъзим
таржимаси*

КЕЗАРГОН БОЙЧЕЧАК

Қисса

Қутлуғ кеча

Шайланувлар охирига етди-ю, қалам тебранишга тушиб, ажабтовурдан-ажабтовур бу воқеа, кўхна ривоятда қандай башорат қилинган бўлса, худди ўшандай тарзда бошланди...

– Қаддингни кўтар, Бойчечак! Совуқларнинг қаҳрли башарасидан кўркма!

– Сен ҳар қандай изғиринни енгилга қодирсан. Кучингга астойдил ишонсанг бас.

– Кўзғал, Бойчечак, кўзғал! Бошига оғир кун тушган Наврўзойни биргина сен қутқара оласан, сен!

Бойчечак бири ёмғирларникидек пичирлоқ, бири эпкиларникидек майин, бири ирмоқларникидек тортимли товушлар қаёқдан келаётганини билолмай хайрон эди. Балки, униб чиқишга интиқ турган ўт-ўланларнинг томирчалари ер остида ғимирлаб, ўтинчли шивирлашаётгандир. Балки, дарахтларнинг қоқшол шохлари булдуруқдан қақшаган ёш хивичлар қисматидан хавотирланиб, эзгин илтижо қилишаётгандир. Ё бўлмаса, тезроқ капалакка айланиб, чечакдан чечакка сакраб ўйноқлашни орзулаётган уруғчалар қарағай пўстлоғи қатидаги ғумақларнинг ичида туриб, ялиниб-ёлворишяптимиқан?

Бу овозлардан уйғониб кетмаганида, Бойчечак ҳали ҳам тинчгина туш кўриб ётган бўлармиди. Жуда ширин туш кўраётувди – оппоқдан-оппоқ кўйлак, яшилдан-яшил нимча кийиб, бошига мовийдан-мовий рўмол ўраган, вужудидан камалакранг ялинлар сачраб турган мислсиз бир Гўзаллик унга кулоч ёйиб яқинлашаётган эмиш. Яқинлашаётганмиш-у, “Мен Наврўзойман, исмимни унутма. Тақдиримизга бизнинг бирга бўлишимиз битилган. Борлиқни жонлантириб, барчага ризқ улашиш учун биз бир-биримизни албатта топишимиз керак”, деб уқтирар эмиш...

Увиллоқ товуш эшитилиб, Бойчечакнинг хаёли сочилди. Олдинига, шамол яна уфуришни бошлади, деб ўйлади. Кейин кўриб билса, терскай томони олачалпак қорли дўнгчанинг устида паҳлавон бир ит юлдузлари милтиллоқ ойдан-да чароғонроқ чақнаётган осмонга суқланганича улиб турибди.

Бу итнинг оти Оқбарс бўлиб, тушунарсиз феъл-атвори билан четдан жуда қизиқ кўринарди. Бир қарасанг, тилини чапанича сангиллатиб олиб, бекордан-бекорга чопаётган, жўшқинланиб ирғишлаётган, очилиб-сочилиб юмаланаётган. Яна бир қарасанг, теваракка ўйчан тикилган, кўзлари маъюс.

Ҳозирги туришда туғени ичига сиғмаётган шоирга ўхшаб кўриняпти – самога ёниқиб-ёниқиб термилмоқда, тошиқиб-тошиқиб нола қилмоқда. Агар, дунёдаги мушукларнинг энг сулласи саналган Малламош безрайганича келиб, ҳар галгидек жиғига тегишни бошламаганида, шу туришда эрталабгача тураверган бўлармиди.

– Намунча томоғинг йиртилгудек улийсан, Оқбарис? – итнинг ғашини кўзитиш учунми, унинг отини бузиб айтди Малламош. – Бизга яна уйқи йўғакан-да, а?

Вағиллоқ товушни эшитиб, Оқбарснинг бирдан қовоғи уйилган бўлса-да, тагин бир муддат ойдан кўзини узмай турди. Сўнг, мушукка нохуш юзланиб, жеркиб берди:

– Ҳей, қанақа хайвонсан ўзи? Қачон қарама, сал нарсадан баҳона топиб, инжиқлик қилганинг-қилган.

– Ув-увлаб ухлатмаганингдан кейин, инжиқлик қиламан-да, – кўзини чақчайтирди Малламош.

– Кундузлариям ўн марта ухлаб, ўн марта уйғонганинг етмаяптими? – деб жаҳлланди Оқбарс. – Ҳеч бўлмаса, шу кутлуғ кечада ухламасанг, тукинг камайиб қолмас.

Мушукнинг тўсатдан чеҳраси очилди:

– Қанақа кутлуғ кечани айтяпсан, мулла Оқбарис? Биров текинга емиш тарқатмоқчими дейман? Бундан беҳабар қолганимни қара-я.

Оқбарснинг баттар қовоғи солиниб: “Калланг курсин сени, бу оламда овқатдан бошқа нарсалар ҳам борлигини билмасдан ўтиб кетасан шекилли”, деб ириллади.

Бугун қишнинг охириги кечаси эди. Одамлар бу кечани қадим-қадимдан Ойтуғди деб келишади. Ойтуғди онанинг дуоси туфайли кезаргон бўлиб яраладиган энг кечки, энг охириги Бойчечак айнан шу тунда униб чиқади. У бошқа шерикларидан ўта ўткир, ўта ёқимли ис таратиши билан ажралиб туради. Томири жуда нозик бўлгани учун озгина шабада тегса ҳам тупроқдан кўчиб, у жойдан бу жойга сакраб-сакраб учишга тушади, қаричма-қарич олдинга интилаверади. Тушида кўрган севгилисини излаб тинимсиз кезиб юравериши боис, уни “кезаргон Бойчечак” дейишади.

Айтишларича, бу тун тугаб, Ой ўз ўрнини Кунга бўшатиб бераётган эрта тонг чоғида Бойчечак билан Наврўзой ниҳоят бир-бирини топади. Шарқона янги йил ана шу янги кундан бошланади. Неча-неча ўлкалар кўркам либосларда безаниб, не-не эллар байрам дастурхонини тузашга тутинади. Кўклам фаслининг биринчи тонгини эса, одамлар Кунтуғди деб атаб келишган.

Итдан бу гапларни эшитиб, мушукнинг ҳафсаласи пир бўлди:

– Иккита шўринг қурғур бир-бири билан учрашса учрашибди-да. Шугинани деб, ўпкангни чирманда қилиб турганинга ўлайми.

– Наврўз байрами нималигини биласанми ўзинг? – деб ўкрайди Оқбарс. – Ҳе, қовоқ!

– Ўзинг қовоқсан! – кўзи косасидан ситилгудек бўлиб гап қайтарди Малламош. – Қовоқ бўлмаганингда, бошни беҳудага қотирмасдан, жамики эсли-хушли жониворларга ўхшаб, тўйиб-тўйиб ухлаган бўлардинг, – сўнг сўзининг оҳангини бир оз юмшатди. – Мен сенга айтсам, бу ёруғ жаҳонда уйқудан мазалироқ нарса йўқ. Бир тасаввур қилгин-а, Оқбарисжон – илиққина кеча, қорнинг тўқ, атроф жимжит. Менинг ухлашим манави – пиш-ш, пиш-ш, пиш-ш. Ҳа пиш-ш, ҳа пиш-ш. Сенинг ухлашинг манави – қиқ-қиқ ҳр-р, қиқ-қиқ ҳр-р, ав-ав! Қиқ-қиқ ҳр-р, қиқ-қиқ ҳр-р, ав-ав! Шунақа роҳатдан кечиб, қаёқдаги Бойчечак-мойчечакларни гапириб ўтирибсан-а. Ўл-е!

– Туғилганингдан бери шунақасан, – афсуснамо бош тебратди Оқбарс. – Ҳовлидаги ковакдан ярим кун кўз узмай сичқон пойлайсан-у, ковакнинг ёнгинасидаги чечакка бирор марта қараб қўймайсан. Ҳатто чечакларнинг энг чиройлиси бўлган Бойчечакни ҳам умрингда кўрмагансан. Агар кўрганингда...

Оқбарснинг гапи чала қолди. Дўнгчадан пастга тикилганича, бир зум тарракдек қотиб турди. Пичадан кейин ўзига келиб: “Ана у! Қара, қара, кўряпсанми? Бу ўша – кезаргон Бойчечак!” – дея ирғишлаб юборди.

Малламош ит кўрсатган ёққа ўгирилиб, энгил эпкинда сапчиб-сапчиб учиб келаётган кулгичюз чечакли гиёҳни кўрди. Турхатида бирон-бир ўзгариш сезилмай, яна итга юзланди:

– Ўсимликшунос олим бўлмасам ҳам биламан, чечак деган ер юткур бир жойда ўсгучи эди. Бу дайди нимага шаталоқ отиб юрибди?

– Боя айтувдим-ку, дарров эсингдан чиқдимми? Наврўзойни қидириб кетяпти у.

Оқбарс дўнгчадан тушиб, Бойчечак сари юрди. Яқин боргач, қалби тўлқинланганидан нафас олиши тезлашиб, чечакни авайлаб ҳидлади, хушидан кетгудек бўлиб тебрланди. Тебраниши тийилмасидан: “Бу сенмисан? Кезаргон Бойчечаксан, а?” – деб сўради.

– Ҳа, Бойчечакман!

– Адашмасам, Наврўзойни излаб кетяпсан. Тўғрими?

– Тўғри, – қўнғироқчаникидек жарангли сасда жавоб қилди Бойчечак. – Биламан, Наврўзой икки кўзи тўрт бўлиб мени кутиб турибди.

Шу пайт шув-в этган овоз таралиб, этларга игна бўлиб санчилувчи совуқ ҳаво тўзғиди. Яшил япроқларида гулини шошиб ёпиб олган Бойчечакнинг қаршисида аждарсифат қора тутун пайдо бўлди. Думининг учи ўрим-ўрим сочлардек ёйилиб ҳилпираб эди.

– Кутиб турибди деб хомтама бўлма! – дея гулдирокланиб сўзлади у. – Ўша Наврўзойнинг ҳозир бировни кутадиغان аҳволда эмас. Буни мен – куч-қудратда тенги йўқ Аёззода айтяпман!

Олдиларида қартайган Қишнинг тошбағир лашкарбошиси Аёззода турганини англаб етган Оқбарс, қанчалар довюрак бўлмасин, бир лаҳза эсанкираб қолди. Бироқ, саросимага тушмади, Бойчечакни ўз гавдаси билан девордек тўсиб, уни изғириннинг музсанчар игналаридан ҳимоя қилишга тиришди.

Итнинг туришини кўриб, Аёззода қаҳ-қаҳ ота бошлади. Кулгани сайин, совуқ баттар кучайиб бораверди, яланғоч буталардан тортиб улкан дарахтларнинг танасигача чирсиллаб кетди. Бунақада суяклари чатнаб ёрилиши мумкинлигидан ҳайиққан Малламош “Вой, миёв-ей” деб қўйиб, ўзини қоқмоч бурганлар ичига урди.

Наврўзойнинг нотаниш қаллиғи

Аёззода ёлғон сўзламаганди. Наврўзой шу топда чиндан ҳам беҳушлик ҳолатига тушиб қолган, на атрофда нималар бўлаётганини сезар, на бирон-бир шовқин уни безовта қила оларди.

Наврўзой эрталаб ҳам туппа-тузук эди. Кўксаройни файзга чулғаб, кун бўйи хушчакчакланиб юрди. Ариқчадаги сувлар билан қувлашмачоқ ўйнади, тубидаги тошчаларни олиб, қизалоқларга тўптош улашишни истаётгандек, юмалоқ-юмалоқларини саралади, омборчасига кириб, ўт-ўланлар, дов-дарахтларнинг танасини, япроқларини, гулларини бўяб чиқиш учун турфа хил ранглар танлади. Кечки пайт яна майдончага қайтиб чиқиб, хилма-хил ўйинчоқлар шаклидаги булутларнинг сузишини томоша қила бошлаган маҳалда, бобоси унинг ёнига келди.

– Байрамга тиккан кийимларингни қачон киясан, қизим? – деб сўради. – Қиш бугун ярим кечадаёқ сенга тахтини бўшатиб бериш тадорикига киришади. Эртага илк саҳарда Баҳорхоннинг тимсоли бўлиб тахтга сен ўтирасан. Қолган-қутган қорларни супуришга, ерларни ёмғир билан суғоришга, табиатни бўяшга тушасан. Борлиқ сени катта шодиёна билан қарши олади.

Бобосининг гапларини эшитиб, Наврўзой энтикиб кетди. Хонасига кириб, оқ кўйлагини, яшил нимчасини, хиром маҳсисини кийди, мовий рўмолини ўради, ўзини тошойнакка солиб кўрди. Олдиларидан бир ўтиб қўймасам бўлмас деб, шу ясан-тусанда бобосининг ёнига борди, янги кийимларини кўз-кўз қилди.

– Ҳаҳ хў-ў, жудаям очилиб кетибсан-ку, қизгинам, – дея неварасига кўзи тўймай тикилди Кунтуғди ота. – Сени шу туришда кўрса, Бойчечакбек нақ анграйиб қолади ҳали.

Наврўзой ингичка қошларини чимириб, бобосига савол назари билан боқди:

– Бойчечак? Ким у?

– Қаллиғинг-да, – бамайлихотир жавоб қилди Кунтуғди ота.

– Вой, қанақасига қаллиғим бўларкан? – таажжубланди Наврўзой. – Уни умримда кўрмаганман-ку, бобо.

Кунтуғди ота ўшандай хотиржамлик билан: “Ҳали кўрасан, ёқтириб ҳам қоласан”, дея тасалли бера бошлаган эди, невараси: “Ёқтириб қолишимни қаёқдан биласиз?” – деб баттар ҳайратланди.

Бобо бу гал ҳам пинагини бузмади:

– Биламан-да. Чунки, ривоятда шундай деб ёзилган. Бойчечак икковингнинг такдилинг битта. Шунақа экан, бир нарса бахона бўлади-ю, сизлар учрашасизлар. Ана ўшанда, Бойчечак ўз-ўзидан кўзингга иссиқ кўриниб кетади. Кейин ундан айрилгинг келмай қолади.

– Етти ёт бегонадан-а?

– Ие, Ойтуғди опамнинг невараси нега бегона бўларкан?

Хонасига қайтиб бораётганида ҳам, бориб, яна тошойнакнинг олдида ўтирганида ҳам Наврўзойнинг хаёлида бир савол такрорланаверди: “Қанақа экан ўша Бойчечак?”

Бойчечак кўз ўнгида турли қиёфаларда гавдалана бошлади. Шуниси қизиқки, барча қиёфалар бири биридан ёқимтой эди.

Наврўзой сочларига оро бераётганида, хонанинг торгина туйнугидан шовуллаб шамол киргандек бўлди. Шамол ўзи билан бирга болачоқалар узоқ-узоқларда куйлаётган жўшқиндан-жўшқин қўшиқнинг садосини ҳам олиб келганди.

Бойчечагим, Бойчечак,
Атир хумли гулпечак.
Яшириб қўйсин атрини,
Опқочмасдан Ўргимчак.

Бойчечагим шайлансин,
Кўчани кезиб айлансин.
Келинчаклар қанд берса,
Бағрига кириб жойлансин...

Элда Наврўзой ҳали билмаган бир удум бор – болалар бойлам-бойлам бойчечакларни мистовоққа териб, қўшиқ айтганларича, азали хонадондан ташқари, маҳалладаги ҳар бир уйга кириб чиқишади. Аёллар мистовоқдан бир бойлам гул олиб, ўрнига туршак, ёнғоқ, қанд-курс ташлайверадилар. “Бойчечакчи”лар топганини ўртада тақсимлаб ейишади.

Наврўзойнинг бор қўргиликлари айнан шу палладан – совуққина шамол туйнукдан шув-в этиб кириб келишидан бошланди. У ўз танасида ғалати бир жунжукишни ҳис этаётганида, аждарсимон қора тутун пайдо бўлиб, кўмирранг кўзларини унга лўққайтирди. Учи тўзик думини тагига йиғиб олгач: “Ҳа, жинқарчахон, тахтга ўтиргилари кепқолдимми?” – деб гувранди.

Наврўзой юрагини босиб олиб, сиполик билан деди:

– Эшитишимча, Қиш жаноблари менга тахтни ўз ихтиёрлари билан бўшатаётган эмиш.

– Мияси айниб қолган ўша қария нималарни ўйлаши менга бир пул! – деб ғўдайди сумбати совуқ қора булут. – Қалласи жойида бўлса, тайёр тахтдан воз кечармиди? У тахтдан кетса, бизга ўхшаганлар ҳам амалидан маҳрум бўлади. Шахсан мен бунга йўл қўйиб бўпман. Охирги аскарим қолгунча жанг қиламан! Буни мен – найзабоз изғиринлар лашкарбошиси Аёззода айтпман!

Бу пўписаларнинг остида не мақсад ётганини тушуниб етган бўлса-да, тепадан учиб тушаётган тошни орқага қайтаришга уринишдан нима фойда, деб ўйлаган Наврўзой Аёззодага кўзини жовдиратиб боқди:

– Азалдан белгилаб қўйилган муддат битганидан кейин, фасллар саройида ўз-ўзидан ўзгаришлар бўлиб туриши барчага аён-ку. Шундай экан, бу ўжарлигингиздан қандай наф бор? Бўлмасдан қолмайдиган ишга қарши чора топиш мумкинми?

Аёззода оғзининг четида тиржайди:

– Чора йўқлигини тан олиш – лапашанглик. Иложи йўқ, тартиб шунақа деб ўтирмасдан, доим дангал ҳаракат қилиш керак.

Гапни тугатибоқ, Аёззода ўша дангал ҳаракатни амалда кўрсатишга киришди. Унинг кўзлари шишаётган пуфакдек олайиб боргани сайин, совуқ ҳам зўраяверди. Наврўзой олдинга титрашга тушди, сўнг этлари бўшашиб, уйку босаётгандек туюлди, охири карахтланган тарзда туриб қолди. Фақат лаблари дамо-дам хиёл кимирлаб қўяр, киприк қоқишлари ўта секинлашиб кетганди.

Ишни битирган Аёззода мамнун кеканглаб, ортга қайтди. Икки ёндаги қатор-қатор хоналар оралаб кетган йўлакдан тутундек сирғалиб ўтиб, Кўксарой майдончасига чиқиб борди. Чиққан заҳоти, Кунтуғди отага дуч келди. Аввалига, Кунтуғди отанинг тафти уни буғлантириб юбориши мумкинлигидан чўчиб, шувиллаб кўздан йўқолишга чоғланди-ю, бу чол балки яхшиликча битим тузишга рози бўлар деган ўй билан узоқроқда тўхтади.

Кунтуғди ота: “Буёқда нима қилиб юрибсан, музбашара?” – дея ҳадикланиб сўраган эди, Аёззода: “Биттасини акашак қилиш зарур бўпқолувди, шу ишни қилдик”, деб бурнини кўтарди. Бундан Кунтуғди отанинг безовталиги ошди:

– Агар неварамга теккан бўлсанг...

– Бошқа кимгаям тегардим? – деб гапни илиб кетди Аёззода. – Кўркманг, вақтинчага карахт кипқўйдим холос. Наврўзой эртага тахтга ўтиролмаса, қарабсизки, мўйсафид Қиш ҳам ўз ўрнида, биз ҳам ўз амалимиздамиз.

– Барибир ниятингга етолмайсан, қилвир, – қатъий боқиб сўзлади Кунтуғди ота. – Авлиёлар минг йиллар бурун айтиб қўйишибди, душманлар Наврўзойни хушсизлантирса, кезаргон Бойчечак кўмакка келади деб. Мана кўрасан, Бойчечак албатта келади. Наврўзой унинг исини сезибоқ, ҳушига қайтади.

Аёззода қитмирона қиялади:

– Бойчечак келолмаса-чи? Наврўзойни карахт қилишни уддалаган эканмиз, ўша кезаргонни музлатиб ташлашгаям кучимиз етар?

Энди бирон-бир келишувни таклиф қилиб қолар деб турган Аёззода Кунтуғди ота авзойи бузилганича яқинлашаётганини кўриб, буткул эриб кетмасидан олдин шув-в этиб ғойиб бўлди. Унинг думидан тутишга улгуролмай қолган Кунтуғди ота шошганича Кўксарой ичкарасига қараб юрди. Неварасининг хонасига кириб боргач, сесканиб тўхтади.

Наврўзой бир нуқтага тикилган куйи сопол кўғирчокдек қотиб турарди.

Маразларнинг марази ким?

Кезаргон Бойчечакни совуқдан асрашга уринаётган Оқбарснинг туришини кўриб, қаҳ-қаҳ отиб юборган Аёззода, кулгиси тийилгач, итга масхараомуз гап ташлади:

– Бир билиб кўяйлик, неччи даража совуққа чидайдилар?

– Бундан баттар совуқлардаям ўлмаганман, – деди Оқбарс.

Аёззода: “Ўлдирадиганини мана энди кўрасан-да”, деб чуччаланди ва уён-буёнига аланглаб: “Бошланглар, найзабозларим! Итниям бирёкли қилинлар, Бойчечакниям!” – деб ҳайқирди. Бирдан қорамтир тутунчалар пайдо бўлиб, совуқ ҳаводан ясалган найзаларини ўқталган асно ҳужумга ўтишди. Оқбарс ачитқи изғиринларга дош бериб, ҳали у, ҳали бу тутунча билан сўқишаётган эса-да, Бойчечак тобора сўлгинланаётгандек кўринарди. Бундан Аёззоданинг кўнгли чаманга айланди, “Баракалла, азаматларим! Икковиниям тараша кипқўйинлар!” – деб аскарларини тўхтовсиз қайраб турди.

Дам у тутунчага, дам бу тутунчага ташланавериб, силласи қуриб бўлган Оқбарс охири Бойчечакнинг устига авайлабгина бағир босиб, момик юнгли баданидаги бор ҳароратни унга беришга тиришди.

– Кўппакни четга юмалатиб ташласанглар-чи! – аскарларига ўшқирди Аёззода. – Менга ўлган ит эмас, музлаган Бойчечак керак. Кўкатваччани хазондек қовжиратинглар! Танасини толқонлаб, кулдек тўзғитиб юборинглар!

Қони сония сайин совиб, вужуди измига бўйсунмай борётган чоғда ҳам Оқбарс ўз жонидан эмас, Бойчечакни эзғилаб қўйиши мумкинлигидан хавфсираётган эди. Яна қанча чидаркинман деб турганида, бахтига Ойтуғди она келиб қолди.

Ойтуғди она бўйнидаги туморидан чарақ-чарақ нур сочиб, қорамтир тутунчаларни киши-кишлаб хайдагач, Аёззодага хўмрайиб деди:

– Ёмоннинг кучи япалокқа етибди деганлари тўғри экан. Итимда нима ўчинг бор эди?

– Қизиқсиз-а, Ойтуғди она, – деб қалбаки ройишланди Аёззода. – Мен кимман-у, ит ким, унда қанақа қасдим бўлиши мумкин?

– Бўлмаса, нимага қийнаётувдинг?

– Қийнаб ўлибманми, неччи даража совуққа чидашимни билиб беринглар деб, ит ўзи илтимос қипқолди. Йўқ дейишга бетим чидамади.

Аёззода Ойтуғди онага хануз димоғдорлик билан боқиб тураркан, бемахалда қаёққа кетаётганини суриштирди. Бойчечакни излаб юрганини эшитиб, бунақа ўсимликлар атрофда кўплиги, қидириб юришнинг ҳожати йўқлигини уктиришга тушган эди, Ойтуғди она сўзини бўлди:

– Биласан, жамики Бойчечаклар менга неvara бўлади. Мен бугунги тунда ҳаммасидан кейин униб чиқадиган кезаргон Бойчечакни ахтаряпман.

– Ие, Бойчечакнинг кезаргониям бўларкан-да? – ёлғон гапираётиб заррача қизариб қўймади Аёззода. – Қани, онахонга йўл бўшатинглар, аскарларим. Бориб, тезроқ ўша неварасини топсин.

Ойтуғди она юришга шайланганида, қорамтир тутунчаларнинг хужуми тўхтагани боис баданига сал илиқлик югурган Оқбарс, сўйланишга қурби етмаганидан, зорланган оҳангда ингиллади. Итининг нимадир демоқчи бўлаётганини пайқаган Ойтуғди она яна тўхталиб қолди. Буни кўриб, Аёззода безиллаб типирчилади.

– Анқаймасдан, ишни давом эттирсанглар-чи! – деб аскарларини қистовга олди у. – Ана, шўрлик ит синовни тўхтатганимиздан нолияпти. Камбағални яхшилаб синанглар.

Қорамтир тутунчалар совуқ найзаларини олдинга ўқтала бошлаганларида, Оқбарс бор кучи билан кўзғалиб, ёнга ағдарилди. Ғужанакланиб олган Бойчечак секингина қаддини кўтарди-ю, Ойтуғди онани кўриб, қувониб кетди:

– Буви! Бувижон!

– Таниди, – дея мамнун жилмайди Ойтуғди она. – Кезаргон Бойчечак шунақа, шерикларидан бўлакча. Ҳамма яқинларини тушида кўриб, олдиндан таниб олади.

Ойтуғди она Бойчечакни ердан кўтариб, авайлабгина кўксига босди. Бу вақтда анча ўзига келиб қолган Оқбарс, Аёззода томонга ишора қилиб, хаста овозда деди:

– Анави қораялоқ Бойчечакни музлатиб ўлдирмоқчи бўлди.

Ойтуғди онанинг бирдан ғазаби қайнади. Аёззодага жирканиб кўз қадади. Эндигина сўзга оғиз жуфтлаганида, Аёззода безланиб туриб, ўзи гап бошлади:

– Бўйнимга оламан, дунёдаги маразларнинг маразиман. Шунақа туғилган бўлсам, нима қилай? Кезаргон Бойчечакни йўқотишим керак эди, шунга уриниб кўрдим.

Ойтуғди онанинг ғазаби нафратга айланди:

– Неварамнинг нима зиёни тегувди сенга, яшшамагур?

Аёззода тахтни Наврўзой эгаллашига қарши эканини яшириб ўтирмади. Наврўзойни аллақачон қарахт қилиб қўйганлигини билдириб, энди уни ўзига келтириши мумкин бўлган Бойчечакни ҳам зарарсизлантиришга мажбурлигини айтди.

– Мажбур бўлсанг, мажбурлигингча юравер, – деди Ойтуғди она. – Бундан берисига неварамга яқинлашиб бўлсан.

Ойтуғди она шундай дея бўйнидаги туморни бир чарақлатиб қўйган эди, Аёззодаю қорамтир тутунчалар чақиндан қамашган кўзларини қора буғдек эшилаётган кафтлари билан тўсишди. Аёззода ўзини ўнглаб: “Бу туморда ёруғлик бор-у, тафт йўқ, шу сабабли ундан кўркмайман”, деб керилган эди, Ойтуғди она захарханда кулимсираб қўйиб: “Кўркқанингдан тийилиб турибсан-да. Бу тумор куйдирмаса ҳам, кўзингни кўр қила олишини жуда яхши биласан”, деди.

– Нима бўлгандаям, олдиндан огоҳлантириб қўяй, – деб девланди Аёззода. – Агар кезаргон Бойчечак уйингиздан бир қадам ташқарига чиқса, уёғига жим туролмайман. Буни мен – доимо гапи гап бўлиб келган Аёззода айтяпман!

Бойчечак: “Шу бакирокни кўр кипқўяқолинг, буви. Мен барибир жойимдан жилмасдан ўтиролмайман, Наврўзойни топиб, ҳушига келтиришим керак”, дея ялинишни бошлаган эди, Ойтуғди она: “Аввал уйга борайлик-чи, кейини бир гап бўлар”, деб йўлга тушди. Оқбарс ортидан эргашди.

Малламош бурганлар орасидан секингина эмаклаб чиқиб, оёқни қўлга олиб қочмоқчи бўлганида, уни кўриб қолган Аёззода шувиллаб бориб, олдини тўсди. Қорамтир тутунчалар мушукни зумда қуршаб олишди, совуқ найзалари билан биқинига бир-икки нуқиб қўйишди.

Аёззода шунчаки “пуф” деган эди, мушукнинг танасига санчиқ кириб, бир муддат кулчаланиб турди.

– Қаёққа эмаклаётувдинг, чалайўлбарс? – деб сўради Аёззода.

Гап тўқишга миттилигиданоқ уста бўлган Малламош оч қолиб, сичқон овлаётганини айтди. Ҳеч кими йўқ етимча эканлиги, ташландиқ ва қаровсизлиги, қирқ кундан буён туз тотмаганини ҳам қистириб ўтиб, турганларнинг раҳмини келтиришга уринди.

– Ёввойи мушукман деб мени лақиллатмоқчи бўляпсанми, туллаки? – дея аччиғланди Аёззода. – Ёввойи мушукларнинг бадани чандиққа тўла бўлади. Сендақа ювиниб-тараниб юришмайди.

Ҳозир гапни лойқалаштириб ўтирадиган вазият эмаслигини англаган Малламош: “Ҳа, охири меням қўлга ўргатишди”, деб мунғайди. Аёззода бу ўрамда Ойтуғди онадан бошқа ҳеч ким яшамаслигини назарда тутиб, пичинг қилди:

– Ойтуғди онанинг қўлини ялаб кун кўраман дегин?

– Буниям тўғри топдингиз, жаноб Аёззода, – минғирлади Малламош. – Каллангизда ўн беш қоп мия борми дейман?

– Мени мақташга уриниб, яхши иш қилдинг, – деди Аёззода. – Лекин, ўн афсус, юз афсус, минг афсуски, сени тирик қўйиб юборолмайман.

Малламошнинг кўзи қайнаб, айби нимада эканлигини сўраган эди, Аёззода: “Айбинг шуки, душманларимга қарашлисан”, деди ва аскарларига юзланиб, маънодор ишора қилди. Қорамтир тутунчалар мушукнинг устига ёпирилишди. Мушук жон ҳалпида қаёнга сакрамасин, қорамтир тутунчалар ўша ёқда пайдо бўлиб, совуқ найзаларини беаёв санчийверишди.

– Вағ-ғ, вағ-ғ! Войдод! – борликни бошига кўтариб айюҳаннос солди Малламош. – Жаноб Аёззода, шафқат қилинг! Бир ғарибга нимага раҳмингиз келмаяпти? Ҳаммага ўхшаб, мен ҳам бу дунёда бир марта яшайман. Ўн гулимдан бир гулим очилмай туриб, ҳаром ўлиб кетавераманми? Баҳор келяпти, ҳеч бўлмаса, яна бир марта уйланиб кўрай, меням орқамда бола-чақа қолсин. Ўтини сўрайман, ўлдирманг мени. Қулингиз бўлай, акагинам!

Аёззода ўнг қўлини юқори кўтарди. Қорамтир тутунчалар шу дақиқадаёқ ҳаракатдан тўхташди.

– Охирги гапингни яна бир қайтар-чи, – дея мушукка яқинлашди Аёззода.

Малламош: “Жон аччиғида айтганларимнинг қайси бири эса қоларди”, дея дилдираб йиғламсираган эди, Аёззоданинг: “Балки тузукроқ жик-жик қилсак, ёдингга тушар”, деганини эшитиб, мўйлови титради, “Менимча, қулингиз бўлай девордим-ов”, деб кўзини мўлтиратди.

– Шу сўзларинг рост бўлса, менга тиригингча кераксан, – деди Аёззода.

– Бошинга қилич келсаям фақат рост гапир, деб ота-онам ҳар куни тайинлайди, – боя етимлигини пеш қилганини унутиб, аравани қуруқ олиб қочди мушук. – Шу вақтгача бир томчи ёлғон ишлатмаганман, бизбоп хизмат-пизмат бўлса, тортинмай айтаверинг.

Аёззода четга боқиб: “Ҳў, ғилдираккўз! Қаёқдасан?” – деб қичқирган эди, бир Укки учиб келиб, ёнидаги бутага қўнди.

– Салгина “кув-в” деб қўйсанг бас, шу ғилдираккўз аллақачон ёнингда турган бўлади, – мушукка хизмат-пизматни юклашга киришди Аёззода. – Кезаргон Бойчечак уйдан чиқди дегунча, Укки орқали менга хабар етказасан. Агар панд берсанг, денгизнинг тубида бўлсанг ҳам топиб, мушукка ўхшаган музқаймоққа айлантираман сени.

– Бунақа совуқ гапларнинг нима кераги бор? – зардаланди Малламош. – Қулингизман деганимдан кейин, бўлди-да. Ҳали у шубҳани, ҳали бу шубҳани рўкач қилиб кўрқитаверасизми? Аёззода мулойим тортиди:

– Бошқа томониниям айтиб қўяй, топшириғимни қойиллатсанг, мўмайгина мукофот оласан. Малламошнинг юраги потирлаб, мукофотнинг қанақа эканлигини суриштирди. Аёззода: “Нималигини олдиндан билсанг, қизиғи қолмайди”, дея унинг белини сийпалади. Совуқ қўл тегиши биланок баданига муз оралаган мушук сир бой бермай, ликиллаб ялтоқланди. Эркалатишларини жуда яхши кўрарди, нима мақсадда эркалатишаётгани уни қизиқтирмасди.

Тайини йўқ мукофот

Кезаргон Бойчечак уйга келганидан бери тикилинч қилиб чарчамаётганди. Ойтуғди онанинг: “Шошмасанг-чи, сени бу ердан қандай яширинча олиб чиқишни ўйлаяпман”, деган сўзларини эшитгиси келмасди.

– Ҳозир ўйланиб ўтирадиган вақтми, буви, – деб тошиқар эди. – Наврўзойни тезроқ топмасам, кейин кеч бўлади.

– Кўрқма, кеч қолмаймиз, – дея неварасини тинчлантиришга уринарди Ойтуғди она. – Юзлаб йиллардан буён Кунтуғди укам билан вақтида учрашиб юрган бўлсам-у, бу сафар кечикар эканманми? Буёқдан сени етаклаб мен бораман, уёқдан Наврўзойни бошлаб Кунтуғди укам келади. Тун билан куннинг қизил чегарасида албатта юз кўришамиз. Бирпас ҳовлиқмай тургин.

– Айтаверасиз-да, буви. Бу гал иш анча чигал, кўнглим бир чатокликни сезиб турибди.

– Элбурутдан ёмон ният қилма. Аёззоданинг биринчи бетамизлиги эмас бу, илгариям шунақа қилғиликлар қиптурган. Барибир қўлидан ҳеч нима келмайди, илиқ ҳаволарнинг йўлини тўсаман деб, ўзи балога учрайди.

Бувиси таскин беришга нечоғли тиришмасин, Бойчечакнинг хуноби ошиб борверди. Охири юраги сиқилганича жойидан кўзғалди:

– Йўқ, буви, сизнинг оёғингизга қараб юришга сабрим чидамайди. Оқбарсни минаман-у, ҳозироқ йўлга тушаман.

– Аёззода худди шуни пойлаб турибди.

– Аёззодадан кўрқмайман!

Бир бувининг, бир неваранинг оғзига аланглайвериб бўйни оғриб кетган Оқбарс, тоқати тоқ бўлиб, Ойтуғди онага юзланди:

– Аҳволни кўриб турибсиз-ку, айтганини қилмагунча неварангизнинг кўнгли жойига тушмайди. Майли, мен уни қизил чегарага тезроқ олиб борақолай, ҳовури сал босилсин. Аёззода рўпара келса, боргунингизча кўриқлаб туришга ярайман.

– Зўр гапни айтдинг! – севиниб қичқирди Бойчечак. – Кетдик, Оқбарс!

Шундай дея, бир сакраб, итнинг белига минди. Чў деган товуш янграши билан Оқбарс илондек сапчилаб, эшик сари отилди, Ойтуғди она ҳой дейишга ҳам улгурмай қолди.

Отилган ўқейдек чиқиб кетган Оқбарснинг эпкени босилмай туриб, ичкарига Малламош кириб келди. Ойтуғди онага яқинлашиб, кўзи бежоланган сиёқда: “Бу улоқчилар қаёққа йўл олишди, ё Оқбариснинг аммаси яна туғибдими?” – деб саволга тутди.

– Бойчечак тушмагур меням, Оқбарсниям хит қилворди, – деди Ойтуғди она. – Тезроқ етиб бормаса, гўё Наврўзой беҳушлигича қолиб кетармиш. Шунақаям шошқалоқ бўладими!

Малламош сузилиб бош чайқади:

– Нимасини айтасиз, ҳозирги ёшларнинг аччиғи бурнининг учида туради, бири биридан қайсар. Одоб қани? Ахлоқ қаёққа кетди?

Ойтуғди она бир хўрсиниб олиб, ўрнидан турди:

– Майли, мен ҳам борақолай бўлмаса. Тағин Аёззодага йўлиқишиб...

– Бемалол бораверинг, онахоним, – қаддини ясовулдек гўққайтирди Малламош. – Уйни пойлашни менга кўйиб беринг. Бирорта сичқон сандиғингизга кўз олайтиб кўрсин-чи!

Ойтуғди она кетгач, мушук ташқарига чиқиб, унинг узоқлашишини кутиб турди. Кейин, олдинги оёқларида оғзининг икки четини тўсиб, “кув-в, кув-в” деб овоз қилди. Чопарликка қолдирилган Укки қайрағочлар орасидан ғувиллаб учиб чиқиб, томнинг қиррасига келиб қўнди. Мушукнинг чакувини эшитибок ортга қайтди, кўп ўтмай тутунсимон аскарларини эргаштириб олган Аёззодани бошлаб келди.

– Кетишганига қанча бўлди? – совуқ пуркаб сўради Аёззода.

– Кўп бўлгани йўқ, – деди Малламош. – Жа борса, бир сичқон ейишчалик вақт ўтгандир-да.

Бу гапдан жиззакилиги кўзиган Аёззода: “Битта сичқонни қанчада еб бўласан, мешқорин?” – деб ўшқирган эди, Малламош: “Сичқон тутиб берсангиз, буни аниқ билиб олардингиз”, дея тамшанди.

Мушукнинг талтайиши Аёззодага ёқмай, қовоғини уйди. Шу кепатада туриб: “Тезда уларнинг изига туш, нима қилиб бўлсаям йўлдан чалғит. Кезаргон Бойчечак Наврўзойнинг олдига керакли муддатда етиб боролмаса, мукофотингни нақ уч бараварга ошираман”, деди. Буни эшитиб, Малламош пешанасини қирт-қирт қашлади, кўзи алағдаланди. Нималиги ҳануз тайинсизлигича қолаётган мукофотнинг уч баравари кўтарасига қанча салмоққа эга эканлигини билолмай гаранг эди.

– Ҳар ҳолда, чалароқ бўлсаям билволсак, зарар қилмасди, – деб чайналди у. – Ўша мукофотнинг ё шакли, ё таъми, ё қиммати тўғрисида қиттак шама қилиб ўтсалар деганидим.

– Айтувдим-ку, билсанг қизиғи қолмайди деб, ўзининг мужмаллигида туриб олди Аёззода.

– Унда, йўқ нарсанинг уч баравари тахминан қанақароқ бўлсайкин?

– Буни чамалаш учун мияни ачигунча ишлатишингга тўғри келади. Олдинига жаҳондаги ҳамма нарсани кўз олдинга битта-битта келтириб, кейин шулардан қайси бири сенга аталган бўлиши мумкинлиги устида бош қотирасан. Ўйлайвериб калланг ёрилай деганида, э бор-е, униси бўлмаса, буниси қўлга кирар деган тўхтамага келасан. Қўлга кириши мумкин бўлган бирон нарсанинг бир варакайига учтасига эга бўлиш уч баравар мукофот дейилади.

– Демак, бу – ё уч тоғора пишлоқ, ё уч дона ушоқ. Шунақа деса, тўғри бўладими?

– Жуда уқувсиз махлуқ экансан. Мукофот – пишлоқ дегани ҳам эмас, ушоқ дегани ҳам эмас. Чунки, фалон нарса олдим демайсан, мукофот олдим дейсан. Тўғрими?

– Тўғри-ёв!

– Мана энди зехнлаб етгандирсанки, мукофотнинг қанақа мукофот эканлигини олдиндан билишинг, кўнглинг тўлиш-тўлмаслиги ҳеч нимани ҳал қилмайди. Мукофот, бу – мукофот! Вассалом!

Мияси қатикқа айлана бошлаганини ҳис этган мушук сўррайиб туриб қолди. Мукофотни ҳансираб-ҳансираб қабул қилиш ўта мароқли, аммо жинни бўлиб қолмай десанг, то олмагунингча, у ҳақда ўйламаган маъқул экан.

Мушукни фикрлар чангалзориди адаштириб хузурланаётган Аёззода гапни яна асосий мақсадга бурди:

– Шунақа, мушуквой, кезаргон Бойчечакни Оқбарсга қўшиб бирон-бир фалокатга йўлиқтира олсанг, уч баравар мукофот қопидан юқигача сеники. Бу ишни бажаргинг келмаса, туғилганингга аттанг қилдирвораман!

– Муз-муз гапларни гапиравериб, юрагимни тушириб қўймасангиз яхшийди, – деди Малламош, ранги ўчиб. – Бизга ўхшаганлардан минг марта кучлисиз, мени қийнамай, уларни ўзингиз кесак қипқўяқолинг-да.

Ҳақиқатан ҳам бу иш Аёззода учун чўт эмасди, фақат бундай қилишни истамаётганди. Сабаби, ортдан етиб келган Ойтуғди она Бойчечак билан Оқбарсни музлаб ётган ҳолда кўрса, бу Аёззоданинг иши эканлигини тезда фаҳмлайди, ўч олмай қўймайди. Улар ўзлари қандайдир ишқалликка йўлиқишса, бу бошқа масала, Аёззода оппоқлигича қолаверади. Бировни айблаш учун далил керак, Ойтуғди онанинг шубҳаси эса далил бўлолмайди.

Аёззода буни мушукка ижикилаб ўтирмай: “Тагини кавламасдан, айтганимни индамай қилишни ўрган”, деб ўдағайлади.

– Оббо, – деб афтини бужмайтирди Малламош. – Оқбарис ниятимни сезиб қолмасин-да, ишқилиб. Сезса, ўша жойнинг ўзида аталамни чиқаради.

– Ваҳима қилма, – деди Аёззода. – Ҳаммаси жойида бўлади. Буни мен – сендақанги аблахларнинг қўлидан нималар келишини яхши билган Аёззода айтяпман!

Аёззода гапини қилдирмасдан қўймаслигини англаган Малламош тақдирга тан берди. Янги эгасига боқиб: “Унақа бўлса, мени тўғри ботқоқ томонга учуриб боринг. Уларни ўша жойда кутволиб, ўша жойда гумдон қиламан”, деди.

Шундай дея, бир ирғиб, Аёззоданинг белидаги тасмага ўткир тирноқларини ботирди. Аёззода шув-в этиб жойидан қўзғалди, тасмасида саланглаб турган мушук билан бирга ҳавога кўтарилди. Тутунчалар аскарлик тузигидаги қоидага бўйсуниб, қаёққалигини суриштириб ўтирмасдан, лашкарбоши йўналган ёққа қараб силжишди.

Осмоннинг қорамтир тусга кирган қисмини ёмон мақсадлар қоплаб олганга ўхшарди.

Кўзи ожиз етакчи

Ривоятда қандай битилган бўлса, сўзсиз худди ўшандай бўлади. Айтилмаларнинг хатодан холилиги неча замонлардан буён турмушда исботини топиб келяпти.

Фасллар ривояти ўзгарувчанликка мойил ҳис-туйғуларнинг эмас, асосга таянувчи ақл-идрокнинг маҳсули. Унда айтилган эканми, демак Ойтуғди она билан Кунтуғди ота, Бойчечак билан Наврўзой белгиланган кун, белгиланган фурсатда учрашмасдан қолмайди. Йилма-йил шундай бўлиб келган, бугун яна шундай бўлади, келгусида ҳам шундай бўлаверади. Буни ўзгартира оладиган куч ер сатҳида йўқ. Ўзгартириш зарурати туғилса, бу ишни шундай тартибни жорий этган фазовий Қудратнинг ўзигина амалга оширишга қодир.

Кунтуғди ота қарахтланган Наврўзойга йўл-йўлакай шу янглиғ ҳикматларни сўзлаб келар, зора эшитаётган бўлса деб умид қиларди. Ахир, етакласа, имиллаб бўлса-да одимляпти-ку. Шундай экан, нега энди элас-элас эшитмасин? Агар эшитаётган бўлса, Бойчечак тўғрисидаги сўзларни тинглаганда, ичи яшнаб-яшнаб кетаётгандир?

– Бу қанақаси бўлди, бу? Ернинг тағидаям тинч қўйишмайди-я!

Қулоғига ортдан товуш чалинди-ю, Кунтуғди ота Наврўзойнинг қўлтиғидан буриб, ўша ёққа ўгирилди. Чап қўлида ҳасса ушлаб олган Кўркаламуш ер остидаги уясида чикиб, кавакнинг четида уён-буён аланглаб турганини кўрди.

– Уйимнинг томида гупир-гупир қилаётган ким ўзи? – қуруқ дўқни давом эттирди Кўркаламуш. – Бизга ўхшаганларга кун борми?

Кунтуғди отанинг юзига самимийлик ёйилиб, кексайиброқ қолган жониворга илтифот билан муомала қилди:

– Яхши юрибдиларми, тақсир? Бу менман, Кунтуғди отаман.

Кўркаламушнинг чехраси чароғонланиб: “Ие-ие, ўзларимилар? Хуш кўрдик, Кунтуғди ота, хуш кўрдик. Танамга тафтингиз текканидаёқ, сизга йўликқанимни фаҳмлашим керак эди мен лодон. Табаррук зот билан учрашиш насиб этган экан, бир кўришиб кўяйлик”, дея иккала кафтини олдинга чўзиб ўрмалаганича уларнинг ёнидан ўтиб кетди. Бориб, нарироқдаги чуқурчага ағанади.

Кунтуғди ота Наврўзойни эҳтиётлик билан яна ортга буриб, Кўркаламушга қандай кўмаклашишни билмай турганида, у тезда оёққа қалқди-ю: “Сезгисига ортиқча бино қўйиб, ҳассани ишлатмаганнинг жазоси мана шу”, дея чуқурдан чаққон чиқиб келди.

– Мен буёқдаман, тақсир, – Кўркаламушнинг шу ёшда ҳам тетиклигига ҳавас-ла боқиб овоз қилди Кунтуғди ота. – Мана, тўғрингизда турибман.

Кўркаламуш: “Э, кадамларига ҳасанот”, деб, ҳассасида ерни чўкилай-чўкилай, уларга яқинлашди. Ҳассасини олдин Наврўзойнинг, сўнг Кунтуғди отанинг оёқларига уриб кўриб: “Кунтуғди ота битта бўлса керак деб юрардим, иккита экансизлар-да, а?” – дея сайроқиланди.

Кунтуғди ота мийиғида кулимсираб деди:

– Мен ҳалиям биттаман. Ёнимда неварам Наврўзой ҳам бор.

– Ёлғиз келмаганингиз янаям соз бўпти, – жойида типирчилаб бидирлади Кўркаламуш. – Қани, ичкарига кирайлик. Бултурги маккалардан анчагина бор. Бурноқ йилгисини яқинда еб тугатдим. Уёғини сўрасангиз, азиз меҳмонларга атаб, тоза буғдойдан ҳам босиб қўйганман.

– Раҳмат, тақсир. Ҳозир сал-пал шошиб турувдик.

– Унақа бўлса, қаёққа шошилаётганларини билиб қолайлик.

Кунтуғди ота қаёққа кетишаётганини айтгач, Кўркаламуш Наврўзойнинг нега жим тургани билан кизиқиб: “Суваракдан тортиб Типратиконгача бизга биринчи бўлиб салом берарди, неварангиз ҳалиям индамаётганига ҳайрон бўпқолдим-да. Ё оғзида қанд борми? Биз ҳам биттасини татиб кўрайлик бўлмаса”, деб ўнг қўлини олдинга чўзди. Кунтуғди ота невараси гапиролмай қолгани, душманлар уни ярим беҳуш қилиб қўйганини билдирди.

– Ҳе атта-а-нг, ҳе атта-а-нг, – деб қўлини пастга туширди Кўркаламуш. – Йўқ қандга қўл чўзиб, шарманда бўлдим-ку. Буни бировга айтиб юрманг, Кунтуғди ота.

Кунтуғди ота тағин кулимсиради.

Кўркаламуш энди Наврўзойга ачинишга тушди, уни совуқ нафасида карахтлантириб қўйган Аёззодани бўралаб қарғади. Кунтуғди ота қаттиқ қаршилиқ кўрсатишига қарамай, бу қинғир-қийшиқ яндамаликларда қийналиб қолишларинг мумкин, сизларни ўзим бошлаб бормасам бўлмайди, деб туриб олди. Ҳассасини тикиллатиб, олдинда йўрғалашга тутинди. Пича юришгач, ёмғирлар қўлмакланишидан намиққан бўкак пастқамликдаги мажнунтолсимон қирчинлардан бирига дуч келиб, уни ҳассасида уриб-уриб кўрди ва: “Хўш! Хўш деяпман!” – деб дағдаға қилди.

– Олдингизда қирчин турибди, тақсир, – деди Кунтуғди ота.

– Ие, шунақами? – асло хижолат тортмасдан ёнроққа бурилди Кўркаламуш. – Бу қирчин деганиям сигирнинг туёғига ўхшаб кетаркан. Майли, айланиб ўтақоламиз.

Кўркаламуш йўл босаётиб, тинимсиз жавраниб борди. Ёшлигида бир Юмронқозикхон сизни яхши кўраман деб юриб, омборидаги ҳамма донни еб қочгани қолмади, даладаги уватга ташлаб кетилган синиқ тандирни эшак билан адаштириб, мени ҳам бир миндирсангиз-чи дея ялингани қолмади, ўз уясини янглиштириб, қўшнисининг уйига кириб боргани, билмасдан қизларининг қаторига ётиб олгани қолмади, ҳиринглаб-ҳиринглаб сўзлайверди. Сўнг, жиддийроқ масалага ўтиб, тошга хат битиш русумга кира бошлаган замонларда бу чек-чегарасиз ерлар биргина Кўркаламушларга қарашли бўлгани, кейинчалик ўзга бурундорроқ жонзотлар ҳам бир-бир

макон қуриб, уларнинг наслини бузгани, шу тўғрида бўйи тенги китоб ёзишни ўйлаб юрганлигини баён қила кетди.

Кунтуғди ота қанча олға юрса, қоронғилик ундан шунча чекиниб бораётганди. Кимлардандир олдинроқда одимлашни ўзига хос бир мансаб деб билувчи Кўркаламушга эса ёруғ билан қоронғунинг фарқи йўқдек эди.

– Кўзи очикларнинг гапига қараганда, одамлар учун эртага сумалак базми бошланаркан-да, а? – йўлдошининг диққатини қайтадан ўзига жалб этиб, суҳбатни бўлак ўзанга бурди Кўркаламуш. – Сумалак нима ўзи?

Ивитилган буғдойни шу ерлик кишилар қадимда сума дейишаркан. Сума солиб пиширилган таом, яъни сумалиқ бора-бора сумалак бўлиб кетган экан. Гапни таг-туғигача билиб олган Кўркаламуш: “Одамзот деганиям таъби ўртамиёна жонлиқ-да. Тап-тайёр буғдойни ивйтиб нима қилади, қозонга солиб аталашнинг нима кераги бор, ўзини карсиллатиб-карсиллатиб еса, ана мазза-ю мана мазза”, деган эди, Кунтуғди ота: “Сизники тўғрими, уларники тўғрими билмадим, аммо-лекин бу гапларингизни одамларга чикитиб қўяман”, деб тегишқоқлик қилди.

– Одамларга яна бир нарсани шипшитиб қўйинг, отахон, – деди Кўркаламуш. – Ўша сумалақдан бизгаям эҳсон-пەҳсон қиптуришса, чакки бўлмасди.

– Бўпти, бунияам айтаман.

– Тамагирлик қияпти деб ўйламанг тагин. Бу шунчаки қизиқувчанлик-да.

Ўзини оқлаш учун эмас, тўғриси гапирди шекилли Кўркаламуш. Ахир, совуқ ўлкада яшайдиганлар иссиқ юртларда эчки ҳам емай ётадиган бодрингни умрида бир кавшаб кўргиси келади-ку.

Кўркаламуш Наврўз байрамини бор-йўғи сумалак базмидан иборат маросим деб тасаввур қилаётганидан Кунтуғди ота афсусланиб кетди. Агар, ер юзига кенгроқ назар ташланса, барчани бир хил юмушга йўналтириб, бир хил мақсад атрофида жамлашда бунга тенг келадиган байрам ё топилади, ё топилмайди.

Тонг отар-отмас, ҳаракат ҳамма жойда бир хил бошланади – кундалик одат тусини олган ҳовли ва кўчаларни супуришдан ташқари, бу куни ариқлар, ҳовузлар тозаланиб, ювилган чиннидек қилиб қўйилади, дарахтларга шакл берилиб, боғлар хас-хазонлардан халос этилади, экинзорлар уватидаги қовжироқ ўтлар қиртишлаб ташланади, кўчатлар, гуллар экилади. Ҳатто, қабристонларга оро берилади.

Кенту қишлоқ маҳаллаларидаги базмларни, зиёфатларни, ҳофизлару машшоқлар, оқинлару лапарчилар, дорчилару кўзбўямачилар, аскиячилару қизиқчилар, пойгачилару курашчилар, хўрозвозлару беданавозлар иштирокидаги томошаларни, ярим кечада ҳам тугамайдиган ўйин-кулгиларни, бериги тонгдан нариги тонгга уланиб кетувчи сумалак солдиларни қўйиб турайлик, бу куни байрамнинг нашидаси етиб бормаган бирон-бир овлоқ жой қолмайди. Қирларда “чучмомо топди”, тоғларда “лола узар” сайллари авж олади, даштлар басма-басига варрак учираётган болақайлар билан тўлиб-тошади. Бири биридан гулдор варракларнинг ипи узилганлари чирпираганича учиб-учиб бориб, саҳроларга тушади, кумлоқларни уйғотади.

Далалардаги тантанаворликнинг шавқи бутунлай ўзгача. Жуссаси ярқирагудек ювиб-таралган Хўкизни эски удумга кўра экинзорга етаклаб киришиб, қозонимиз ёғли бўлаверсин деган умидда мугузига мой суртишади, кейин омоч кўшиб, ернинг узунасигаям, кўндалангигаям тўкқиз қадам қисмини ҳайдашади. Турганларнинг барчаси ичида тилак айтиб, ҳовучидаги уруғларни сочишади.

Бу маросим тугагач, уват бўйлаб ёйилган шолчалардаги тўшакларга бориб ўтириб, ўртадаги дастурхонни куршовга олишади. Оқсоқоллардан бири тиловат қилади. Оламдаги борлиқ эзгу истаклар баён этилиб, юзларга фотиҳа тортилади.

Ана энди, навбат “еявер-ичавер”га келади. Дастурхонда жиқ-жиқ ноз-неъмат. Ҳар ким элга илинганини келтириб, ўртага ташлаб қўйибди: жиззали патирлар, седанали ширмонлар,

варақию қатламалар, ҳолвайтару сумалаклар, майизу қоқилар, анжир мураббосию тут шиннилари, асалу новвотлардан тортиб, қишда уйнинг шипига ипда илиб сақланадиган узум, беҳи, анор каби осилғилару, асранғи қовун-тарвузларгача бор. Оғзига солса, ўликни тирилтирадиган билқилдоқ кўкатманти терилган товоқлар қўлма-қўл айланади. Айниқса, думба ёғи қўшиб ёпилган кўксомсалар алоҳида эъзозда, кексалар уларни ейишдан олдин кўзларига суртишади. Дошқозонда пишаётган тўйпаловнинг иси димоғни ёради.

Ҳозир буларнинг барини айтиб берса, емсоқ Кўркаламуш ҳаяжондан шайтонлаб, гуппа ағдарилиши ҳеч гапмас.

Наврўзой қисқа-қисқа қадам ташлаганича ҳануз жимгина келар, гоҳо қоқиниб кетса, қўлтиғидан маҳкам тутиб олган бобоси уни яна мувозанатга солиб қўярди.

Олдинда ўрмалаётган Кўркаламушнинг ҳассасидан таралаётган “тикир-тикир”лар ҳам, оғзидан ёғилаётган “бидир-бидир”лар ҳам жимжитлик қўйнида ўзгача бир оҳанг касб этаётганди. Гўё кимдир: “Сен сўзлашдан тўхтаганинг заҳоти оламни сув босади”, деган-у, у жаҳонни фалокатдан асраб қолишга астойдил уринаётгандек эди.

Теварақда йилтиллаб-йилтиллаб кўринаётган тиллақўнғизлардан бири тумшуғининг ёнгинасидан визиллаб учиб ўтди-ю, Кўркаламуш кулоғини диккайтириб, жойида тўхталди. Сўнг олға юришда давом этаркан, ўзича тусмолланди:

– Биронта ғилайроқ овчи чалама-чакки камон отдими дейман-да. Ўқи гўнғиллаганича келиб, бурунгинамга тегай-тегай деб ўтди-я. Бай-бай-бай!

Эшакда нега дум бор?

– Қаёққа кетяпмиз, дадажон?

– Энди изғиринлар тиниб, илиқ эпкилар эсади. Янги кун бошланишини бир кўриб олгин деб, сени атайлаб сайрга олиб чиқдим-да, ўғлим. Наврўзойнинг кириб келаётганини томоша қилиб туриш ҳаммагаям насиб этавермайди.

Хўтик отасининг биқинига эркаланиб бош ишқади:

– Наврўзой деганингиз қанақа ўзи?

– Чиройли! – лўнда қилиб таърифлади Эшак.

– Наврўзой келса, уям сизни минадими?

– Қанийди минса! Кимдир устимга миниб олганидан умримда биринчи марта суюнган бўлардим.

Одамлар тарвайиб эгарга ўтириб, “хих” дея қуймичига қамчи урса, Хўтикнинг ҳар гал отасига раҳми кела бошларди. Ойисини минишса-ку, тамоман хўрлиги кўзиб, йиғлаб юборишига озгина қоларди.

Шу одамзот дегани қанақа мавжудот бўлсайкин? Ўзларида ҳам оёқ бор, ўшанда юраверса, ўлиб қолишадими?

– Катта бўлсам, одамлар меням минишармикин? – отасига бўйин қисиб боқди Хўтик.

– Бувамни минишган, отамни минишган, мени минишяпти, – дея ўйчан жавоб қилди Эшак.

– Шундан ўзинг хулоса ясаб олавер, ўғлим.

– Миндирмасам-чи? Қассобга бериб юборишадими?

– Йўқ. Биз Буқа ёки қўй эмасмиз, бизни қассобга судрашмайди. Қайсарлик қилсак, ё сотворишади, ё ем бермай қўйишади.

Хўтикнинг саволлари қўп эди, барини айтишга улгуролмади. Шу томонга яқинлашиб келаётган Оқбарсни кўриб: “Ия, анави итни қаранг, белига гул тақиб олибди”, дея тумшуғида отасининг биқинига нуқилади.

Эшакнинг кўзи ўглиникичалик ўткир эмасди. Нимқоронғида зўриқиб боқиб: “Хў, Бўбик, сендан бир нарсани сўрасам майлими?” – деган эди, ит тўхтаб: “Бўбикмас, Оқбарсман. Нима гапинг борида?” – деди.

– Хато ўйлаётган бўлсам, кечирасан, – маданийроқ сўзлашга ҳаракат қилди Эшак. – Устингда илашиб келаётган гиёҳ, мабодо, кезаргон Бойчечак эмасми?

Оқбарс ҳайрон бўлиб: “Во, буни қаёқдан билдинг?” – деб сўраган эди, Эшак: “Бувам бир маҳаллар устига Бойчечакни миндириб олган ниҳоятда ҳайбатли итни учратган экан. Лақаби “кезаргон” бўлган ўша Бойчечак беҳуш Наврўзойни ўзига келтириб, дунёни абадий совуқдан асраб қолибди ўшанда. Бувам буни ўз кўзи билан кўрганини отамга айтган экан, отам менга айтувди”, дея ўтмишдаги гапларни тўкиб солди.

Буни эшитиб, кезаргон Бойчечакнинг хаёлида: “Бувимнинг сўзлари рост экан. Демак, Аёззода Наврўзойга илгариям хуруж қилган-у, қайсидир аждодим уни кутқариб қолган”, деган фикр кечган бўлса, Оқбарс: “Ота-буваларим эскитдан шунақа қахрамонлик кўрсатиб келишган экан-да”, деб ўйлаб, мағрурланиб кетди.

Эшак Оқбарсга болалик хотираларини сўзлаб бераётган паллада Хўтик ғалати бир манзаранинг гувоҳи бўлди. Тепадан тўп-тўп қора тутунчалар ўта бошлади. Олдироқда тим қора булут учиб борар, унга тирмашиб олган қандайдир махлукнинг орқа оёқлари тўхтовсиз типирчилаб турарди. Бўрсиқмикан? Балки Суғурдир.

Хўтик уларни яхшироқ илғаб улгурмасидан, Аёззода ва аскарлар дўнглик узра сузиб ўтиб, пастга шўнғишди.

Умрида илк бор учиб кўрган Малламош кўркувдан потирлайвериб толиқиб кетгани боис, ерга тушибок, чўзилганича ётиб олди.

– Тур! – уни ғазаблади Аёззода. – Ҳе, сўлжаймай ўл. Нима, сени дам олдиришга опкелдимми? Тур-е!

Малламош эринибгина қаддини кўтарди. Дам керишиб, дам этларини қаттиқ титратиб, танасидаги увишиқни ҳайдашга тиришди.

Аёззода: “Ана, ўша ботқоғинг. Хўш, буёғига нима қилмоқчисан?” – дея совол берган эди, Малламош: “Сизнинг совғангизга ўхшаб буям бир сир, олдиндан билсангиз, қизиғи қолмайди”, деб тиржайди. Сўнг оғзини карракдек очиб эснади.

– Ҳе, сулла! – унга еб қўйгудек бўлиб боқди Аёззода. – Шунақа ланжланиб ишнинг пачавасини чиқарсанг, ўзинг тугул, уруғингням қуритвораман. Буни мен – қуритиш бўйича бош мутахассис Аёззода айтяпман!

Аёззода мушукнинг ҳар бир қадамини четдан кузатиб туришини кўз олайтирганича таъкидлаб қўйиб, аскарларини қамишзор сари етаклади. Мушук душманларни қандай чўктираётганини мириқиб томоша қилмоқчи эди, чамаси.

Турқи совуқ хўжайиндан вақтинчага бўлса ҳам кутулгани Малламошга роҳат бағишлаб, яна ерга чўзилди. Шу ётишда қулоғига аллақандай тапир-тупурлар чалинди, дўнглик томонга эринибгина бош буриб, синчиковланиб боқди. Агар ҳозир мушукнинг ўрнида одам боласи бўлганида, ҳаво нечоғли очик, тун қанчалар тиниклигидан қатъи назар, шарпаларни ғира-шира пайқашдан нарига ўтолмас эди. Жониворлар эса тунда нарсаларни одамларга нисбатан бир неча бор аниқ, айримлари деярли кундуздагидай кўра олишади. Тим қоронғи кечада уйнинг у четидаги кавакдан бош чиқарган сичконни бу четида туриб илғай олувчи мушук дўнгликдан Оқбарс, Эшак ва Эшакча тушиб келаётганини яққол кўриб ҳам, шалпайиб ётаверди.

Отаси Наврўзойни миндиришни орзулаганини эслаган Хўтик, ёнида тойчоқланиб бораётган Оқбарсга кўзи куйиб тикилди. Бир неча дақиқа илгари бировларга минги бўлишдан ижирғанган эди, энди буни унутиб, итга янада яқинлашди ва эланчоқлик билан деди:

– Ке-е, Оқбарс, кезаргон Бойчечакни мен ҳам озгина миндириб юрай. Бўптими-и?

Оқбарс бу таклифга қарши эмаслигини билдириб, юришдан тўхтади. Хўтик унинг ёнига чўк тушди. Бойчечак бир ирғишда янги уловнинг белига кўнди.

Бойчечакдан “ўрнашиб олдингми”, деб сўраб қўйгач, Хўтик аста ўрнидан турди, кўзларида сурур учқуни яллиғланиб, олдинга кўзгалди. Отасига етиб олиб, ёнма-ён йўрғаларкан, ғурурланганича бир қиялаб кўйди. Ота ўғлининг бу ишини маъқуллагандек, салобат билан бош кимиради.

– Чў! – деб, баргида Хўтикни қамчилаган бўлди Бойчечак. – Яхшироқ ўрмала, кичкинтой.

– Биринчидан, бизга чў дейилмайди, хих дейилади, – деб чайналди Хўтик. – Иккинчидан, йиқилиб кетмагин деб, атай секин юряпман.

Малламошни биринчи бўлиб Хўтик кўрди ва: “Хай-хай-хай, анави мушукнинг ялпоқланиб ётишини қаранглар”, дея шўхчан ханда қилди. Оқбарс диққат билан боқиб: “Ие, бу Малламош-ку”, деган эди, мушук шошмасдан ўрнидан туриб, тундланди:

– Малламош энди эсингга тушдимми? Бир оғиз шипшитиб мениям бирга олиб келсанг, бурганг кўпайиб кетармиди? Орқангдан қидириб уёққа чопаман, буёққа чопаман, жонимда жон қолмади-ку.

– Шунга шунчами? – ўзини оқлаган бўлди Оқбарс. – Биз шошиб йўлга чиқдик, сен уйда йўк эдинг.

– Ҳа, майли, – дея лабини бурди мушук. – Бировларни ўртоқ деб юриб, бундан баттар қилиқлариниям кўрганмиз.

Ади-бадиларнинг чўзилаётганидан ғаши келган Бойчечак, вақиллаб туравермай тезроқ олдинга юришлари, тун билан куннинг қизил чегарасига вақтида етиб боришлари лозимлигини шерикларига яна бир бор қайтариқлади. Малламош Бойчечакнинг гапига қўшилиш билан бирга, қизил чегарага олиб борадиган энг яқин йўл чапроқда кўриниб турган қамишзордаги сўқмоқ эканлигини ҳам қистириб ўтди. Бундан қувониб кетган Бойчечак Хўтикка ўша ёққа юришни буюраётганида, Эшак: Тўхтанглар! – деб бақирди.

– Мушук ёлғон гапиряпти, – деди у. – Қамишзорнинг ичкараси ботқоқ. Домига тушсанг, оёғингдан тортишни бошлаб, қулоғингда тугатади.

– Ўзинг алдаяпсан бизни, – Эшакка давара қилди Малламош. – Боя бир подачи кўйларни ўша тарафга ҳайдаб кетди. Етакчи Серкадан сўрасам, эгамиз бизни қизил чегарага олиб кетяпти, ҳадемай байрам бошланармиш деди.

– Агар подачи ўша ёққа юрган бўлса, йўл борлиги аниқ, – одатига кўра шошқалоқланди Бойчечак. – Кетдик!

Хўтик: Дадажоним тўғри айтяпти, деб жойидан жилмади. Сўнг, бундан ўн кунча олдин билмасдан қамишзорга кириб қолгани, ботқоққа чўка бошлаганида отаси етиб келиб, думини узатгани, шу думни тишлаб балчиқдан зўрға чиқиб олганини ҳикоя қилишга тутинди.

– Авваллари эшакка думнинг нима кераги бор деб юрардим, – миттивойларга хос жикиллаб илжайди у. – Энди билсам, ботқоққа ботаётган боласини тортволишда асқотар экан. Ҳанг-ҳинг, ханг-ҳинг...

Бошқаларнинг ҳам ўз-ўзидан кулгиси қистади.

Сотқиннинг пушаймони

Ойтуғди она Оқбарснинг изини кўздан қочирмаслик учун бўйнидаги туморини ёқиб олиб, анча йўл юрди. Изларнинг бир текисда эканлиги ит ҳеч қаерда тўхтамай бораётганидан дарак берарди.

Томирларидаги кўринмас оғизчалари билан ерни кўпроқ эмишга уринаётган бутасимон ёввойи тутлар чангалзори, юзасини оқиш қасмоқ қоплаган шўрхокликлар, у ер-бу ерида майсалар чумакланиб қолган бўзтупроқ ўнқирликлардан ўтиб келган Ойтуғди она, энди

қачонлардир қоровултепа вазифасини ўтаган дўнглик сари кўтарилди бошлади. Тепага чикқач, нарёқдаги ялангликда нима ҳақидадир жувирлашиб баҳслашаётган Оқбарс, Малламош ва ота-бола Эшакларга кўзи тушди. Пастга юриб, уларга яқинлашиб бораркан, Малламошнинг бу ерда қандай пайдо бўлганидан ҳам, кезаргон Бойчечак бу гал Хўтикни миниб олганидан ҳам бирдек таажжубланди.

– Э хайрият, ана, Ойтуғди онамиз етиб келдилар, – дея эгасини шодланиб қарши олди Оқбарс. – Йўлни ўзлари яхши билдилар.

Малламош ўнғайсизланиб, теваракка эловлади.

– Йўлга чикқанимда, сен уйда қолувдинг, – деди Ойтуғди она, мушукка ҳадикли боқиб. – Буёққа қандай кепқолдинг? Ён-веримдан ўтсанг, пайқаган бўлардим.

– Энг яқин йўлларни билишда мендан ўтадигани топилмайди, – дея ўз ниятини амалга оширишга замин ҳозирлади Малламош. – Ҳозир ҳам буларга кесма сўқмоқни кўрсатсам, оёқларини тираб туришибди.

– Ботқоқда сўқмоқ нима қилади? – деб қизишди Эшак.

Ойтуғди она тортишувга ўрин йўқлиги, буёғи унча олис эмаслигини айтиб, ўзи йўл бошлаб берди.

Бари сокин кайфиятда борар, барчанинг қиёфаси хотиржам эди. Ойтуғди онанинг вақтида етиб келиши уларни муқаррар ўлимдан асраб қолганини мушукдан бўлак ҳеч ким билмасди.

Малламош Оқбарснинг ёнида тосрайиб одимлар экан: “Қорин қалай, ошна?” – деб сўради. “Ўртачадан мундоғроқ”, деган жавобни эшитиб, оғзини бир чапиллатиб олиб, вижирлашга тушди:

– Эҳ, Оқбарис, Оқбарис... Ҳозир икковимизнинг ўртамизда бир коса қаймоқ турган бўлсамиди! Менинг ялашим манави – чилип-чилип, чилип-чилип. Яна чилип-чилип, тагин чилип-чилип. Уёғидан чилип-чилип, буёғидан чилип-чилип. Сенинг ялашинг манави – шап-шап-шап, шап-шап-шап. Шапира-шупур, шапира-шупур, шапира-шупур...

Оқбарс кетма-кет сўлак ютиб: “Э, бўлди-е”, деди-ю, қадамини тезлатиб, мушукдан нари кетди.

Йўл юрганлари сайин, Малламошнинг безовталиги ошаверди. Охири, шерикларидан орқароқда қолиб, ўзини панага уриш учун четга бурилаётганида, сезгир Оқбарс ўгрилиб боқиб: Ҳа, тинчликми? – деб сўради. Малламош ерга таппа ўтириб, олдинги панжасини оғзида кук-кухларкан: “Билмасдан кўзтикони эволибман. Бораверинглар, етиб оламан”, деди.

Оқбарс яна олдинга юрган чоғда Хўтик унга яқинлашиб: “Ўйлаб қарасам, боягинда шу мушукни кўрган эканман, буёққа қора булутга осилиб учиб келди”, дея шунчаки гурунглашган бўлди. Оқбарс эса: “Қанақа булут?” – деб, қулоғини динг қилди.

– Эртақдаги аждарҳога ўхшаган булут, – деди Хўтик, ваҳималироқ оҳангга ўтиб. – Малламош деганларинг унга тирмашиб олганиди. Ҳозир сенга гапираётганда кўзи қандай ялтиллаган бўлса, ўшандаям шундай ялтиллаб туривди.

– Аждарҳога ўхшаган булут Аёззода-ку, – хушёр тортди Оқбарс. – Гапинг ростми? Адашмаяпсанми?

– Кўрганимни айтяпман-да, – деб кўзини гилдиратди Хўтик.

Кезаргон Бойчечак Хўтиkning устида туриб, Оқбарснинг гумонларига лоқайд муносабат билдирди:

– Етарли дастагинг бўлмаса, бировни шошиб айбдор қилмаган яхши. Балки ўша мушукнинг нияти бузукроқдир, балки бизни атайлаб ботқоққа бошламоқчи бўлгандир. Ҳамма иш ўтди-кетди, энди бизга ҳеч ким тўғаноқ бўлолмайди. Бувим айтяпти-ку, буёғи яқин қолди деб... Айтгандай, қани ўзи ўша Малламош?

Малламош бу пайтда Аёззоданинг бири биридан кўрқинчли жазоларни пеш қилиб тутаётганидан васвасага тушган куйи қалтираб турарди.

– Сендақаларни олтига бўлиб, олтита дарёга оқизвориш керак, – деб дўкни кучайтирди Аёззода. – Анқов! Лалов! Хомсемиз! Шу осонгина ишни эпполмай ўтирибсан-а. Ўн лаънат, юз лаънат, минг лаънат сенга! Тезда чуқур кавла! Кавла дедим!

– Чуқурни нима қиласиз? – елка қисиб сўради Малламош.

Аёззода кўзини бақрайтирди:

– Сени музлатиб шу чуқурга кўмаман-у, кейин ишим юришади.

Малламошнинг капалаги учиб, ўз-ўзидан орқага тисарилди. Жаҳондаги ялинчоқ сўзларнинг энг олий навларини ишлатиб, Аёззоданинг кўнглини эритишга уринди. Аёззода анчагача безрайиб турди, ниҳоят сал юмшади.

– Охирги гапинг менга бошқача таъсир қилди, – деди у. – Шундай чиройли зот мени ўлдириб хунук иш қилманг, деб чинқиришинг ичимни тўкворди. Бўпти, ўзингни оклашингга имкон бериб кўрай. Бунисиниям чалкаштирсанг, айтмасимдан туриб, ўзингга чуқур қазийвер.

– Бу сафар Бойчечакни йўқотмасдан қўймайман, – қасам ичаётгандек туриб шанғиллади мушук. – Ўлсам ўламанки, уддалайман!

Аёззода бирдан юввош тортди:

-Агар уддаласанг, мукофотни шартта беш бараварга ошириб...

– Керакмас мукофот! – деб бақирди жонидан тўйиб кетган Малламош. – Тинч қўйсангиз, шу ўзи мукофот менга!

Бу ердан унчалар узоқ бўлмаган жарликда чиябўрилар галаси яшарди. Шаллақи лақабли чиябўри бу галага бошлиқ эди. Бу очофатларнинг ҳар бирига биттадан кўтосни қиймалаб берсанг ҳам, тўйдим деган гапни эшитиш амримаҳол эди.

Аёззода Малламошга ўша жарга боришни, галабошини топиб, шу атрофда бир неча тирик масаллиқ кимга ем бўлишни билмай, сандироқлаб юрганидан хабардор қилиб қўйишни топширди.

– Гапиришга улгуролмай қолсам-чи? – кўзлари ола-кула бўлиб савол берди Малламош. – Чиябўрилар мени кўрибок, турган жойимда тақсимлаб олишса-чи?

– Уёғига мен аралашолмайман, – қўрсланиб жавоб қилди Аёззода. – Пешанангдаги ёзиқда нима бўлса, шуни кўрасан.

Малламош юришга оёғи тортмай, жар сари имиллаб бораркан, ўзини ўзи койишга тушди.

Оламда ўгитлар кўп. Шуларнинг ичида мияга қозикдек қоқиб қўйишга арзийдиган битта энг зўри бор: “Бошим омон бўлсин десанг, бўлар-бўлмасга уйдан чиқма!” Буни қазидек-қазидек ҳарфларда ёзиб, борлиқ уй, молхона, қўра, катак, ин ва уяларга илиб ташлаш керак.

Оқбарс увилласа увиллаб ўлмасмиди ўшанда. Иссиқ жойдан чиқиб бориб, уни тергаш шартмиди? Бормаганида, Аёззодага йўлиқмаган бўларди. Аёззодага йўлиқмаса, бошига шунча галагулдур тушмаган бўларди. Бошига бу галагулдурлар тушмаган бўлса, ҳозир ичига нон тўғралган қаймоқни мўнда-мўнда қилиб ямлаётган бўларди. Кейин, хамирдек ёйилиб ухларди.

Ие, нега ухламас экан? Ойтуғди онанинг илма-тешиқ сандиғига ким ҳам тегарди?

Ойтуғди она хануз бир маромда одимлар, Эшакнинг: Мени миниб олақолинг, деган таклифни мулойимлик билан рад этиб, ҳали бардамлигини намойишлаётгандек, қаддини ғоз тутиб борарди.

Улар сайҳонликдан ўтиб, кенг яйловга чиқишган чоғда, қаршиларида бурама шохли иккита полвон-полвон Қўчқор пайдо бўлди. Иккови бир-бирига қуйиб қўйгандек ўхшаб турар, биттасининг бўйчанлиги-ю, иккинчисининг паканароқ эканлигидангина фарқлаб олиш мумкин эди. Пакана Қўчқорнинг устига қизғиш патли димоғдор бир Хўроз кўниб олганди.

Новча Қўчқор ўтиб бораётганларга қизиқувчанлик билан боқиб, қаёққа кетишаётганини сўради. Итнинг қисқа жавобини эшитиб, биз ҳам Наврўзойни бир кўриб қўйишга чиққан эдик, дея шериги билан тўпдагиларга қўшилди. Йўл-йўлакай ҳаммалари ўзаро танишиб олишди. Булар эгизак Қўчқорлар экан. Хўроз эса жўжалиқдан бери улардан ажралмас экан.

Ҳа, жўжаликдаёқ онадан айрилиб қолиш – оғир қисмат. Буни енгиб ўтиш учун ё Хўроз, ё хўрозфёъл бўлиш керак. Акс ҳолда, янчилиб кетасан. Орқаси йўқларни янчиш, хўрлаш ҳисобига кун кўрадиганлар сон-саноксиз. Шумшайганларни эзишга навбат пойлаб туришади.

– Яқин қолдик дегандингиз-ку, буви, – олдинга бетоқат тикилиб, яна инжиқланди Бойчечак. – Қизил чегарага қачон етамиз? Уёқдагилар кечикмасмикин, ишқилиб? Уларни кўрмай қолсак-чи?

Ойтуғди онанинг ўрнига Хўроз жавоб қилди:

– Ташвишланма, кезаргон Бойчечак. Кунтуғди отанинг шарпасини биринчи бўлиб мен сезаман. Қаёқдан келаётганини хали кўрмасимданок биламан. Билганим захоти, қичкириб жар соламан.

– Унда, жуда керакли Хўроз экансан, – деб енгил тортди Бойчечак. – Илтимос, якинроғимда юргин.

Хўрозни ортмоқлаб келаётган пакана Қўчқор бу гапни эшитиб, Хўтика бикин тиркади-да, уни миниб бораётган кезаргон Бойчечакка қараб самимий жилмайди. Хўроз олдинга тийрак назар ташлаганича, кўмондонлардек гердайиб турарди.

Жар ҳукмдори

Бошқа ҳайвонлар қишни ёқтиришмайди холос, чиябўрилар эса ўлгудек ёмон кўришади. Қиш – очликнинг энг авжга минган даври, чиябўрилар – махлуқларнинг энг ебтўймаси. Қишни ўйласанг, овчи истарали кўринади, деган мақол бор уларда.

Жарни ўзига бошкент қилиб олган чиябўрилар галаси очликдан тамоман қирилиш арафасида турганди. Баъзилари ўлиб бўлганди ҳам. Уларни якин қариндошлари, қадрдон ўртоқлари талашиб ейишди. Бундайлардан бири: Ярим ой туз тотмасанг, хатто ўз отанг кўзингга овқат бўлиб кўрина бошлар экан, деганида, ёнидагиларнинг ҳеч қайсиси таажжубланмади.

Ана энди, шу кайфиятдаги галанинг ичига этлари тирсиллаган тўлпоқ мушукнинг сўлқиллаб кириб келишини тасаввур қилинг. Салом беришга улгурармикин боёкиш?

Буни яхши англаган Малламош ўнгардан жарга тушаётган маҳалдан бошлабоқ: Шаллақига гапим бор! Шаллақига гапим бор! – деган жумлани тинимсиз қайтариқлашга тутинди. Қовжироқ буталар орасидаги қимтиқ йўлакдан бораркан, ҳар қадамда ён-верига юраги пўклаганича жаланглаб кўярди.

Яхшиямки, мушукнинг товуши ўткир эди, буталар орасидаги пичан тўшамада ёнбошлаб ётган галабоши унинг нағмасини биринчилар қаторида эшитди. Эшитди-ю, қорнини силаб туриб: “Катта ашула айтиб келаётган ҳофизга ҳеч ким тегмасин!” – деб буюрди.

Қимирлаб-қимирлаб кўяётган буталар орасида аллақандай шарпалар ғимирлаб юрганини ҳис этган Малламош: Шаллақида гапим бор-ов! – деб янада баландроқ шовқин солишга тушди. Охири, сертикан йўлак тугаб, пичанга ёнбошлаган асно унга кўзини пилдиратиб турган сўйлоқ Чиябўрига рўпара келди.

– Шаллақига гапим бор, – бу сафар паст товушда минғиллади Малламош.

Галабоши қаддини ростлаб, олдинги оёқларига таяниб ўтирди. Майнабозликка мойил овозда шошиб-шошиб сўзлай бошлади:

– Шаллақи деганлари менман. Қани-қани-қани, берироқ кел-чи. Кўркма, тўлпоғим, келақол, келақол. Қани-қани-қани, янаям яқинроқ кел. Янаям, янаям, янаям, қани-қани-қани...

Малламош қалт-қалт титраб яқинлашгач, Шаллақи бир чанг солишда унинг томоғидан бўғизлаб, оёғини ердан узди. Мушук пала-партиш питирлаб, вағиллай кетди.

Шаллақи оғзидан сўлак сачратиб чийиллади:

– Потир-путурни йиғиштир! Вағиллашни тўхтатмасанг, думингни юлиб томоғинга тиқиб кўяман!

– Томоғимга тегманг, – деб хиркиради Малламош, – сизга гапим бор.

– Гаплашамиз, – деди Шаллақи. – Фақат, ўша гапларингни қорнимда ёти-и-б, бемалол айтарсан. Ҳозир очман, эшитиш қобилиятим сушт.

Шаллақининг ўнг ёнида ўтирган Чиябўри тамшаниб туриб: “Ҳарқалай, биринчи ўринбосарингизман. Оёқларини менга берасиз-а, хўжайин”, деса, чап ёнидагиси: “Иккинчи ўринбосарга, ҳеч бўлмаса, иккита қулоғи тегиб қолар”, деб лаб ялади.

– Текин овқат бор! – йирткичларни ирдашга киришди Малламош. – Айтмасимдан ўлдириб кўйманглар!

Шаллақи чангалидаги мушукни тап этказиб ерга ташлади:

– Қанақа текин овқат? Қани-қани-қани, тезроқ гапир-чи.

– Бир тўп санғилар яйлов томонга кетишяпти, – деди Малламош. – Бари семиз-семиз.

– Семизиниям еймиз, ориғиниям. Қани-қани-қани, яна нима демоқчисан?

– Уларнинг ичида Бойчечак деган сеҳрли гул бор, – устамонлик билан гап тўқиди Малламош. – Ким уни еса, устига тоғ ағдарилсаям ўлмайдиган бўлади.

Шаллақи: “Во! Гапни шундан бошламайсанми!” – деб кўйгач, ўрнидан туриб, тирноғида ерни таталади:

– Қана-қани-қани, бизни зипиллаб ўша ёққа бошла-чи. Қорнимиз тузукроқ тўйса, сени емасдан турамиз. Қани-қани-қани...

Улар олдинга кўзғалиши биланок, ҳар бир бута ортидан икки-учтадан Чиябўри чиқиб келиб, тўдага тиркашаверди. Галадагилар жуда кўпчилик эканлигини кўриб, Малламошнинг юраги орқага тортди.

– Булар тўйиши қийин. Барибир мениам тирик қолдиришмайди. Аслида, Аёззода тикилинчни бошлагандаёқ, тўғри Кунтуғди отанинг Кўксаройига қараб қочишим керак экан. Хотинлардан мурувват кўрасан холос, эркакнинг ёнида бўлиш бежавотир.

Аммо, шу топда Кунтуғди отанинг ўзи ҳам қаттиқ хавотирда эди. Ўжар Кўркаламуш ҳассасини тикирлатиб, уларни нукул ўйдим-чукур ерлардан етаклаб борар, ўнгроқда текис сўқмоқ турибди, деган гапга қулоқ солгиси келмасди. Кунтуғди отага-ку бунақа жойларда юриш унчалар мушкул эмасди, бироқ қарахтликда одимлаётган Наврўзойнинг тез-тез қоқиниб туришидан бир ташвишланса, довдир йўлбошчининг ўзи биронта ўпқонга йиқилиб лат ейишидан икки ташвишланаётган эди.

Кунтуғди отанинг ниҳоят сабр косаси тўлди. Бу қўлида Наврўзойни тутиб, у қўлида Кўркаламушни етаклаб, текисликка чиқиб борди-да, “Мана энди, қийналмасдан қарвонбошилиқ қилаверинг, таксир”, деб мийиғида жилмайди.

Кўркаламуш текис сўқмоқдан равон ўрмалаётиб, одатдаги бидир-бидирини бошлади:

– Ойтуғди она опангизми, ё сингил бўладими, отахон?

– Опам бўладилар, – деди Кунтуғди ота.

Шундан кейин, Кўркаламуш тўхтовсиз жавранишга тушди:

– Ойтуғди онани қаршилашга бораётганингизни эшитибок, тоза хурсанд бўпкетганидим. Опани иззат қилган сираям кам бўлмайди. Ака билан ука – эркак, опа билан сингил – аёл. Эркак зиёфатга ўч, аёл меҳрибонликка ташна. Яхшиям, сизга ўхшаганлар бор. Бу одатингизни кўриб, ялай-малайдан бошқани билмай бораётган ёшлар зора ўртак олишса. Ие, вей, тўхта-чи, Кунтуғди ота шу ёшидаям эринмай опасидан хабар оптуради-ю, биз ўшанчалик бўлолмаймизми, ундан нимамиз кам, деб ўйлашса, ажабмас-да. Укалари оқибатли чиққанидан кўнгли кўпган опалар билишмайдики, бу ишнинг орқасида Кунтуғди ота турибди. Билишса, куну тун дуо қилишмасмиди? Бироқ, менимча, асосий гап бунда эмас. Муҳими, яхши ахлоқни

бошқаларга кўрсатиб қўйиб, шунақалар кўпайиб борётганидан бир четда қувони-и-б ўтиришда. Лаббай деб қўйдик, Кунтуғди ота?

– Тўппа-тўғри гапиряписиз, тақсир, – деб маъқуллади Кунтуғди ота. – Яхши хислатнинг кадрига яхшилар етади.

– Ух-ух-ух, зап топиб айтдингиз-да! – ҳаяжонланиб кетди Кўркаламуш. – Сўзингиз ниҳоятда ўрнига тушди. Ваҳоланки, машойихлар...

Ҳассанинг учи қаёқдандир шамолда учиб келиб шу жойга қўнган, сўқмоқда эшилиб-буралганича пўмпайиб турган йиртиқ пўстакка урилиб, Кўркаламушнинг гапи бўлинди.

– Чип! – дея пўписа қилди у. – Чип дедим сенга! Чип-е!

Кунтуғди ота ўзича бош тебратиб қўйди:

– Тақсир, олдингизда турган нарса – эски пўстак.

– Шунақа-да, баъзан қаричилик қипқўямиз-да, – деб қикирлади Кўркаламуш. – Пўстакни итдан ажратолмайдиган ёшга етганимизга шукур. Тенгдошларимдан қанча-қанчаси айни қирчиллаган чоғида ўтиб кетди. Уларни ўйласам, жигарим тешилгудек бўлиб, ҳайҳот деворганимни билмай қоламан.

Кўркаламуш, жаврана-жаврана пўстакни айланиб ўтиб, йўлбошчилик қилишда давом этди. Кунтуғди ота: “Шу қақилдоқ тақсирнинг йўлиққаниям бир ҳисобда ёмон бўлмади, хали уёқдан, хали буёқдан гапириб, мени зериктирмай келяпти-ку”, деб хаёлидан ўтказди.

Учрашув

Юраверишди, юраверишди, яйлов пастқамгина бир ўркачга бориб тақалди.

– Қизил чегара ана шу ўркачнинг устидан ўтади, – деди Ойтуғди она. – Яна озгина юрсак, паккага етамиз. Уёқдан Кунтуғди ота билан Наврўзой чиқиб келишади. Ҳозир яқинлаб қолишгандир.

Ойтуғди онанинг ортидан ҳаммалари тепага ўрлай бошлашди. Буни янтоқнинг яйдоқ новдалари орасидан кузатиб турган Аёззода: “Қаёқларда юрибсан, махов мушук?!” – деб ер муштлади. Нима бўлса бўлар, энди жанг қилмай иложим йўқ, дея ўрнидан қўзғалаётганида, чийиллоқ товушлар эшитилиб, шошиб ёнга ўгирилди. Чиябўрилар галаси Малламош билан бирга шу томонга ёпирилиб келаётганди. Шодликдан Аёззоданинг нафаси бўғзига тикилаёзди:

– Оббо баттол-ей, охири уддалабди-да? Иш дегани мана мундоқ бўпти! Яшшавор, мушук! Ўн офарин, юз офарин, минг офарин!

Чиябўрилар учқурлаб келиб, Ойтуғди она бошлаб бораётган тўдани исқанжага олганида, улар тун билан куннинг қизил чегарасига етай деб қолишган эди.

Шаллақи олдинроққа чиқиб, турганларга муттаҳамларча шанғиллади:

– Бизга тегишли яйловда нега лўланглаб юришибсан, босқинчилар? Бировларнинг ерига кўз олайтириш жонни қиморга тикиш дегани. Жон ортиқчалик қилдими?

– Қорни тўқ келгиндиларга ўлим! – деб қийқирди Шаллақининг биринчи ўринбосари.

Шаллақи дарҳол аниқ мақсадга кўчди:

– Қисқаси, сиз душманларни битта қўймай ейишга мажбурмиз! Қани-қани-қани, оғзимизга яқинроқ келинглар-чи...

Четроқдаги Чиябўрининг панасидан писмайиб боқаётган мушукка бехос кўзи тушган Ойтуғди она, Шаллақининг дўқини эътиборсиз қолдириб: “ Ҳой, Малламошмисан? Бу ўлат теккурларнинг орасида нима қилиб юрибсан?” – дея ханг-манг бўлиб сўради. Малламош тисарилиб, ўзини янада панага олмоқчи эди, Шаллақининг иккинчи ўринбосари уни бир тегиб олдинга чиқарди:

– Ўлишларидан олдин сенга савол беришяпти. Жавобингни эшитиб қолишсин.

Малламош индамасдан пилдирписланиб тураверди.

– Бу чаккибосар бароқ Аёззодага сотилиб кетганини аллақачон фаҳмлаган эдик, – деди Оқбарс. – Сизга айтишдан тортинувдик, Ойтуғди она.

– Ўладиган бўлсам, энг олдин шу сотқинни тепалаб ўламан, – деб ҳанграб юборди Эшак. – Бунақа жосуслар миллионта Чиябўридан хавфлироқ.

Малламош тўсатдан жонланиб, Эшакка чақчайди:

– Кўп кучайма! Бир юмдалашда кўзингни оқизвормайин тагин!

– Шунақаям жирканч бўласанми? – мушукни ғажиб қўйгудек бўлиб, тишларини қиртиллатди Оқбарс. – Бизни четга суриб тур, Ойтуғди онанинг юзига оёқ қўйишга уялмадингми? Қаймоқлар бериб боқарди-я!

– Кампирдан қарзим йўқ, – дея тугалай сурланди Малламош. – Сандиғини қанча-қанча сичқондан қўриқладим, ертўласидан қанча-қанча каламушни ҳайдадим. Меҳнатларимга яраша овқат еганимни эслолмайман.

– Нонкўр! Беюз! Хоин! – деб вовуллай кетди Оқбарс. – Барибир мендан қутулиб бўпсан! Битта мен эмас, бутун бир авлодим бутун бир авлодингни кувиб ўтади!

Иштаҳаси карнай бўлиб, нафси лакалумланиб турган Шаллақининг чидами тугаб: “Бас!” – деб ўшқирди итга. Сўнг, галага юзланди:

– Қашқирларим! Новча Кўчқор билан Бойчечак меники! Қолганини бемалол “сен же, мен же” қилингллар!

Еру кўк чийиллоқ товушлардан ларзага келди. Чиябўрилар бир-бирини топтагудек бўлиб, ўлжаларга ташланишди.

Уёқдагилар ҳам бўш келишмади. Ота-бола Эшаклар учраган душманни тепиб учуришга, эгизак Кўчқорлар бурама шохларини ханжардек санчишга, паҳлавон Оқбарс тишига илинганни чирпиратиб улоқтиришга тушди. Хўроз гоҳ ирғишлаб туриб, “айкидо” усулида тепар, гоҳ ёғи тугаган учоқдек баланддан шўнғиб келиб, чиябўриларнинг кўзига чанг солар, миясини чўкиб, тентираклатиб қўярди.

Бу шовқин-сурон ўрқачнинг нариги тарафидагиларга ҳам эшитилиб, Кунтуғди ота хушёр тортди. Кўркаламуш қулоғини пича динг қилиб тургач: “Мен аралашмасам бўлмайдиган йирик ғалва чиққанга ўхшайди”, деб, ҳассасини тез-тез тикиллатганича, тепалик сари жадал йўрғалади.

Кунтуғди ота шошилолмасди. Имиллаб одимлаётган Наврўзойни ўрқачга ўзи билан бирга олиб чиқиши керак эди.

Буёқда чиябўрилар тутдек тўкилиб бораётгани, уёқда Кунтуғди отанинг ловуллаб кўринишига оз муддат қолаётгани Аёззодани талвасага солди. Жангда Шаллақининг ўзи ҳам Эшакнинг тепкисидан сулайиб қолгач, чиябўриларнинг руҳи тушиб, айримлари қоча бошлаганини кўргандан кейин, чидаб туролмай, аскарларини олдинга етаклади. Жанг майдонининг устини қорамтир тутунчалар қоплаб, пастдагиларга совуқ ҳаво пуркай кетишди.

Изғирин сония сайин зўрайиб борди. Иккала томондагилар ҳам қунишиб-қунишиб ҳаракатланаётган эди. Зум ўтмай, жангоҳдагиларнинг барчаси қиров босган ҳайкалларга айланиб қоладигандек туюлди. Ойтуғди она бўйнидаги туморни ёқиб, кўзларини қамаштиргандан кейингина, тутунчаларнинг шашти кескин сусайди.

Бойчечак Хўтикнинг ёлига нечоғли маҳкам тирмашиб олган бўлмасин, тўхтовсиз шаталоқ отишларнинг бирида қалтисроқ силганиб кетиб, ерга учиб тушди. Ҳамма ур-йикит билан оворалиги боис, кезаргон Бойчечак ҳимоясиз қолди.

Жангга кирганидан бери асосан Хўтик билан олишаётган Аёззода ночор аҳволдаги Бойчечакнинг устига келиб, думини кулчалаб йиғди-да, тинимсиз “пуф-пуф”лашга тутинди. Эндиям музламай кўр-чи, деб ғалаба гаштини сураётганида, ҳилвиноқ япроқчаларига бурканиб олган Бойчечакнинг ёнида қандайдир Кўркаламуш пайдо бўлди. Келибок, Бойчечакни ердан кўтариб, бағрига босди, уни совуқдан паналаб, ғужанакланиб олди.

Кўркаламушга анча-мунча совуқ писанд эмаслигини яхши билган Аёззода, нима қилишини билмай, ён-верига аланглади. Тала-тўпалангда ўралашиб юрган мушукни кўриб, жиғ-бийрони чиқиб чақирди:

– Малламош! Малламош дейман! Буёққа кел! Ғажи анави Кўркаламушни! Кейин, Бойчечакни мажақла! Тупроққа қориштирвор! Буни мен – ўзингни ўлдиришим мумкин бўлган Аёззода айтяпман!

Малламош Аёззода кўрсатган томонга отилди. Гоҳ Эшакнинг туёғига, гоҳ Кўчқорнинг шохига чап бериб ўтиб, Кўркаламушга яқинлашди. Устига ташланишга шайланган маҳали, ҳеч кутилмаганда, Кўркаламуш чап қўлидаги ҳассани қиличдек селпиб, мушукнинг қоқ калласига қарсиллатиб туширди.

“Қарс!” этиши билан, Малламошнинг кўзидан чарсиллаб ўт чакнаб, гандираклаб қолди. Ўзини ўнглашга тиришаётганида, селпилган ҳасса иккинчи марта пешанасига келиб урилди-ю, шилқиллаб йиқилди, қайтиб қимирламади.

Сўқишувда Шаллақининг иккала ўринбосари ҳам ҳалок бўлганидан кейин, чиябўрилар тугалай таҳликага тушиб, тирқираб қоча бошлашди. Қочоқлардан бири ерда тупроққа беланиб ётган мушукни чаққонлик билан тумшуғига қистириб, кўздан ғойиб бўлди.

Жанг майдони бўшаб, шовқинлар тинди. Аёззода енгилганини ниҳоят тан олди, тутунсимон аскарларини эргаштириб, у ҳам қорасини ўчирди.

Бировининг у ер-бу ери шилинган, бирови оқсаб-тўқсаб қолган бўлса-да, барча шериклари соғ-саломатлигини кўриб, Ойтуғди онанинг кўнгли ёришди. Жанг қилганлар қаторида кезаргон Бойчечакни кўксига босиб олган Кўркаламуш ҳам турганлиги уни ҳайратга солиб: “Сиз қаёқдан кепқолдингиз, мухтарам Кўркаламуш?” – деб сўради.

– Мени бу олатасирга тақдирнинг ўзи юборган бўлса, мутлақо ажабланмайман, – деди Кўркаламуш, киборларча димоғланиб.

Бойчечак: “Мени шу зот асраб қолди”, дея, бўлган ишларни ипидан игнасиғача сўзлаб берди. Кўзи ожиз бир жонивор шундай қила олиши мумкинлигига Оқбарснинг ишонгиси келмай: “Сира ақлим етмаяпти, қори оға, Бойчечакни қанақасига топиб бордингиз-у, қандай қилиб мушукнинг хужумини қайтардингиз?” – деб савол берди.

Кўркаламуш виқор билан қош керди:

– Яратгувчи бизни кўздан қисган бўлсаям, бошқаларникидан кўпроқ сезги берган. Ҳид билан шарпани сезишда олийзот Кўркаламушларга тенг келадигани кам. Бойчечакни исидан сезиб топдим, мушукнинг шарпасини мўлжалга олиб, бошини янчдим.

Кўркаламуш сўзини тугатиб-тугатмасидан, Хўроз зўр бериб қичқиришга тушди:

– Қуқ куку ку-у-у! Қип-қизил куёш-у-у!

– Хўроз қичқирди! Хўроз қичқирди! – деб ирғишлади Бойчечак. – Хўроз Кунтуғди отанинг шарпасини биринчи бўлиб сезаман деган эди.

Ойтуғди она: “Қани, юринглар энди”, деб йўл бошлади. Буёқдагилар ўрқачнинг тепасига тайинли муддатдан бирон сония кечикмай етиб боришган захоти, уёқдан Кунтуғди ота билан Наврўзой ҳам чиқиб келиб, тун билан куннинг қизил чегараси узра учрашишди. Ойтуғди она кезаргон Бойчечакни Оқбарснинг устидан олиб, Наврўзойнинг олдига қўйди.

– Уйғон, Наврўзой, – деди Бойчечак. – Мен келдим. Бойчечакман!

Димоғига ёқимли ҳид урилган ондаёқ, Наврўзой ширин уйқудан бош кўтаргандек бўлиб, кўзини беозоргина очди, узун киприкларини тезгир пирпиратиб қўйиб, Бойчечакка тикилди. Нигоҳида севинч шуъласи чарх ураётганини, тонг отиб қолгани боис, атрофдагиларнинг бари аниқ-тиник кўриб туришарди.

– Бу сенмисан, Бойчечак? – энтиқиб пичирлади Наврўзой. – Сени шунақаям кўргим келган эдики!

Унинг товуши райҳон япроқларининг ел эсаётгандаги шивирлоғини эслатарди. Ажаббоки, борлиқнинг бирдан жонланиши учун шу шивирлоқнинг ўзи кифоя эди.

Кунтуғди ота соғинч тўла кўзларини порпиратиб, Ойтуғди онага яқин келди, манглайдан чўлпиллатиб ўпди.

“Чўлп” этган бу товушни эшитиб, Кўркаламуш туйқус сергакланди.

– Биламан, тушуниб турибман, – дея тамтамланиб гап бошлади у. – Бойчечак билан Наврўзой бир-бирини жуда соғинган. Аммо... лекин... бироқ... кўпчиликнинг ичида ўпишиш биздаги тутумгаям, удумгаям тўғри келмайди. Ёш-яланглар кўриб қолса, шунақа қилса бўлавераркан-да деб...

Кўркаламуш сўзини тугатолмади. Теваракда турганлар, гўё илгаритдан маслаҳатлашиб олгандек, тенгдан кулиб юборишди.

Улкан шодиёна яхшилик ва яратувчанлик йўлида кўркувсиз курашганларнинг кўнглидан барча азоб-укубатлар чўкиндисини ювиб ўтувчи тошқин кулги билан бошланди. Байрам авжига минди-ю, ҳар бир қоқвош бола қачонлардир учрашмоқни ич-ичи қайноқланиб орзулайдиган кезаргон Бойчечак тўғрисидаги қисса, эски ривоятда қандай башорат қилинган бўлса, худди ўшандай тарзда охирига етди.

*Тошкент
2009*

ШУДРИНГЛАР СОЧГАН ТОНГ...

Салима УМАРОВА

* * *

Сенинг зарра тупроғингга меҳр бериб,
Ҳар чечагинг, гиёҳингга меҳр бериб,
Кўксим тўлди саодатруҳ туғёнларга,
Ноил бўлдим, ёруғ ният – имконларга.

Заҳмат элин армонларин олиб жонга,
Умидларинг заррасини солиб жонга...
Азобларда минг эврилдим – улуғлашдим,
Ҳақ йўлида дарёдаин тўлиб – тошдим.

Қалб – руҳимга ишқ ҳайратлар берган ўзинг,
Синовлардан синмай ўтдим, олиб тўзим.
Қадим – улуғ, бугун – қутлуғ, эртанг буюк,
Онажоним – Ўзбекистон, ўзинг – суюк.

ЮРТ СЎРА ИСТИҚЛОЛ

Сен келдинг, кўзлари кулиб келдинг, сен,
Не нек ниётларга тўлиб келдинг, сен,
Минг йиллик соғинчим бўлиб келдинг, сен,
Истиқлол исмингдан, жоним, истиқлол!

Мозийнинг қоронғу қаъридан балки,
Қодирий қисматин бағридан балки,
Улус орзулари баҳридан балки,
Сен келдинг истиқлол жоним, истиқлол!

Пойингга жонимни гул қилиб тўшай,
Меҳр – ишқим йўлингга қул қилиб яшай,
Руҳингга қуввату журъатим кўшай,
Сен яшна истиқлол жоним истиқлол!

Бугун шундай суйсам, камолинг ростдир,
Жонинг жонга боссам, иқболинг ростдир,
Қалбимдай асрасам, хуш ҳолинг ростдир,
Ўс, улғай истиқлол, жоним, истиқлол!

Камолга етмоғинг бахтидир элнинг,
Бошида турибсан суронли йўлнинг,
Шудринглар сочган тонг кучар ўнг – сўлни,
Камол топ истиқлол, жоним, истиқлол!

Оллоҳнинг неъматиди, муроди халқнинг,
Ватан осмонида чиққан ой балқиб,
Сен десам, ыароғда севинч ёш қалқир,
Боқий бўл, юрт сўра, жоним, истиқлол.

Навоий

Озода ХУШНАЗАРЗОДА

* * *

Ёзнинг илк куниди келиб бир пастда,
Шовуллаб қуйворди кечиккан ёмғир.
Заъфарон майсалар хўрсинди аста,
Сўнгги нафас олди қариб қолган қир.

Деразамни очдим, ох, борлиқ тоза,
Бир ажиб енгиллик руҳимга кирди.
Увада булутлар изғиб кўп юрди,
Ёмғирлар тинимсиз ёғмоқда роса.

Илиқ ёмғирларга бошимни тутдим,
Инжудай томчилар ювди юзимни.
Ёмғирларни, эҳ, мен орзиқиб кутдим,
Кечиккан ёмғирдай сездим ўзимни...

* * *

Эркалаб оқмоқдадир Ўрғозсой,
Тошдан – тошга шодон ўйнаб сакрайди.
Оқсоч Қурамага миниб олиб ой
Жилмайиб-жилмайиб ерга қарайди.

Юлдузлар ҳам ухламоқчи чоғида,
Ширин туш кўради норғул йигитлар.
Сукунатни бузиб гоҳи-гоҳида,
Эринибгина вовуллайди итлар.

Келинчактош қоя узра ястаниб,
Уялиб-уялиб ойга қарайди.
Субҳ олдидан енгилгина тўлғониб,
Мамнун бўлиб сочларини тарайди.

Момоларни қувончларга солай деб,
Эшитилди чақалоқнинг ингаси.

Суюнчининг каттасини олай деб,
Қишлоқ бўйлаб чопиб кетди янгаси.

Оҳангарон

ШАҲРИБОНУ

* * *

Хаёлда сузади минг битта тасвир,
Қай бирин танлашни билмай мен ҳалак.
Сенга деб дамланган чойлар ҳам совир,
Бир зайилда қорларга бурканди йўлак.

Оппоқ қор сўзлайди ўз ўтмишини,
Осмонда сузмоқлик бахтмиди, айтинг?
Бирга кутган эдик тонг отишини,
Учмоққа қанотлар тахт эди, қайтинг.

Гарчи, киприк қоқмай ўлтираман жим,
Сиртдан қараганда ёрга ўхшайман.
Аслида, мен худди осмондан сим-сим
Ёғаётган мана шу қорга ўхшайман.

* * *

Аслида, дунёнингни бағри бутунмас,
Нимадир етишмас, нимадир ортиқ.
Кўнгил чорбоғимда шода тут унмас,
Ерга юрагимни қилсам-да тортиқ.

Денгиз армонинг кетсам оқизиб,
Тоғлар сукутида ҳайқирик яшар.
Булут тўлишганда келар ёққиси,
Инсоннинг ҳавасин келтирар қушлар.

Хаёлим учганда осмонлар қадар,
Негадир хотиржам ололмайман тин?
Ойда ҳам бир талай исмсиз дардлар,
Кимга тўкилсин у кимга суянсин?

Йилларнинг юкидан букчайган хиёл,
Бобом уйидаги қадимий тўсин.
Сойдан тўлиб тошар ўйноқи хаёл,
Дадам кўзларимда кўрарми ўзин?

Узоққа кетолмам, тупроқ – муқаддас,
Дарахтлар пойида хазон берар жон.
Сени кузатаман минг ўйда бесас,
Қайга ошиқасан бунчалар армон?

Андижон

Холиқназар АЛИШЕВ

* * *

Эрта тонг.
Муаттар исларни олиб,
Ўйноқи тонг ели учиб юрибди.
Ўриклар гулидан шимиган болин,
Асалари маҳкам қучиб юрибди.

Эрта тонг.
Бу ўзга тонглардан авло,
Бир тонгки, таърифга ожиз қоларсиз.
Ягона яратди уни таолло –
Исмини эркалаб атади Наврўз...

Эрта тонг.
Бу тонг эл айёми тонгги,
Кўнгиллар меҳрдан қонгувчи бир он.
Оламни тутуди гул фасл бонгги,
Гулларга чулғанар шу тонгда жаҳон.

* * *

Бу сувратда жажжигина бир гўдак
Хайрат-ла мен томон боқиб турибди.
“Шу ўзимми?” учрагандан...
Сўрайман
“Шу ўзимми?”...
Ишонмайман кўзларимга.
Ва секин
Хижолату ҳавотир-ла.
Шапалоқдек кўзгуга тикиламан.
Сарғайган, четлари букланган, синган
Бир парча қоғоздаги мурғакка
Ўхшаш аломатлар,
Излар...
Қидираман.
Топилмайди бирор ўхшашлик.

Ҳайрон бўламан.
Шапалокдек кўзгуга такрор
Хайрат ва савол билан ташлайман назар.
Топдим...
Тиниқ пирпираган кўзлар билан,
Қизариб шишган, ҳорғин кўзларда
Бир хиллик бор –
Хайрат...
Зомин

Саломжон Менгнор ТЕРМИЗИЙ

* * *

Инсонга муносиб истиқбол порлоқ,
Бирлашиб халқ бўлса, бу – иқбол порлоқ.
Халқ ҳаёт меҳвари, ҳақиқий азим,
Ҳақиқат кашфи бу – истиқлол порлоқ.

* * *

Нуригдан бир улуш кўзимда менинг,
Ҳуснингдан бир улуш юзимда менинг.
Меҳрсиз банданг ҳеч бўлмади инсон,
Меҳрингдан бир улуш ўзимда менинг.

* * *

Сирлар оламида инсон ютуғи –
Эзгулик кашфидир, ишлар қутлуғи.
Шундан мазмун топди ҳаёт мукамал,
Бунда эзгуликдан йўқдир улуғи.

* * *

Мажнун севди қалбин обод этгали,
Озод руҳ-ла ёниқ дилга етгали.
Мен қатраман, сенсан – ишқнинг уммони,
Сени севдим, сенга сингиб кетгали.

* * *

Покликда ҳар доим эзгу намоён,
Вафода диёнат, бу кундек аён.
Лолазор шаънлиги илдиз туфайли,
Яхшилик чашмаси асоси инсон.

Термиз

Фаридахон ҲУСНИДДИНОВА

* * *

Бу шамоллар ўхшайди сизга,
Туткич бермас, арзанда, хушҳол.
Тартиб билмас, тушмайди изга,
Меҳрни ҳам олади малол.

Бу шамоллар ўхшайди менга,
Кўйингизда саркаш, сарсари.
Гул – япроққа жонин тўшайди.
Хумор этар чаман ифори.

Бу шамоллар бизга ўхшайди,
Севгиларин тан олмас мағрур.
Қилдек жонин қийнаб яшайди,
Ҳамон содда ўша – ўша ғўр.

* * *

Сўз тошлари бунчалар оғир.
Ҳислар ундек кетди янчилиб?!
Ишончимнинг юраги оғрир,
Қирра тошлар тиғи санчилиб.

Куйдиради чўғдек хотира,
Игна тўшак инъом этар тун.
Бир-бир ўчар юлдузлар хира,
Овутади тонг деган таскин.

Кўқон

Эгамберди МУСТАФОЕВ

* * *

Ғунча зеб очгай ҳамиша
Майин эсган саболардин.
Дилим кошонаси вайрон
Бўлур мунгли наволардин.

Умрим карвонини йўлдан

Адаштирган саробингдур,
Хануз дилдан чекарман ох,
Эришмай муддаолардин.

* * *

Қўш яноғу лаби узра
Ойжамолнинг холи бор.
Ул, уч чиройки, хар бирин
Дилга манзур холи бор.

Ёйганида қирқ кокилин
Пеш уриб, тақим аро
Ким они кўргач, дегайлар:
Вожабо доли бор.

Бўйи-бастин бир кўрарга
Неча фурсат кўрдим-а,
Кўрдиму лолдир забоним,
Биллох, они лоли бор.

Адилу, хушрў қоматин
Сарвга монанд этмангиз,
Чунки сарвлар қавли ердан
Кўкка етмоқ фоли бор.

Зохиран билмоқ ёшини
Мумкин эрмас, фол очиб,
Ким деди: Ўн етти кавкаб
Воқиф ўлган соли бор.

Тадбири ҳар дам муайян
Элга наф берди, вале,
Меҳнат шижоат сайлида
Бир улусча зойли бор.

Аксини кўрмоққа энди
Халқи кўз илғамас,
Ҳикмати – ойдаи жамолин
Кўзгуга тисоли бор.

Тошкент

Зурафо НАРЗУЛЛАЕВА

* * *

Хаёлимда ўша қорақўз,
Юрагимда сўнмайди зиё.
Ёзим ўтди, етиб келди куз,
Мен баҳорга зорман эй дунё!

Бўстонларга юзим тутаман,
Тилларимда ёр исми нидо.
Йўлга боқиб бахтим кутаман,
Ошиқларга армон эй дунё!

Кўксим гоҳ тор армонларимга,
Боқмай ўтса ёр менга қиё.
Орзум сиғмас осмонларимга
Мен бағрингда борман эй дунё!

Толе бергин, айлагин суюк,
Кўзларимдан чекинсин рўё.
Бардошим бор тоғлардан буюк,
Садоқатга ёрман эй дунё!

* * *

Мен бахтиёр қизингман, онажон – Ватан,
Гул каби юз очдим қучоқларингда.
Орзу юлдузларим чарақлади шаън,
Иқболим улғайди қучоқларингда.

Қалбга ғурур тўлди истиклолингдан,
Дунёга юз очди боболар юрти.
Бошим осмондадур бугун толедан,
Ўзбекистон юзин қуёшга бурди.

Кўзим қамашади, порлаб турибсан,
Меҳр тимсолисан боқсам юзингга.
Юксак чўққиларга чорлаб турибсан,
Бир олам бахт бериб ўғил, қизингга.

Хаётимга мазмун яғонамдурсан,
Қалбимда дарахтдай бўй тортган ишқсан.
Умидларни берган сен – онамдурсан,
Тилимда янграган дилбар қўшиқсан.

Нур ичра кўраман келажагингни,
Эртаси нурафшон, қудратли Ватан.
Кўзимга суртаман ҳар чечагингни,
Муаззам очунда шухратли Ватан.

Самарқанд

БИР БАЙТ СИНОАТИ

*Уй бино айлаб ажабтур элни меҳмон айламак,
Улки бу уй ичра беш кун меҳмоне беш эмас.*

Алишер Навоий шеърятда тушунилиши осон бўлган байт ва ғазаллар талайгина. Бундай ғазалларни шархлашда одатда шеърнинг бадий-эстетик жихатига кўпроқ эътибор берилади. Жумладан, юқорида келтирилган байтда “беш кун” ва “беш эмас” ибораларида сўз ўйини – тажнис санъати қўлланилгани боис, алоҳида диққат талаб қилади. Бунда шоир “беш” сўзининг туркий ва форсий маъноси (беш сўзи туркийда санок сон, форсийда кўп, ортик, зиёд маъноларини англатади)ни қўллаб, тасаввурни маъно-моҳият сари ҳаракатлантиради ва қалбда кечинмалар тўлқинини жунбушга келтиради. Бунинг натижаси ўлароқ, “беш кун” ибораси ўқувчини теранроқ мулоҳаза юритишга, тафаккур қилишга чорлайди. Чунки, халқ орасида беш кун ибораси қатори тўрт кун таъбири ҳам қисқа давр, бебақо дунё маъносида тенг ишлатилиши, лекин Навоий шеърятда тўрт кун дунёнинг бебақолигини англатувчи тавсиф сифатида бирор марта қўлланилмаганлиги ҳам сўзамоллик ҳали шоирлик белгиси эмаслигини кўрсатади. Тасвир ва баённинг зоҳирий гўзаллигини кўзлаб, маъно юкидан озод сўзларнинг оҳангдорлигига қараб шеърда жойлаштириш Навоийдек тасаввури дақиқ шоир учун мутлақо ёт ҳодиса. Шунинг учун, мумтоз шеърятимизда қўлланилган ҳар бир тимсол, ҳар бир сўзнинг тарихий тадрижи ҳақида маълумот тўплаш, таҳлил қилиш ва муайян шеърга татбиқ эта билиш – тадқиқотчининг бирламчи вазифаларидандир.

Аллома ижодига мурожаат этган аксарият навоийшунослар “Алишер Навоийни англаш учун, энг аввало, у ўқиб-истифода қилган китобларни ўрганиш керак”, деган фикрни тасдиқлайдилар, аммо, афсуски, бу ҳақиқатга ҳамма вақт ҳам риоя қилинмайди. Навоий ижоди таҳлиliga бағишланган мақолалардаги иқтибос ва далиллар ҳам, асосан, XV асрдан кейинги (Ғарб олимларининг фикрларини ҳам шу қаторга киритиш мумкин) манбалардан олинади. Негадир, Навоий даврларигача бўлган адабий-тарихий, диний-фалсафий, тасаввуфий-ирфоний манбалар унчалик муомалага киритилмаган. Навоий ижодини таҳлил қилишда унинг маънавий устозлари – Ҳофиз Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомий шеърят, шунингдек, Мавлоно Жомий ҳузурида “таълим йўсуни ва муқобала усулида” таълим олган, айримларининг номлари “Хамсат ул-мутаҳайирин”да қайд қилинган адабий-ирфоний асарлар бирламчи манба вазифасини ўташи лозим. Ўшанда, байтларнинг замирида етти қават пардага ўралган маъно гўзалликларини инкишоф этиш натижаси ўлароқ қалб ороми, ички руҳий қониқишга муяссар бўламиз.

“Беш кун” ибораси Навоийдан олдин ҳам, Навоийдан кейин ҳам Шарқ шеърятда кенг қўлланилган. Форс-тожик шеърятининг йирик вакили, Навоийнинг устози Ҳофиз Шерозий:

Суҳан дар парда мегўям, чу гул аз ғунча берун ой,

Ки беш аз панж рўзе нест ҳукми мири Наврўзий,

(*Таржимаси:* Рамз тилида сўзлайман, гулдек ғунча пардасини оч, чунки Наврўз амирининг ҳукми беш кундан ортик эмас).

деса, Навоийни ўзига устоз деб билган туркман шоири Махтумқулининг:

Узангинг тортарлар, тўрт кун кечган сўнг,

Беш кундан ортикча меҳмон тўхтамас–

деган сатрлари бор. Ҳофиз байтидаги “Наврўз амири” ибораси “беш кун”нинг тарихини Наврўз айёмига боғлиқ урф-одат ва анъаналар ичидан ахтаришимизга ундайди. Абу Райҳон Берунийнинг “Ат-тафҳим” асарида келтирилишича, қадимда аждодларимиз бир йилни ўн

иккита ўттиз кунлик ойга (жами уч юз олтмиш кун) тақсимлаб, қолдиқ сифатида қолган беш кунни Наврўз айёмида байрам қилишган. Яъни, бу беш кун йил ҳисобига киритилмаган. Гардизийнинг “Зайн ул-ахбор”ида берилган маълумотга кўра, ушбу беш кун сарой масхаравозларидан бири шоҳона кийиниб, шоҳ томонидан қўшиб берилган шотирлар билан шаҳарни айлантириб, Наврўз айёми амири сифатида ажабтовур ҳукмлар чиқарар, дўконлардан ширинликлар ва бошқа ноз-неъматларни бепул олиб, болалар ва мискинларга тарқатиб бераркан. Наврўз амири беш кун ўтгандан сўнг бирор муддатга яшириниб юришга мажбур бўларкан, чунки одат бўйича агар қўлга тушиб қолса, қаттиқ қалтақланаркан. Ҳофиз мозийдаги ушбу одат тарихига ишора қилиб, одам боласининг бу дунёдаги ҳаётини йил саноғига киритилмаган беш куннинг “ҳукмдор”и – Наврўз амирининг ҳолатига қиёслайди ва шу тариқа кундалик турмушда жуда муҳим кўринадиган барча нарса, аслида, ўткинчи-муваққат эканлигини таъкидлайди.

“Беш кун” таъбири ирфоний манбаларда бошқача талқин қилинади. Навоий ўқиб-истифода қилган манбалардан бири – Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Илоҳийнома» асарида дунёдаги ҳаётнинг бешта энг муҳим куни Жунайд Бағдодий талқинида берилган. Биринчи кун “явм ул-мафқуд” – ўтган кун, йўқотилган вақт эрур. Ўтмишни хотирлаб, бекор ўтган замонга афсус чекиш ва олдинги муваффақиятлардан мағрурланиб юришдан фойда йўқдир, чунки мозийдаги шавкат қайтарилмас, ўтмиш хатолари тузатилмасдир. Иккинчиси “явм ул-машҳуд” – бугунги кун бўлиб, ҳар бир киши бу лаҳзалардан тўғри фойдалана билиш, нафс аталмиш душман билан аёвсиз курашиб, ахлоқини тузатиб бориши лозим. Акс ҳолда, бир-бирига ўхшаш кунлар самарсиз ўтавериш, машҳуд куни ҳам мафқуд – бефойда кетиши ҳеч гап эмас. Келажак, яъни эртанги кун “явм ул-мавруд” дея аталиб, бу кун насиб этиш-этмаслиги ҳали номаълум. Хожа Абдуллоҳ Ансорий бу куннинг талқини ҳақида алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай дейди: “Эй азиз, эртанги кунга ишонч йўқдир, ундан бонасиб бўлиш-бўлмаслигинг ёлғиз худонинг ўзига аёндыр. Сенга ноаён бўлган нарсага умид боғлашинг нораво, негаки, насиёга савдо қилиб, суд(фойда)ни кўзламоқ савдойиларнинг ишидир. Эртанги куннинг ўз вазифалари ва ўз ташвишлари бордир, ҳар бир нафас ҳисобли бўлган бу дунёда бугунги ташвишни эртага қолдириш нотўғри ишдир”.

Тўртинчи кун “явм ул-мавбўд” – ваъда қилинган кун, яъни, бу дунёни тарк этиш кунидир (Махтумқулининг: “Узангинг тортарлар тўрт кун кечган сўнг”, – мисрасини эсланг). Бу – жамийки тирик жонга ваъда қилинган кундир. Ўлим муаммоси – дин,фан, фалсафа ва адабиётнинг умумий ва абадий жумбоқларидан. Цицерон ўлимни даҳшат деб билса, Суқрот аҳамиятсиз нарса сифатида талқин қилади. Като ажални тотли ва гўзал деб мадҳ қилса, Зардушт ўлимни инсоннинг энг хавфли душмани деб билади. Шарқ файласуфларидан Закариё Розий, Ибн Мискавайх, Ибн Сино юнон мутафаккирларига издошлик қилиб “Ўлимни эслаш” номида алоҳида рисоалар таълиф этганлар. Аммо, улар юнон олимларидан фарқли ўлароқ, ислом таълимотидаги ўлимни жисмга оид эканлиги, руҳ эса абадийлиги ақидасини асос сифатида олиб, ажални қисматдаги воқелик сифатида қабул қилиш лозим, моддият оламида абадий ҳаётга эришиш йўлидаги барча интилиш ва саъй-ҳаракатни самарсиз, дея баҳолаганлар. Ибн Синодан кейин бу масала муҳокамаси фалсафадан тасаввуф ва ирфон майдонига кўчди. Сўфийлар талқинида, ўлимдан кўрқиб-кўрқмаслик инсоннинг руҳиятига боғлиқдир. Инсон қанчалик моддий оламга боғланган бўлса, нафс унинг устидан ўз ҳукмини ўтказган бўлса, шунчалик ажалдан кўрқади ва уни эсламасликка ҳаракат қилади. Руҳий хурриятга эришган кимса эса, ўлимни худди висол онини қаршилаганидек истиқбол қилади. Ижодий ҳаёти шеър билан бошланиб, шеър билан тугаган Мавлоно Жалолиддин Румийнинг сўнгги ғазалини эсланг:

*Ўлимим куни қачонки тобутим равон бўлгай,
Гумон қилмагилки кўнглимда дарди жаҳон бўлгай.*

**Менинг учун йиғлама ва демагил: «Дариг, дариг»
Девлар домига тушгайсан дариг ҳамон бўлгай.
Жанозамни кўрсанг демагил: «Фироқ, фироқ»,
Менга висол ва мулоқот ўшал замон бўлгай.**

Тирикликнинг энг муҳим кунларининг бешинчиси “явм ул-мамдуд” – ҳисоб куни, қиёмат куни дея талқин қилинади. Ушбу кун синов тариқасида берилган умрдан тўғри фойдалана билган оқиллар ҳам, ўзини Ер юзасининг мутлақ ҳукмдори билган, ўлимни хаёлига ҳам келтирмаган ғофиллар ҳам азал ва абад мезбони – парвардигори олам ҳузурида бўлиб, қилмишларига яраша мукофот олажақлар. Бу кун одамлар ўз ноқис ақлларига таяниб, тасалли учун тўқиган нисбий ҳақиқатлари чилпарчин бўлиб, абадий ҳақиқат гумон ва шубҳа пардаларини йиртиб, барчанинг кўзига намоён бўлади. Ушбу ҳақиқатга тик қарай билиш нечук олий саодат, қарай олмаслик эса, нақадар оғир мусибат...

Айрим илмий тадқиқотларда таркидунёчилик – пессимистик кайфиятнинг маҳсули, деган янглиш фикр берилган. Аслида, тасаввуф тарғиб қиладиган таркидунёчилик ҳаётсеварликнинг асли ўзидир. Кундалик ташвишларга кўмиб умргузаронлик қилиш, баданни иссиқ-совуқ ва беҳаё кўзлардан саклаш учун яратилган либоснинг кунора минг рангда турланиши, кўзни қамаштирувчи тақинчоқлар, баланд-баланд кўшқлар, муваққат мансаб ва сохта машҳурлик кетидан қувиш, умрдан-да бевафо чиройдан баҳрамандлик учун жонҳалак бўлиш – бу ҳали ҳаётсеварлик эмас. Дунёнинг яралиши, одам авлодларининг пайдо бўлиши, унинг ўткинчи умр майдонида амалга оширажак амаллари, яшашдан мақсад, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва тириклик жумбоқлари каби азалий ва абадий муаммолар хусусида фикр юритиш, инсонийлик моҳиятини англаб етиш тириклик аталмиш бебаҳо неъматнинг қадрига етмоқ учун мустаҳкам замин яратади. Аллома Ғаззолий айтганидек: “Киши ўзи маърифат қилган нарсанигина яхши кўра олади, билмаган нарса уни доимо кўрқув ва таҳликага солади”. Навоий беш кунлик дунё ҳақиқатини теран англаган, ушбу ҳақиқат асосида ҳаёт кечирган ва шу сабаб икки дунё саодатига муяссар бўлган улўғ зот эди.

ВИЛЛИ

Омади чопмаган Вилли,
Бозорга борди бир кун.
Сотиб, эски гижжагини
Бошка мол олмоқ учун.

Сотмоқчи бўлдию аммо
Ғамли кўзи ёшланди.
Шўрлик Вилли ташвишланма,
Дарҳол уйга отлангин.

– Алмисоқдан қолган хароб
Матоҳинг сот, ўтирма.
Бир қадахдан келтир шароб,
Бўлди, бошинг қотирма.

– Гижжагимни сотганимда
Эсдан оғардим буткул.
Ахир, қанча бахтли дамда
Менга ҳамроҳ бўлган ул?!.

...Борар эдим шаҳар бўйлаб,
Майхона очик турар.
Унда истироҳат айлаб
Вилли дўстим ўлтирар.

Дўстлар даврасида гўё
Кўринсанг-да, сен хушҳол,
Дилинг кемтик, Вилли жўрам,
Кел, бағримга келақол.

ЁР КЎНГЛИНИНГ ҚИРОЛИМАН

Денгиз қироли Жорж, Луи,
Ким бўлибдилар олдимда?
Жиндай азиз ёрнинг ўйи,
Ғужғон урганда қалбимда.

Ёр кўнглининг қиролиман,
Бахтим бўйлайди кўк қадар.
Менинг олдимда қироллар,
Қиролмас, йўқ, бир дарбадар.

* * *

Астагина ўпишдик гирён,
Айри тушди йўллар ҳар томон.
Видолашдик гарчи пичирлаб,
Фарёд солди юрак қон йиғлаб.

Тақдир экан, не ҳам қилдик биз,
Умидни чин бахт деб билибмиз.
Аммо, бугун кўзларимда ёш,
Сенсиз йўлим ёритмас қуёш.

Қалбда туғён уриб эҳтирос,
суйдим сени телбаларча, рост.
Сени кўрмоқ – севмоқ-ку, ўзи,
Сен севгининг мангу юлдузи.

Оҳ, қайданам кўришдик бизлар,
Оҳ, қайданам севишдик бизлар?
Севмасайдик бунчалар интиқ,
Абгор этмасмиди айрилиқ

Маили, омон бўлгин сен гулим,
Кўнгил мулким, азиз севгилим.
Ҳамроҳ бўлсин қалбингга абад
Тинчлик ила эзгу муҳаббат.

Астагина ўпишдик гирён,
Айри тушди йўллар ҳар томон.
Видолашдик гарчи пичирлаб,
Фарёд солди юрак қон йиғлаб...

ҚИЗ ҚЎШИҒИ

Шотланд халқ қўшиқлари оҳангида

Дарё денгизга оқади,
Мавжлари дилга ёқади,
Соҳилда кимдир боқади,
Билдим, у – тикувчи йигит.

Еттита йигит йўлимни
Тўсдилар сўраб қўлимни,
Улар билмайди кўнглимни,
Кўнглим тикувчи йигитда!

Ота-онам зорлайдилар,
Бойга тег деб зўрлайдилар,
Унутгин, деб хўрлайдилар,
Кувнок тикувчи йигитни.

Отам шафқатсиз, димоғдор,
Дейди: “Унга бермам зинҳор!”
Аммо, қалбим беозор ёр –
Ўшал тикувчи йигитда.

Токи, дарё шовқин солар,
Арилар гул болин олар,
Жавдар ёмғир ичра қолар,
Севганим тикувчи йигит.

*Инглиз тилидан
Бегойим Холбоева таржималари*

Марғуба МИРҚОСИМОВА,
педогогика фанлари
доктори, профессор

ИСТЕЪДОД ВА МАТОНАТ

Осмонўпар Нурота тоғ тизмаларига туташиб кетган Молгузар тоғлари этагида гўзал ва серфайз Жиззах шаҳри қад ростлаган. Бу кўхна шаҳри азимдан қанчадан-қанча алломалар, шоиру адиблар, давлат арбоблари етишиб чиққан. Улар ўзбек халқининг шуҳрати ва довруғини дунёга таратганлар. Ўзбек адабиёти ва маданиятининг буюк сиймоси, оташин ватанпарвар шоир Ҳамид Олимжон, йирик давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов, шунингдек, Назир Сафаров, Сарвар Азимов, Қодир Имомов, Орифжон Икромов, Полвон Азизовлар ана шундай улуғ зотлардандир. Асил Рашидовни ҳам шу муҳит фарзанди, шу тарихий силсиланинг узвий ҳалқаси десак муболаға бўлмайди.

Асил Рашидов 1930 йилнинг 10 январиди оддий деҳқон оиласиди таваллуд топган. Ота-она янги фарзандга эзгу ниятлар билан Аслиддин деб ном беради. У етти йиллик мактабни муваффақиятли битиргач, 1946-1949 йилларда Жиззахдаги Ҳамид Олимжон номли педагогика билим юртида таҳсил кўрди. У, билим юртида ўқиш билан бирга, касаба уюшмаси раиси сифатида жамоат ишларида фаол қатнашган.

1949 йилда билимини янада ошириш ниятида Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) филология факультетининг журналистика бўлимига ўқишга кирган. Талабалик йилларидаёқ “Америка прогрессив адабиётида негрлар ҳаётининг акс эттирилиши”, “Жорж Санд” каби илк мақолалари матбуотда эълон қилинган.

1954 йили ўқишни битиргач, ҳозирги “Ўзбекистон овози” газетаси таҳририятида адабий ходим, бўлим мудири лавозимида ишлади. Шу йилларда фаол журналист, сермахсул адабий танқидчи сифатида шаклланди. Газета бўлажак олимнинг ижодий парвози учун катта ҳаёт, маҳорат мактабига айланди. Худди шу йилларда украин халқининг буюк санъаткорлари Т.Шевченко, И.Франко, Л.Украинка, М.Коцюбинскийларнинг ижодий фаолиятига бағишланган туркум мақолалари матбуотда босилиб чиқди.

Адабий-илмий изланишлар ёш ижодкорни янада рағбатлантирди. 1958-1961 йилларда у Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети аспирантурасиди ўқишни давом эттирди. 1963 йилдан эса ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасиди ўқитувчи сифатида иш бошлади. 1981 йилда академик Воҳид Зоҳидов раҳбарлигида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. 1989 йилдан доцентлик лавозимига ўтди.

Айни давр устоз Асил Рашидов таржимонлик фаолиятининг сермахсул даври бўлди. Ўзбек адабиётшунослигида атоқли адиб Чингиз Айтматов ижоди ва асарларини ўрганиш, таржима қилишда муҳим йўналишни бошлаб берди. Адибнинг “Жамила”, “Сарвқомат дилбарим”, “Юзма-юз”, “Оқ кема”, “Сомон йўли”, “Алвидо, Гулсари!” каби асарлари ўзбек тилига маҳорат билан ўгирилди. Қатор адабиётшунослар уларнинг эстетик-тарбиявий қиммати юқори эканлиги асл нусхадан таржима қилинганлиги билан боғлиқлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Хусусан, Ғайбулла Саломов бу ҳақда шундай деб ёзганди: “Бир қардошлик оиласига мансуб бўлган озарбайжон, козоқ, туркман ва бошқа тиллардан бирида яратилган асарни бевосита ўзидан таржима қилиш бирмунча ўнғай ва афзал, чунки қардош тилларда ўхшашликлар, муштарак қонун-қоидалар ва умуминсонийликлар кўп. Қирғиз тилида кўп ҳолларда гап ўзбек тилидагига нисбатан анча қисқа, сиқик шаклда тузилади. Унда шундай сўз бирикмалари учрайдики, уларнинг маъно хусусиятлари тўла ҳисобга олинмай ўзбек тилига ўгирилса, жуда қўпол услуб ғализлиги ҳосил бўлади.” Моҳир таржимон Асил Рашидов бундай ҳолатларни яхши пайқаган ва таржимада қўпол хатоларга йўл қўймаган. Сўзларни кўр-кўрона ишлатмай, услубий мос, бадиий

аниқ, муқобил таржима намунасини яратган. “Чингиз Айтматовнинг асарлари, – деб ёзади Асил Рашидов, – ўзига хос услубда, ёрқин ва шоирона тил билан ёзилган. Улардаги образлар, персонажлар, лавҳалар, ҳатто ҳар бир ибора, ҳар бир сўз жонли, таъсирли, биллур каби нурланиб киши қалбини мафтун этади”. Таржимон буюк адиб ижодига хос ана шу жозибани, мафтункор руҳни ўз мутаржимлик фаолиятида мужассам қилишга эришган.

Таниқли адабиётшунос сифатида У ёзувчиларнинг бетакрор бадиий оламини кенг кўламли тадқиқ қилди. Бу изланишлар натижасида “Чингиз Айтматовнинг бадиий олами” номли монографияси дунёга келди. Монографияда забардаст ижодкорга хос тафаккур тарзи, услуб ва маҳорат теран таҳлиллар ва ишонарли талқинлар асосида ёритилган.

Асил Рашидов севган касб-кори — журналистлик фаолиятини ҳам тўхтатиб қўймади. Ҳозирги педогогика университетининг кўп ададли “Маърифат йўлида” газетасига 22 йил муҳаррирлик қилди. Газета ғоявий, бадиий юксаклиги ва жозибадорлиги билан талабаларда катта қизиқиш уйғотгани бежиз эмас.

Профессор Асил Рашидов ўтган асрнинг 30-йилларида таваллуд топиб, 70-80-йилларида таниқли адабиётшунос олим ва таржимон сифатида танилган бўлса, XXI асрнинг дастлабки ўн йиллиги охирларига қадар жамоатчилик орасида ўз обрў-эътиборини бирдек сақлаб келаётган устоз ҳисобланади. Олимнинг алоҳида ҳурматга сазовор бўлиб, эл назарига тушиши осон кечган эмас. Чиндан ҳам у икки аср одами, ўзлигини ниҳоятда эҳтиётлаган, маънавий оламини ҳар жиҳатдан муҳофаза қила олган инсон сифатида эъзозлидир.

“Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил” нақлининг ҳаётийлигига кўплаб арбоблар, олимлар ҳаёти мисол бўлиши мумкин. Адабиётшунос олим, мураббий Асил Рашидов сиймосида фикр қиларлик жиҳатлар анчагина. Мен устозни 1981 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедраси лаборанти сифатида иш бошлаган кезларимда яқиндан кўриб танишдим. Бу йилларда у бир неча монография, илмий рисоалар чоп этган таниқли олим сифатида қизгин ижодий иш олиб борарди. Тасаввуримча, анча димоғдор бўлган одамнинг мендек оддий лаборант билан камтарона сўрашишлари мени ҳайрон қолдирган ва кўнглимда меҳр уйғотган эди. Йиллар ўтиб, 2006 йилда тақдир тақозоси билан кафедрага мудир сифатида ишга тақлиф қилиндим ва яна салкам беш йил устоз билан бир жамоада сафдош, касбдош бўлиб ишлаш насиб этди. Биз ҳамиша домладан ибрат олишга ҳаракат қиламиз. Муҳими шундаки, у ўзи тўғри деб билган сўзни айтишдан чўчимайди, ўз ҳақиқатини исботлашга кучини аямайди. Ҳатто ёши улуғ домлаларга ҳам ўринли танбех беради, ёлғонни ҳазм қилолмайди.

Бугунги кунда саксон ёшни нишонлаётган Асил Рашидов олдидаги ҳар бир вазифани масъулият билан, сидқидилдан бажаради, ваъдада қатъий туриб, ҳамма сўзлари устидан чиқади, учрашувга белгиланган фурсатдан ўн дақиқа олдин келиб, кутади. Шукур ва ҳавас қиладиган жиҳати эса улуғ ёшда ҳам қаддиларини адл тутиб, қатъий интизом билан ишлаб юришлари, мустаҳкам иродасидир.

Педагогик машаққатли, аммо шарафли касб. Бу соҳа Асил Рашидов ҳаётида етакчи ўрин тутди. Мана, ярим асрдан ортиқроқ давр мобайнида педагогика университетининг ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасида “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Миллий уйғониш ва истиқлол даври ўзбек адабиёти”дан маърузалар ўқиб, амалий машғулотлар олиб бормоқда.

Устоз талабаларнинг курс, битирув малакавий ишларига илмий раҳбарлик қилиб келмоқда. Ҳар бир машғулотида пухта тайёргарлик кўриши таҳсинга лойиқдир. Шунинг учун ҳам нафақат очик дарслари, балки, ҳар бир дарс машғулотида сермазмун ва қизиқарли ўтади.

Олим ижодий фаолияти давомида юзлаб илмий-оммабоп асарлар яратди. “Леся Украинка”, “Инсон ва меҳнат мадҳи”, “Ишчи қиссаларимиз қаҳрамони”, “Герой человек труда”, “Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири”, “Сўнмас юлдузлар”, “Чинқиш мактаби”, “Асрга тенгдош мактаб”, “Акам ҳақида”, “Эзгуликка бахшида умр”, “Чингиз Айтматовнинг бадиий олами” каби

рисолалари теран эстетик қийматга эгадир.

Олимнинг серқирра илмий-ижодий, таржимонлик ва педагогик фаолияти ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланганини алоҳида таъкидлаш лозим. У давлат мукофоти, бир қанча фахрий унвонлар, орден ва медаллар соҳибидир.

Бор умри, илму идроки, куч-қуввати, истеъдодини элу юртига хизмат қилишга бахшида этган профессор Асил Рашидовга мустаҳкам соғлик-саломатлик, узок умр, янги илмий-ижодий ютуқлар тилаб қоламиз.

Бобур Элмуродов 1989 йил Қашқадарё вилояти Китоб тумани Алақўйлик қишлоғида туғилган.

Ҳозирда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети учинчи босқич толиби.

* * *

Борлиғингни ютдим амаллаб,
Сеҳргарга айландим зумда.
Фаслларни қўйибман қамаб,
Тўрт фасл ҳам менинг измимда.

Бир кечада ўғирлаб олдим,
Ўтганинда гап отган сойни.
Қайтишимда сўмкамга солдим,
Осмон узра осилган ойни.

Яна нима чиқди эсимдан,
Тагин қолиб солмасин ғавго.
Фақат қолиб кетарди мендан,
Қоронғуга беланган ҳаво.

Ва, ниҳоят, келдим ёнингга,
Буюр,
ерга чўккаладим тиз.
– Бори шуми? – Пичирлаб аста
Фаслларга ёнбошлади қиз.

Оҳ...
Орзуларинг қўйибман тўсиб,
Йўқотибман,
бу қандай нағма?
Камзулимдан қолибди тушиб,
Ишқ аталмиш ялтироқ тугма.

* * *

Қаерлардан келаяпти у,
Ранги ўчган ва нимжонгина?
Хуллас, битга қора тақдирни
Олиб келди оппоқ машина.

Унутмабди кенг далаларни,
Унутганин эслай олмади.

Машинани тўхтатди, аммо,
Кўз ёшини тўхтатолмади.

Сўнгра борди эски уйига,
Нам тупроққа беланиб ётди.
Қиш. Ёшлиги тушиб эсига,
Укалари унга қор отди.

Ёдга тушди, дарча ёнида
Кекса она ўтирар хомуш.
Кеча унга айтибди кимдир
Энди ўғли қайтиб келмасмиш.

Сўнг не бўлди, тушунолмадим,
Уйнинг томирлари увишди.
Тонг. Кўчада турар машина,
Битта япроқ узилиб тушди.

* * *

Ёмғирда қолиб кетсанг,
Фойданг тегиб кимгадир,
Эй биродар устингга
Ёгган ҳақиқий ёмғир.

Акси бўлса, мабодо,
Ақлинг етса бўлгани,
Юзингга теккан ёмғир
Осмоннинг тупургани.

* * *

Мени маъзур тутинг,
фақат илтимос,
Бунча ўзингизни олманг панага.
Менинг излаганим,
...битта ранг холос,
Битта ранг деб келдим ғурбатхонага.

Мени маъзур тутинг,
сўнг бор, даъфатан,
Билмай кириб қолдим ҳаётингизга.
Мени ҳайдаворинг,
майли, кетаман,
Нимадир айтмоқчи бўлувдим сизга.

Бир дақиқа...
Энди жим турасиз мағлубларга хос,
Майлими, бир оғиз гапирсам иним?!
Ишонинг!
Битта рангни кашф қилганим рост,
Фақат...
Фақат... мингта рангдан ажралган куним.

* * *

Бевақт ҳаётимга кириб келган март
Синган умидларим супураб бир-бир.
Эски қумғонимда қайнаётган дард
Томчиси юзингга тегдими, сингил?

Хавотир кўзимга чўкар чуқурроқ,
Аросат акамдир, хиёнат-иним.
Нега у дамларнинг ҳаммаси оппоқ,
Узоқ қишлоғимда қолган яқиним?

Феврал юрагимнинг соғинчин туйган,
Баҳорга юзини кўрсатмас кўнглим.
Анов куроқ кўрпанг тагига қўйган
Барча дардларингни менга бер, синглим.

Дийдор саҳролари бунча бепоён,
Мудроқ туйғуларим ухлолмайди тинч?!
Баҳорнинг қайтиши бир менга аён,
Асли, икки дилга ин қураб соғинч.

МАҚОМ ЗАРБЛАРИГА ЙЎҒРИЛГАН ЮРАК

Бадиҳа

Д е б о ч а

Азим шаҳар Тошкентнинг гавжум кўчаларидан бири... Кўча чеккасидаги пиёдалар йўли бўйлаб аллома Юнус Ражабий юриб келмоқда... у ҳар бир қадамни юрагининг урушига мослаб олгандек, бир меъёрда қадам ташлайди.

Айтишларича, мақом зарблари инсоннинг юрак урушига ҳамоҳанг эмиш. Юнус Ражабийнинг босган ҳар бир қадамида худди шу ҳолат мужассам топгандек эди...

Айни пайтда, унинг сиймосида ўзбек халқининг асрлар оша босиб келган тарихий йўлининг мусиқий оҳангларга йўғрилган ифодаси бўлмиш мақом куйлари ҳам барҳаёт қадамлар билан юриб келаётгандек эди...

Юнус Ражабий шундай қадамлар билан ўз уйига етиб келди. Эшикни очиб ичкарига киргач, нариги хонага юз буриб: "Онаси, чой беринг!" деди-да, ўз хонасига кириб кетди. У тўғри бориб стол ёнига ўлтирди ва кўлига қалам олди. Дафтар саҳифасида нота аломатлари пайдо бўла бошлади, гўё у мусиқий куй ва оҳанглари ўтмиш бағридан териб олиб, нота белгиси шаклида дафтар саҳифасига тизаётгандек эди.

Юнус Ражабий бутун вужуди билан берилиб ишлар экан, унинг шу ўлтириши худди дур доналарини сархиллаётган ҳазинабонга ўхшар эди.

Дастуруламал

Хонада Юнус Ражабийнинг ёлғиз ўзи... Кўлида анча уринган бир китоб... У китобнинг ўнг кўл томонидаги муқовасини оҳиста очиб, араб ёзувида битилган "Армуғони Хислат" сўзларига кўз югуртирди. Сўнгра у бу сўзлар остига битилган мана бу сўзларни овоз чиқариб ўқий бошлади:

*Аҳбоблар бу нусха сизларга армуғондур,
Айланг очиб тамошо гуёки гулистондур.*

Юнус Ражабий бу сўзларни ўқир экан, унинг лабларида майин жилмайиш намоён бўлди. У ёшлик йилларини эслади...

1905-йил... Юнус Ражабий саккиз-тўққиз ёшларда. Мана, улар ҳовлисининг ташқарисидаги меҳмонхонага отасининг яқин дўстлари йиғилишган. Яқинда Андижондан кўчиб келиб, Юнус Ражабийларга қўшни бўлган Мирза Қосим ҳофиз танбур чертиб, мақом йулларидан ўқимокда.

Бу вақтларда ёш Юнус Ражабийнинг ашула ва мусиқага ҳаваси бағоят баланд... Ўштиборлиси шундаки, Юнус Ражабий ёш булишига қарамай, бирор куй ёки ашулани бир бор эшитишнинг ўзидаёқ, бошидан-охирига қадар эслаб кола оладиган кувваи ҳофиза соҳиби эди.

Мана, у бир чеккада жимгина ўлтириб, Мирза Қосим ҳофизни берилиб, бутун вужуди билан тингламоқда. Ашула ва куй унинг ёш қалбига сингиб бормокда. Эртасига у кеча эшитган ашулаларни худди Мирза Қосим ҳофизга айнан ўхшатиб, қайта-қайта куйлайди.

Новза гузаридаги чойхона. Оқшом. Чойхонада одам гавжум. Шу одамлар орасида ўн уч ёшлик Юнус Ражабий отаси ёнида чордона куриб ўлтирибди. Ўртадаги ёғоч каравотда ўша

йилларда жуда машхур бўлган Мулла Тшйчи ҳофиз, Шораҳим, Шожалил ва Уста Қодир деган хонандалар. Улар навбатма-навбат мақомлардан ўқишади. Ҳар бир ҳофиз ашула бошлаб, бир нафас тўхтаганда, Туйчи ҳофиз: "Ҳў, биродарлар, бу мақомнинг "Ироқ" йўли", деб эслатиб кўяди. Ҳофизнинг бу сузлари ёш Юнус Ражабийнинг қулоғига эмас, юрагига кириб боради.

1912-йил... Куз фасли эди. Юнус Ражабийнинг бир ўртоғи уни китоб севарлигини назарда тутиб, унга бир китоб кўрсатди. Кўрсатишга кўрсатди-ю, аммо Юнус Ражабийнинг: "Бир кўрий", деган илтимосига у: "Йўқ!" деб тегажоглик қила бошлади. Юнус Ражабий яна илтимос килди, бўлмади. Ялинди. Шундан кейингина у: "Ма, фақат тез бўл!" деб китобни унга тутқазди. Юнус Ражабий китоб муқовасини очган ҳамон кўзлари йирик ҳарфлар билан ёзилган "Армуғони Хислат" сўзларига тушди. Кейинги, чиройли зарҳал жадвал тортилган саҳифага майда настаблиқ хатида битилган сатрлардан Юнус Ражабий: "Айламишлар Мулла Туйчи бир ажиб ширин баёз...", "Ва яна хитоби олий қилиб айдиларки, сен...", "...Ҳар ғазалнинг савту мақому оҳангининг тўфасига (тепасига) ёзуб тартиб риштасига тизгайсен...", сингари ибораларни шоша-пиша ўқиди. Кейинги саҳифаларни тез-тез варақлади. Қиялатиб ёзилган ғазалларнинг бошланишига "Савти дугоҳ Хусайний", "Таронаи дугоҳ" каби мақом номлари ёзиб қўйилган эди.

Юнус Ражабийнинг юрагига чўғ тушди. "Ахир, бу мақомларни Мирза Қосим ҳофиздан, қолаверса, Тўйчи ҳофиз ва бошқа хонандалардан эшита бериб, оҳанглари ёд булиб кетган-ку! Китобнинг ноёблигини қаранг, Туйчи ҳофиз куйлайдиган барча ашулалар тўлиқ жамланган..."

"Булди, энди буёққа бер!" деб ўртоғи Юнус Ражабий кўлидан китобни юлиб олиб, югурганча жўнаб кетди. Ўша куни кечкурун Юнус Ражабий бу китобни отасига таърифлаб: "Шу китобдан битта топиб беринг!" деб ялинди. Охирги сўзларни у деярли йиғлаб гапирди. Ўғлининг "дарди" оғир эканлигини ҳис қилган ота Туйчи қилган ота Тўйчи ҳофизга учраб, ўғлининг аҳволи-ҳолатини баён қилди. Тўйчи ҳофиз, мийиғида кулиб: "Оббо Юнусвой-эй! Шунака денг! Майли, ман Хислат эшонга айтаман!" деди.

Орадан икки ҳафта ўтгач, Шораҳим ҳофиз: "Юнусга бериб куйинглар!" деб китобни ташлаб кетди. Қисқа муддат ичида Юнус Ражабий бу китобдаги ғазалларни мақом йулларида қиёмига етказиб куйлай бошлади.

Шу тариқа, "Армуғони Хислат" китоби Юнус Ражабий учун мақом бустонига дадил кириш йўлида ўзига хос дастуруламал бўлди.

1960-йиллар... Академик Юнус Ражабий "Шошмақом"ни нашрга тайёрламоқда... Бу олти мақомнинг "Мушқилот" қисмига қараганда, "Наср" қисми устида ишлаш жиддий ёндашиб, ижодий меҳнат қилишни талаб этмоқда. Чунки, баъзи ўринларда мавжуд матнни бошқа матн билан алмаштиришга тўғри келмоқда. Бундай кезларда, у, "Армуғони Хислат" китобини қўлга олиб, саҳифаларни бир-бир очиб, ғазалларни диққат билан ўқийди. Мана, "Дугоҳ" мақомининг "Таронаси"га шоир Хислатнинг уш-бу ғазали олинган экан:

*Ҳажринда бас ўлдурма андишаи фардо қил,
Кел, эмди менга жоно васлингни муҳайё қил.*

Юнус Ражабий кўлига дуторни олиб бу байтни ҳиргойи қилиб кўрди. "Йўқ, бу тарона...". "Дугоҳ"нинг "Сараҳбор"ига қайси ғазални олиш мумкин?!".

У ўзбек шоирларининг ўнлаб китобларини варақлаб, юзлаб ғазалларни кўздан кечирди. Бу орада кунлар кетидан ҳафталар, ҳафталар кетидан ойлар ўтди. Ниҳоят, бир куни Алишер Навоийнинг "Ҳазойин ул-маоний" девонини варақлаб ўлтириб, ногоҳ кўзи мана бу сатрларга тушиб қолди:

Бағримни тийғи ҳажр ила юз пора қилдилар,

То ёр кўйидин мени овора қилдилар.

Юраги жиз этиб кетган Юнус Ражабий ҳаяжон билан ғазални бир бошдан ўқишга тушди.

Буни қарангки, ғазал мазмунида ифода топган кайфият, куй оҳангида мужассам топган кайфият билан шундоққина ҳамоҳанг эди.

Юнус Ражабий дутор жўрлигида ушбу ғазални "Дугоҳ"нинг "Сараҳбор" оҳангида куйлай бошлади. Сўз билан куй худди узукка кўз куйгандек бир-бирига мос келар эди. Юнус Ражабий завқ, билан куйлади. Яна ва яна куйлади. Фақат, эртаси куни бу ғазал мақом оҳангига йўғрилган ҳолда мусикий белгилар шаклида нота дафтари саҳифасидан ўрин олди.

Аслида, бирор мақомга мансуб матнни алмаштириш осон эмас. Бунда, аввало, мусиқага ҳалал бермаган ҳолда куй ва ғазал мутаносиблигидан ташқари янги, алмаштирилаётган ғазал сузларидаги узун-қисқалигини ҳисобга олиш шарт бўлган бўғинларни ҳам эътиборда тутиш лозим.

Бошқача айтганда, ҳозирги даврдагидек, тайёр шеър (матн)га куй басталанмайди, балки, аксинча, тайёр куйга ғазални санъаткорлик билан мослаш керак. Аммо, бу амалиётни адо этиш жараёнида, бундан-да мураккаброқ, муаммоларга ҳам эътибор беришга туғри келади. Чунончи, аллома Абдурахмон Жомий мақомлар ҳақида сўз юритиб, улар инсонларга хузур бағишловчи асосий фазилатларидан ташқари яна тингловчиларга ўзгача таъсир этиш хусусиятига ҳам эгадирлар, деб ёзган эди. Жомийнинг қайд этишича, мақомлардан ушоқ, наво кишиларда куч ва жасорат: рост, ирок-хушвақтлик ва қувонч; бузрук роҳавий, зангула-қайғу ва ғурур; хижозий ва ҳусайний-завқ, ва севинч кайфиятларини пайдо қилади. "Ижрочилар-деб ёзган эди Абдурахмон Жомий-мақомларнинг бу хоссаларини ҳисобга олишлари ва ҳар бир мақом учун мазмунан мутаносиб ғазаллар танлашлари лозим".

Абдурахмон Жомийнинг мана шу сўзларидан келиб чиқиб, Юнус Ражабий "Шашмақом" устида ишлар экан, мақомларнинг ана ўша хосларига жиддий эътибор берган ҳолда, ўзбек шоирларидан Лутфий, Навоий, Бобур, Зебунисо, Атойи, Огаҳий, Нишотий, Мунис, Машраб, Амирий, Нодира, Бону, Хувайдо, Фазлий, Муқимий ва бошқа шоирларнинг ғазалларини тан л ад и.

Бироқ, эътиборлиси шундаки, Юнус Ражабий ижодий ишга киришар экан, ҳамиша қулига "Армуғони Хислат"ни олар, саҳифаларни оҳиста варақлар, айрим ғазалларни диққат билан ўқир, баъзи ғазалларни хиргойи килар ва шундан кейингина бошқа шоирлар асарларини ўқий бошлар эди. Шу тариха "Армуғони Хислат" Юнус Ражабий учун ўзига хос ижодий дастуруламал вазифасини ўтарди.

Ҳозирда "Армуғони Хислат" уй-музейнинг иккинчи қаватидаги жавонда, Юнус Ражабий фойдаланган ноёб китоблар саҳифа турибди.

Ж а р а ё н

Мўъжазгина хона... Хонанинг деразага яқинроқ, жойида доирасимон стол. Стол атрофида икки-уч стул... Стол устида варақ четлари уриниб кетган нота дафтари. Дафтарнинг ўнг томонида ишлата бериб, қирралари ейилиб кетган ўчирғич, унинг ёнида бир нечта қаламлар, ручкалар ва тиғи очиб куйилган қаламтарош. Шунингдек, қопқоғи очиклигича қолган кузойнак гилофи. Булардан сал нарироқда эса, чойнак-пиёла. Пиёлага ярим куйилган чойдан майин буралиб буғ кутарилади.

Хона турида пианино. Унинг ёнида ўлтирган Юнус Ражабийнинг қўлида уста Усмон ишлаган дутор. У бир пианино клавишини босади, бир дуторни чертади. Сўнгра дутор қулоғига қўл чўзади.

Шу тариха, дуторни созлаб олган Юнус Ражабий стол ёнига келиб ўлтиради ва пиёладаги

чойдан бир хўплаб" олгач, дутор черта бошлайди. У бутун вужуди билан берилиб, бир куйни бошдан-оёқ чалади. Кейин, куйдан роҳатланган Юнус Ражабий яна бир хўплам чой ичади ва дуторни чап қўлида ушлаган ҳолда, унғ қўлига стол устидаги қаламлардан бирини олади. Қалам нота дафтари узра чакқон ҳаракат қила бошлайди. Дафтар саҳифасида эса нота аломатлари пайдо бўла бошлайди. Бир-икки сатрни босиб ўтган қалам кутилмаганда таққа тўхтади. Юнус Ражабий қаламни қўйиб, дутор чертишга тушади. Паст овозда дуторга жўр бўлиб, хиргойи қилади. Тўхтаб, қўлига ўчирғични олади. Қалам билан яна нота аломатларини бита бошлайди. Яна тўхтаб, дутор чертиб кўради. Яна ўчиради, яна ёзади. Яна ва яна дутор чертади, яна ёзади, яна учиради ва яна ёзади.

Шу тариқа, дутор чалиб, яна куйни хиргойи қилиб, дутор пардаси асосида ўзбек миллий куйлари, мақом "мушкилот"ларини нота белгилари воситасида дафтар саҳифасига битади.

Бу жараён бир кун ёки бир ой эмас, балки йиллар, ўнлаб йиллар мобайнида, то умрининг охиригача давом этади.

Этиборлиси шундаки, Юнус Ражабийга ижод жараёнида хамроҳ бўлган ўша дутор, ўша чойнак ва пиёла, ўша нота дафтари ҳозирда унинг уй-музейидаги ўша стол устида турибди. Улар ўша йилларни ва Юнус Ражабийга хос ижод жараёнини ёдга солади.

С а д о қ а т

1967-йил 6-сентябр... Алишер Навоий номидаги Катта Академик опера ва балет театри. Ўзбек мусиқа маданиятининг деярли барча намояндалари шу ерда. Ўзбек мусиқасининг алломаси Юнус Ражабий таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан бу ерда ижодий кеча ўтказилмоқда.

Навбати билан саҳнага ўрта бўй котмадан келган, бошига чакмадўз дўппи кийган, сокол-муйлови ўзига ярашган бир нуроний қария қўлида чиройли дуторни кўтарганча кириб келди. Бу – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, машҳур созгар уста Усмон Зуфаров эди. Юнус Ражабий тўрт-беш қадам босиб унга пешвоз чикди. уста Усмон дуторни икки қўллаб ушлаган ҳолда, табрик сўзларини айтиб, Юнус Ражабийга узатди. Юнус Ражабий ҳам икки қўлини чўзиб дуторни ушлади. Ўртада дутор, унинг икки ёнида икки санъаткор, бири созгар, бири созанда. Бу ҳолат бир неча сония давом этди. Аммо, бу сониялар мазмунан минг йиллик тарихни ўзида мужассам этган эди. Чунки, бу сониялар инсон маънавиятининг бебаҳо мўъжизаси бўлмиш мусиқани рўёбга келтирувчи созгар ва созанда бирлигини намоиш қиларди...

Зотан, Юнус Ражабий мусиқа деган мўъжиза кўркам бир дарахт бўлса, созгар унинг илдизи, созанда унинг танаси, куйлар эса унинг ҳаётбахш меваси эканлигини яхши биларди. Шунингдек, у бу дарахтнинг ё илдизи, ё танасини бошқа дарахт илдизи, ёки танаси билан алмаштириш умуман мантиққа зид эканлигини ҳам чуқур идрок қиларди. Шунинг учун ҳам Юнус Ражабий мусиқа маданиятининг миллийлигини таъминловчи созгар ва созанда бирлигига бўлган садоқатини бир умр йўқотмади.

М а қ о м н и н г с у в р а т и

Ўтган асрнинг 70-йиллари эди. Ҳамид Сулаймон Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида "Ғазал ва мусиқа" мавзусида алоҳида кўргазма (экспозиция) яратишга киришди. Бу ишни ўзига хос ғайрат ва этибор билан бошлаган Ҳамид Сулаймон, аввалига, бу хусусда, адабиётшунос ва мусиқашунослар билан маслаҳатлашиб илк режа тузди.

Ана шу режага биноан, таниқли мусиқашунос Исҳоқ Ражабов кўргазмага қўйиладиган кўхна созлар рўйхатини тузди ва бу рўйхат созгар уста Усмонга топширилиб, у билан битим тузилди. Айни чоғда, ясалажак созлар учун ўрик ва ёнғоқ дарахтларининг ёғочлари музейга келтирилди.

Ҳамид Сулаймоннинг ўзи эса Москва ва Ленинград шаҳарларига бориб, у ердаги музей ва кўргазмаларда юриб, истеъдодли рассомларнинг ишлари билан яқиндан танишди ва ўша рассомларнинг ўзлари билан учрашиб, уларни Ўзбекистонга таклиф қилди. Ўша рассомлардан икки киши – Николай Николаевич Баскаков ва Игор Александрович Роздрогинлар 1974-йилнинг баҳорида Тошкентга келишди. Ҳамид Сулаймон ва мен уларни Тошкент аэропортида кутиб олдик. Меҳмонхонага келгач, Ҳамид Сулаймон: “Сизлар йўлдан чарчаб келдинглар. Бугун яхшилаб дам олинглар, иш ҳақида эртага гаплашамиз” – деди. Рассомлар эса: – “Йўк, аксинча, бизлар йўлда дам олиб келдик. Иложи бўлса, шу бугуноқ ишга киришганимиз маъкул”, – дейишди. Шундан кейин, дастлаб Юнус Ражабийнинг уйига боришга қарор қилдик. Йўлда кетар эканмиз, Ҳамид Сулаймон маслаҳат тарзида: – “Тўхтамурод, буларни қай бирига Юнус акамни топширсак бўларкин?”, – деб сўради. (Ҳамид Сулаймон рассомлар илғаб қолмасин деган мақсадда “портрет” сўзини айтмади). Мен бундай саволни кутган эдим. Шунинг учун ўша заҳоти:

– Домла, буларни қайси бири хоҳиш билдирса, ўшанга топшириш керак, – деб жавоб бердим.

– Гапинг тўғри, – деди Ҳамид Сулаймон, – ҳақиқатан ҳам санъаткорнинг кўнгли чопмаса, уни минг зўрлаганинг билан фойдаси бўлмайди.

Ҳамид Сулаймонда ажойиб бир фазилат бор эди. У, ниҳоятда, жиддий масалалар юзасидан ҳам ходимларга, уларнинг ёши ва илмий даражасидан қатъий назар, маслаҳат соларди. Бундай кезларда фикр билдиришга ожизлик қилган ходимларни Ҳамид Сулаймон хуш кўрмас, айниқса: “Домла, ўзингиз биласиз” деганларни ҳатто қойиб ҳам ташларди.

Аслида эса, Ҳамид Сулаймон биз – илмий ходимларни мустақил фикр қилишга чорлар эди.

Юнус Ражабийнинг уйига етиб келганимизда, баҳор кўёши ўзининг ёрқин нурларини саховат билан сочмоқда эди. Юнус Ражабий бизларни хурсанд бир кайфият билан кутиб олди. Ҳамид Сулаймон у кишини рассомларга ўта мақтов сўзлари билан таништира бошлади. Бу сўзларни эшитиб турган Юнус Ражабий майин жилмайиб, ўзига хос овозда:

– Ҳамиджон, мақтовниям ашулага ўхшаб авж пардадан бошлаб бўлмайди. Униям аввал паст пардадан бошлаб, секин кўтарсанг ёқимли бўлади, – дея мутойиба қилди.

Юнус Ражабий сиймосидаги улуғворлик билан қоришиб кетган ўзбекона камтаринлик хонада ҳар қандай тортинишлардан холи эркин бир вазиятни вужудга келтирди. Юнус Ражабий билан Ҳамид Сулаймон ўрталарида бўлаётган ҳазил-мутойибаларни таржима қилар эканман, рассомлар ҳам яйраб-йайраб қулишар, баъзан эса бошларини бир томонга сал эгиб, Юнус Ражабийни синчковлик билан кузатишар эди.

Ниҳоят, Ҳамид Сулаймон суҳбатга жиддий тус бериб:

– Юнус ака, ўша сизга айтган рассомлар мана шулар. Булардан бири сизнинг портретингизни ишлайди. Шунга, энди, ўзингиз вақт ажратсангиз, – деди.

– Хўп, майли. Локин бу рассомлар фақат мани сувратимни чизса, унда окамла минан Исоқ нима бўлади?

– Уларни ҳам портретларини чизади.

– Якка-якками?

–Ҳа.

– Гапинг тўғри-ку, Ҳамиджон, аммо, бизани биров-бировимизадан ажратмасанг! Ҳаммовзани бирга чизса қандоқ бўларкин?

Кутилмаганда ўртага ташланган бу фикр Ҳамид Сулаймонни тўлқинлантириб юборди ва у зудлик билан рассомларга маслаҳат сола бошлади. Николай Николаевич Баскаков бу фикрни жуда маъқуллади ва руҳсат этилса бу ишга киришажагини айтиб, розилик билдирди. Аммо, аввалига, ҳар бирларини алоҳида-алоҳида хомаки портретлари чизиб олингач, бир кун ҳаммаларини биргаликда турганларини чизиш лозимлигини қўшимча қилди.

Николай Николаевич ўз фикрларини баён қилар экан, Ҳамид Сулаймон майин жилмайиб менга қаради. Унинг бу қарашида: “Гапинг тўғри чиқди”, деган маъно бор эди. Шундан кейин, Ҳамид Сулаймон Юнус Ражабийга муурожаат қилиб:

– Юнус ака, сиз айтгандай бўлди, энди ҳаммайлани бир куни музейга таклиф қилиб, ўша ерда сувратнинг умумий кўринишини келишиб оламиз. Унгача майда-чуйда ишларни шу ерга келиб ишлайди, шунга рози бўласиз, – деди. Юнус Ражабий рози бўлгач, бизлар кетиш учун ижозат сўрадик. Юнус Ражабий бизни кўчагача кузатиб қўйди.

Машинада қайтар эканмиз, Ҳамид Сулаймон хурсанд бир кайфиятда: – “Иш яхши бошланди. Энди, сан бу рассомни ёнида бўласан. Сан санъатни тушунасан. Шунийчун бу юмушни санга юклайман”, – деди. Шундан кейин биз Николай Николаевич билан бир неча кун давомида Юнус Ражабий, кейин Рисқи Ражабий ва Исҳоқ Ражабовларнинг уйларига қатнадик. Николай Николаевич аввалига қалам билан, кейин мой буёқ, билан уларнинг хомаки портретлари ва уларга мансуб ашёлар расмини чизиб олди.

Ниҳоят Ражабийларни музейга йиғадиган кун тайин бўлди. Ҳамид Сулаймон уларни кундуз соат ўн иккига музейга келишларини илтимос қилди. Чунки, рассомнинг сўзига кўра, бу вақтда ёруғлик меъёрида бўлар экан.

Николай Николаевич бу кунга жуда катта тайёргарлик билан етиб келди. Бунга қадар у Тошкентнинг тарихий қадамжоларига борди. Деярли барча музейларга ташриф буюрди. Бозорларни айланди. Хатто, айрим тўйларга бориб, хонанда ва созандаларни кузатди. Ўзбек таомларини тотиб кўрди. Мен унинг жуда кўп саволларига атрофлича жавоб бердим. Миллий кийимларимиз, удумларимиз ҳақида кўп маълумотларни айтдим.

Мана, Ражабийлар музейда махсус тайёрланган хонага бирин-кетин кириб келишди. Ҳамид Сулаймон уларни хурсандчилик билан кутиб олиб, рассом билан аввалроқ, қилинган келишув бўйича, жой-жойларига ўтқазди. Ўртада Юнус Ражабий, унинг чап ёнида Рисқи Ражабий, ўнг ёнида эса Исҳоқ, Ражабов ўрин олишди. Ҳамид Сулаймон рассом билан улар олдидаги стол устига қўйиладиган ашёлар ҳақида бир муддат баҳслашгач, узр сўраб, чиқиб кетди.

Николай Николаевич ўзига хос жадаллик билан иш бошлади. Шу пайт, Юнус Ражабий мендан қоғоз ва қалам олиб келиб беришимни сўради. Рассом ишлашда давом этаркан, Юнус Ражабий қоғозга араб алифбосида нималарнидир ёза бошлади. Кейин ишора билан мени чақириб: “Бу “Ғазал ва мусиқа” кўрғазмасида сувратлари қўйиладиган санъаткорлар руйхати. Ҳамиджон шуларни кўрғазмага қўйсин”⁹, деб тайинлади. Николай Николаевич шу куни тиним билмай ишлади ва оқшомга яқин мамнун ҳолда Ражабийларга миннатдорчилик билдирди.

Бу кунларда Игор Роздрогин Қўқон шахрига бориб, шоир Чархий портретига хомаки нусхалар чизиб келгач, Тошкентда созгар уста Усмон портретини яратди.

Шу тариқа икки рассом етарли маълумот ва хонаки нусхалар тўплагач, Ленинградга жўнаб кетишди.

Орадан уч-тўрт ой ўтгач, Ленинграддан тайёр суратлар адабиёт музейига келтирилди. Катта ёғоч кути қоққоғи очилди ва эҳтиётлик билан унинг ичидан сувратлар олиниб, музейга кираверишдаги зал деворига ёнма-ён суяб қўйила бошланди.

Ҳамид Сулаймон бошлиқ музей илмий ходимлари ҳар бир сувратни зўр қизиқиш билан қарши олишар ва унинг: “Фикрингиз қандай?” деган саволига бамаънироқ, жавоб беришга ҳаракат қилишар эди.

Ниҳоят, қутидан нисбатан каттарок, сувратни икки киши олиб деворга суяди. Суврат ҳаммининг эътиборини ўзига жалб қилди. Бу Николай Николаевич Баскаков ишлаган Ражабийлар суврати эди. Бу суврат ҳақида Ҳамид Сулаймоннинг саволига кимдир “ўхшатибди”, кимдир “худди тирикдай ишлабди”, яна кимдир “қотириб ташлабди”, дея жавоб

⁹ Бу руйхатни мен Ҳамид Сулаймонга кўрсатдим. У киши қўлга олиб, танишиб чиққач: “Бу санда турсин, йўқотма!” – деб қайтариб берди. Ҳозирда бу табаррук дастхат менинг китобхонамда сақланмоқда (З.Т.).

берди. Табиий, бу жавоблар Ҳамид Сулаймонни қониқтирмади. Шунда, бир дам завқ билан сувратга тикилиб турди-да: “– Бу мақомнинг суврати!” – деди. Дарҳақиқат, бу сувратга қараган ҳар бир инсон беихтиёр мусиқий овозни эшитаётгандек бўлади. Сувратда мақомнинг тасвири йўқ, аммо, таъсири бор. Бунга рассом Ражабийлар сиймосини қиёмига етказиб ишлаш орқали жуда аниқ, ва ишонарли ечим топган. Бундан ташқари сувратда тасвирга олинган ҳар бир ашё ягона мақсад баёнига хизмат қилади...

Совуқ сўзнинг захри

1976-йилнинг эрта баҳори... Юнус Ражабий шифохонада даволанмоқда. Ҳар куни ё ўғил, ё қизларидан бири келиб, унинг ҳолидан хабар олиб кетади. Аммо, мана икки кундирки, ҳеч кимдан дарак йўқ. Юнус Ражабий қаттиқ, хавотирлана бошлади. Уйни телефони нима учундир мутлақо ишламай қўйди. Юнус Ражабий яна уёқ-буёқларга қўнғироқ қилиб кўрди. Ҳеч ким гўшакни кўтармади. Ниҳоят, туни билан мижжа қоқмай чиққан Юнус Ражабий учинчи куни эрта билан Радио комитетининг музика таҳририятида ишлайдиган набираси Афрузага қўнғироқ қилди. Қўли қалтирабми ёки кўзи тинибми, телефон рақамини нотўғри терган бўлса керак, кутилмаганда, бошқа таҳририятга тушиб қолди. Юнус Ражабий ўзининг ким эканлигини айтиб, Афрузани чақириб беришларини илтимос қилди. У томондан рус тилида, бепарво оҳангда: "У ишга келмаяпти", деган овоз эшитилди. Юнус Ражабийнинг: "Нега ишга келмаяпти?" деган саволига у томондан гапираётган аёл зарда аралаш: "Вой, ҳали хабарингиз йўқми? Ахир, уни қизи ўлди-ку! Э, бобо бўлмай кетинг!" деди. Бу жавобни эшитган Юнус Ражабий хушдан кетиб йиқилди.

Юнус Ражабийнинг набира ва эваралари кўп эди. Аммо у невараси Афрузанинг қизи, Юнус Ражабийга эвара бўлмиш Дилфузага алоҳида меҳр қўйган эди. Зотан, унинг бутун вужуди музика эди. Юнус Ражабий Дилфузанинг келгусида етук мусиқашунос олима бўлишига тўлиқ ишонар эди. Глиэр номли музика мактабида аъло баҳоларда ўқиб, битириш арафасида турган Дилфуза кутилмаганда, ўпка шамоллаши оқибатида, тўсатдан вафот этди.

Юнус Ражабий ҳақида ҳужжатли фильмда Дилфуза ҳам сувратга олинган. Фильмда Юнус Ражабий уни юзидан ўпиб, мактабга кузатади ва орқасидан қўл силкитиб қолади. Дилфуза ҳам суюкли бобосидан узоқлашиб, қўлларини силкитиб хайрлашади. Тақдир тақозо қилган жумбоқни қарангки, нима учун кинооператор уларнинг айнан видолашув онларини суратга олган?!

Юнус Ражабийнинг фарзандлари ва яқинлари Дилфузанинг вафоти ҳақидаги машъум хабарни шифохонада ётган оталарига билдирмаслик чораларини кўришган эди. Аммо, телефон орқали эшитилган ўша совуқ сўз Юнус Ражабийнинг бутун вужудини захарлади. Оқибатда, суюкли эвараси Дилфузанинг йигирма маросими куни – 1976-йил 23-апрелда Юнус Ражабий ҳам ҳаётдан кўз юмди. Бу вақтда у табаррук 80 ёшда эди...

Ўзбекистон Фанлар академиясининг биноси. Юнус Ражабий билан видолашув маросими шу бинода ўтмоқда. Одамлар академиянинг катта мажлислар зали олдидаги кичик залга бир эшикдан кириб гуллар бағрида мангу уйкуда ётган Юнус Ражабий билан видолашгач, иккинчи эшикдан чиқиб кетишмоқда. Кўпларнинг кўзларида ёш йилтиллади. Баъзилар оталари бошида ўлтирган фарзандлари ва оила аъзоларига дардкашлик билан ярим овозда таъзия билдирадилар. Қўлларига қора боғич боғлаган санъат, адабиёт ва фан намояндалари навбатма-навбат Юнус Ражабий ёнига келиб, чуқур сукутга чўмган ҳолда, тик турадилар. Одамлар Юнус Ражабий ташкил қилган мақомчилар ансамбли созандалари ижро этаётган вазмин куйлар остида марҳум сиймосига сўнги бор нигоҳ ташлаб, ғамгин кайфиятда фахрий қоровуллар ёнидан ўтадилар.

Мана, хонандалар Юнус Ражабий умр бўйи қиёмига етказиб куйлаб келган "Ушшоқ"ни ижро этишга киришдилар. Аввалига, хонанинг у ер-бу еридан изтиробли йиғи овозлари эшитила

бошлади. Ашула авжига чиққан сари ҳасратли йиғи овозлари ҳам зўрайиб, уввосга айланиб кетди. Ҳамма йиғлар эди. Хонандалар ҳам йиғлаб куйлашар эди. Фахрий қоровулда турган уста Усмоннинг ҳам кўз ёшлари соқоли узра марварид янглиғ секин силжий бошлади.

Йўқ, бу муҳитда мақом одамларни йиғлатмас, балки унинг ўзи йиғларди.

Табаррук дастхатлар

Тошкент консерваториясининг эски биносида Юнус Ражабий номидаги мақом ижрочилари танлови ўтмоқда эди. Одатда, бундай маросимларда ўзига хос тантанаворлик билан бир вақтда масъулиятлилик руҳи ҳукмрон бўлади. Шунинг учун бўлса керак, аксарият ёш ижрочиларнинг ҳаяжонланаётгани шундоққина сезилиб турар, аммо, шунга қарамай, улар қадим куйларни имкон борича маҳорат билан ижро этишга ҳаракат қилишарди. Бирок, кўп ўринларда, улар қўлидаги фабрикада тезкорлик билан ясалган чолғулар бор маҳоратни намойиш қилишга ожиз қоларди.

Зални тўлдириб ўлтирган шинавандалар эса ҳар бир ижрочини зўр эътибор билан тинглашар, маъқул бўлган ўринларда қисқагина чапак чалиб қўйишар эди.

Олдинда, биринчи қаторда, таниқли созанда ва мусиқашунослардан иборат ҳайъат аъзолари ўлтиришарди. Улар орасида Юнус Ражабийнинг суюкли фарзанди – Ҳасан Ражабий ҳам бор эди.

Орадаги танаффус пайтида Ҳасан Ражабий:

– Тўхтамурод ака, кетиб қолманг, сизда зарур бир ишим бор! – деб, шошилганча ўтиб кетди.

Ниҳоят, пешин пайти курикнинг биринчи қисми тугади. Биз Ҳасан Ражабий билан бамайлихотир суҳбатлашдик.

– Тўхтамурод ака, – дея мурожаат билан сўз бошлади Ҳасан Ражабий узига хос овозда – отамни ўз қўллари билан ёзган анчагина дастхатлари бор. Улар орасида араб ёзувида битилганлари ҳам анчагина. Ман уларни бир-икки мутахассисларга кўрсатдим. Ўқишолмади. – Ҳасан Ражабий истехзо билан кулди ва сўзида давом этди. Бу ишни сиздан бошқа одам уддалай олмайди.

– Ман уддалайдиган иш нима экан, ўзи? – сўрадим ҳазиломуз оҳангда. Ҳасан Ражабий жиддий оҳангда жавоб берди:

– Отамнинг араб ёзувидаги дастхатларини жорий ёзувга ағдариб берсангиз.

Биласизми, дастхатларда, айниқса, машхур инсонларнинг дастхатларида, кишини ўзига тортувчи алақандай сеҳрли бир куч бор бўлади. Ҳасан Ражабийнинг сузларидан кейин ўша сеҳрли куч ўз бағрига тортди. Айни пайтда: “Ўқий олармиканман?” деган хавотир йулимни тўсди. Мен бироз сукут сақлаб турдим-да, иккилангандек оҳангда:

– Майли, уриниб кураман. Агар ўқий олмасам айбга буюрмайсиз,-дедим.

Уч кундан кейин Юнус Ражабий дастхатлари солинган семизгина жилд (папка)ни оҳиста очиб, илк саҳифага нигоҳ ташладим. Бундай кезларда асосий диққат-эътибор ёзувга қаратилади. Чунки, дастхат соҳибининг ёзув маданияти кейинги жараён учун ўзига хос эшик вазифасини ўтайди. Айниқса, араб ёзувида ҳарфлар шаклини сақлаш, уларнинг ўзаро қўшилишидаги изчиллик ва нуқталарни ўз ўрнига қўйиш ғоят муҳимдир.

Юнус Ражабийнинг бу борада етук саводхонликларига амин бўлгач, дастхатларни оҳиста варақлай бошладим.

Мана, Юнус Ражабийнинг ўз устози, машхур ҳофиз Мулла Туйчи Тошмухаммедов ҳақидаги хотираси. Ундаги ҳар бир сўз устозга бўлган юксак эҳтиром билан йўғрилган. Мана, Юнус Ражабий ҳаёт йулининг баёни. Мана, мақомларни руёбга чиқариш йўлидаги изланишлар, уринишлар ва курашлар тафсилоти. Мана, музыкали театр тарихига оид маълумотлар.

Хулоса қилиб айтганда, Юнус Ражабийнинг кўз нури ва қалб қўри билан битилган мазкур

дастхатларни миллий мусикамизга мансуб ўзига хос қўлёзма қомус десак, хато булмаса керак.

Мен деярли уч ой мобайнида, бу табаррук дастхатларни жорий ёзувга ағдариб, Ҳасан Ражабийга топширдим. Ҳозирда, улар Юнус Ражабий уй-музейи фондида сақланмоқда.

Х о т и м а

Юнус Ражабий ўтиб бормоқда... Энди, у йўл бўйлаб эмас, балки йил бўйлаб, йиллар бўйлаб ўтиб бормоқда...

Ажиб бир ҳолат. Юнус Ражабий биздан канчалик узоқлашган сайин унинг барҳаёт сиймоси янада яқинроқ ва янада ёрқинроқ бўлиб бормоқда...

Юнус Ражабий ўтиб бормоқда... Аммо, унинг ортида инжудек тиниқ суви замин бағридан қайнаб чиқаётган чашмага ўхшаш мусиқий мерос қолмоқда. Бу чашманинг ҳаётбахаш сувидан фақат биз эмас, балки келгуси авлодлар ҳам баҳраманд буладилар...

ТУЗОҚ

Қисса

*Устоз Камол ога Мамбетовнинг
ёрқин хотирасига бағишлайман.*

I. ОҒИР ЖИНОЯТ

Соат кечки тўққизлар чамаси. Мамбет Камолов ўзи очган жиноят ишининг расмий томонларини тугаллаб қўйиш мақсадида ҳужжат ёзиб, ишхонасида ҳалиям ўтирибди. Чин юракдан, ихлос билан ишлайдиган касбнинг ўз гашти бўлади. Ишлаганинг сайин роҳатланасан. Кўнглинг жўшиб, руҳинг юксалади.

Мамбетнинг тергов ишига аралашиб, меҳнат қилаётганига ўн йилдан ошди. Шу давр мобойнида ўқишда олган назарий билимларни амалда қўллаб, ўз устида бетиним ишлади. Ишнинг кўзини биладиган, тажрибали ҳуқуқшунос сифатида шаҳар прокуратурасида анча танилди. Биринчи даражали юрист.

Мана шу ҳозир ишлаб, ўтирган жиноий иш ҳам дастлаб очилиши мушкулдек кўриган эди. Ростдан ҳам шундай эди. Далил, гувоҳлар йўқ. Исбот билан бўйнига қўймасанг ҳеч ким ҳам шу ишни мен қилдим демайди. Ҳайтовур, ипидан-игнасигача суриштириб, таҳлил қилиб, ўрганиб, жиноятлар психологиясини билгани туфайли, тажрибаси орқали бир амаллаб очди. Очилгач эса, худди осон ишга ўхшаб қолди.

Кўпинча у ишда оқшомлари қолиб кетарди. Бунга хотини ҳам авваллари кўникмай, ёвқараш қилиб юрди. Ишни иш пайтида қилиб, қолганини эртага қолдирса осмон узилиб ерга тушармиди, деб бобиллаб ҳам берарди гоҳида. Бироқ Мамбет ундай қила олмасди. Чунки, биринчидан ҳали айтганимиздай, у касбини жуда севади. Қолаверса, бу вақт билан ҳисоблашиб қиладиган касблардан эмас. Қилмиш, жиноят кун-туни тинмасдан ишлаш, изланиш орқалигина очилади. Гоҳида, баъзи оғир жиноятларни тушида ҳам кўриб чиқади. Баъзан эса, жиноятни ким, қандай амалга оширганигача тушида аён бўлиб, ўнгдаги ишларига тўғри келган пайтлари ҳам бўлган. Қисқаси, терговчининг иши ёзувчиларникидай куннинг хоҳлаган пайтида давом этиб кетаверади. Иш тамом, вақт бўлди деб кетиб қолсанг, “дело” устини чанг босаверади. Унинг ечими вақт ўтган сари мушкуллашади. Изи совумасдан очиб ташланган маъкул. Гувоҳга тунги ўн иккида бориш керакми, уйқудан вос кечиб боришинг шарт. Иш эрталабга қолдирилса, ўша гувоҳга жиноятчи томонидан таъсир қилиниши эҳтимол.

Мембет ишнинг қадрини яхши биледи, маданиятли киши сифатида ёндашади. Оиламни шу касбим орқали боқаяпман, обрў-эътиборим бор, шундай экан нега энди ўз касбимга хилоф иш қилишим керак, дея фикр юритди. Ахир, раҳбарлар ҳам тез-тез эътироф этишяпти-ку унинг фидойилигини. Мана ўшаларни майдалаб, ҳижжалаб тушунтиргач, хотини ҳам тинчиди. Ишнинг дастлабки йиллари шундай кечди.

Одатдагидек, бугун ҳам хотини Гулзода қўнғироқ қилиб, ҳорманг деди, ширин гаплари билан эркалаб, қачон қайтишини, нима офқат егиси келаётганини обдон сўради. Ишга берилиб кетиб, биратўла битказиб кетишни ихтиёр этган эди. Кўз қири билан стол устидаги соатга қаради: тўққиздан ўн минут ўтибди. Хотинига ҳозир етиб боришини яна айтиб, гўшакни эндигина жойга қўйганди, яна телефон жиринглаб қолди. Прокурор, биринчи даражали юрист Аяп Абдамбетович экан. Ҳол-аҳвол сўрашгач, деди:

– Уйингга қўнғироқ қилмоқчи эдим, бироқ кечқурунлари ҳам ўтириб ишлашинг эсимга

тушди. Раҳмат сенга.

Яхши гап кимга ёкмайди. Мамбетнинг кўкси янада ўсди.

Майли, ишга ўтайлик, – деди Аяп Абдамбетович, – ҳозиргина йигирма... кичик тумандаги 39- уй, 1-йўлак, 3-хонада оғир жиноят юз бергани ҳақида хабар қилишди. Икки киши ўлдирилган. Тезда ўша жойга бор. Мен ҳам етиб бораман.

– Хўп бўлади. Мамбет уй манзилини яна бир бор сўраб олиб, машинасига ўтирди.

Қотиллик содир бўлган жойга етиб борганида Аяп Абдамбетович, криминалист, судмедэксперт ва ишга алоқадор яна бир неча кишилар жам бўлишган. Ҳар ким ўзига тегишли ишга киришиб кетди.

Биринчи қаватда жойлашган бу уй бир хонали бўлиб, Жолдас Мадреймович деган ароқхўрники экан. Уйга киришданок ароқ, намлик, тер ва тамакининг аралаш бад бўйи димоққа урилди. Уй эгасининг бошига қандайдир темир қурол билан уришган, қонга беланиб ётибди. Бўсағада яна бир одам ётибди – чамаси ўлиб қолган. Полга тўшалган кир, йиртиқ палос туси билинмайди: қип-қизил қон. Уйда эски, парти кетиб, шарти қолган диван бор. жолдас, яъни уй эгаси шу диванда ётибди. Тирик бўлса керак, билинар-билинемас нафас олади. Ё қаттиқ маст бўлиб ухлаб ётибди, ёки зарба кучидан ҳушидан кетган.

Зўрға қийшайиб турган стол, учта курси хона ўртасида жойлашган. Стол устида иккита, остида яна иккита ароқ шишалари. Стол устида лаби синиқ пиёлалар, чойнак, қотган нон ушуклари, пиёз қолдиқлари. “Ўзбекистон тарихи” китоби, ичида ручка, қоғоз... Дераза олдида ташқи қопламаси олинган транзистор токка тикилган ҳолда ишлаб турибди. Хонада унча катта бўлмаган сейф ҳам бор. Эшиги очилиб қоган. Ичида папка, қоғоз, дафтарлар кўринади. Баъзилари полда сочилиб ётибди. Сейф илгари бу ерда турмаганини ҳамма пайқади. Чунки, хонанинг тўрдаги бурчагида сейфга монанд тўрт бурчакли ўрин чангдан ҳоли кўриниб турибди, демак, сейф ўша ердан бу ерга келтирилган. Ванна, ҳожатхона, ошхона обдон кўздан ўтказилди. Из тушган жойлардан нусха олинди. Аяп Абдамбетович билан Мамбет Камолов барча ишни тугатиб, тунги кафеларнинг бирига кечки овқатга борганларида соат ўн бирдан ошган эди. Жиноятчи ким бўлиши мумкинлиги ҳақида қисқагина сўзлашиб олишди. Иккаласи ҳам ҳайрон. Ўғрининг иши дейишса, ароқхўрнинг уйига ким ҳам ўғирликка тушади. Ахир, ўғри қираётган уйида нима бор-йўқлигини чамалаб – билиб қирар. Жолдаснинг уйида лаби синиқ пиёлалардан бошқа ҳеч нима йўқлигини ўғри билмайдими? Ёки янги ўғрилардан бўлиши мумкин.

– Қотилнинг буларда қасди бор десак, ароқхўрнинг қандай душмани бўлиши мумкин?... Эрталаб тиниқ калла билан иш юритамиз.

– Бу ишни очиш осон бўлмайди, чамамда, Аяп Абдамбетович? Балки жабрланувчи билан гаплашиб кўриб, бирор нарса аниқлармиз.

– Жиноятчи уни нимага ўлдирмаган? – яна савол берди Аяп Абдамбетович.

– Ўлди деб ўйлаган бўлиши мумкин. Биттасини ўлдириб, иккинчисини аяб ташлаб кетмас. Ёки нимадандир ҳушёр тортиб шошгандир. Ёки тажрибаси кам жиноятчимикан?

– Ундай эмас, ҳийлакор бўлса керак. Бўпти, ҳозир дам оламиз. Қолганини эрталаб судмедэкспертиза, криминалист чиқарган хулосаларни жамлаб маслаҳатлашармиз. Мамбет Камолович, шу ишни сенга топшираман. Мушкул бўлса ҳам, лекин сен эплaysан.

Улар хайрлашиб, уйларига тарқалишди.

II. ПИЁНИСТА

Мамбет эрталаб медэкспертиза, криминалистларнинг хулосаларини олди. Жиноятчи оёғида резина оёқ кийим, қўлида резина қўлқоп билан келган. Ҳеч жойда из қолдирмаган. Фақат Жолдас, ўлган киши, яна кимнингдир у ер-бу еридан бармоқ излари топилди.

Тез тиббий ёрдам бўлимига бориб, шифокордан Жолдаснинг аҳволини сўради.

Ёмон эмас, – деди дўхтир, – юз аралаш теккан унчалик зиён етказмабди. Бир ҳафталарда тузалиб қолар.

Мамбет Жолдас билан гаплашишга шошилди. У билан ўзи кимлиги, қариндошлари, ёр-дўстлари, кимлар билан алоқалари борлиги тўғрисида бафуржа суриштириб гаплашди. Яхши гапириб, ундан бироз маълумотлар олди.

Жолдас Мадреймов ёш пайтида жуда билимдон, саводли бўлиб, кўпчиликка эрта танилган. Тарихий мавзуда номзодлик диссертациясини ёклаш мақсадида Тошкентда аспирантурада ўқиган. Номзодлик ишини ёзиб тугатган. Илмий идорада ишлаган. Аммо, номзодликни ёклаш олдидан илмий жамоатчилик фикрини тўплаш чоғида ишлари юришмай қолган. Чунки, ўшанда ишонган тоғи илмий раҳбари вафот этган. Аммо ўзи ҳам бироз такаббур, манманликдан холи эмас экан. Мақтовларни кўтара олмай қолган. Ножўя ҳулқ-атвори билан илмий жамоатчиликда нохуш фикр уйғотган. Аёлларга ҳам суяги йўқ экан. Ҳамроҳлари ҳам бора-бора пиёнисталардан иборат бўлаверган. Хотини ҳам буларга чидамай бир боласи билан ундан ажрашган. Кейин бир-икки марта уйланган, бироқ кейинги хотинлари ундан бешиб, ташлаб кетишибди. Қариндош-уруғлари ҳам ундан қўлларини ювиб, қўлтиққа уришибди. Эндиги ҳамроҳлари кўчабезори, ичкиликка муккасидан кетганлар тоифасидан. Улар ҳам Жолдаснинг уйидан фойдаланишади. Ахир, ичиб тўйгач, ухлашга ҳам бирорта бошпана керак-ку. Жолдас ҳам ичмаса туролмайдиган бўлиб қолган, ароқ учун ҳар балогоа тайёр. Аммо, таажжуб, гоҳида у-бу нарса ёзиб ҳам турар экан. Курс иши, реферат ёзиб бериб ҳам ароққа пул ишлаб топаркан. Баъзан кутубхоналарга ҳам боришни канда қилмас экан.

Жалдас Мадреймов ким ҳужум қилганини айта олмади. Ўша куни кундузи Жолдасга бир йигит йўлиқиб, “Бошинг оғриб турибдими, тушунаман. Ма мана буни олди, хуморингни ёзиб ол” деб, пул берибди. Кимлигини нимага бундай қилаётганини сўрагунча йигит кетиб қолибди. Бирорта танишим, ё қариндошимдир, майли, бизга бизга ичишга пул топилса бўлди-да, деб Жолдас шу куни тўрт шиша қўлбола ароқ, нон, консерва олиб уйига жўнабди. Эшиги олдида шишадош жўраси Бердиёрга йўлиқибди. Эшикни ичкаридан қулфлаб, иккови торта бошлайди. Кейин чой ичгани ва зарба еганини чала-чулпа хотиралайди. Чанқаб, сув излаб қўли билан пайпаслаётганида зарба ейди. Ва ҳушини йўқотади. Шифохонада эрталаб ўзига келади. Ҳеч нимани билмайди. Кўчада калтакланавериб кўниккан чоғи, ким урганига қизиқиб ҳам кўрмайди. Аммо, шериги Бердиёрнинг ўлганини эшитиб, чўчиб кетди. Унга ачиндим, ё ўзини айбашларидан кўрқдим, ранги бўзариб:

– Ким ўлдирди? – дея олди холос.

– Шуни сендан сўрамоқчимиз. Жанжаллашган эдингларми?

– Йўғ-ей. Вой бечора. Мен ҳеч нарсани билмайман, ўртоқ терговчи. Қаттиқ маст эдик. Ўзи икки-уч пиёла ичсак, тамоммиз. Биз ўша куни икковимиз тўрт шиша ичганмиз. Бердиёрни нима билан ўлдирибди? Ё отишибдимми?

– Сени урган темир билан боши мажақланган дедим-ку!

– Ёвузлар-ей неча киши экан?

– Номаълум. Фикримизча ёлғиз одам бўлса керак. Тағин ким билади? Ҳой сен мени сўроқ қила бошладинг-ку? Ҳай майли, ҳозир суҳбатимизни тугатамиз. Бироқ сен ҳозир мен билан бориб уйингни кўздан ўтказишинг зарур. Балки нималардир йўқолгандир. Сейфинг очик қолган. Қимматбаҳо нарсанг бормиди?

– Йўқ. Менда нима бўларди. Барини сотиб ичганман

– Сен кийин. Мен шифокордан рухсат оламан. Қолганини воқеа жойида гаплашамиз.

– Улар милиция ходими кузатувида жинойт содир бўлган уйга киришди. Жолдас эшикдаги сим темирдан ясалган илгичнинг қийшайиб турганини кўриб, “Бердиёр билан уйга киргач, илгични илган эдик. Қолганини гапириб берганман” деди.

Жолдас сейф томон югуриб борганини билмай қолди. Сейфдаги қоғозларни, делоларни

ахтариб, титкилай бошлади. Анча ўтирди. Ниманидир йўқотгандай қоғозларни яна титкилади.

– Бирорта қоғозинг йўқми? – сўради Мембет. Хаёллари бўлинган Жолдас ялт этиб қараб:

– Нима? – деди.

– Бирор нарсангни йўқотдингми дейман?...

– Йўқ-йўқ. Ҳаммаси жойида.

– Сейф ўрнидан кўзғатилганми?

– Ҳа. Кўп вақтдан бери мана бу бурчакда турарди. Чамаси, сейфда қимматбаҳо нарса бор, деб кўтариб кетмоқчи бўлган.

Улар изма-из газхонага киришди. Газ плитаси ичида калит ётибди. Уни Мамбет топди.

– Бу калит қаерники? Нега бу ердан ётибди?

– Қани? – У калитни икки бармоғини суқиб тортиб олди. – Ахир бу сейфнинг калит-ку! Кеча роса кидириб, тополмаган эдик.

– Қачон йўқотган эдинг?

– Кеча. Ичиб ўтирганимизда пичоқни тополмагандик. Излашга эриниб, ароқнинг қопқоғини шу калит билан очган эдик. Учинчи шишага келганда газ плитасига тушурганман. Плита ўчоғининг ичига қараш кимнинг хаёлига келибди уни ҳам йўқотдик. Чамаси, чой кўйгани борганда дейсиз.

III. ЮЗИ ТАНИШ ОДАМ

Мабетнинг боши қотди: “Бердиёрни Жолдаснинг ўзи ўлдирмаган бўлса керак. Шундай бўлганида кийимлари қонга беланарди. Жолдаснинг одам ўлдиргудек сиёғи йўқ. Қаттиқ маст бўлган. Иккаласи бирга ичган. Бундан ташқари Бердиёр Жолдасдан кучсиз эмас. Аксинча, қувватлироқ, гавдали кўринади.

Унда ким, нега ўлдирган? Қўшнилardan суриштириш лозим. Балки бирор ниманинг хабари топилар”.

Ўша куни ҳамма ишдан келар пайтда Жолдаснинг девордош қўшнисига учрашди. Ёши ўттизларда бўлган йигит хотини, болалари билан уйида екан:

Келиш сабабини айтгач, қўшни хотин:

– Бизга зиёни тегмайдими? – деб сўради.

– Сўз бераман. Рост гапни айтсангиз ўзим сизларни ҳимоя қиламан.

– Ҳа, бу воқеа ҳақида 02 га қўнғироқ қилган ҳам бизлармиз, – дея гап бошлади Гулой келинчак, – Жолдаснинг эшиги қаттиқ қоқилиб очилди. Қўшнимиз яна мастдир, шишадошлари эшигини қоқаётгандир, дея ҳавфсирамадик. Қотиллик юз беради, деб ўйламадик. Ахир, бу уйда жанжал-тўполон деярли ҳар куни содир бўлади. Салдан кейин эшиги яна очилиб-ёпилди.

Тақиллаган овоз эштила бошлади. Ниманидир темир билан қўпараётгандек гўё. Газ плитасини сотмоқчими, уни сотиб ичса овқатини қандай пиширади, дея таажжубландик. Бир пайт эркак кишининг жон ҳолатда чинқирган товуши икки марта эшитилди-да, яна жим-жит бўлди. Нимадандир юрагим безовталанди. Эримга бориб ҳабар олиб кел, десам: “Ҳе, ўшани, кундаги гап-да, борсам менга ҳам ароқ ичиради. Кейин мен ҳам бир шиша олиб беришим керак. Ўшалар билан тентираб юраманми?” – деб бормади. Унда ўзим бориб кўраман, сен ҳам қараб тур – деб қўшнимнинг эшигини очдим.

Бурчакда турадиган сейф ўртада, юзи таниш одам ундаги қоғозларни титкиламоқдла. Диванда Жолдас оға, полга яна бир киши чизилиб ётибди. Боши қонга беланган. Кўп қараб туролмадим, кўрқиб кетдим. Кўрган-билганимиз шу, оға.

– Раҳмат. Гулой, сиз сейф қошида турган одамни танийсизми?

– Йўқ, йўқ.

– Юзи таниш эди дедингиз-ку. Кўркмай айтаверинг. Жинойтчини тез ушлаганимиз яхши-ку!

– Танимайман. Бироқ юзи таниш эди. Машхур артистмиди, йўқ, ёзувчи журналистми? Хуллас, лавозими бор кишига ўхшатдим. Телевизорда кўп кўрардим уни чамамда. Янглишмасам, ўша одам билим юртинингми, театрнингми директори бўлиб ишлаган эди. Ҳозир янада улкан ишга ўтган. Исми Мирза Тойиров бўлса керак. Сейф олдида ўша Тоиров турарди.

– Йўға, бу мумкин эмас, – дея таажжубланди терговчи, – туркини яна бир кўз олдингизга келтиринг. Сиз айтаётган одам ҳурмат-этибордаги киши. Бундай жинойи ишга қандай алоқаси бўлиши мумкин? Бунинг устига пиёнистада нима иши бўлиши мумкин?

– Мен билмадим, – деди Гулой. – Билганингни айт дедингиз, мен айтдим. Бор гап шу!

– Майли сизга раҳмат. Мирза Тойировга ўхшаган киши эмасмикин, деб ўйлапман-да.

– Қайдам? Одам одамга ўхшайди. Ё кўрқиб кетиб адашдимми, ким билади дейсиз.

– Балки ўшадир. Дунёда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Кимнинг ичида нима борлигини билиб бўладими? Сизга яна бир марта ташаккур, – дея Мамбет ташқарига йўналди.

– Бир дақиқа, Мамбет оға, – деб тушгунча Жеткер хотинига юзланди. – Айтгандай, куни кўшни йўлакдаги Соғиндиқ қўшнимиз қоронғи машинасини тузатиб ўтирди-ку!

– Ҳа-ҳа. У ҳам қўшнининг уйига кириб чиққан одамни кўрган бўлиши мумкин. Сўраб кўринг, – деб Гулой Соғиндиқни уйини кўрсатиб қўйди.

Соғиндиқ уйида экан. У ҳам даставвал ҳеч кимни кўрмадим, деб кўрслик қилди.

– Яхши, унда ҳеч кимни кўрмаганлигингни ёзма турда ёзиб бер. Мен хужжат қилиб тикиб қўяман. Аммо кейинчалик ўша одамни кўрганинг маълум бўлиб қолса, жиноятчини яширишга уринганинг учун жавоб берасан. Ахир, сен кечқурун 8.30-9.00лар орасида ўша йўлакка кириб чиққанларни кўрмаслигинг мумкин эмас. Чунки, сен машинангни таъмирлаб ўтиргансан.

– Тўғри, бошим балога қоладими, деб кўрқаман-да.

– Айтмасанг, қайтанга ёмон бўлади.

– Мен ўша бир нотаниш одамнинг йўлакка икки марта кириб чиққанини кўрдим.

– У ким экан? – сабрсизлик билан сўради Мамбет.

– У Мирза Тойиров деган олим.

– Қайси Мирза Тойиров. Машхур зиёли Мирза Тойировми ёки яна бир Тойиров деган кишими? – дея аниқлик киритиш учун сўради Мамбет.

– Ўша директор Тойиров-да. Бундан уч йил илгари уни яқиндан таниганман. Ўшанда у номзодлик диссертациясини ёқлади. Мен автокорхонада ҳайдовчи эдим. Тагимда яп-янги “Ота йўл” автобуси. Бошлиғимиздан мени сўраб олибди. Бола-чақасига ва бошқа борди-келдиларига хизмат қилдим. Ўшанда хизматда юрган бошқа ҳайдовчилар билан сўзлашиб қолиб, бу одамни таниганман. Бошини оғритиб нега керак экан бу кандидатлик деганмиз. Баъзи ҳайдовчилар, жуда керак-да, жуда бўлмаганда бирор корхонага бошлиқ бўлади дейишганди. Ростдан ҳам шундан сўнг вазир ўринбосарлигига кўтарилди. Келгусида вазир бўлармиш, деган гаплар юрарди.

Терговчи Соғиндиқнинг гапини жим тинглади. Кўп маълумотларга эга бўлди. Соғиндиқдан Тойиров билан юзма-юз гаплашиб кўрдингми, деб сўради.

– Йўқ. Ўша қотиллик юз берган куни у мен билан бошини силкитиб саломлашди, холос. Бу уйда ночор кун кўрувчилар яшашади. Мирза Тойиров обрўли одам. Шунинг учун бундай уйга кирганини ҳеч ким билмаслигини хоҳлагандир. Бу ерда унинг таниши йўқ-ку, нега кеди экан, деб ўйлагандим.

Мамбет тасавурида нимадир ойдинлашгандек бўлди. Бироқ қилмишни жиноятчининг бўйнига қўйиш жуда мушкул. Балки барчаси тескари бўлгандир? Яъни, жиноятга мана шу қўшнилари уларни алоқадорми? Жиноят оламида оқ деганинг қора, қора деганинг оқ бўлиб чиқадиган ҳолатлар кўп бўлади.

IV. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ

Шундай обрўли одам қандайдир бир пиёнистани уйига кириб ўғрилик қилибди, деган гапга ишониш қийин. Бироқ ҳаётда нелар бўлмайди дейсиз. Гувоҳлар кўрсатмаси бўйича Тойировни тергов қилмасликнинг ҳам иложи йўқ, бошқа гумондор хабари чиқмаяпти.

Терговчи Мамбет Тойировга кўнғироқ қилди. Бир жиноят бўйича бир-иккита саволлари борлигини, идорага келиб кетишини илтимос қилди.

– Органни хурмат қилмасак бўлмайди. Албатта бораман, - деди Тойиров хотиржам.

Идорада ҳол-аҳвол сўрашишгач, мақсадни баён этди. Тўғри жавоб бериши лозимлигини уқтириб, терговчи еттинчи октябрь куни қаерда бўлганлиги тўғрисида сўради.

– Уйда. Янганнинг ёнида.

– Яхшилаб ўйланг. Янглишмаяпсизми? Тойиров қўлини пешонасига қўйиб, бироз ўйланди-да, сўнгра деди:

– Ишдан эртароқ келдим. Дам оиб ётдим. Тинчликми ўзи? Нега тергов қилиясиз?

– Қотиллик юз берган. Саволларга тўғри жавоб беришингиз керак.

– Бу қандай гап? Ҳукумат одамнинг обрўсини тўқаяпсизми? – Тойиров аччиқланди.

– Қонун олдида ҳамма тенг, Мирза Тойирович. Ўзингиз яхши биласиз. Қонунни аввало сиз, раҳбарлар, хурмат қилмасангиз бошқалар не қилмайди? Шунинг учун жаҳл қилмай саволларимга жавоб беринг.

– Кечирасиз. Қизишибман, – дея у бирданига жиддий тортди. – Бу ерга гумондор сифатида келганимни ҳеч ким билмасин, уят бўлади-я. Тушимга кирмаган нарсалар. Астафурилло!

У ёқасига тупурди.

– Мирза Тойирович, мушук-сичқон ўйинини бас қилайлик. – Мамбет Камолов гапни чўрт кесди. – Тўғриси айтинг, сиз ўша куни кечкурун соат саккиз ярим тўққизларда бошқа жойда бўлгансиз. Иқрормисиз?

Тойиров терговчи баъзи нарсалардан хабари борлигини, тўғриси айтмасликнинг фойдаси йўқлигини билди.

– Энди иним, айтганингиз тўғри. Дастлаб айтишга уялдим.

– Нимага уяласиз?

– Йигитчилик-да, ука, ора-сира чарчокни ёзиб олмасанг бўлмайди. Бир аёл билан кўнгилахушлик қилдим.

– Соат нечада? Қаерда?

– Биласиз-ку, иним.

– Хизматчилик. Ҳар бир сўзнинг ўз оғзингиздан эшитишим зарур.

– Олти-саккизлар чамасида. Йигирма... кичик туманда.

– Тўққизлардамасми?

– Йўқ. Саккизларда кетдим. Чунки, бундай пайтда хотин ёдга тушади. Беихтиёр соатга қарайсан, не важ кўрсатишни ўйлайсан. Вой укам-ай, сирниям фош қилдирдинг-ку! Бу гаплар орамизда қолсин, хўпми?

– Яхши. Бироқ сизни саккиз ярим-тўққизларда бошқа жойда кўришган. Ким кўрибди? Мени кўриб, дарҳол соатига қарашибдими? Одамларга ҳам ҳайронсан.

– Ўша ўттиз тўққизинчи уйга бордингиз, кейин-чи?

– Уй рақамига қарабманми? Ахлат ташланадиган жойнинг тўғрисидаги уй-ку.

– Нечанчи йўлакда, нечанчи қаватда бўлдингиз?

– Биринчи йўлак, иккинчи қават. Ўнг томондаги хона бўлса керак.

– Аёлнинг исми? Ўша хонада турадимми?

– Ҳа. Ўша хонада. Исми Санам.

– Ҳозирча етарли. Бирор нарсаларни аниқлаб яна чақираман. Берган жавобларингиз тўғрилигига имзо чекинг.

Тойиров сўровномага имзо чекди.

V. ҲИНАШ

Мамбет ўттиз тўққизинчи уйга Жеткерни чақирди. “Жиноят очилгунча ҳар ким билавермасин, ўзинг баридан хабардорсан, деб сени чақирдим”, деди унга. Сўнгра:

– Подъездингизда Санам деган сууюқоёқ хотин яшайдими? – деб сўради.

– Йўқ ундай хотин яшамайди.

Терговчи Санамнинг иш жойидан ўзига билдирмасдан суратини олдирган эди.

– Мана бу – Санам. У сиз яшайдиган уйдаги кимларгадир қариндош эмасми? Келиб турардими? Яхшилаб қара-чи...

Йўқ бу аёлни илгари кўрмаганман. Кўпдан бери ўша манзилда яшайман. Кимнинг қандай қариндоши бор, кимга ким келади – барини яхши биламан.

– Иккинчи қават ўнг тарафдаги хонада ким туради?

– Унда қари рус кампир-чол.

– Улар уйини ёмон хотинларга ижарага бериб қўймайдими?

– Ҳеч ҳам. Тўғри сўзли, тузук одамлар. Бу гап-сўзни эшитиб қолса, бизни ҳақорат қилдинг деб, жанжал кўтармаса яхши эди ҳали.

Мамбет кеча Тойировнинг ёлғон гапираётганини сезган эди. Аммо исботсиз бунга эътироз билдириш мумкин эмас. Шунинг учун бугунги ишларни аниқлаб олиб, сўнгра у билан гаплашади.

Кечкурун Тойировни яна хонасига чақирди.

Тойиров келгач, дийдиёсини бошлади:

– Ҳой, иним, нега чақираверасан? Қаерданам ўша аёл билан учрашдим... бурнимдан чиқардинг-ку! Эри йўқ хотин у. Қайтанга савоб бўлади дейишади-ку!

– Хизматчилик. Саволларимга тўғри жавоб берсангиз вақтингизни олмайман.

– Майли, илож қанча.

– Бугун мен кеча сиз айтган маълумотларни текширдим. Бирортаси ҳам тасдиқланмади. У ерда Санам деган аёл яшамас экан.

– Балки, яшамас ҳам, – деб Тойиров талмовсиради. Мен бу билан ҳеч ҳам уйда учрашмаганман. Саунага, ёзда кўлга, табиат қўйнига борардик. Ўшанда унинг уйи деб ўйлаганман. Сакқизинчи кичик туманда ота-онасининг уйда туради баъзида.

– Гапни опқочманг. Сиз у ерда умуман Санам билан бўлмагансиз. Иқроп бўлаверинг.

– Нега, бўлдим! – ён бермади Тойиров.

– Сиз айтган ерда рус кампир-чол яшашади. Улар сизларни уйига киритадиган одамлармас. Ё ҳозир бирга уларникига бориб юзлаштираман.

– Иним, адашган бўлишим мумкин. Учинчи қаватнинг ўнг тарафими, чап тарафими, ишдан ҳориб чиққан одамнинг эсида қоладими? Мамбет укам, гапнинг бўладиганини гапирайлик-да.

– Нима демоқчисиз?

– Мен, иним, аввалдан сени биламан. Тўй-маъракаларда учрашиб юрибман. Мен ўзимга яраша обрўга эгаман бу гаплар кўчага чиқиб кетса, менга яхши бўлмайди. Сен ёрдам бер. Хизматдан қочмайман. Сўраганингни бераман. Қутқарсанг бўлди. Илтимос!

– Нима бермоқчисиз? – деб Мамбет ўзини билмасликка солди.

– Пул-да. Доллар бераман, хоҳласанг. Беш юзми, мингми, оғзинга сиққанини сўра. Пул кетса-да, обрў кетмасин.

Мамбет бош чайқади.

– Йўқ, бунақаси кетмайди, – гапни чўрт кесди.

Шунда Тойиров бугун иши жуда кўпайганини, ҳозир боши қаттиқ оғриётганини, бориб дам

олмаса бўлмаслигини айтди. Мамбет Тойировдан Санамнинг уй манзилини ёзиб олди. Сўнг “иш”нинг баъзи ҳужжатларини тўлдирди. Бир пайт нимадир эсига тушиб, дарров кийинди-да, машинасига ўтирди.

У барибир кечикибди: етиб борганида Тойиров Санамнинг ёнидан чиқиб келаётган эди. Терговчини кўриб шошиб қолди.

– Мазам йўқ деган эдингиз-ку, Мирза Тойирович! – деб Мамбет қистовга олди.

– Санам оз-моз пулдан ёрдам бер, деган эди. Шунга келгандим. Ўзингиз нима қиляпсиз бу ерда?

– “Иссиқ” жойни манзилини олгач, ўтиролмадим.

Санам эшикни кўнғироқ босилгач, дарров очди. Эҳтимол, Тойиров қайтиб келди, деб ўйлагандир. Ахир ҳозир одамлар тунда тугул, кундуз эшигини очмайди. Етти бобонгача суриштиргач, кейин очади.

Санам бўсағада бошқа одамни кўриб кўрқиб кетди. Салдан кейин кулимсираб киринг деди.

Мамбет уни дарров сўроққа тутди:

– Мирза Тойировни излаб юрибман.

– Қайдам танитайман.

– Нимага танитайсан? Бирга ётиб-туриб...

– Ҳа-а. Умуман танитайман-куя. Аммо кўрмадим.

– Келмадимми?

– Келмади. Беш-олти кун илгари кўчада кўрувдим.

– Нега ёлғон гапирасан? Ҳозиргина ёнингдан чиқди-ку?

– Ай, қайним-ай, – Санам уялганидан бармоғини оғзига теккизиб нозлана бошлади. Елкасидаги юпка халатни секин тортиб ечди. Фақат ички кийимда қолган бу нозанин шундай гўзал эдики... оппоқ бадан...

– Бундай пайтда вақт бой бериш ярамайди, қайним, кўз тегади. Қани келинг. Поччангиз шошиб келиб, шошиб кетди. Ҳовримни босолмай қолдим. Ўзинг билан ҳордиқ чиқарайлик энди. Ўзидан кўрсин поччанг, қани меҳмоним бўлинг.

Санам Мамбетни қучоқлаб, юзидан ўпмоқчи эди, Мамбет ўзини олиб қочди.

– Бошқа сафар, – деди Мамбет ва гувоҳномасини кўрсатиб: – Сизга бир неча саволларим бор.

Жувон халатини дарров кийиб олди. Креслога ўтирди. Оппоқ сонларини кўрсатиб, оёқларини бир-бирига чалиштирди. Кўкракларини кериб, кўз-кўз қилди.

– Бу уйда ким билан яшайсиз?

– Битта ўзим. Ўшанинг учун айтаяпман-да, ҳеч ким йўқ. Бизга бу ерда ҳеч ким ҳалақит бермайди.

– Санам, бу гапни қўйиб туриг. Менинг саволларимга тез-тез жавоб беринг.

– Майли, сўранг.

– Ота-онангиз қаерда?

– Қишлоқда.

– Қишлоқда яшашадими ёки меҳмонга кетишганми?

Санам ўйланиб қолди. Тойировдан буни сўрамаган эди.

– Ўша ёқда яшашади. Нимади? – дея қарши савол қўйди Санам.

– Битта ўзинг турадиган бўлсанг, мижоз юбормоқчи эдим.

– Бўпти юборавер, бизда “отказ” йўқ.

– Еттинчи октябр куни қаерда бўлдинг?

– Кечкурунми? Мирза Тойиров билан ўттиз тўққизинчи уйда.

– Соат нечада?

– Олти билан саккизлар оралиғида.

- Кимнинг уйида?
 - Ўрис чол-камбирнинг уйида. Ҳақини тўладик.
 - Алдама. У ерда бўлмагансизлар. Юзлаштирайми?
 - Қайним, ишқ сири нозик масала. Икки одам орасида қоладиган гап. Хуллас поччанг билан ўша ерда бўлдим. Нима қилганимизни ҳам айтайми?
 - Ёлғон кўрсатма учун қонун олдида жавоб берасиз, Санам.
 - Қонунни мен ҳам яхши биламан.
- Мамбет у билан ади-бади айтишиб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Қоғозга ёзганларига қўл қўйдирди-да, бу ердан чиқди.

VI. ҚАРҒИШ ОЛГАН КИМСА

– Эртасига Жолдасни бориб кўрайин, деб касалхонага борса, у кетиб қолган экан. “Уч кун ҳам ётмади, – деди шифокор, – кетиб қолди. Эрталаб келиб ярасини тозалатиб кетди. Яна ичиб олган...”

– Энди қаердан топсам экан уни? – дея ўйланди Мамбет.

– Мен сизни келишингизни айтдим. Қаерда бўласан, терговчи излаб қолиши мумкин дедим. У бўлса қаерда бўлардим – уйда-да, ё бўлмаса темир бозорда, деди. Бир таниши машинасининг радиаторини сотмоқчи эканми мана бунга, – дея шифокор томоғини чертди.

Мамбет Жолдаснинг уйига борди. У йўқ экан. Кейин бозорнинг эски темир-терсак сотиладиган томонига юрди. Дарров топди. Битта пиёниста жўраси билан радиаторга боқиб ўтиришибди.

– Юр мен билан, – деди Мамбет, – кафедра ўтириб гаплашиб оламиз.

Кафе дарагини эшитиб Жолдас очилди. Жўрасига бир нималар деди-да, Мамбетнинг ортидан эргашди.

Мамбет четроқда жойлашган кафени танлади. Овқат, юз граммдан ароқ буюрди. “Соғлик учун” дея отиб олишди ва овқат ея бошлашди. Жолдас кайф аралаш ундан-бундан гап топиб сўзлай бошлади.

– Бошқасини кўя турайлик. Бир нарсани айт, – Мамбет Жолдасни яна ичкиси келаётганини пайқаб, афицианткага яна ароқ келтиришни буюрди. – Нега милицияга босқинчилик бўлгани, айбдорни топиб бериш ҳақида ариза бермаяпсан?

– Топганда нима ўзгаради. Бўлганим шу менинг...

– Ундай дема. Жиноятчи қўлга олинмаса, у яна жиноят содир қилиши мумкин.

– Ўлимдан кўркмайман. Қайтанга шундай қилса яхши бўларди. Тирик юрганнимда нимани қойиллатдим. Қайтиб келишдан хавотирланмайман. Ўғирлатадиган ҳеч нарсам ҳам йўқ.

– Барибир, жиноятчи нега сенинг уйингга бостириб кирганини, бирор нарса ўғирламоқчи ё сизларни ўлдирмоқчи бўлганини билишга қизиқмаябсанми? Сени ўлдирмоқчи бўлди, дўстингни эса ўлдирди. Ҳеч бўлмаса унинг руҳи учун жиноятчини жазолаш керак эмасми?

– Менга бари бир. Мен бир юрган тирик мурдаман.

– Ундай дема. Худо хоҳласа ишинг ўнгидан келиб, яхши бўлиб кетасан ҳали.

– Ишонмайман, кўп аёлларни хўрладим, қарғиш урган мени.

– Майли, сенга керак бўлмаса, мана бизга керак жиноятчининг жазоланиши. Буни шундай ташлаб қўймаймиз. Жолдас, жиноятчи нега сенинг уйингга кирган? Адишиб кирмагани аниқ.

Жолдас боши билан маъқуллади. Яна ичкиси келганини билдириб, стаканга ишора қилди. Яна отиб олишди.

Ўғирлик учун кирган дейишнинг билмайман. Ёки душманинг борми?

– Менда душман нима қилсин? Жўрамни ўлдириб, ўзимни уриб кетса-да, уни кечираяпман-ку! Олдин ҳам қанча дўппосланганман. Ҳеч бирига кек сақламадим. Илгариги қайсарлигимдан

ҳозир асар ҳам йўқ. Азалдан шундай бўлганимда бунчалик хўрланмасмидим балки, – у шундай дея йиғлаб юборди.

Мамбет, у йиғлаб бўлгач, яна сўроққа тутди.

– Унда ўғирликка кирган. Шундай десак тўғри бўладими?

– Нимани ўғирлайди? Синиқ пиёланими?

– Тўхта, ўғирлик учун киргани аниқ. Сейфни олиб кетмоқчи бўлган. Сейфда эса унга кадрли нимадир бўлган, тўғрими?

– Йўқ, – инкор этди Жолдас. – Менда кадрли нарса нима қилади? Аллақачон ичиб йўқ қилардим!

– Унда нега ўғирликка тушган?

– Ўртоқ терговчи, жинойтчи менимча хаёли паришон биров бўлса керак, менинг уйим биринчи қаватда бўлгани учун тўғри кираверган.

– Йўқ. У жинни одамга ўхшамайди. Ҳеч қайерда бармоқ изини қолдирмаган. Жинойт куролини ҳам ўзи билан олиб кетган. Тўғрисини айт сейфда нима бор эди?

– Ҳеч нима.

– Нимадир бўлган.

– Унда нима экан у? – дея қарши савол берди Жолдас.

– У нарса олтин эмас, пул эмас, қимматбаҳо ё мерос нарса эмас. Ҳужжат бўлса керак. Уй ҳужжатими, суратми, ёки қўлёзмами?

– Топмадингиз. Менинг қоғозларим сейфда бут эди. Қимматбаҳо нима бор, деб очиб кўрган-да!

– Бўйнингга ол, – деб Мамбет Жолдаснинг кўзига тикилди. – Негадир сен жинойтчини яширяпсан?

– Нималар деяпсан? Менга шунча зарар келтирган кимсани нега яширай? Ўйлаб гапир...

– Бўлмаса яширмай айт. Ўша жинойт содир бўлган куни сен сейфни узоқ титкиладинг, мен кузатиб турдим. Бироқ керакли нарсангни топмадинг. Сездимки, сен ўша излаган нарсангни ким оганини ўшандаёқ билгандинг.

– Гумон иймондан айиради, ўртоқ терговчи, хаёл бошқа, ҳақиқат бошқа.

– Майли, айтмай кўяқол, ўзим топаман. Аммо унда сен жинойтчини яширганинг учун жавоб берасан.

– Кўрармиз, – деб кулимсиради Жолдас.

– Ҳа тез орада топман.

– Унда яна юз грамм отайлик.

– Сенга кўплик қилмайдими? Овқатингни ҳам унча емадинг.

– Овқат емайман. Пиёнисталар овқат ейишмайди. Билмайсизми?

– Уни сен биласан. Менга қара, Мирза Тўраев билан қандай алоқанг бор?

Жолдас ҳомуза тортди, сўнгра йўталди. Мамбет барини кузатиб туриб, жавоб топиш учун қилинаётган ҳаракат деб тушунди.

– Нега сўраяпсан?

– Жинойтга алоқаси борлиги учун?

– Нима, мени маст, не сўрасам айтаверади деб ўйлаяпсизми? Майли айтақолай, Тойиров билан ҳеч қандай алоқам йўқ. Фақат уни сиртидан танийман. Фан номзоди. Катта одам. Ўзим тарих билан илгари шуғулланганим учун уни ҳурмат қиламан.

Шу ерда Мамбет бундай бемани суҳбатнинг ҳеч кераги йўқ эканлигини, агар Жолдас Тойиров билан алоқаси бор бўлса, бу ердаги гапларни етказишини эслаб гапни тўхтатди.

Қайтаётиб Мамбет Жолдаснинг жинойтчини билиши аниқлигига яна бир бор ишонгандай бўлди. Шунинг учун Жолдаснинг ортидан пойлоқчи кўйишни маъқул топди.

VII. “ОРГАНГА ИШИНГ ТУШМАСИН”

“Тойиров билан Мадрейимовнинг қандай алоқалари борлигини билсак жиноят тугунини ечиш мумкин”.

Шу ўй билан Мамбет эрталаб Тойировга қўнғироқ қилганди, “боролмайман, туманга кетяпман, министр рухсат бермайди” деб жавоб берди.

– Гаплашамиз рухсат беради, деди Мамбет ҳам гапдан қолмай, – чакирув қоғози юбораман. Юбормаганини кўрамиз шунда. Ҳалиям мен ҳеч ким билмасин, чакирув қоғози юбормай, телефонда ишдан сўнг чакирай деб юрувдим.

– Йўқ, сизга раҳмат, иним. Ахир мени жиноятга ҳеч бир алоқам йўқ-ку. Энди чакирсангиз устингиздан арз қиламан. Обрў кетса-кетсин!

– Ўзингиз биласиз. Аммо бугун кечкурун соат олтида сизни хонамда кутаман. Келмасангиз сизни милиция билан келтираман. Унчаликка бормасиз, деб ўйлайман, – деб Мамбет гўшакни жойига қўйди.

Ярим соатлардан кейин Аяп Абдамбетович қўнғироқ қилди.

– Мамбет Камолович, қаттиқ кетмаяпсизми?

– Нима гап, тушунмадим?

– Мирза Тойирович масаласи бўйича айтяпман. Ҳозиргина қўнғироқ қилиб сиздан ўпкалади. Тинч ишлашга қўймаяпти деди.

– Бунинг учун олдин ўзи тинч юрсин эди, – деди Мамбет кулиб.

– Мамбет, сиз асосиз нарсаларга таяниб, уни катта жиноятга алоқадор қилмоқчи экансиз. Катта маблағ талаб қилмоқчи экансиз, айтишича.

– Ўзи аллақачон пора таклиф қилди. Олмадим.

– Ундан ҳам кўп сўрамоқчи деяпти. Аёлга борганим рост, ўша куни, ўша уйда жиноят юз берса мен бўлавераманми деяпти. Далил-исбот йўқ, ҳар куни бир гап. Юқорига арз қиламан деяпти.

– Арз қилавер демадингизми?

– Мамбет Камолович, чегарадан чиқиб кетманг. Арзимас нарсага чакиравермай қўяқолинг. Катта оқсоқол. Ҳурмат қилишимиз керак. Бунинг устига менга қудачилиги бор.

– Нима дейсиз унда жиноятни ёпамизми, Аяп Абдамбетович?

– Мен ундай демайман. Ишни очасиз.

– Унда Тойировни тинч қўя олмайман, кечирасиз.

– Эртага айбсиз бўлиб чиқса, ўзингизга зарари тегиб юрмасин дейман-да, мен сизга ишонаман. Шундаям етти ўлчаб, бир кесиш керак.

– Хўп бўлади, Аяп Абдамбетович. Терговчи номига гард юқтирмайман.

– Зафарлар ёр бўлсин!

– Раҳмат, сизга ҳам! – Мамбет гўшакни қўяр экан, Аяп Абдамбетовичнинг ўзини тушунганидан хурсанд бўлди. Кўнглини кўтарадиган гапларидан қувонди. Нима, ишни ёпиб ташла дейиши ҳам мумкин эди-ку!

Терговчи Мирзани келармикин, келмасмикин, деб ўйланди. Бунинг устига прокурорнинг етти ўлчаб, бир кес дегани ҳам ҳаёлидан кетмаяпти. “Ростдан ҳам Мирза ҳақида гумонларим хато чиқса, нима бўлади. Ҳақиқатан ҳам шу куни ўша йўлакда ўйнаши билан бўлган бўлса нима қиламан? Унда жиноятчи ким? Жолдаснинг айтганида жон борми? Жинни одам бўлса, бармоқ излари қолмасмиди? Жиноятни қилгач, қочиб кетишига ақли етадими жиннининг?”

– Балки, Гулой-Жеткерларнинг қилмишимикан? Мени чалғитиш учун ёлғон кўрсатма беришдимикан? Соғиндиқ билан ҳам тили бир бўлиши мумкин. Ташқари эшикдаги бармоқ изи ҳам Гулойники эканлигини экспертиза исботлади. Унда Гулой нега одам ўлдиради? Қўшнисиниг уйига эга чиқмоқчи бўлишганми?

Майли, шундай бўлақолсин. Унда нега одам ишонмайдиган Мирза Тойировга айб юклади? Нега жиноятчини кўрмадик демаган ё бошқа одамни кўрсатмаган?

Чунки ўша куни Мирза Тойиров чиндан ҳам ўйнаши билан подъезда бўлган. Шунинг учун ҳам Гулой уни кўрсатапти. Ҳатто уни жабрдийданинг уйида кўришган бўлса, бошқа кимни тергаш керак? Чиндан ҳам жиноятчи Гулой бўлиб, Мирза Тойировнинг даккисини еб юрмайин. Қаттиқ ўйланиб ишлашим керак. Аяп Абдамбетович, терговчи менинг айтганимни қилмади. Ҳақ жойида қарор топар, чакирса бораверинг, деган бўлса керак, кечкурун олтида Мирза Тойиров хонага кириб келди.

Мамбетнинг хаёли бўлинди.

– Органга ишинг тушмасин экан, – ҳазиллашган бўлди Тойиров.

– Буни олдинроқ ўйлаш керак, ҳазилга ҳазил жавоб берди Мамбет, – ҳуш келибсиз!

– Мирза гапнинг индаллосини англаган бўлсада, ўзича раҳмат деб қўйди.

Мамбет ҳар сафар гумондор билан гаплашганда ҳар кимга ҳар хил услуб қўллаб гаплашиш зарурлигини яхши билади. Бўлмаса, гап олиш мушкул. Бу ҳам бир фан!

Ҳеч нарсани бўйнингизга олмаяпсиз, Мирза Тойиров.

– Нимани бўйнимга олишим керак?

– Саккиз ярим – тўққизларда сизни ўттиз тўққизинчи уй атрофида кўрганлар бор. Гоҳ ўйнашимни уйи дедингиз, гоҳ бошқанинг уйи, биз дам олишга келгандик дейсиз. Санам отонаси билан яшайди дегандингиз, битта ўзи яшаркан. Нега Санамни битта ўзи яшашини яширдингиз?

Мирза талмовсиради. Аммо яна ўзини ўнглаб олди:

– Ота-онаси келиб туради.

– Келгани билан уч-тўрт кунлаб ётмас. Одамларда ҳозир вақт ҳисобли. Кўп бўлса бир кун бўлар.

Ундан садо чиқмади. Столдаги қаламни айлантириб ўтираверди.

– Жолдас Мадрейимовни танийсизми?

Бу саволни кутган бўлса керак – дарров жавоб берди:

– Йўқ, ким экан у?

– Исмини ҳам эшитмаганмисиз?

– Йўқ, йўқ, ким бўлиб ишлайди, қаерда туради?

– Шу шаҳарнинг одами. Ишламайди, пиёниста.

– Пиёнисталарни танайман.

– У ҳам тарихчи. Сиз танишингиз керак.

Мирза Тойиров ёлғонни ошираверса билиниб қолиши мумкинлигини ўйлаб, деди:

– Эсим курсин. Ёдимга тушди. Жолдас Медрейимов, ҳа, аспирантурани битказган. Касбдошлар орасида айтилиб қоларди. Бироқ ўзим ҳеч учрашмаганман. Тўғриси, унинг йўли бошқа, меники бошқа.

Терговчи бошқа савол бермади, барибир иқроп бўлмади. Жолдас билан учрашиш аниқ. Ана ўшанда бўйнига қўяман, деб хаёлидан ўтказди Мамбет.

VIII. ШАРТЛАШУВ

Мамбет жиноят ишига боғлиқ тушунтириш хати, далолатнома ва бошқа ҳужжатларни кўздан кечирмоқда. Жиноят қандай юз бергани ҳақида ўйлайди.

Мирза Жолдас қаттиқ маст бўлган пайтни кутиб, пойлаб юрган. Сўнг кечкурун – соат саккизларда келган. Калитни беҳуш ётган Жолдаснинг кассасидан оламан-да, сейфдан керак нарсани ўмариб кетаман, деб ўйлаган, лекин калитни тополмаган. Шунда у сейфни кўтариб кетмоқчи бўлади. Аммо бир ўзи эпполмаслигини сезади (Шу ерда жиноятчи битта одам

эканлиги аниқланади). Уй ичида-ку судрар, ташқарида қандай судраб юради. Шунда сейфни бузиб очадиған темир излаб машинасиға бориб келади (Буни Гулой ҳам тасдиқлади).

Келиб тақир-туқур қилиб сейфни оча бошлади. Шовқиндан Жолдаснинг жўраси Бердиёр уйғонади. Шунда Тойиров гувоҳни гумдон қилади. Сейфни очади. Қўлида резина қўлқоп билан керак нарсасини излайди. Бир боғлам дело тугунини қўлқопсиз ечади. Шундан бармоқ изи қолған. Шу пайт Гулой эшикдан қарайди. Тойиров шошиб қолади. Милицияға хабар беришидан қўрқиб, тез-тез излаган нарсасини қидиради. Шунда Жолдаснинг уйғонганини кўриб, уни ҳам темир монтаж билан уради. Жолдас хушидан кетади. Уни ўлди, деб ўйлаган ва сейфдан излаганини топғач қочади. “02” га хабар қилған Гулой пойламайди. Бор гап шу!

Содир бўлған жиноят тафсилотлари хусусида фикрлаб ўтирган Мамбетнинг уяли телефони жиринглади. Пойлоқчи экан. У Жолдаснинг қўшниси. Илгаридан “орган”ға хизмат қилиб, чойчақа топиб юради. Бу сафар ҳам хизмат ҳаққи олиш эвазига Жолдасни пойлаб юришға рози бўлди.

– Ташқарида ўтирсам, “дом”дан узоқроқ жойға битта қизил “Нексия” келиб тўхтади. Кўп турди. Бировни кутаётгани аниқ эди. Бир пайт подъезддан Жолдас чикқан эди, “Нексия” сигнал берди. Жолдас ён-верига қараб, машинаға борди. Машина эгаси ўзи ўтирган эшик ойнасини тушуриб бир нималар деди, Жолдас машинаға ўтирди.

Пойлоқчининг гапидан зерикқан Мамбет уни шоширди:

– Хўш энди қаерда улар?

– “Нексия”нинг ортидан такси ушлаб пойлаб бордим. Ҳозир улар автовокзалдаги “Карвон” кафесида. Мен ҳам шу ердаман.

– Сени сезишмадимми?

– Йўқ ташқарида, дарахт панасидаман.

– Ҳозир етиб бораман.

Мамбет Камолов “Тико”сини елдек учириб, етиб борди. Пойлоқчидан уларнинг энг чеккадаги “кабина”да ўтирганини билиб: “Уларнинг ёнидаги “кабина”ға кирамиз маст одамлардай овозимизни ўзгартириб гаплашиб ўтирамиз. Сен кўпроқ сўзлайсан. Мен гап тинглашим керак”, деб тушунтирди.

Кафенинг ичи икки қатор қилиб, эшик ўрнида дока билан ажратилған “кабина”лардан иборат эди. Одам сийрак. Тўртта “кабина”да одам бор, холос.

Мамбет официанткани имлаб чақирди-да, гувоҳномасини кўрсатди:

– Мана буни ана у хужраға кириб, билдирмасдан стол остига ёпиштириб чиқасан, агар у ердагиларға билдирсанг, жазоға тортиласан, – дея унга диктофон берди.

Улар овқат, бир шиша ароқ буюртиришди-да, пойлоқчиликка киришди. Чамаси, Тойиров улар кимлар эканлигини билмоқчи бўлди. сўнгра мастларча гап-сўзларини эшитиб, бежавотир яна гапға берилди.

Мамбетнинг қулоғи динг бўлди. Улар асосий масалаға энди киришғанға ўхшайди.

– Сенинг ишинг эканлигини дарров билдим. Бердиёрни нега ўлдирдинг? Мени ҳам ўлди деб ўйлагансан, – деди Жолдас.

– Вазият шуни тақазо қилди. Калитни қаерға қўйгандинг? Ҳеч тополмадим, – деди Тойиров.

– Чой қўяётиб газўчоқнинг устига тушурибман.

– Бердиёрни уйғониб кетгани учун ўлдирдим. Гувоҳ ортиқча эди. Сени ҳам урдим. Энди билдингми, менинг қўлимдан ҳар нарса келади. Қадамнингни ўйлаб бос.

– Мени қўрқитолмайсан. Ўлимдан ҳам қўрқмайман. Қўлёзмани олибсан-ку? Уни сейфдан тополмадим.

– Қуриб кетсин ўша қўлёзма. Не савдоларға солди мени. Ўзинг ҳам тўйдирдинг. Нухаси экан-ку? Асли қаерда?

Жолдас мазза қилиб кулди.

- Мирза Тойирович, мени ахмоқ деб ўйлаганмидинг? Асл нухаси ишончли жойда.
- Нега терговчига мен ҳақимда айтмадинг?
- Сендан ҳали кўп фойдаланмоқчиман. Айтсам нима фойда? Сени қамашса, даромаддан айриламан-ку.
- Сен мени шантаж қилишни қўймайсанми?
- Шантажни энди кўрасан. То ўлгунча таъминлайсан. Бўлмаса ўзиндан кўр.
- Неча марта пул бердим сенга. Нега изимдан қолмайсан?
- Нима қилай ароқ суягимга сингган.
- Энди учрашмаймиз. Ўша воқеадан сўнг умуман кўришмаслигимиз керак. Балки ҳозир икковимизни ҳам пойлашётгандир. Хуллас гап тамом.
- Менга пул берсанг бўлди.
- Майли, охирги марта бераман. Сўнгра бир-биримизни танитаймиз. Келишдикми?
- Келишдик.
- Менга асл нухани берасан ва жинойт ҳақида оғиз очмайсан.
- Хўп. Қачон берасан пулни?
- Эртага шу ерга шу пайтда қўлзёмани олиб кел. Мен икки юз минг сўм олиб келаман. Сўнг тарқаламиз. Бошқа учрашмаймиз. Боягидай ишимга бориб, икки шишага пул бер демайсан. Яна айтаман, шу охиргиси!
- Кўрамиз.
- Унда бермайман.
- Бермасанг ҳаммасини ошкор қилишга тўғри келади. Менинг номзодлик ишимни ўғирлаб, диссертация ёқлади, мана менинг қўлзёмам, деб фош қиламан. Судланасан. Бунинг устига одам ўлдирдинг. Хуллас, қамоқда чирийсан.
- Мен судлансам, сен ҳам судланасан. Қилмишимиз теппа-тенг.
- Менга барибир. Қайтанги қамоқда овқат беришади.
- Жолдас, гапни чўзишдан не фойда, – Мирза сал ҳовридан тушди, – менадан пулингни олда, ичиб ётавермайсанми? Аммо кейин мени тинч қўясан. Бўлмаса, ўлдириб юбораман. Ўзим ҳам ҳаётдан тўйганман. Келишдикми?
- Келишдик.
- Эртага шу ерда яна учрашамиз. Мен кетдим.
- Мирза Тойиров кафедран чикди.

IX. “КАРВОН” ОПЕРАЦИЯСИ

Мамбет хонасига келиб, чуқур нафас олди: “Бу ишга ҳам сўнгги нуқта қўядиган пайт келди”.

Аяп Абдамбетовга ҳаммасини гапириб берди. Тезкор қўлга олиш гуруҳи таёрланди. Операция “Карвон” деб аталди. Тойировни уйига пойлоқчи қўйилди.

Эртасига Мамбет Аяп Абдамбетович билан машинасини панага қўйиб, “Карвон” кафесини кузата бошлади.

Соат икки яримда Жолдас келди. Қўлида эски портфель. Аланглаб Тойировни излади. Ичкарига кирди. Сўнгра яна чикди ва ўриндикка бориб ўтирди.

Соат учдан ўта бошлади. Тойировдан дарак йўқ эди. Яна ичган шекилли, Жолдас бир томонга қийшайиб ухлаб қолди.

Мамбет билан Аяп Абдамбетович ҳайрон. Нега Тойиров келмаяпти?

– Балки ишдан бўшамагандир, қўнғироқ қилиб, ўзимни танитмай гаплашайми? – дея сўради Мамбет.

– Бўпти, – розилик берди Аяп Абдамбетович.

Қабулхонадаги қиз Тойировнинг пешиндан сўнг ишга келмаганини айтди. Сўнг министр ҳам Тойировни излаётганини билдирди. Мамбет гўшакни қўйди.

Кейин уйига телефон қилишди. Хотини ҳам “тушликдан сўнг чиқиб кетди”, деди.

– Пойлоқчи билан боғлан, – деди хавотирланган Аяп Абдамбетович.

Пойлоқчи, тушликдан сўнг соат иккидан ўн минут ўтганда Тойиров уйдан иккита катта сумка олиб чиқиб, “нексия”сига солиб катта тезликда автовакзал томонга кетганини айтди.

– Нега келмади экан, уйдан чиққанига бир соат бўлган? Ишга ҳам бормабди. Чамаси у бизнинг режаларимизни билиб қочган, – дея тусмоллади Аяп Абдамбетович.

– Мен ҳам шундай ўйлаяпман. Қочиб қаёққа боради? Қандай қочади? Ҳозир самалёт йўқ. Ҳар эхтимолга қарши аэропортга хабар бериб қўяйлик, – деб Мамбет аэропортга қўнғироқ қилди. Темир йўл вақзали орган ходимларини ҳам огоҳлантирди. Шаҳар ва туман ДАН ходимларига ҳам қизил “Нексия”да, Мирза Тойировни ушлаш буйруғи берилди.

Республика прокурори, ички ишлар вазирлиги раҳбари ва тегишли ходимлари иштирокида қисқа йиғилиш ўтказилди.

Жиноятчи қаерга яшириниши мумкин, қандай қўлга олинади – шу каби саволлар устида мулоҳаза юритилди.

– Кейинги пайтда жиноятчиларнинг кўпи Қозоғистонга қочиб кетаяпти. Чунки у ернинг майдони катта. Ҳатто икки-уч оила яшайдиган олис овуллари ҳам бор. Бунинг устига ҳозир Қорақалпоғистондан кўп одамлар ноқонуний бориб ишлаб юришибди. Тили, дини, кўриниши бир хил халқ. Россияга ҳам кетиши мумкин. Шунинг учун ушбу мамлакатларга бориладиган ҳар қандай транспорт назоратга олиниши керак.

Тез орада Тахтақўприкдан хабар олинди. Қизил “Нексия”ни қўлга олиш бўйича хабар келмасдан олдин соат тўрт яримларда туман марказидан давлат рақамидаги қизил “Нексия” ўтган, ичида фақат битта одам. ЙПХ ходимлари ҳукумат рақами бўлгани боис автомобилни тўхтатмабди. Машина тўғри “Мулк” – “Кандирли” йўли бўйлаб кетибди.

– Тез изидан қувиб ушланглар. Вертолёт билан бизлар ҳам етиб борамиз, – деб топширик берилди.

“Кандир”лидан ўтиб, Қозоғистонга борадиган йўллар кўриб чиқилди. Тойиров Тахтақўприкдан саксон км олисда – “Қўштруба”даги битта чўпоннинг уйига яқинлашиб қолганда, соат еттиларда қўлга олинди.

Текширув чоғида ёнидан пистолет, эллик минг доллар, сумкаларидан кийим-кечаклари чиқди.

Жиноятчи қўлига кишан солиниб Нукусга келтирилганда вақт алламаҳал бўлган эди. Ходимлар баъзилари уйига, баъзилари хизматга тарқалишди.

Х. ҚЎЛЁЗМА

Мамбет Камолов жиноятчини эртасига тергов қилди. Жолдаснинг тайёр диссертациясини озроқ ўзгартириб ўзиники қилиб олганини, бунинг учун Жолдасга пул берганини Тойиров бўйнига олди.

Жиноят юз берадиган куни Мирза Тойиров ҳайдовчиси орқали Жолдасга тўрт шишага етқулик пул бериб юборгани, Жолдас ҳам пул олиб келган йигит илгари бирор ишни битирган одамдир деб пулни олиб қолгани маълум бўлди.

– Сиздай раҳбар одамнинг қотилликка қўл уриши мумкинлигига ҳалиям ишанолмаёпман, – деди Мамет.

– Вазият шуни тақозо қилди. Аслида ўлдирмоқчи эмасдим. Бердиёр уйғониб қолди. Гувоҳни йўқотишга қарор қилдим.

Мамбет сўради:

– Нега қочдинг? Кафега нега келмадинг?

– Кафе эгаси танишим эди. Соат иккиларда қўнғироқ қилди. “Орган ходимлари пана-панадан бизнинг кафени кузатмоқда. Чамаси бирорта рецидивистни ушламоқчи. Сен бугун келма. Аёл билан келсанг кўзга тушасан”, деб қўнғироқ қилди. Шунда билиб қолдим. Нопок йўлдан юрсанг жазоси енгил бўлармиди? Қочишга мажбур эдим, – деди Тойиров ҳеч нарсани яширмай.

– Қозоғистонга – Қизилўрдага кум орқали “Нексия”да етиб олмоқчимидинг?

– Йўқ. Ўша ерга зўрға етиб бордим. Ҳозир куз кум қаттиқ. “Нексия”ни чўпонларнинг “девит”и ё “Урал”ига алмаштираман, деб ўйлагандим.

“Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам очилади” деган гап бор. Ифлос йўл билан орттирилган диссертация йиллар ўтгач фош бўлади.

Жиноят сабабчиси – Жолдаснинг Тойировни соғин сигир қилиб сўришга омил бўлган диссертация қўлёзмаси МамбетКамоловнинг столи устида ётибди. Қўлёзма Жолдасники. Унинг исм-шарфи қалам билан чизилиб, устига “Мирза Тойиров” деб ёзилган эди.

ТАНҚИДИЙ ТАФАККУР ВА ЭСТЕТИК МЕЗОНЛАРНИНГ ЯНГИЛАНИШИ

Сўз санъатининг ижтимоий-эстетик вазифаси

Барча замонларда бадиий сўз ақобирлари миллатнинг маънавий-интеллектуал маданият тарихини, чинакам бадиият солномасини яратишда, адабиётнинг назарий асосларини шакллантиришда мутафаккир ҳам бўлишган. Беруний ва Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий ва Бобур, Чўлпон ва Фитрат, Абдулла Қодирий ва Ойбек, Буало ва Лессинг, Дидро ва Вольтер, Гёте ва Пушкин, Шиллер ва Гюго, Толстой ва Тагор, Достоевский ва Блок... Санъат назариясининг янги-янги саҳифаларини яратишда адабий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашлари билан бадиий-эстетик тафаккур такомлида алоҳида босқич бўлган адиблар номини яна давом эттириш мумкин.

XX аср бошлари миллий уйғониш даври жадид адабиёти эстетикасининг намоён бўлишию шаклланиш жараёнлари Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Элбек, Ҳамза сингари адиблар номи билан боғлиқ. XX аср охири – XXI аср бошлари мустақиллик даври бадиий-эстетик тафаккури сиёсийлаштирилмаган, башарий қадриятларга таянган азалий ва абадий ўзанларига қайтишида шоирлар ва ёзувчиларимизнинг фаолияти ҳам шунчалик салмоқли мавқега эга. Тўғри, адибларимизнинг адабий мақолалари, суҳбатлари, интервью ва чиқишлари санъатнинг назарий қонун-қоидаларини яхлит бир тизимга солувчи, уларни бирлаштирувчи эстетик системани вужудга келтираётир, дейиш қийин. Ва, лекин, адабиётнинг ҳар бир тарихий тараққиёт босқичида эстетик концепцияларнинг ишлаб чиқилишида сўз санъаткорларининг бадиий ижод фалсафаси, адабий жараён психологияси ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, шахс ва жамият руҳиятини тозартиришдаги бадиий асарнинг ижтимоий-эстетик аҳамиятига оид нуқтаи назарлари ҳамиша диққат-эътиборда бўлиб келган. Янаям муҳими, санъатнинг келгуси тараққиёт йўллари белгилашда катта таъсир кўрсатиши, замин бўлиб хизмат қилиши жиҳати билан ҳам нуфузlidir.

Зулфиянинг “Муборак қаламлар жилоси”, Асқад Мухторнинг “Тундалиқлар”, Одил Ёқубовнинг “Давр ва ижодкор масъулияти”, Пиримқул Қодировнинг “Бадиият мезонлари”, “Ҳақиқат жозибаси”, “Адолат йўли”, Иззат Султоннинг “Янги маънавий савия ва тарих”, Абдулла Ориповнинг “Янги жараённинг туғилиши”, “Мустақиллик: муносиблик масъулияти”, “Эҳтиёж фарзанди”, “Юртим олдида бурчлиман”, “Китоб – нажот фариштаси”, Эркин Воҳидовнинг “Янги аср остонасидаги ўйлар”, “Буюклик тимсоллари”, “Изтироб”, Шукур Холмирозиевнинг “Адабиёт ўладими”, “Ёзувчи ким”, “Кечирасиз, жаноб Карпендер, вақтим зикр”, “Адабиёт, адабиёт, адабиёт”, Ўткир Ҳошимовнинг “Адабиёт яшаса – миллат яшар”, “Давр руҳини акс эттирайлик”, “Ҳақиқий асар ёзилмайди, туғилади”, “Онги ва туйғу”, Муҳаммад Алининг “Ўзбекистон асри бўлади”, “Миллат шаъни – муқаддас”, Омон Мухторнинг “Мустақилликка ярашиқли асар ёзишни орзу қиламан”, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Кафтдаги чизиқлар”, “Фахр”, “Қалбнинг маърифатли қирралари”, “Ҳаракатдаги демократия”, “Эътиқод одоби ва ижодкор эркинлиги: уйғунликнинг илдизи қаерда”, “Бурилиш палласи”, Усмон Азимнинг “Шоирнинг юраги, чолғунинг торидек титрар”, “Мени Алпомишдан изланг”, Икром Отамуроднинг “Ўйлаш азоби”, “Хотиралар – энг қийин тенглама”, “Кангулнинг баланд тоғлари”, Мирпўлат Мирзонинг “Демократия бешиги”, Қутлибека Раҳимбекованинг “Ижод умидга суяниб яшайди”, Матназар Абдуҳакимнинг “Истиқлол дарахти”, “Муҳаббат кимёси”, Аҳмад Аъзамнинг “Англаш имконияти”, Хуршид Давроннинг “Маънавият куёшдек зарур”, Назар Эшонқулнинг “Ўзлик олами”, сингари ўнлаб адабий-танқидий, публицистик

мақолаларини, суҳбатларини кўрсатиш мумкин.

Сўз усталарининг адабий-танқидий мақолалари бадиий новаторликнинг, бадиият кашфиётларининг янги-янги имконият ва йўллари топишга, белгилашга қаратилган; кўнгил ройишларини, ижодий изланишларини таҳлил ва тадқиқ этишга йўналтирилган. Адибларимиз нафақат адабий ижоди, шунингдек, бадиият назариясини яратишдаги фаолиятлари билан ҳам истиқлол маданиятининг маънавий асосларини мустаҳкамлашга, истиқлол эстетикасининг назарий принципларини шакллантиришга хизмат қилаётир. Зеро, эстетик фикр инсон кўнгли учун, кўнгил азмойишларининг кўзгусига айланиш учун, руҳоният иқлимларини забт этиш учун ҳамиша маънавий маданиятнинг олдинги марраларида бўлган. Зеро, ижодий тажриба назарий тафаккурнинг энагаси ҳисобланади.

XX аср бошларида Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирийлар авлоди зиммасига реалистик адабиётнинг бадиияти назариясини, эстетик принципларини белгилаш ва шакллантиришдек тарихий вазифалар юклатилган эди. Ушбу масъулият нечоғлик юксак савияда адо этилганлиги тарихдан маълум. Чўлпоннинг “Адабиёт надир?”, “Улуғ ҳиндий”, “Мухтарам ёзғувчиларимизга”, “Тагўр ва тагўршунослик” каби адабий-танқидий мақолалари, “Чин севиш”, “Театр – санъат”, “Саҳнамизда”, “Шайх Санъон” сингари театр тақризлари, “Сўз, сўз, сўз”, “Театру танқидларига аҳамият”, “Саҳналар теграсида”, “Ўзбек давлат труппаси” каби санъатга оид мақолалари, Абдулла Қодирийнинг “Ёзишғувчиларимизга”, “Кулгу ҳақида”, “Ўрток Элбекнинг тил ҳақидаги тушунчалари”, “Бизда театру ишининг бориши”, “Ўқиш-ўрганиш” сингари адабий-танқидий публицистикаси, Фитратнинг “Тилимиз”, “Ёпишмаган гажаклар”, “Аруз ҳақида”, “Бедил”, “Адабиёт қодалари” каби ўнлаб асарлари реалистик сўз маданиятининг назарий асосларини белгилаб берди, тамал тошини қўйди.

Худди шунга монанд XXI аср субҳида ҳам адибларимиз мунаққид ва назариячи сифатида бадиий сўз санъати – истиқлол адабиётининг эстетик назариясини яратишдек оламгир, масъул вазифани адо этишмоқда. Бу борада Иззат Султон, Зулфия, Одил Ёкубов, Пиримкул Қодиров, Асқад Мухтор, Шукрулло, Шухрат, Шукур Холмирзаев, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Рауф Парфи, сингари ижодкорларнинг адабий ўйларини, нуқтаи назарларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бадиий маданиятимизнинг етакчи намояндалари бугунги кунда нафақат сўз захматкаши, шунингдек санъат масалалари, унинг тарихи ва назарияси бўйича мутафаккир сифатида ҳам фаолият кўрсатишмоқда.

Энг муҳими, уларнинг адабий-танқидий фикрлари бадиий сўз эстетикасини, бадиий санъат фалсафасини яратишга қаратилган башарий қадриятлар мақомига мансублиги билан эъзозли, эътиборли.

Маънавий маданият онгимизни, туйғуларимизни тарбияловчи, мукаммаллаштирувчи кўнгил маърифати, тафаккур ҳикмати. У қалб кўзи билан кўриладиган, онг-шуур ила идрок этиладиган нафосат ҳодисаси.

Кейинги пайтда ижодкорларимизнинг эстетик қарашларида санъаткор шахси ва истеъдод табиати, санъаткор мақоми ва моҳияти ана шу таҳлит башарий қадриятлар мезони билан кўрилаётир, ўрганилаётир, баҳоланаётир.

Ҳаёт ҳақиқатини бадиий образларга сингдириш – бу санъаткор истеъдодининг даражасидан, салоҳиятининг миқёсларидан далолат беради. Бир Шарқ донишмандидан истеъдод бу нимадир, деб сўрашган экан. У, ҳамма одамлар қурби етмайдиган, эплай олмайдиган юмушни осонгина қўл учида бажарган киши истеъдодли ҳисобланади, деб жавоб берибди. Энди, истеъдодли одамлар ҳам удалай олмаган ишни кўз очиб юмгунча адо этган киши камёб истеъдод эгаси бўлади, деган экан. Демак, истеъдодларда Оллоҳ юқтирган ҳиссий ҳамда фикрий идрокнинг илоҳий неъматини мужассамлашган. Илло, илоҳий салоҳият ёлғиз худонинг суюкли бандаларигагина марҳамат этилгуси. Маърифат, ҳикмат, нафосат ёғдулари ила кўнгли нақшланган, чароғонлашган бўлади.

Шукур Холмирзаев Гафур Гуломнинг шеърий фалсафаси, Зулфия лирикаси, Ойбекнинг “Навой” романи, Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” қиссаларига нисбатан матбуотдаги чиқишлар бирёқлама тор ва беписанд эканлигини бадиий сўз нафосати нуқтаи назаридан исботлашга эришади. Воқеликни бадиий идрок ва ифода этиш санъаткор кўнглидаги маърифат, ҳикмат, нафосат туйғуларининг яхлит бирликдаги тажассумидир, дейди. Улардан биронтасининг етишмаслиги, кемтиклиги эстетик бутунликка раҳна солади. Бу, одам ўз кўнглидаги кўмилган, ҳаёт зарбаларидан букилган туйғуларнинг бетакрор ҳолатларини, гўзал асноларини кашф этиш, юмуқ кўзларини очиб юбориш, демакдир. Бу, одамки ўз-ўзини кашф этиш баробарида, онги ва туйғуларини тарбиялайди, ўзи-ўзини комиллик мақомига кўтара боради, демакдир.

“Халқнинг дилидагини ёз. Халқнинг тили учида турганини ёз”, деган ақида соцреализмнинг “Ҳаётдаги ижобий ҳодисаларни ёз”, яъни, мазкур истибдод тузумини улуғла ва унинг ғояларига мос қахрамонларни топмасанг, яратгин, деган ғайриадабий талабига жавобан кашф этилган усул эдики, у адабий ҳодисаларни баҳолашда ҳам катта бир ўлчов бўлиб қолган эди”, деб ёзади Шукур Холмирзаев (“Адабиёт ўладими?” “Тафаккур” журналі. 1998 йил. 2-сон. 76-бет). Кўринадики, Шукур Холмирзаев санъатнинг эстетик масалалари шўро мафқурасининг сиёсий қолипларига солиб тақдим этилганлигига эътиборни тортаётир. Хусусан, етмиш йил бадалида шўро мафқураси ижтимоий масалалар ечимида сиёсий ғояларни эстетика тўнига ўраб-чирмаб келди. Тўғри, ҳар бир даврдаги эстетик концепциялар табиатан у ёки бу даражада ижтимоий маъноларни ифодалайди. Яъни, ҳар қандай фалсафий ва мафқуравий системалар объектив равишда ижтимоий мазмун-йўналишга эга бўлади. Аслида, гап бунда эмас. Зеро, шўро мафқураси инсон ва жамият фаолиятининг зоҳирию ботинини сиёсатлаштирган эди. Яъни, жамиятнинг маънавий ҳаёти, одамларнинг онги-шуури ва, ҳатто, ҳаёллари, ҳам сиёсатлаштирилган эди. Фикрнинг мағзию қобиғи ҳукмрон мафқура манфаатларига мослаштирилган, бўйсундирилган эди.

Шукур Холмирзаев масаланинг ана шу нозик жиҳатига диққатни қаратади. Сиёсий ғоялар, сиёсатлаштирилган нуқтаи назарлар орасидан асл адабиётни, соф санъат намуналарини ажрата билишга ундайди. “...Ҳақиқатни, адолатни юзага чиқаряпмиз, дея охир-оқибатда чақалоғини ювинтирган тоғорадаги мағзавага қўшиб боласини ҳам итқитиб юборган нодон она ҳолига тушиб қолмайлик”, дейди (Ўша журнал, 76-бет). Бадиий-эстетик дид ва савия тарбиясига асосий урғу беради. Ёзувчи – бу ҳукмрон партиялар, раҳнамою ҳомийлар югурдаги эмас. Сиёсатчию пропагандист-тарғиботчи ҳам, ўқитувчию жамоат арбоби ҳам эмас. У, аслида, санъаткор. Онгимизни, руҳимиз – туйғуларимизни тарбиялаш орқали кўнгиларни маърифат, ҳикмат, нафосат ёғдулари билан нурлантирувчи сўз устаси. Ва шу маънода, санъат ҳаётни ўзгартиришга эмас, гўзаллаштиришга, маънан комиллик мақоми даражасида юксалтиришга хизмат қилади.

Демак, санъат – бу кўнгил хуши, мафқураларнинг сиёсий юмуши эмас, кўнгил иши. Шу маънода санъаткор ҳам ҳаёт муаллими эмас, кўнгиллар мураббийси. Шукур Холмирзаев бадиий асарнинг ҳаётийлиги, ҳаёт муаммоларининг ёритилиши масаласига алоҳида тўхталади. Добролюбов, Чернишевскийларнинг “Санъат ҳаётни ўзгартириши керак”, деган ғоялари адабиётни нечоғлик янглиш йўлларга олиб кириб кетганлигини кенг шарҳлайди. Бу борада, Чеховнинг “Ёзувчи асарда муаммони ёритиши мумкин. Аммо уни ҳал этиш – ҳаётнинг иши...”, деган нуқтаи назарига суянади, уни ёқлайди. Ҳаётий муаммо кенг ва теран тушунилиши лозим бўлган масаладирки, бизда қишлоқ хўжалиги ёки чорвачиликка дахлдор бирон-бир муаммони (мухбирлар ишини) бадиий асарда ёритиш ва иложи бўлса ҳал этиб бериш фақат фазилят ҳисобланарди. Афтидан, ҳамон шу фикрда юрганлар бор, дейди.

“...Муаммони ёритиш бобида ҳам адашиб кетган эканмиз, – деган хулосага келади адиб. – Тўғрироғи, йўлдан оздирилган эканмиз. Фикримга ойдинлик киритай: совет даврида

хаётимиздаги энг муҳим муаммо нима эди? Ватан озодлиги, сўз эркинлиги, қарамликнинг барҳам топиши. Чўлпон ҳам, Фитрат ҳам, Усмон Носир ҳам ана шу армонда қурбон бўлиб кетди. Қодирий эса муаммога зимдан ёндашган эди. Хўш, энди бугун ёзувчидан қайси муаммони ёритишни талаб этасиз? Буни асли мухбирдан талаб этиш керак, у бошлайди. Бундан ташқари, чин ёзувчининг, асл адабиётнинг муаммосию “тили учуда турган гапи” бошқача эканда? Ҳа, ҳа, ҳа!” (Ўша журнал, 78-бет). Дарҳақиқат, сиёсий йўналиш, мафкуравий манфаатдорлик бадиий адабиётнинг бош вазифаси, деб қаралди. У нафис санъат – гўзаллик ҳодисаси эмас, сиёсий ғоялар тизими сифатида ўрганилди, баҳоланди. Хусусан, бадиий адабиёт асрлар мобайнида инсониятнинг онги ва дидини, руҳиятини тарбияловчи маънавий маданият эканлиги инкор этилди. Устига-устак зиммасига сиёсий вазифалар юклатилди; жамият тартибларини, ижтимоий тузумларни ўзгартирувчи мафкура қўлидаги қурол, дейилди. Табиийки, дид ҳам дунёқараш билан омукта намоён бўлади. Шахс диди, миллат диди, давр диди масалалари бир-бири билан уйғун. Бадиий асарни ижтимоий қурол ёки гўзаллик туйғусининг тарбиячиси, деб ўрганиш ҳам бевосита дидларга дахлдор.

Адабий-эстетик тафаккурнинг етакчи тамойиллари

Истиклол даври адабий-танқидий илми эришган ютуқлардан бири – бу миллатнинг бадиий-эстетик тафаккур таракқиётига улкан ҳисса қўшган ижодкорлар ҳаёти ва ижодини дунёқараши билан узвий боғлиқликда тадқиқ этувчи фан тармоқлари вужудга келди. Навоийшунослик, бобуршунослик, чўлпоншунослик, қодирийшунослик сингари алоҳида йўналишлар мустаҳкам ҳалқалардан бири бўлиб қолди. Истиклол даврига келиб Навоий ижодининг қирраларини башарий қадриятлар мезонлари билан боғлиқ ўрганиш, мумлаштириш маданияти янги босқичга кўтарилди. Бу борада, Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Навоийнинг суҳбатлари”, Раҳим Воҳидовнинг “Алишер Навоийнинг ижод мактаби”, Азиз Қаюмовнинг “Назм ва тафаккур қуёши”, Саидбек Ҳасановнинг “Навоийнинг етти тухфаси”, иброҳим Ҳаққулнинг “Ғазал гулшани”, Муслиҳиддин Муҳиддиновнинг “Икки олам ёғдуси” асарларини келтириш ўринлидир.

Ҳозирги босқич адабий-танқидий тафаккуримизда чўлпоншунослик алоҳида фан тармоғи сифатида, илмий йўналиш тарзида шаклланди. Қисқа бир даврда, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Элбек, Боту, Усмон Носир меросининг рангин қирраларини янгича ижтимоий-эстетик тафаккур шуури билан тадқиқ этиш маданияти кўз очди. Бу борада Ҳомил Ёқубовнинг “Навоий ва Чўлпон”, Озод Шарафиддиновнинг “Чўлпонни англаш”, Наим Каримовнинг “Чўлпон” асарлари, муаллифлар жамоасининг “Чўлпоннинг бадиий олами” мажмуаси, Дилмурод Қуроноғнинг “Чўлпон поэтикаси”, Замира Эшонованинг “Чўлпон шеърятининг ғоявий-бадиий хусусиятлари” сингари тадқиқотларҳамда ўнлаб илмий-назарий мақолаларни, суҳбатларни таъкидлаш жоиз. Булар барчаси яхлит, умумлашган ҳолда Чўлпон шахсияти ва ҳаётини, ижтимоий-адабий фаолиятини, дунёқарашини ўрганиш борасида алоҳида бир босқич, дейиш мумкин.

Демак, бугунги адабий-эстетик тафаккурда тарихий-маданий қадриятларимизни умумбашарий маънавий маданиятнинг таркибий бир қисми тарзида таҳлил ва тадқиқ этиш майли юзага келди. Мазкур хусусиятлар чўлпоншуносликдаги илмий изланишлар учун ҳам хос. Бу борада устоз адабиётшунослар ёнида ёш олимларнинг ҳам самарали изланишлар олиб бораётганлиги янаям қувонарли. Чўлпоннинг шоир ва носир сифатидаги бадиий маҳорати сирларини, адабий-эстетик қарашларини ўрганиш ҳам муносиб ўрин тутуди.

Тадқиқотларда Чўлпон адабий-танқидий қарашларининг тадрижий тақомили, ижодий-эстетик принципларининг шаклланиш жараёни бадиий изланишлари билан, асарларининг қиёсий таҳлили билан узвий боғлиқликда текширилади. Энг муҳими, Чўлпон эстетикасининг

бугунги маданий ҳаётимиздаги аҳамиятини, бадиий тафаккурда янги эстетик принцип ва бадиият мезонларини шакллантиришдаги, адабий дидларни ўстиришдаги ўрни ва ролини очишга йўналтирилган. Шартли маънода уларни икки йўналишга ажратиш мумкин. Хусусан, Чўлпон бадииятининг жаҳон бадиий тафаккури миқёсларидаги устувор фазилатлари таҳлил этилади. Адабий-эстетик қарашларини такомиллаштирган омиллар, жадиличлик эстетикаси принципларининг шаклланиши ва янги босқичга кўтарилишидаги Чўлпон назарий тафаккурининг аҳамияти ўрганилади. Жаҳон адабиёти билан миллий бадиий тафаккур яхлитлигини вужудга келтиришда Чўлпоннинг ижодий тажрибалари, илмий-назарий фикрлари эволюцияси кузатилади.

Бадиий адабиётнинг спецификаси, ижтимоий вазифаси, маърифий-эстетик аҳамиятига доир илмий-назарий қарашлари театр санъатига, сахна маданиятига оид мушоҳадалари билан бир бутунликни пайдо қилади. Шу жиҳатдан ҳар икки йўналиш бир-бирини тўлдиради ва бойитади. Чўлпоннинг театр назариясига, сахна маданиятининг миллий онгни ўстиришдаги аҳамиятига бағишланган фикрлари бадиий сўз санъатининг жамият, миллат ва Ватан тақдиридаги масъулияти адиб эстетикаси мағзини ташкил этади.

Чўлпон ижоди – XX аср бошлари ўзбек маърифатпарварлик мафкурасининг заковати ва қудратини, бадиий тафаккурнинг реалистик изланишлари жараёнини ўзида мужассамлаштирган гўзаллик ҳодисаси ҳисобланади. Маълумки, жадиличлик эстетикаси XX аср ўзбек адабиётини буткул янги ўзанга солиб юборди. Шахс, Ватан, миллат озодлиги учун куйиб-ёнган ижтимоий-маърифий ғоялар Чўлпон ижодининг мазмун-моҳиятига айланди. Жадиличлик эстетикаси – инсон шахси ва жамият ҳаётини тушуниш ҳамда тушунтиришда маърифий реализмнинг кўркам кўриниши сифатида XX аср бошлари ўзбек адабиётининг янги босқичидир. Ушбу аср тонги ўзбек халқи ижтимоий онгида миллий уйғониш ҳодисасини юзага келтирди.

Чўлпон бадиий сўз санъатининг миллат ва Ватан тақдиридаги вазифасини белгиловчи янги эстетик принципларини, янги адабий мезонларни илгари сурди. Мазкур саъй-ҳаракатнинг амалий тасдиғи адиб асарларидаги қаҳрамонлар қиёфасида бадиий талқинини топди. Хусусан, адабиёт ва санъат шахсининг маърифий маданиятини камол топтириш баробарида, жамият тартибларини ўзгартиришга эришади, деб билади. “Улуғ хиндий”, “Муҳтарам ёзувчиларимизга”, “Адабиёт надур?” мақолаларида ана шу руҳ устувор.

Шарқ ва Ғарб бадиий маданиятини чуқур ўзлаштирган Чўлпон янги ўзбек адабиётининг реалистик принципларини белгиловчи назарий фикрларни илгари сурди. Тарихийлик, эстетик туйғу ва миллий онг уйғунлиги, ҳаётийлик, воқеликнинг санъаткорга ва санъатнинг воқеликка таъсири масалалари Чўлпон назарий фикрларининг мағзини ташкил этади. Тўғри, жаҳон эстетикасида гўзаллик ҳақидаги тушунчалар барча назарий қарашларнинг асосини белгилайди. Чўлпон Гегель, Лессинг, Чернишевскийларнинг эстетика назариясини қанчалик эгаллаганлиги ҳақида бир нарса дейиш қийин. Хусусан, Чернишевскийнинг “Санъатнинг воқеликка эстетик муносабати” тадқиқоти билан қанчалик хабардорлиги хусусида аниқ далил-исботлар йўқ.

Чўлпоннинг буюклиги ҳам шундаки, у бадиий сўз санъатининг воқеликка, одамлар руҳиятига таъсири борасидаги ижтимоий вазифасини тарихий зарурият тарзида кўндаланг қўйди. Агар, кўнгли буюрмаганда “Адабиёт яшаса – миллат яшар”, демаган бўларди. Янги миллий адабиётнинг эстетик асоси сифатида санъатнинг шахсга, жамиятга, воқеликка фаол таъсири масаласини адабий ҳаёт кун тартибида биринчи йўсинга олиб чиқмаган бўларди. У бадиий сўзнинг одамлар онги ва миллат дунёқарашида туб ўзгаришларни юзага келтириши, жамият тартибларини ўзгартира олиш салоҳиятини дил-дилдан ҳис этади.

Чўлпон эстетика бобида санъат назариясини яратиш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўймаган эди. Шу боисдан ҳам Европа мутафаккирлари изидан бориб гўзаллик, фожелик, комизм, кўтаринкилик сингари эстетика тоифалари моҳиятини янги адабиёт ва воқелик тақозосига кўра очишдек классик андозаларга қараб тўн бичмайди. Аксинча, адабиёт ва

санъатнинг миллат онги ва дунёқарашига, воқеликка таъсири самараларини тарихийлик, ҳаётийлик, миллий онг ва эстетик туйғу уйғунлиги, миллийлик масалаларини ижодкор дунёқараш билан биргаликда яхлит ўрганеди. Шу боисдан ҳам сўз санъати воқеликни қайта идрок этиш баробарида, ҳаётни тушунтиради, жамият тўғрисида ўз бадиий умумлашма хулосаларини айтади. Шу тариқа, мазкур хусусиятлар Чўлпон эстетик қарашларининг муҳим қирралари тарзида намоён бўлади.

Чўлпоннинг эстетик қарашлари, онги-дунёқарашдаги ўзгаришлар шахсияти билан, воқелик жараёнлари ва адабий асарлари билан ижодий принципларининг тадрижи яхлит уйғунликда, узвий боғлиқликда ўрганишга муваффақ бўлинапти. Мазкур тадқиқотлар чўлпоншуносликда, шу билан баробар, ўзбек адабиётшунослигида эстетик таҳлилнинг шаклланаётган ўзига хос кўриниши тариқасида ҳам эътиборлидир.

Қодирийшунослик адиб бадииятини ўрганишда янги-янги қирраларини намоён этаётир. Хусусан, адиб эстетикасида реализм концепцияси атрофлича тадқиқ этила бошлади. Бу сирада “Абдулла Қодирийнинг бадиий олами”, “Ёднома” (Абдулла Қодирийни кўмсаб) мажмуалари, Матёқуб Қўшжоновнинг “Ўзбекнинг ўзлиги”, Абдурауф Расуловнинг “Илми ғарибани кўмсаб”, Гулчехра Имомованинг “Рухий изтироблар” (Рухият тасвирида диалог ва монолог) тадқиқотларини айтиб ўтиш мумкин.

Яна бир етакчи тамойил – бу адабиёт илмида бадиий маҳоратшунослик фан тармоғи сифатида шаклланди. Санъаткорларнинг онги – дунёқараш, адабий-эстетик, ижтимоий-сиёсий қарашлари, бадиий асарларининг яратилиш тарихи (ижодхонаси) яхлит уйғунликда текширила бошланди. Бу демак, санъаткор шахси, дунёқараш, асарларининг бадиий ғоя тариқасида туғилиши ва ёзилиш жараёнларини бир бутунликда умумлаштириш шаклланди. Санъаткор маҳорати ижодхонаси орқали кузатилаяпти.

Тасаввуф таълимоти ва мумтоз адабиётимизнинг маърифий, диний-ахлоқий, фалсафий ғоялари башарий кадриятлар нуқтаи назаридан буткул ўзгача йўсинда кузатила бошланди.

Адабий алоқа ва адабий таъсир масаласи ҳам янгича ўзанларда муҳим хусусиятларини намоён этаётир. Хусусан, адабий таъсир ва акс таъсирланиш мавзулар яқинлигидан, бадиий таржималардан эмас, аксинча, ижодкорларнинг онги ва дунёқараш, эстетик қарашлари, бадиий идеали асосидаги муштараклик ҳодисалари ўрганилаётир. Лекин ушбу йўналишда ҳали самаралар салмоқли эмас.

Фольклор эстетикаси ва поэтикасини ўрганиш борасида қўйилган дастлабки дадил қадамлар ҳам адабиёт илмида зоҳир бўлган ижобий тамойиллардан яна биридир. “Алпомиш” эпосининг поэтикасига доир туркум тадқиқотлар, Аскар Мусоқуловнинг “Ўзбек халқ лирикаси” (тарихий асослари, бадиияти), “Ўзбек халқ кўшиқларининг тарихий асослари” китоблари, Қозоқбой Йўлдошевнинг “Алпомиш талқинлари”, Маматқул Жўраевнинг “Ўзбек халқ тақвими ва мифологик афсоналар”, “Ўзбек халқ эртақларида сеҳрли рақамлар”, Жаббор Эшонқулнинг “Фольклор: образ ва талқин”, каби рисоалари эътиборга лойиқ.

XIX аср охири – XX аср бошлари ўзбек адабиётининг ривожланиш хусусиятлари, жаҳидчилик маърифати ва эстетикаси миллий уйғониш маданиятининг ёрқин босқичи тарзида тадқиқ этила бошланди. Бу борада Аҳмад Алиев, Бегали Қосимов, Шерали Турдиев, Сирожиддин Аҳмедов, Улуғбек Долимов сингари адабиётшуносларнинг Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Ибрат, Шавкат, Ҳамза, Сидқий Хондайлиқий ҳаёти, ижоди, ижтимоий-манавий, адабий-ахлоқий, маърифий қарашлари умумлаштирилган тадқиқотларини таъкидлаш жоиз.

XX аср адабий тажрибаси мисолида адабиёт назарияси ҳамда адабиётшунослик асосларини яратишга қаратилган бадиий-эстетик тафаккурнинг қалдирғоч намуналари ҳам майдонга келди. Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” асарининг қайта нашри, Иззат Султоннинг “Адабиёт назарияси” (қайта ишланган учинчи нашри), Ҳотам Умурувнинг “Адабиёт назарияси”, Ҳафиз

Абдусаматовнинг “Драма назарияси”, Шухрат Ризаевнинг “Жадид драмаси”, Иброҳим Ғофуровнинг “Дил эркинлиги” тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Хотира – бадиий-эстетик тафаккурнинг бир шакли сифатида тарих ва тақдирлар, ҳаёт ва адабиёт, шахс ва жамият, адиб шахсияти, ижод табиати ва сўз санъати ҳақидаги мушоҳадакорликнинг етакчи кўриниши бўлиб қолди.

Хотира – бу олис йиллар бағридан ловиллаб ўтиб келиб, қалбимизни ёритаётган шуълалар муждаси. Ўтган авлодлар, азиз сиймолару кадрдон нурли чехралар ёди. Яна бир муҳим жиҳати – хотиралар халқимизнинг маънавий маданияти тақдири, она юрт иқболи, миллат истиқболи билан боғлиқ ёруғлик. У тарихий ҳақиқатга, миллий истиқлолимиз маънавий асосларини мустаҳкамлашга дахлдорлиги боис ҳам эътиборли.

Адабиёт илмидаги яна бир характерли тамойил – бу олий ва ўрта таълим тизимида адабиёт ўқитиш савиясини юксалтириш ва миллий онг такомилли билан боғлиқ. Кўринадики, бугунги кунда нафис адабиёт илми олдидаги вазифалар ғоят муҳим ва масъулиятли. Хусусан, ижодкор феноменига, бадиий адабиётга, адабий асарга, ижтимоий-адабий жараёнга тарихийлик ҳамда эстетик туйғу нуқтаи назаридан ёндашиш, ўрганиш ва баҳолаш вазифалари турибди. Зеро, ҳар бир йирик сўз санъаткорининг ижодий изланишлари ва адабий асарларини муайян тарихий шарт-шароит, ижтимоий-маънавий муҳит маҳсули сифатида таҳлил этиш маданиятини шакллантириш жоиз. “Ҳар бир бадиий асар, – деб ёзади Гегель “Эстетика”сида, – ўз даврига, халқига ва ўз муҳитига мансуб; ушбу жараёнда у кўп жиҳатдан алоҳида тарихий ва бошқа тасаввурларга, ижодий мақсадларга дахлдор”. Шу маънода, бадиий адабиёт феномени ўзининг барча тарихий тараққиёт босқичларида у ёки бу “рахнамо ёки ҳомийлар” шаънига мадҳ-сано ёғдиришдан, ҳукмрон мафкураларга дастёрлик қилишдан иборат бўлган эмас. У ҳаётнинг маънавий асосларини, инсон тирикчилигининг илдизларини тадқиқ этишга қаратилган бадиий мундарижасига кўра, “миллатнинг маънавий устози” (Гегель таъбири) дейишга ҳамиша ҳақли.

Истиқлол даври бадиий-эстетик тафаккури масалаларини гўзаллик, фожелик, комиклик, эзгулик шакл ва мазмун бирлиги, жанрий кўринишлари каби асосий назарий-адабий тушунчалар, бадиий тил ва ифода воситалари (ўхшатиш, метафора, тимсол, рамзлар) нуқтаи назаридан янгича ёндашиш, ўзлаштириш ва умумлашма хулосалар чиқариш – адабий-тарихий жараённинг табиий эҳтиёжига, заруратига айланди. Мазкур тамойил XX аср адабий-маданий ҳаётини, адабий материални, бадиий асарни танлаш, ўрганиш ҳамда тушунтиришдаги янги назарий-методологик концепцияси билан эътиборли. Мазкур фазилат куйидаги тамойилларда зухур топган:

Биринчидан, XX аср ўзбек адабиёти бир неча минг йиллик Шарқ маданияти, мумтоз адабиётимиз тарихий тараққиётининг таркибий қисми, туркий улус маънавий маданиятининг бир бўғини, узвий ҳалқаси сифатида баҳоланмоқда;

Иккинчидан, XX аср адабий ҳодисалари жаҳон бадиий-эстетик тафаккур қамоли контекстида ўрганилапти. Умумбашарий қадриятлар мезони асосида ёндашилмоқда. Туркий халқларнинг муштарак миллий маданиятларини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти, хизмати, жаҳон халқлари бадииятини бойитишдаги аҳамияти билан уйғунликда кузатилмоқда;

Учинчидан, бадиий адабиёт, бадиий асар кўнгил хуши – “соф санъат”нинг бир белгиси эмас, кўнгил иши – ижтимоий, маърифий моҳияти билан гўзаллик ҳодисасига айланади, деган нуқтаи назар устувор.

Танқидий тафаккурлари жараёнлари

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталиги, “Шарқ юлдузи”, “Жаҳон адабиёти”, “Тафаккур”, “Гулистон”, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Ёшлик” журналлари адабий-танқидий тафаккурда кечаётган сифат ўзгаришлари жараёнларини ёритишга кенг ўрин бера бошлади.

Ушбу силсилага шоиру ёзувчиларимизнинг бадиий ижод фалсафаси, бадиий асар психологияси, адабий жараён ходисалари, олис ўтмиш вокелиги ва тарихий шахсларни ўрганиш маданиятига доир мақолаларию суҳбатларини ҳам қўшадиган бўлсак, адабий-танқидий тафаккур каноралари нечоғлик кенгайиб кетганлигидан, ўрганилаётган масалалар сермикёс, серкирра, серқатлам бўлиб бораётганлигидан воқифлик туямиз.

Кувонарлиси шундаки, мазкур саъй-ҳаракатлар тарихий, диний, маданий қадриятларимизни тиклаш жараёнида туркий халқларнинг муштарак маънавий меросини яхлит ва бус-бутун ижтимоий-эстетик ҳодиса сифатида қарашга, ўрганишга ва баҳолашга интилувчи олийжаноб йўналиши билан эътиборли. Яна бир фазилати, ўзбек адабиётига, адабий даврларига, улкан сиймолар ҳаёти ва ижодига, асарларига умумбашарий маънавий маданиятнинг таркибий бир қисми сифатида қараш, яхлит бир бутунликда таҳлил ва тадқиқ этиш малакаси куртак туғиб, барг ёзаётганлигида намоён бўлмоқда.

Адабий-танқидий тафаккур маҳсулига назар ташласак, у санъат асарларининг ижтимоий-эстетик аҳамиятини кўрсатиш орқали бадиий дидларни тарбиялашдек, адабий савияларни юксалтиришдек бош вазифасини баҳоли қудрат адо этапти, дейиш мумкин. Ҳар бир китобхоннинг, шу жумладан, адибу мунаққидларнинг ҳам бадиий асарни танлаш, ўқиш ва баҳолашдаги ўз майли бўларкан. Бу нарса ҳар биримизнинг кўнглимиз тубида жойлашган ботиний садо. Унинг даъвати билан адабий асарларни “яхши”, “ёмон”, “ўртамиёна”, “зўр” сингари ўз райимизни билдириш кўникмаси вужудга келган. Мунаққиднинг ижодкор сифатидаги ўзига хослиги шундаки, хоҳ тўрт сатр шеърми, хоҳ роман ёки драмами, бадиий асарнинг санъат намунаси сифатидаги табиатини, гўзаллик моҳиятини очиб беради. Шу маънода, кўнглимиз тубидаги садо – бу эстетик баҳо, ҳам танқидий кўзгу. У ҳар бир ижодкорнинг адабий жараёндаги ўрни ва ролини, асарларининг ижтимоий-бадиий тафаккур камолидаги аҳамиятини кўрсата билиши билан файзли.

Мазкур баҳо, мазкур кўзгу танқидчилигимизнинг холис ва объектив табиатини белгилаб келган. Хусусан, биргина мисол. Ўтган асрнинг 60-йиллари бошида Озод Шарафиддиновнинг шеърят танқидчилигига бағишланган “Замон – қалб – поэзия” китоби, наср таҳлилига оид Матёқуб Қўшжоновнинг “Ҳаёт ва адабиёт” асари майдонга келди. Ушбу асарларнинг адабий-танқидий тафаккур тақомилидаги хизматлари шундаки, бир неча авлод танқидчиларида бадиий асарни ўқиш, уқиш, мағзини чақиш ва баҳолаш маданиятини шакллантирди. Танқидчилигимиз бадиий дидини кўтаришда, эстетик савиясини юксалтиришда алоҳида бир босқич бўлиб қолди.

Кейинги йиллар адабий-танқидий тафаккурида ана шу устувор эстетик принципларга содик изланишлар кўзга ташланади.

Адабий-танқидий тафаккур тақомилидаги етакчи тамойиллардан яна бири – бу тарихий-маданий меросга ворислик, издошлик туйғусининг тўла-тўқис шаклланганлигида намоён бўлмоқда. Хусусан, тарихий – адабий-диний мерос намуналари миллий ҳамда ижтимоий онгнинг ўсишида, дунёқарашлар уфқининг кенгайиши-теранлашувида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоҳёр, Сулаймон Боқирғоний, Баҳоваддин Нақшбанд сингари диний адабиётимизнинг ўнлаб буюк намояндалари ижодини маънавий ҳаётимизнинг таркибий бир қисми сифатида ўрганиш сираси юзага келди. Яна энг муҳими, янгича эстетик принципларнинг шаклланишида – сиёсатлашган савиялар ва дидлар ўрнида умуминсоний қадриятлар туйғуси билан тўйинган юксак бадиий дид ва адабий савияларнинг қарор топишида асос вазифасини ўтамоқда.

Адабиёт илмида куртак ёзган ижобий тамойиллардан яна бири – бу сўз санъатида ҳаёт ҳақиқати билан демократик жараёнларнинг қарор топиб бораётганлигини ёқлаб айтилаётган фикрларда намоён бўлмоқда.

Бадиий тафаккурдаги янгиланиш ҳодисаси адабиёт илмида янгича эстетик принципларнинг шаклланишини, адабий мезонларнинг қарор топиши ва қатъий йўналиш касб этишини

таъминламоқда. Бу нарса тарихий-адабий меросни, адабий жараён ходисаларини санъаткорларнинг шахсияти, дунёқараши ва ижодий методи билан муқобил ўрганишда, адабий асарларга муносабатдаги эстетик таҳлил ва баҳоларда намоён бўлмоқда.

Мазкур янгича эстетик принциплар тамал тошини Қодирийнинг эстетик қарашлари, Чўлпон эстетикаси, Фитрат фалсафаси ташкил қилади. XX аср бошида оёққа турган ва лекин юзига тупроқ тортилган мазкур ходиса бизни санъаткор шахсига, ижодига, бадиий адабиётга, бадиий асарга буткул бошқача нуқтаи назардан қарашга ўргатади, тушунтиради.

Мустақиллик эстетикасининг умумбашарий кадриятларга асосланган миллийлик, тарихийлик, бадиийлик сингари хусусиятларини янги ғоялар, янги фикрлар, нуқтаи назарлар билан бойитишда шоиру ёзувчиларимиз пешволик қилишмоқда.

Шоиру ёзувчиларимизнинг мақолалари, суҳбатлари воқеликдаги янгиланишлар табиатини бадиий ижод спецификаси билан боғлиқ равишда очишга қаратилган янги назарий фикрлари, янги нуқтаи назарлари билан қимматли. Ҳар бир ижодкор руҳида шоиру ёзувчилиги билан бирга танқидчилик ҳам ёнма-ён яшайди. Асарига қахрамон танлашми, сюжет, композициясини белгилашми, қай йўсинда ифодалаш масаласими, ўчириш, ёзиш, тузатишлар киритишми – барча-барчасини ёзувчи руҳидаги танқидий нуқтаи назар амалга оширади. Ёзувчининг бадиий қудратини, ижодий салоҳиятини биринчи навбатда, руҳиятидаги танқидчи белгилаб беради. Ўз-ўзига, адабий жараёнга, давр ва ижтимоий воқеликка бўлган танқидий руҳ бошқаради.

Бугунги адабий-танқидий тафаккур тараққиётида шоир-ёзувчиларнинг эстетик қарашлари салмоқли аҳамият касб этиб бораётганлиги шу жиҳатдан ҳам табиий ва қонунийдир. Адабий-танқидий тафаккурда палак ёзиб бораётган етакчи майллардан яна бири – адиблар шахсияти билан ижодий изланишларини муқобилликда ўрганиш ва, шу асосда, бадиий маҳоратини тадқиқ этишдир. Бу борада “Ёшлик” журналида “Қалб манзаралари” рукнида эълон қилинган мақолаларни, “Нималар кечяпти кўнгил ва руҳда” туркумидаги дил эътирофларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, шоирлар Абдували Қутбиддин билан Вафо Файзуллонинг “Туну кун тоат-ибодатим сўзга...” суҳбати (“Ёшлик”, 1994 йил, 4-сон, 15–17-бетлар), ижодкорлар Анвар Обиджон, Дадахон Нурий, Фахриёр, Гуландом Тоғаеваларнинг, анкета сўровларига жавоблари (“Ёшлик”, 1994 йил, 3-сон, 26–27-бетлар), шоир Вафо Файзуллонинг “Ҳайрат гулшани” рукнида ёритилган “Бедил” бадиасини санъаткор феноменини кашф этишга қаратилган қалдирғоч самаралар, ушбу йўналишдаги дастлабки қутлуғ қадамлар, дейиш мумкин.

Шоирлар Абдували Қутбиддин билан Вафо Файзулло шеър қалбига, шоир юрагига назар ташлаш орқали шеър шоир ва ҳаёт ҳақиқати хусусида мушоҳада юритади. Шоирнинг самимиятига, санъаткорлигига, бадиий маҳоратига кўпроқ эътибор беришади. Қалбнинг зоҳирий ҳақиқатлари бошқа қалбларда акс-садо уйғотгандагина ўзидан ташқаридаги ботиний ҳақиқатларнинг (ҳаёт ҳақиқатининг) кўзгусига айланиши мумкин. “Шоирлар” бор ишқни тараннум қилишнинг пишмаган ҳаёлида, атрофларида кечаётган туйғуларни шеърга сололмасликларини яширишга уриниб юрибдилар. Ёхуд яна бошқа бирлари ҳаммининг дарди дея ҳамма биладиган воқеа-гапларни шеърга тизиб кериладилар. Булардан ўзлариям, ўзгалар ҳам сурур ололмайди. Бахтимизга улардан фарқли ўлароқ, кўнгил кўзини очадиган, юрагини ёқадиган тирик шеърлар ҳам туғилиб турибди” (“Ёшлик”, 4-сон, 15-бет), деб ёзишади.

Бу борада ижодкор учун кўнгил ҳурлигидан, онг мустақиллигидан ташқари яна нуқтаи назар холислиги муҳим деган хулосага келишади. Зеро, руҳиятимиздаги кечинма, туйғу, ҳиссиёт суратларининг ранглари олийжаноблик ёки бадбинликми, эзгулик ёхуд ёвузликми, эрк ёки қафасми, қандай маъноларни ифодалаётганлигини англаувчи шахсий нуқтаи назар ҳақиқати бўлади. Бу – ишоралар, рамзлар, тимсоллар, бўёқлар, оҳанглар сингари турфа кўринишларда зухур топиши мумкин. Ана шу кўнгилнинг сим-сим томирларидан силқиб чиққан шахсий ҳақиқат туйғуси янгича бир руҳда намоён бўладики, у тарихий воқеликми, атрофимизда кечаётган талотўп жараёнларми, ташқи таъсир натижасида кўз очган бадиий реаллик, объектив

воқеа-ҳодисаларнинг холис кўзгуси бўлиб қолди.

Мазкур суҳбат шоирнинг ижодхонаси орқали бугунги поэтик жараёнга, унда кечаётган муҳим масалаларни қамраб олишга, жавоб беришга қаратилганлиги билан эътиборли.

Суҳбатда ижодий мактаблар таъсири, ворисийлик, шоир феномени ва издошлик масалаларига муносабат билдирилади. Бу борада Вафо Файзуллонинг янгича қарашлари ўзининг объективлиги, илмий мантиқи билан завқли. “Назаримда шеъриятда ҳам катта-кичик мактаблар бўлади. Бир шоир унга асос солади, иккинчиси мукаммаллаштиради, шу мактаб ўқувчиси бўла туриб, унинг яратганлари бу мактаб парвозининг авж нуктаси бўлиб қолади. Бошқа бири ўз ижоди билан унинг таназули бўлиб майдонга чиқади. Ва айни пайтлардан бу мактабнинг йўлини рад қилиб, янги қараш, фикрлар мактаби шаклига кириб, дунёни бошқача кашф қилишга қасд қиладилар. Маълум бир пайтда жадид (янги)лар ўз ишончлари билан кўнгилни забт қилишлари ва вақтинча урфдан, ўқишдан қолган шеъриятни майдондан сиқиб чиқаришлари мумкин. Ва бунга табиий бир жараён деб ҳам қараш керак. Бироқ, чинакам дурдона анча замонларни ортда қолдиргандан кейингина, ўзининг одил баҳосини олади ва маънавиятнинг бир чимдим нуридек яшаб қолади” (15-бет).

Вафо Файзуллонинг мазкур мулоҳазалари ўтган асрнинг 60-йилларидан то бугунги кунгача кечаётган поэтик жараён хусусида, шеърий мактаблар ва ворисийлик, ижодий мустақиллик ва издошлик ҳақидаги нозик кузатишлар сифатида мароқли. Бироқ, Абдували Қутбиддиннинг шу масала хусусидаги қарашларида ўз-ўзини инкор этиш, икки хиллик бордек таассурот қолдиради. Хусусан, у бир ўринда Абдулла Орипов феномени ҳақида фикр юритаркан: “Фалон шоир мактабидан иккинчи бири пайдо бўлган деганларга ишонмайман. Улар шоир эмас, ҳиргойилар”, дейди (16-бет). Бошқа бир ўринда Абдулла Орипов ва Рауф Парфи ҳақида гапириб: “Абдулла Орипов ва Рауф Парфи шеърияти олижанобликдир. Шундай илтифот, лутф, эҳтиром ва инқилоб бўлмаганда сиз ва мен шеър ёзмасдик. Уларнинг борлигига куллуқ” (17-бет), деб ёзади. Демак, бир шоирнинг юзага келишида бошқа бир шоирлар ижодий мактабининг таъсири ва хизмати беқиёс экан-да.

Абдували Қутбиддин олам ва одам, ҳаёт ва ўлим, тириклик ва боқийлик хусусидаги охорли мушоҳадалари билан боғлиқ ижод фалсафасини ўрганишга, ёритишга мойил. Мазкур суҳбатда ана шу хусусияти бўртиб туради. Лекин қуйидаги мушоҳадалари баҳсли. “Ҳаёт мазмуни нимадан иборат, – дейди у, – уч сўздан: туғилиш, яшаш, ўлиш. Ҳаёт эса эскидан-эски, қадимдан-қадим. Деярли ҳаммаси такрор: муҳаббат ҳам, хиёнат ҳам, риёю хийла, ҳақиқат... Ҳатто одамзот толасигача. Мушкулот ўша алмисокдан қолган, рўзғор Одам Атою Момо Ҳаводан. Уруғимиз хиёнатдан пайдо бўлиб, ҳақиқатга эътиқод келтирган” (15-бет). Сиртдан қараганда, ушбу мулоҳазалар чуқур, фалсафийдек. Аслида, моҳиятига разм солсак, кўпгина жумбоқли саволларнинг туғилишига сабаб бўлади ва, лекин, саволларимиз жавобсиз қолади.

Муҳаббат, хиёнат, риё, ҳақиқат – тушунча сифатида даврлар оша такрорланиб келади. Ва, лекин, ҳар бир даврда, ҳар бир ижтимоий тузумда, ҳатто ҳар бир йирик сўз санъаткори ижодида мазмунан, моҳиятан бошқа-бошқа. Аксинча, ҳар бир авлод, ҳар бир шахс ўз ҳаёти ва фаолияти билан ушбу боқий тушунчаларни янгилайди; ўз умрининг, фаолиятининг мазмуни билан янгилик киритади.

Ҳар бир халқнинг бошқа миллатлар адабиётидан фарқланиб турадиган ўзига хос миллий хусусиятлари бўлади. Ўзбек адабиётининг, шу жумладан, шеъриятининг ҳам рус ёки француз, япон ёки инглиз шеъриятидан фарқлаб турадиган ҳаётий ғояси ва пафоси борки, унинг моҳиятини ҳаммиша юксак идеалга интилиш, унга етишиш безовталиклари ташкил этади. Комил инсонни камол топтириш ва, шу асосда, жамиятни комиллик хусусиятлари билан мунаввар этиш – мазкур олижаноб идеалнинг ўзак мазмуни. Бугунги шеъриятимизнинг бадиий-эстетик изланишлари учун ҳам мазкур пафос, ёруғ безовталик руҳи бегона эмас.

Бугунги ўзбек табиатида, руҳида комилликнинг қайси миллий хусусиятлари шаклланаёпти,

бадий сўз санъати бу борада қандай фазилятлар касб этапти, қусурлари нимада?

Шу тахлит ўзбек бадий сўзининг миллий руҳияти масалалари адабий-танқидий тафаккур эътиборидан четда қолмоқда. Умуман, адабиётимизнинг миллийлигини, ўзига хослигининг умумбашарий моҳиятини сўз санъаткорларининг онги – дунёқарашидаги ўзгаришлар билан, бадий-эстетик изланишларининг фалсафий мазмуни билан муқобилликда кўрсатиш, аҳамиятини белгилаш борасида танқидчилигимизнинг шашти паст.

Ҳозирги ҳолатда профессионал танқидчилик адабий жараён ҳодисаларини баҳолашда бадий-эстетик тафаккурнинг умумривожидан орқада қолапти. Ваҳоланки, у адабиётнинг босган изини қаричлаб ўтирувчи ўлчов бирлиги ёки қадамларининг оғир-енгиллигини аниқловчи тарози посонгиси эмас. Аксинча, унинг келажагини, тараққиёт йўлларини олдиндан кўра олувчи, аниқ белгилари билан айтиб бера билувчи башоратчи бўлиши керак. Бугунги кун бадий-эстетик тафаккур тараққиёти ана шу тахлит масъул вазифаларни, катта талабларни тақозо этмоқда, кўндаланг қўймоқда.

Адабий танқид сўзамоллик ёки ақл ўргатувчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи соҳа эмас; у чуқур мушоҳадалар уйғотувчи ҳаётнинг бир бўлаги.

Танқидчилигимизнинг бадий асарлар, адабий жараён, шоиру адиблар ҳақида кечаги айтган гапи бугун эскириб қолапти. Танқидчиликнинг бугунги изланишларига Гегель, Гердер, Шопенгауэр, Шлегель, Уоррен сингариларнинг мақолаларига хос илҳомбахш эҳтиросли мушоҳадакорлик, илмий-назарий баҳолашдаги эстетик гўзаллик, нафосат, таҳлил ва талқинлардаги фалсафий теранлик маҳорати, бир сўз билан айтганда, санъат даражасига кўтарилган тафаккур маданияти етишмайди.

Ҳаётимизда идеалда алданган, эътиқодда адашган одамларнинг бир неча авлоди пайдо бўлди. Шукур Холмирзаевнинг “Адашганлар”, “Етмиш уч мактуб” туркумларида ана шу тахлит одамларнинг қийноқлари, аламларию армонлари рангин бўёқларда бадий ифодасини топган. Лекин танқидчилик ана шу ҳодисани баҳолаш у ёқда турсин, жўяли муносабат билдиргани ҳам йўқ.

Ёхуд аросатда қолган одамлар фожиасини, драмасини кулги – сатира воситасида ёритишга эришаётган, 90-йиллар ўзбек бадий сўз маданиятида ҳодиса бўлган Саид Аҳмад, Неъмат Аминовларнинг ҳикояларини, Шароф Бошбековнинг сахна асарларини эстетик таҳлил қилиш учун танқидчилигимиз фурсатми, идрокми, ниманидир тополмаяпти. Бу ўринда, Саид Аҳмаднинг “Хандон писта”, Неъмат Аминовнинг “Қитиғи ўлмаган қиз” мажмуаларини назарда тутаётирман.

Муштдеккина юрак бугунги шеърятимизнинг бадий таҳлил майдонига айланди. Кўнгил кўзгусида акс этган руҳият мамлакатининг манзараларини, қалб дунёси кўчаларини, лўнда қилиб айтганда, кўнгил олами – шеърятимизнинг меҳвари бўлиб қолди.

Яна бир камчилик. Агар адабий жараён ҳодисаларига бағишланган мақолаларнинг умумий руҳига эътибор берилса, ҳар бир асар, ҳар бир тўплам адабиётимизнинг муҳим ютуғи сифатида баҳоланади. Ёзувчию шоирлар ҳар бир асарида фақат камолотга эришиб бораётган, фавқулудда ижодкор сифатида шаклланаётган, адабиётимиз хазинасини муттасил бойитиб бораётган сўз усталари сифатида таърифланади. Адабиётимиз қимирласа тўкилгудек лим-лим бойликка эгадек таассурот қолдиради. Тўғри, бадий ижодга ўзини урган қаламкаш кўп, саржин-саржин шеър, ҳикоя, қисса, романларни тахлаб ташлаётганлар кўп. Лекин адабиётни тақдир деб билган, сўз санъатини илоҳий неъмат, сеҳрли мўъжиза, пешонага ёзилган қисмат, деб англаган ижодкорлар бармоқ билан санарли. Маънавий бойликка айланган асарлар ҳам шунақа, аксарияти бадиият ғалвиридан тўкилиб қолапти.

Бадий асарларга, ижодкорлар изланишига берилган баҳо адабий-фалсафий мушоҳадаларга асосланса, эстетик таҳлилга таянса илмий-назарий қиммат касб этар экан. Йўқса, у шақилдоқ мактовлар шодасига, ялтироқ сўзлар шокиласига айланиб қоларкан. Биргина мисол. Шеър

мухлиси, қаламқаш Абдурахмон Қодиров уч йил ичида тўртта шеърий китобини эълон қилди. “Истиқлол қўшиғи” – 1992, “Тавалло” – 1993, “Соғиниб яшайман”, “Рухият” – 1994 йил. Балки, шеърларда чўғ бордир. Лекин ҳар тўрт тўплам ҳақида тақриз ёзган Жиззах Давлат педагогика институти ўқитувчиси Мўмин Ҳошимхоновнинг “Шеърпараст қалб илҳоми” мақоласи (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1995 йил 24 февраль) чала-думбул таассуротлар йиғиндисига айланиб қолган. Абдурахмон Қодиров шеърларининг мағзи, янги бадиий талқинлар моҳияти тўғрисида тасаввур бермайди.

Кенг палак ёзиб бораётган ушбу тенденцияга адабий-илмий жамоатчилик кўникиб қолди шекилли, қандайдир лоқайд, бепарво. Дўконларни тўлдириб бораётган ўртамиёна, бадиий саёз асарлар кимларга фойда келтирадию кимларга зиён? Илмий ва адабий асарлар нашрини истеъдодлар даражасига эмас, ҳамёнларнинг катталигига боғлаб қўйиш, интеллектуал-маънавий камолотга хизмат қилармикан? Миллатнинг ўзлигини англаши ва намоён этишини сусайтиришга олиб келмасмикан?

Бизда бозор иқтисоди, бозор муносабатлари тўла-тўқис шаклланиб улгургани йўқ. Лекин бозор адабиёти пайдо бўлди. Унинг савиясига монанд карнайчи танқидчилар ҳам бўй кўрсатиб борапти. Бу ўринда ўз ҳисобидан қўшша-қўшша шеърий, насрий, адабий-танқидий китоблар чиқаришга эришаётган муаллифларнинг изланишларига, асарларининг илмий-назарий, бадиий савиясига эътиборни қаратиш зарур. Бу нарса сўфи тахлит овози маҳалласидан ташқарига чиқмайдиган маҳаллий классикларнинг болалаб кетишига замин яратади, холос.

Яна, ғалати жиҳати шундаки, бу хилдаги китобларга “асарнинг илмий ёки бадиий савияси учун муаллифнинг ўзи масъул, нашриёт жавоб бермайди”, деб ёзиб ҳам қўйишади. Қизиқ, илмий-бадиий нашрлар учун нашриётлар масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилса, танқидчилик ўзининг профессионал баҳосини айтмаса, миллатнинг бадиий фикрини ўстириш, адабий дид ва эстетик савиясини кўтариш учун ким жон куйдиради?

Хуллас, дарахтнинг меваси тупидан узоққа тушмас экан. Адабиётимиз илми ютуқлари ҳам, камчиликлари ҳам бугунги адабий ҳаётимиз маҳсули. Энг муҳими, мустақиллик мафкурасига таянган миллий маданиятимиз маънавий асосларини яратишдек эзгу вазифани адо этишда собит, ўз ўрнини тайин этишга интиляпти, муттасил изланапти.

САТИРИК ХАРАКТЕР ВА МАҲОРАТ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг «Оғрик тишлар» сатирик комедияси номиёк, асар мазмуни рамзий маънога асосланганидан дарак беради. Ҳар қандай инсоннинг тиши оғриси, уни даволатишга шошилиши аниқ. Агар даволашнинг иложи бўлмаса, тиш суғуриб ташланади. Асарда эса, инсонийликка шак келтириб, фақат ўз манфаати учун курашувчи, бу билан ҳақиқий ҳаётга доғ туширувчи кишиларнинг ярамас хулқ-атворларини муаллиф жамият учун оғрик тиш каби зарарли эканлигини кўрсатишни мақсад қилиб олади. Бундай инсонлар, ўз босаётган қадамларининг эгрилигини ҳис этган ҳолда, шубҳага ботса-да, барибир, ўз танлаган йўлларида қайтмайдилар. Шармандаси чиққач эса, пушаймон қилса-да, кеч бўлади.

Асар бошидаёқ, қаҳрамонлар ўз хатти-ҳаракатлари туфайли юзага чиқа бошлаган шубҳали вазиятда фаолият кўрсатадилар. Райижроком раисининг ўринбосари Аҳаджон Заргаров хотин устига хотин олганлигидан, аввалги хотини бирор жойга шикоят қилмаса деб безовта бўлса, тиш доктори Марасул Ҳузуржонов эса, ҳали балоғатга етмаган, тўққизинчи синф ўқувчиси Насибага уйланиш тараддудида, бирор ишқал чикишидан чўчиб фаолият кўрсатади. Улар ўз хатти-ҳаракатларининг ноҳақ эканлигини тушунсалар-да, бир-бирига ҳамдам бўладилар, кўмаклашадилару яна ҳам чуқур чоҳга яқинлаша бошлаганларини сезмай қоладилар:

Заргаров (*соатиға қараб*). Марасул ука, Оқила келмади-ку? А, Оқиладан дарак йўқ-ку?

Марасул. Оқилахон опам... Автобус соат учда келади. Лекин, эрталабки автобусга чиқа олмасам, тушгисига чиқарман, деган эди.

Пауза

Заргаров. Ҳим... қаттиқ хафа эмасми?

Марасул. Устига хотин оласизу хафа бўлмайдимми?

Заргаров. Йўқ, авзойидан жанжал қиладиган эмасми демоқчиман?

Марасул. Йўқ... йиғлади!

Заргаров. Йиғлади? Хайрият! Йиғлаган бўлса жанжал қилмайди... Кимни олди, деб сўрамадимми?

Марасул. Сўради. Хуморхон деган бир жувонни олдилар, дедим.

Заргаров. Тинч келиб кетади дегин? Шундоқ бўлса ҳам насихат қилиб, этини ўлдириб, ундан кейин мени чақиргин. Мен уйда бўламан (*Чиқмоқчи бўлади*).

Бу ўринда Заргаровнинг нотинчлиги равшанлашади, ўз навбатида, бу нотинчликни юмшатишда Марасулнинг хизмати ҳам кам эмас. Оқилага кўринишдан чўчиётган Заргаров, Марасулнинг кўмагига илҳақ бўлади ва ундан мадад кутади. Марасул ҳам Заргаровга бекорга хушмуомила бўлаётгани йўқ. Унинг ҳам ўзига хос «дарди» бор, бу дардга фақат Заргаров даъво топиши мумкин:

Ичкари эшикдан Фотима киради.

Фотима. Ҳой, онанг айлансин, Марасул... (*Заргаровни кўриб*) Ассалому алайкум... Марасул, иш бузилганга ўхшайди-ку: ЗАГСнинг қоғози бўлмаса, домла-имом никоҳ ўқимас эмиш.

Заргаров. Никоҳ? Шу гапни менинг олдимда гапирмасангиз нима қилар эди?

Марасул (*қабулхона эшигига қараб-қараб онасига*). Секинроқ гапирсангиз-чи! (*Заргаровга ёлвориб*) Яна битта акалик қилинг, жон ака! Бир оғиз айтиб қўйинг!

Заргаров. Жинни бўлдингми?.. Энди домла-имомга «никоҳ ўқи» дейишим қолдимми?!

Марасул. Йўқ, ЗАГСга айтиб қўйинг дейман! Гапга тушунмайдиган бир одам ўтирибди...

ҳеч кўнмайди!

Мана, Марасулнинг «дарди» аён бўлди. Никоҳ сўзининг оммага эшиттириб айтилишини улар ўзлари учун гўё нокулайдек ҳис этишлари, томошабинда беихтиёр кулгу уйғотади. Кўринишидан ўзларини замонанинг энг олдинги «маданиятли» кишилари деб биладиган бу икки шахс, аслида, инсонийлик учун хилоф бўлган хатти-ҳаракатларини хаспўшлашни мақсад қилиб олган эдилар. Ўзининг масъул вазифасидан мағрурланган Заргаровнинг, ЗАГС мудирини билан телефондаги мулоқотига эътибор қаратайлик:

Заргаров (*трубкага*). Ҳм... салом... докторнинг ишини тўғрилаб беринглар! Марасул Хузуржоновнинг ишини... Қиз ёш?!

Фотима. Ёш эмас, йилма-йилига ўн саккизга кирган!

Марасул. Ёш эмас, ўн саккизда, мен биламан денг!

Заргаров. Ёш эмас, ўн саккизда, мен биламан денг... йўқ, мен ўзим биламан! А? Тўққизинчи синфда ўқиса ўқийверади-да! Мен тўртинчи синфда ўқиганимда йигирма ёшда эдим! Менга қаранг, жавобгарликдан кўркманг. Ҳар қанча жавобгарлик бўлса бизга ортаверинг... Кўтаравериб елкаларимиз қадоқ бўлиб кетган!

Марасул(*унинг елкасини силайди*). Яшанг!

Марасулнинг «Ёш эмас, ўн саккизда, мен биламан денг» деган гапини ҳеч ўзгаришсиз такрорлашининг ўзи Заргаровнинг қанчалик савияси паст эканлигини кўрсатиб, унинг устидан томошабиннинг захарханда кулгисига сабаб бўлмоқда. Бугина эмас, унинг яна ЗАГС мудирини ишонтириш учун айтган «Тўққизинчи синфда ўқиса ўқийверади-да! Мен тўртинчи синфда ўқиганимда йигирма ёшда эдим!» дейишлиги, унинг қанчалик «билимдон»лигини яна ҳам ошкор этади. Шеригининг «Яшанг!» деб елкасини силаши, уни янада руҳлантириб юборади ва ўз мансабини суиистеъмол қилган ҳолда: «Менга қаранг, ука! Менинг бу ишга тайин бўлганимга ҳали йил ҳам бўлгани йўқ, гапимни қайтариб, бунақа, обрўйимни тўкадиган бўлсангиз хафалашиб қоламиз!» деб дўқ уриш даражасига бориб этади. Дўқ уришга уради-ю, яна кейин ўз қилиғидан чўчиган ҳолда: «Лекин мен аралашганимни ҳеч кимга оғзингиздан чиқарманг!» деб ўзи ёрдам берганларга уқтириб қўяди.

Ризамат билан Марасулнинг мулоқотида Марасул ва шериги тиш техниканинг қаллоблиги равшанлашади. Айниқса, бу Марасулнинг тиш техникани Ризқига телефон орқали билдирган фикрларида ўз ифодасини топган: «Ризқи! Ризамат акага нуқул ўзидан қўйибсан-ку! Бориб-бориб ўртоқ Заргаровнинг қайнағасига шунақа қиласанми! Қўйсанг-чи, оғзи кўкариб ётибди! Энди бир-биримизни алдашимиз қолдимиз! Ҳозир боради, тўғрилагин! Ароқдан миокардиодистрофия бўлипти дедим, сен ҳам шунақа дегин». Демак, Заргаровдек бир ошнасанинг оғайнисига шундай йўл тутгач, бошқаларга муносабати ўз-ўзидан равшан.

Энди, Марасул, Оқила, Заргаров ва Хуморхон мулоқотига назар солайлик:

Марасул. ...Оқилахон опа, фойда чиқадиган томонини кўзлайверганингиз маъқул. Жанжалдан ҳеч ким барака топган эмас. Индамай қўя қолинг.

Оқила. Нега индамас эканман! Ўн етти йил хизматини қилиб, пировардида кўрганим шу бўлдими? Менинг юзимни қилмаса, уч боласининг юзини қилса бўлмасмиди?... (*Йиғлайди*)

Марасул. Оқилахон опа, фойда чиқадиган томонини кўзлайверинг.

Заргаров киради, Оқила беихтиёр ўрнидан туради.

Заргаров. Ҳа, яхшимисан... (*Пауза*) Болалар яхшими?

Оқила (*кўз ёшини артиб*). Яхши... Хайрият, болалар эсингизда бор экан!

Заргаров. Аҳмоқ бўлма!.. Ўтир! Энди нима бўлиб шундоқ бўлганини айтиб ўтиришга фурсатим йўқ – идорада одамлар мени кутиб ўтирибди. Бўлар иш бўлди, бўёғи синди. Ихтиёр ўзингда, агар шу гапни чиқараман десанг, майли, чиқар, лекин ўйлаб иш қил! Ўзингга қийин бўлади: уч боланг бор, қўлингда хунаринг йўқ... Йў-йўқ, кўчага чиқармайман, сабр қиламан десанг...

Марасул. Сабринг таги олтин!

Заргаров. Балли! От айланиб қозиғини топади!

Магазиндан келаётган Хуморхон дераза олдиға етганида қўлидаги ўромни тушириб юборади.

Хуморхон. Вой! Марасул ака!.. Қарашиб юборсангиз-чи!

Марасул (*Заргаровга*). Хуморхон опам!..

Заргаров (*дарров креслога ўтириб*). Оҳ! Воҳ! Суғур! Суғурсанг-чи!

Марасул (*омбурни чоғлаб*). Ҳозир... Ҳозир...

Хуморхон. Вой, нима қилди?

Оқила Хуморхонга тикилганича қолади.

Марасул (*Хуморхонга*). Дунёда тиш суғуртиришдан ёмон азоб йўқ. Сиз бораверинг, кўрмай кўя қолинг!

Хуморхон. Оғритмай олинг! (*Чиқади*)

Оқила унинг кетидан қараб, аста ўрнидан туради.

Заргаров (*чўнтагидан пул олиб Оқилага беради*). Ма, болаларга бирор нарса олиб бер.

Оқила. Ўзингиз қачон борасиз? Болалар дада деб жонимдан безор қилишяпти! (*Йиғлайди*)

Заргаров. Шу ҳафта ичида бораман! Болаларни ўпиб кўй! Бор!

Кўринадики, Марасул Заргаров тайинлаб кўйганидек, Оқилани қандай бўлмасин тинчлантиришга ҳаракат қилади. Заргаровга садоқатини кўрсатади. Заргаров эса, Оқилага ҳеч нарса бўлмагандек муомала қилади ва кўнглини юмшатишга муяссар бўлади. Муяссар бўлади-ю, ногоҳон келиб қолган Хуморхонни кўриб, талвасага тушади, ўзини тиш олдираётган қилиб кўрсатиб, томошабин олдида иккиюзламачилигидан шармандали ҳолатга тушади. Хуморхон кетгач, яна ўзини тутиб олиб, Оқилага пул узатади ва болаларни ўпиб кўйишни, шу ҳафта ичида уйга боришини айтиб, уни жўнатиб юборишга муваффақ бўлади. Оқила эса, ҳамма оддий аёллар сингари, ўз эрининг буқаламун ҳолатидан ҳам хайратга тушмай, ҳатто эрининг жазманини ўз кўзи билан кўра туриб ҳам, эрига ҳеч ёмонлик соғинмасдан, фақат кўз ёшига куч бериб, яна бунинг устига эрига: «Ўзингиз қачон борасиз? Болалар дада деб жонимдан безор қилишяпти!» дейишгача бориб етади. Бу содда ва самимий қалбли аёлнинг нидоси эди. Афсуски, шундай аёлнинг қадрига етмаган Заргаров, унинг гапларидан сўнг ҳам афсус, надомат чекмайди. Ўз хатосини тушунади-ю, яна: «Биздай одамнинг бисотида битта культурнийроқ хотин бўлса ҳам зиён қилмас экан», деб ўзининг савияси пастлигини намоёиш этади.

Заргаровнинг Оқилага нисбатан қараши шундай: «Бечора Оқила, ўзи жуда ҳалол, меҳнаткаш, болаларга жуда меҳрибон, қисқаси, баҳоси йўқ хотину орқада қолиб кетди!» Марасулнинг: «Саводи бор шекилли?» деган луқмасига Заргаров шундай жавоб қилади: «Бор эди! Бир оз бор... жуда ёш олган эдим-да, еттинчими, саккизинчи синфда ўқир эди. Кейин ўқиёлмади: катта даргоҳ, бола-чақа, қозон-товоқ... Қолиб кетти!..»

Драматургнинг маҳорати шундаки, Марасулга Заргаровнинг бошига тушган ташвиш унинг бошига ҳам шундай тушиши мумкин эканлигини, Марасул йўли ҳам Заргаров йўли эканлигини кўрсатиб турибди, лекин фаҳм-фаросатда бир-биридан қолишмайдиган икки шахс, келажак ҳақида фикр юритишдан ҳам ожиз, фақат ўз муддаолари амалга оширилишини хоҳлайди, холос. Марасул Заргаровнинг ҳаёт сабоғидан хулоса чиқариш ўрнига, ўша йўлни оғишмай амалга оширишга тиришади. Бу йўлда ўз илҳомчиси Заргаровни пул билан ҳам, айрим ноёб материаллар билан ҳам таъмин этиб туради. Ўз навбатида, Заргаров эса, ўз районидаги ЗАГС мудирига сўзи ўтмагач, кишлокқа чиқиб бўлса-да, уларни регистрация қилдиришга эришади.

Абдулла Қаҳҳор Насибанинг онаси Роҳила характерини ҳам жуда яхши ифода этади. Насибанинг ўқишни ташлаб, турмушга чиқишида онасининг ҳиссаси кам эмас. У етимликда ўстирган яккаю ягона қизининг бахтини ўйлайди ва кўзи очиклигида тўйини кўришни, тўкин-сочинлик бўлган жойга турмушга чиқишини орзу қилади. Марасул Ҳузуржонов эса, ана шу

орзусининг ушалишида бир рўё бўлиб кўзига ташланади. Шундан, қизи ёш бўлса-да, унинг истагига қулоқ солмай, турмушга чиқишга ундайди.

Қизининг тўйини кўришдан ўзини бахтиёр ҳис этаётган она – Роҳила, бундай интилишини мактаб директори Пўлатжон Домла билан бўлган мулоқотида ҳам яшира олмайди:

Пўлатжон Домла. Насибани узатишга шошилибсиз деб эшитдим...

Роҳила (*гангиб*). Йўқ... Ким айтди?.. Бекор гап! Ўлимдан хабарим бор, бу гапдан хабарим йўқ...

Пўлатжон Домла унинг кўзига қарайди.

Э-ха, эсим курсин, дурустроқ бир жой чикқан эди, подручка килиб юрсин деб унаштириб кўйдик, холос...

Пўлатжон Домла. Ҳим... «Дурустроқ жой»? Нимаси дуруст экан?

Роҳила. Дурустлиги шуки... ўзи доктор! Доктор бўлганда ҳам чакқонгина доктор экан! Данғиллама иморату машина, сигир, товуқ, ғоз... Болагинам етим ўсганига яраша худо пешонасига бахт битган экан!

Пўлатжон Домла. Ҳим... Ҳар бир она боласини яққолроқ кўриб турган бахтга йўллашни истайди, лекин афсуски, бахт, чинакам бахт нима эканини ҳар бир она билавермайди, азизам! Қизингизнинг бахтини бировларнинг остонасидан қидирманг! Бахтни бировларнинг остонасидан қидиришнинг ўзи бахтсизликнинг боши! Насиба бахтини ўзи ўз қўли билан яратади! Бахт тўғрисида уни янглиштирманг! Янглиштирманг қиз бечорани!

Пўлатжон Домланинг гапи фақат Роҳилага қаратилган бўлмай, Роҳила сингари бахтни жуда тор тушунувчи ота-оналарга ҳам ишора эди. Албатта, Пўлатжон Домланинг куйиб-пишиб уқтиришини ҳамма ота-оналар ҳам бирдан англаб етавермайди. Роҳила ҳам шулар сирасидан эди. Драматургнинг мақсади ҳам шундай англаб етмаганларга Роҳиланинг қисматини кўрсатиш орқали сабоқ бериш эди.

Мактаб директори Роҳилага куйиб-пишиб гап уқтирмоқда, унга ўтмишдан ҳам мисоллар келтириб тушунтирмоқда, Роҳила эса бахт деб хасга осилгандек, ўз ниятидан қайтишни хаёлига ҳам келтирмайди, балки, қандай бўлмасин Пўлатжон Домладан кутулиш йўлини излайди ва бу йўлда алдоқчиликдан ҳам ҳайиқмайди.

Сирли алдовлар олдида Роҳилагина эмас, Насиба ҳам таслим бўлади, ўқишини ташлаб, турмушга чиқади, Марасулнинг ваъдаларига учиб, орзу осмонида парвоз қилади. Тўй бўлгандан сўнг, чексиз орзуларини дугоналарига ҳам тўкиб солади: «Хат келибди! Кетамиз! Марасул акам «сени Ломоносов номидаги университетга киргизиб қўяман», деяптилар, йигирма бешинчи этажда ўқийман! У киши ишлайди, мен ўқийман. Университетни битираман, кандидат, доктор бўламан!»

Алданиб, орзу осмонида парвоз этган Насиба, кечки мактабда ҳам ўқиши амри маҳол бўлиб қолади. Ана шундай ҳолатда ҳам у оиласини сақлаб қолишга тиришади, тиришади-ю, бунинг ҳеч иложи йўқ эди. Ўз мақсадига эришган Марасул унинг ўқишини хаёл ҳам қилмайди, балки қандай бўлмасин ўқишни ташлатиш йўлини излайди.

Насиба ҳамма оғирликни ўз бўйнига олиб бўлса-да, ўқишдан қолмасликка, оилани сақлаб қолишга интилади. Марасул эса, қилдан қийиқ ахтариб, Насибани ўқишдан бош торттиришга ҳаракат қилади. Болани ва ўзини ўртага қўйиб ҳам иш чиқара олмаган Марасул, охири оила ва инсонга нисбатан бўлган ўта риёкорона муносабатини ифода этади ва шу йўл билан букаламун характерини намоён қилади.

Марасул (*паузадан кейин*). Менга қара, ўқишдан мақсад нима ўзи, ишлашми? Нима қиласан ишлаб? Мен боқолмаяпманми?

Насиба. Марасул ака, нима учун мени «боқишингиз» керак? Мен мушук бўлмасам...

Фаҳм-фаросатли инсон бўлса, шунинг ўзи кифоя қилар эди, афсуски, олий маълумотли бўлса-да, Марасул бундай фазилатдан маҳрум, фақат у ўзи фаҳмлай билган шароитни, шундай

шароитга кўнган хотиннигина ёқтиради, акс ҳолда, ҳар қандай йўл билан бўлса-да, ўз ҳукмини ўтказишни ўйлайди. У мол-дунёси бор инсон ҳар нарсага қодир, деб билади. Насибанинг: «Марасул ака, нега бунақа қиласиз? Ҳар куни икки маҳал гул кўтариб кўчамизнинг бошида турган кунларингизда нималарни ваъда қилган эдингиз?» каби сўроқлари жавобсиз қолади. Охири унинг номаъқул қилиқларидан зада бўлган Насибанинг: «Ноинсоф!» деган дашномини эшитгач, яна ўзининг бойлигини кўрсатиб, босиб қўймоқчи бўлади ва шунга яраша жавобини олади:

Марасул. Ҳа, мен шунақа ноинсоф, шунақа золим эрман! *(Бир қўл ҳаракати билан бутун давлатини кўрсатиб)*. Шунақа золим эр бўлса ҳамма ҳам тегар эди!

Насиба. Ола қолинг!

Марасул *(бақариб)*. Оламан!

Роҳила. Ҳой куёв, яна бошидан тушдингизми? Кўчада муқовангизни кўрган киши сизни ҳеч шунақа одам деб ўйламайди-я!

Марасул. Кечки мактабга қўймайман! Марҳамат, университетга кирсин! Ёрдам қиламан!

Насиба. Бас! Қалбаки гапларингиз жонимга тегди! Кўр ҳассасини бир марта йўкотади.

Марасул. Жонингизга теккан бўлса – катта кўча!

Насиба. Шунақами?.. Ая, мана, орзуларингиз ушалдими?

Бу ерда ҳам Марасул ўзининг паст савиясини намойиш этади, ахир, қўлида аттестат бўлмаган инсон қандай қилиб университетга кириши мумкин, бу ўринда ҳам Насибанинг жавоби етарли ва асосли эди, шунингдек, Насибанинг аясига айтган пичинг сўзи ҳам ўзини бундай йўлга бошлаган онага нисбатан бир тўқмоқ эди. Бу тўқмоқ Роҳиланинг ўз қизи бахтини ўйлаб, хато иш қилиб қўйганлиги зиммасига тушишида кўмак беради ва қизининг келажак тақдири ҳақида муҳокама юритишга мажбур этади: «Ҳа, кўзим очиклигида қизимнинг тўйини кўрай деб ўзимни ўйлабману бу тўйдан кейин Насиба нима бўлишини ўйламабман. Она куни битиб, дунёдан кўз юганида, боладан рози бўлиши зарур, лекин энди билсам, куни туғилиб дунёни энди кўрадиган боласини рози қилиб кетиши ундан ҳам зарур экан!»

«Эсиз! Лекин бекор кетмади! Бу бир мактаб бўлди. Кўзимиз очилди. Бахт нима, бахтсизлик нима – кўзимиз билан кўрдик. Мен оналарга айтаман: «Тузуккина қанот чиқармай учишга талпинган чумчуқбола илоннинг оғзига тушар экан» дейман!»

Бу қалб сўзлари гарчи, Роҳила томонидан айтилиб, унинг қоқинганлигини кўз-кўз этаётган бўлса-да, шунингдек асарни ўқиш асносида ўз ҳаётини муҳокама қилаётган ота-оналарнинг ҳаёт йўлида қоқинмаслик учун томошадан чиқарган хулосалари ҳам эди.

Албатта, Заргаровнинг ҳам, Марасулнинг ҳам ҳаёт оқимида қарши қўйилган хатти-ҳаракатлари ўз ниҳоясини топди. Заргаров хотин-қизлар клубида оила ҳақидаги маърузага тайёргарлиги жараёни, унинг қанчалик савияси пастлигини кўрсатганидек, унинг клубда қилган маърузаси ва йиғилганларнинг саволига жавоб айта олмай шармандаси чиққанлиги, бунинг устига-устак, Оқиланинг ажралиш ҳақида судга чақирув қоғози ташлаб кетганлигини кўргач, ўзини қўярга жой тополмай, иккинчи хотинидан суд пайтида хотиниман демай, ўйнашиман деб айтишни илтижо қилиб сўраши каби ҳолатлар, ҳаётнинг ўзи уни қинғир ишлари учун жазо берганлигидан далолат беради.

Маълумки, ўтган асрнинг йигирманчи йилларидаёқ тоталитар тузум мафкураси халқимизнинг ислом динига боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатини қоралаб, эски урф-одат сифатида қараб, уни ўз эътиқодидан узоқлаштиришга ҳаракат қилди. Бунинг таъсири бадиий адабиётда ҳам ўз ифодасини топиб келди. Бу таъсир, бизнинг назаримизда, «Оғриқ тишлар» комедиясида ҳам сезилгандек бўлади. Масалан, Фотимани намоз ўқиганлигидан, гўёки эски урф-одат тарафдори дегандек хулоса келиб чиққан. Яна бир мулоҳаза. Асарнинг иккинчи парда учинчи кўринишида Насиба ва унинг дугоналари рус тилида шеър айтишади. Бу, усиз ҳам идора ишларида чеклаб қўйилган ўзбек тилига муносабатни ўзгартириб, руслашишга ружу

қўйишда, оз бўлса-да, туртки берганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Албатта, булар жузъий камчиликдек кўзга ташланса-да, асарни ҳозир ҳам сахнага қўйиш имкони бўлса, бундай кусурларни бартараф этилган ҳолда юзага чиқарилса, унинг таъсир кучи ошган бўларди.

Умуман, «Оғриқ тишлар» сатирик комедияси яратилган даврда адабиётимизда, театр санъатида янги бир ҳодиса бўлганидек, шу кунда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. У айрим кишилардаги мансабини суиистеъмол қилиш ҳолларига зарба беришда, ота-оналардаги ёш қизларни балоғатга етмасдан, орзу-ҳавас деб турмушга чиқаришларига қарши курашда ҳозир ҳам муҳим қимматга эга. Албатта, асар ҳақида фикр билдирганлар у ёзилган пайтда ҳам, кейин ҳам анчагина бўлган ва бор. Биз уларни санаб, кўрсатиб ўтишни лозим топмадик ва ҳозирги кун талаби нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда, асар борасидаги ўз мулоҳазаларимизни айтишга ҳаракат қилдик.

ҲУР ГУЛСАН, ҲАЁТ

Инсоннинг ҳаёти қувончу ташвишлардан иборат. Буни қалбдан ҳис қилган истеъдодли шоира Ҳалима Аҳмедова ўз шеърларида инсоннинг кўнгил кечинмаларига мурожаат этади. Шоиранинг аксарият шеърлари ўзининг маънодорлиги, оҳангдорлиги, равлонлиги ва бадиий хусусиятлари жиҳатидан мукамал. Шу боисдан улар ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Эй дард, кўзларимга солмагин парда,
Мен ёнган оташнинг қулимасми сен?
Ёшлигимнинг ишққа тўлган кунларин –
Жавоби ҳам сўлгин гулимасми сен?
Фурсат бер, кўнглимни ювай тонг билан,
Шудрингга тўлдирай кўзим жомини.
Шунча яшаб ҳам топганимча йўқ,
Афсунгар ва дилбар ҳаёт номини –

деб ёзади изтироб билан шоира. Юлдузларни тун дарахтида пишган олмаларга ўхшатади. Боғларни шамол каби эркин, бемалол-бедард кезиб, зумрад ҳаволарни туйиб, майсалар сингари ўлимдан кўркмай ўзини бир бора суйиб яшаш ниятини айтади. Бундай истак ҳаётни чин дилдан севган, яшашнинг беқиёс ширинлигини бутун вужуди билан ҳис қилган кишининг қалбидан отилиб чиқаётгани яққол сезилади. Шу боис, шеърхон ич-ичидан шоиранинг бу эзгу истаги ижобат бўлишини астойдил сўрайди.

Ҳаётнинг ҳар бир ҳодисаси кишиларнинг эътиборини тортади. Ундаги ҳар қандай ҳаракат, ўзгариш қизиқ, ғалати туюлади. Кишиларга кўрган-кечирган, эшитганларини бир-бирига қиёслаш ҳамма нарсадан кўп завқ беради. Ҳар бир одам кутилмаган таққослаш, чиройли ўхшатишдан аллақандай ҳузурланади. Нима учун шундай эканлигини шарҳлаб, тушунтириб бўлмайди. Бу инсон руҳининг сирли жумбоғидир. Ўринли ўхшатиш, фавқулодда топилган таққослашлар дафъатан туйғу-ҳиссиётларни тўлқинлантириб, хаёл-тасаввур кенгликларини чақмоқ каби ёритади. Ҳалима Аҳмедованинг шеърлари ҳам оҳорли ўхшатишларга бойлиги, турли таққослашларга тўлаллиги билан мафтун этади. Унинг шеърларида ўхшатиш, қиёс қўлланмаган сатр йўқ. Бу қиёс, ўхшатишлар янги, оҳорлилиги баробарида, чуқур, теран маъноларни мужассамлаштиради. Албатта, ташбеҳлар қанчалик чиройли, тиниқ бўлмасин, ўзича маъно касб этмайди. Улар ҳам барча бадиий тасвир воситалари сингари ўз ўрнида қўлланганида диққатни тортади. “Осмон кўнгли”, “Илоҳий фасл” каби шеърларни ўқиётганида киши ўзини бошқа бир оламда ҳис этади. Улардаги қиёс, сифатлашлар хаёл кенгликларида ажиб манзаралар ҳосил қилади. Чунки, “Илоҳий фаслда” да:

Ўшанда,
Чиннигул баргида ухларди соғинч,
Ўшанда, тошларга дўст эди кўнглим.
Ўшанда, айрилиқ тароватини
Ҳали англамасди бокира ўлим.
Ўшанда, зардолу гули силкиниб,
Болалари тилидан тотар эди бол.
Шамол қанотида нур игнасида
Фитна ҳижобини тўқирди висол,

Ўшанда...
Беда гулларинг мўмиё хиди
Юлдузларнинг синган дилин ямарди.

дейилса, “Осмон кўнгли” да:
Хазонга айланган юракни
Бокира майсага суйдирдим.
Кўрсатиб руҳимнинг жамолин
Дунёнинг кўзини куйдирдим.
Ҳар гиёҳ, гар тошда юз очиб,
Афсундай тўлғанди бу дилим,—

дейилади. Ҳиссиётларни бу тарзда тиниқ баён этиш, кечинмаларни эҳтирос билан ифодалаш учун кишида истеъдод бўлиши зарур. Истеъдод – ижод қилиш қобилияти эса яратганнинг бебаҳо неъматидир. Ҳалима Аҳмедова ана шу неъмат билан сийлангани боис борлиқнинг бошқалар идрок этмаган маъноларни кашф этиб, юлдузли осмон, қоронғи кеча, ёруғ кундуз, тупроқдан бош кўтарган майса, кўкка бўй чўзган дарахтларни тиниқ таърифлайди. Унинг теран нигоҳи теварак-атрофдаги ҳамма нарсани бошқача кўради. Шунинг учун у:

Қорачиғи қадоқ меҳнаткаш кўзим,
Суратга оласан борлиқни тинмай.
Кичик чумолидан коинотгача,
Суратин ишлайсан сен ҳеч эринмай, –

дейди. У ҳаётдан маъно излаб яшаётгани, шу йўлда кўзининг қорачиғи ҳам қадоқ бўлиб кетгани боис мунгли, ғамгин кўринади. Унинг шеърларидаги мунг, изтироб қалбнинг узвий бўлагидир. Шоиранинг “Умид сояси”, “Афсун”, “Тийрамоҳ” тўпламларидаги мунг, изтиробга йўғрилган шеърлар қалбга янаям яқин келади. Одам шеър нималиги, у қандай сир-синоатга эга эканлиги тўғрисида ўйлай бошлайди. “Шуур қилиш, ҳис этиш, сезиш, фаҳмлаш”, маъносини мужассамлаштирган шеърда руҳга хуш ёқадиган аллақандай хусусият мавжудлигини англайди.

Ҳалима Аҳмедованинг шеърларида дафъатан сезилмайдиган, кўнгил тубида кўмилиб ётган ҳиссиёт, кечинмалар ифодаланади. Уларда чуқур ғамгинлик ҳисси, нола, истироблар аниқ акс этади. Айни жиҳат шоира шеърларинг ўзига хос хусусияти саналади.

Шоиранинг шеърларида борлиққа безовталиқ билан қарайдиган, ҳаётни чин дилдан севадиган, унга талпинадиган самимий қалб туйғулари жўш уриб туради. Бу қалбга қараб, ҳар бир киши кечинма ҳиссиётларининг аввал англамаган ажиб қирраларини кашф этади. Чунки шоира шеърларида кўпчиликнинг хаёлига келмаган фикрларни айтади. Уларда кишилараро муносабатлар мураккаблиги, инсон олами зиддиятларга тўлаллиги акс этади. Юқорида номлари қайд этилган тўпламлардаги шеърларни чулғаган ҳазин оҳанг, тиниқ тимсоллар қарахт ҳиссиётларни дафъатан титратиб, ҳар бир кишини яхшилик ва ёмонлик тўғрисида мушоҳадага тортади.

Инсон ўзининг ҳис-туйғуларини изҳор қилолмасликдан, бунинг учун зарур сўзларни тополмасдан қийналади. Кишинг билган, ишлатиб юрган сўзлари жўшиб, қайнаб, қийноққа солаётган ҳиссиёт, кечинмаларни ифода қилишга камлик қилади. Зарур сўзлар ўзини ғира-шира намоён этганча қалбнинг тубсиз қаърида, миянинг қайсидир пучмоқларида муз қотиб тураверади. Кўзга тушган гарддай безовта-бесаранжом этгучи муз қотган сўзлар қутилмаганда, ташқи таъсир туфайли “эриган”ида инсоннинг кайфияти ўз-ўзидан кўтарилиб кетади. Ҳалима Аҳмедованинг шеърларида сўзларнинг ана шундай сирли-сеҳрли таъсирида яшайдиган ижодкор

қалбнинг турли ҳолатлари намоён бўлади. “Тийрамоҳ”, “Афсун”, “Умид сояси” тўпламларидаги турфа ташбеҳларга тўла мулоҳазалар ҳаёт тўғрисидаги шеъринг изохнома каби таассурот туғдиради. Ижодкор дастлаб ғамга ботиб, тушкин кайфиятга берилгандай туюлади. Кейин эса шоиранинг ҳаётдан беҳад завқланиши, борликнинг ҳар бир ҳодисасидан, тирикликнинг ҳар бир лаҳзасидан беқиёс мутаассир бўлиши аёнлашади. Чунки у ҳаётни:

Кўзни қамаштирган оқ нурсан ҳаёт,
Жонни яйратгувчи ҳур гулсан, ҳаёт.
Ғаним оғусида шароб деб сузган:
Гоҳ сархуш, гоҳида маълулсан, ҳаёт, –

дея таърифлайди. Унинг ҳаёт, муҳаббат, меҳр-оқибатга берган бу каби таърифлари дардли, тушкун оҳангларга тўла бўлса-да, уларда ўзига ишонган, қатъиятли кишининг умиди, ғурури муҳайё. Шоиранинг изтиробга йўғрилган шеърлари кўнгилбўшлик билан зорланган нолалар эмас. Улар Ҳалима Аҳмедованинг бошқаларга айтиши зарур бўлган изҳорларидир. Ушбу изҳорлар жунбушга келган ҳиссиётларни, кўнгилда ғалаён қилаётган зиддиятли кечинмаларни айнан шеър орқалигина ифодалаш мумкинлигидан далолат беради. Бошқа шакллар туйғуларнинг шиддатини тўлиқ акс эттиролмайдигандек туюлади. Аслида ҳам ҳиссиётлар айланиб, туйғулар қалбдан тошганида сўзлар ўз-ўзидан шеър шаклига киради. Асл шеърлар шундай туғилади. Асл шеърларни шарҳлаб, тушунтириб бўлмайди. Агар кимдир бунга уринса, у шеърни мажруҳ қилади. Шарҳланганида асл шеърларнинг маъноси жўнлашиб, жозибасига путур етади. Чунки асл шеърлар куйма бўлади. Улар бошқа шаклга солинганида манзараси, шубҳасиз, хира тортади. Асл асарлар қандай яралган бўлса, шу ҳолида чинакам завқ беради. Улар бир марта келадиган илоҳий илҳом оғушида яралади. Ижодкор ҳар қанча уринганида ҳам асл асарни айнан ўзидай қилиб қайта яратолмайди. У бундай қилишга уринганида илоҳий илҳом оғушида яратган асарининг ўхшаш нусхасини чизишга эришади, холос. Ҳар бир ижодкорнинг ижод йўлини унинг асл асарлари бегаб туради. “Осмон кўнгли”, “Илоҳий фасл” Ҳалима Аҳмедованинг ана шундай шеърлар сирасига киради.

Ҳаётнинг турфа ҳодисаларини шоирона таҳлил этишга асосланган “Умид сояси”, “Афсун”, “Тийрамоҳ” да ҳам бошқа ижодкорларнинг тўпламларидаги сингари ишқ-муҳаббат мавзусидаги шеърлар алоҳида ўрин тутди. Аниқроғи ишқ-муҳаббат шоиранинг барча мавзудаги шеърлари марказида туради. У табиатдаги ўзгаришларга ҳам, кишилараро муносабатларга ҳам, ишқ-муҳаббат майидан маст ошиқ нигоҳи билан қарайди. Шоира муҳаббат туйғусини инсон ҳаётининг энг асосий моҳиятини белгиловчи ҳодиса сифатида талқин қилади. Бунинг учун у янгича поэтик образлар топади. Анъанавий поэтик образлар уларнинг қаршисида анча содда, жўн кўришиб қолади. Лекин шоира бошқалар каби муҳаббатни жўшиб мадҳ этмайди. Аксинча, у ҳақда аччиқ алам билан, таассуф билан сўзлайди:

Агар гул бўлсайдим,
Сен ишон...
Боғингда ўсмасдим
Ҳеч қачон.
Агар сабо бўлсам
Елиб-югурмасдим
Сен томон.
Бир харсангтош бўлганимда,
Йўлингда ётмасдим бегумон.
Қочар эдим номинг эшитиб,

Ҳатто сахро бўлганимда ҳам.
Бу сенмасми,
Сенмасми, ахир,
Кўзларимда чакнаб ётган ғам?
Мен-ку, сени тан олмас эдим,
Аёллигим панд берди фақат
Яшамоқчи эдим одамдай
Нима қилиб қўйдинг, муҳаббат?

Бу унинг мавжуд воқеликдан қаноатланмаслиги, хиёнат, алдов, риёга тоқат қилолмаслиги, муҳаббатга жуда катта талаблар қўйгани, чунки барча орзу-умидларни у билан боғланганидан келиб чиқади. Шоира ишқ-муҳаббатни нафақат ҳаётнинг моҳияти деб билади, балки ундан устун ҳам қўяди:

Сенга асир бўлдим, бекадр бўлдим,
Оёғимга тушган зил ғулсан, ҳаёт.
Шунча қудрат билан, гўзаллик билан
Ишқнинг пойидаги бир кулсан, ҳаёт.

Аслида ҳам шоира “афсунгар ва дилбар” дея таърифлаган ҳаёт ўз-ўзича эмас, балки муҳаббат туфайли маъно-мазмун касб этади. Бу ҳазин, мунгли нолалар шоиранинг ҳаётга катта талаблар билан ёндашиши, кишиларнинг ҳаёти бундан-да яхши бўлишини исташи, мавжуд воқеликдан эса кўнгли тўлмаслиги, қаноатланмаслигидан туғилгани билиниб туради. “Умид сояси” муаллифи ана шу тийиқсиз истак измида юради. Шунинг учун у бошқалар сингари бепарво, хотиржам яшолмайди. Доимо безовта бўлади. Ўтаётган кунларидан зерикади. Ҳиссиётларини жиловлашга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, улар ғов, тўсиқларни шиддат билан босиб-янчиб ўтган сел тўлқинлари сингари ошгандан-ошиб, бутун вужудини қамраб олади. Шундан шоира оғриқ азоби ичида қолади. Санъат ва адабиёт эса инсон қалбининг дард-оғриқларини ифодалаши билан кишиларни мафтун этади. Шеърятга ҳам шоир қалбидаги оғриқ жон бағишлайди. Истироб акс этган шеърларнинг ҳарорати ҳеч қачон сўнмайди. “Тийрамоҳ”, “Афсун”, “Умид сояси” тўпламларида жамланган шеърларда чинакам истироб акс этган. Бу истироб муҳаббат мавзусидаги шеърларда, айниқса, ёрқин кўринган. Шоира ушбу шеърларида муҳаббат ҳисси қанчалик ширин, ардоқли бўлмасин, унинг замирида худбинлик туриши, айни чоқда, бу ҳиссиёт туфайли ҳар бир киши ҳаётга теранроқ назар ташлай бошлаши, ишқ инсонни маънан-руҳан улғайтириб, илоҳийлигини англатишини таъкидлаган. Ҳалима Аҳмедованинг муҳаббат тўғрисидаги шеърлари бошқа ижодкорларнинг айни шу мавзудаги шеърларидан тамоман фарқ қилади. Уларда тийиқсиз жунун, исён кўринади. Шоиранинг бошқа мавзудаги шеърлари ҳазин, маҳзун нолаларга асосланса, муҳаббат ҳақидаги шеърлари аччиқ аламдан иборат. Бу шеърларда севгига қонмаган, ишққа иштиёқ билан талпинган кўнгил ғалаёнлари ифодаланади.

Ижодкорнинг ички олами, маънавий қиёфаси унинг шеърларидаги сўзларда кўринади. Ижодкорни унинг сўзлари танитади. “Афсун”, “Тийрамоҳ”, “Умид сояси” тўпламларидаги шеърларда ҳам бу яққол сезилади. Уларда ўзак сўзлар алоҳида ажралиб туради. Бу таянч сўзларда шоиранинг маҳзунлиги, дилидаги аччиқ алам, истироблари акс этади. Улар синиқ, дардли оҳангги билан кўнгилга кириб боради. Шоира туйғулари ғалаёнини шеърдаги ўзак сўзларга юклайди ва уларга алоҳида урғу беради. Айни сўзлар беихтиёр ҳиссиётларни жунбушга келтиради. Уларни ўқиётганда ички овоз ўз-ўзидан кўтарилиб кетади. Таянч сўзлар бир-бири билан узвий боғланиб, шеърдаги маънони кучайтиради. Айни чоқда, унга жозиба,

бетакрор бадийлик бахш этади. “Қайғулар дўст, азоблар махрам”, деган дардкаш шоиранинг дил дафтарини очадиган мазкур шеърлар кишида бир олам таассурот уйғотади. Бундай хазин, мунгли, айни чоқда, исёнга қоришиқ бу шеърлар таъсирида туғилган таассуротлар кўнгилга сингиб, кишини руҳиятининг кенгликлариغا олиб чиқади.

Айрим ижодкорларнинг шеърларини ўқиганда киши ўзини аллақандай лабиринт ичига тушиб қолгандай сезади. Уларда нима тўғрисида сўз юритилаётгани, нима дейилмоқчилигини билиб бўлмайди. Бу хилдаги шеърлар худди авангард рассомлар чизган алмойи-ажмойи курама шакллардан иборат суратлар сингари тезда ҳафсалани пир қилади. Айни асарлар, қайси жанрда бўлмасин, маъносининг мавҳумлиги, тушунарсизлиги туфайли кишини ғашлантиради. “Тийрамоҳ”, “Афсун”, “Умид сояси” тўпламларидаги маъносининг теранлиги, ташбех, ўхшатишларнинг тиниклиги, барча сатрлар бир-бири билан узвий боғланиб, яхлит маънони таъсирчан ифодалаши билан диққатни тортади. Уларда шоира асосий қахрамон сифатида кўринади ва ўзининг салмоқдор фикри билан шеърхонни мамнун қилади. Чунки у ҳаётнинг ҳар бир ҳодисасидан ҳикмат топади. Шоиранинг ҳаёт ҳақидаги, муҳаббат тўғрисидаги ёки бошқа мавзудаги шеърларида фикр аниқ, равон ифодаланиб, баён қилинган мулоҳазалардан салмоқли хулоса чиқарилади. Бундай теран хулосага келиш учун нималардир эътироф этилиб, нималардир инкор қилинади. Шоира инсон ҳаётининг мазмун-мундарижасини белгиловчи эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашни шу тарзда ифодалайди. Шоира “Ғанимлардан шикоятим йўқ”, дер экан, “Мен ўзимга-ўзим энг катта рақиб, Сен мени ўзимдан асрагин, худо”, дея илтижо қилади. У ўзини бу тарзда аёвсиз таҳлил этиш орқали ҳар бир инсон, неки истаса, ўзидан ахтарсин. Чунки бахт ҳам, бахтсизлик ҳам инсоннинг ўзида. Бахт биров берадиган, бошқалар инъом этадиган нарса эмас. Бахтга моддий бойлик билан эришиб бўлмайди. Негаки, у одамзот ақли ўйлаб топган метр, километр, грамм, унция, тонна, куб каби мезонлар билан ўлчанмайди. Бахт –кўнгил ҳаловати. Кўнгилда ҳаловат бўлмаса, ҳисобсиз молу давлат, ҳар қандай мансаб-мартаба, шон-шуҳрат ҳеч нарсага арзимайди. Ҳаётдаги зиддият, чалкашликлар, ҳаммамизни азоблайдиган қайғу, алам, нафрат кабилар шахсий манфаатимизни ўйлаб, бошқаларни топташимиз – кўнгил уйимизни хароб этишимиздан туғилади. Аслида, ҳеч ким атайлаб хато қилмайди. Ҳамма ҳаётда билиб-билмай хатоларга йўл қўяди. Чунки ҳар бир киши англаб бўлмас ҳиссиётлари таъсирида яшайди. Одамга ақлидан кўра ҳис- туйғулари кўпроқ таъсир кўрсатади. Кишини кўпинча ақли эмас, ҳиссиётлари бошқаради. Ўзининг кечинмалари, ҳис туйғуларини идрок этган киши бошқаларнинг ҳам кўнглини тушунади. Ўзининг холини англамаган ўзганинг аҳволини ҳис қилмайди. Барча муаммо ана шундай келиб чиқади. Кишининг ўз хатоларини англаши унинг эзгулик, гўзалликни ҳис қилишидан далолат беради. Ҳар бир одам эзгулик ва гўзалликни ҳиссиётлари воситасида идрок этади. Ҳалима Аҳмедованинг шеърларида теран тафаккурга хос мушоҳада гўзалликка офушта ҳиссиёт билан уйғунлашиб кетади. У: “Ҳар гиёҳга, ҳар битта гулга Гўзал тушдай боқайин яйраб”, дея илтижо қилади. Дарахтларга, осмон ва юлдузларга мурожаат этади. Коинотга ҳукмини ўтказган тун ва тонг сукунатида мислсиз сир-синоат мавжудлигини идрок қилади. Шунинг учун ҳам:

Ойнинг гардишини келтиради тун,
Тўлдириб қуй дейди, мана, паймона.
Мен тунни ичаман, тун эса мени,
Соғинчдан иккимиз масту девона.
Йироқлашиб борар недир кўнгилдан,
Дарахтдай тебранар туннинг қароғи.
Қисмат шамолида чирсиллаб синар
Бахтимнинг синмай қолган чироғи, –

дейди. У: “Яшил санобарлар куйлаган кеча” ни кўради. Ўзига ўзини рақиб деб билган шоира бу кечада ўзидан ўзини халос қилади. Шунда у: “Ёмғир ичаётган ошиқ дунёни”, “Осмоннинг юракка яқин жойида йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолган ой”ни кўришга муяссар бўлади. Бошқалар ҳис қилмайдиган, пайқамайдиган бу каби сирли-сехрли ходисаларга гувоҳ бўлганидан:

Мен ўзимда эмасман
Нурдаман, Зулматдаман,—

дейди. Аслида ҳам ҳамма нур ва зулмат оралиғида яшайди. Лекин бу ҳақиқатни жуда кам киши пайқайди. Аксарият одамлар, ҳақиқий ҳолини ҳис қилмаганидан такаббурликка берилади, ўзини осмоннинг устуни санайди. Улар шунинг учун ҳам ҳаётнинг асл маъноси нима эканлиги тўғрисида тузукроқ мушоҳада юрита олмайди. “Афсун” муаллифи эса:

Ҳаёт – сирли боғнинг солланишидир,
Куртаклар туғилиб, ўлар хазонлар.
Менинг илк устозим, сўнги устозим –
Кўнглимни истило этган армонлар,—

дейди. Бу унинг ҳаётга мафтун бўлиб карашидан уни истироб билан суйишидан далолат беради. Унинг ҳаётга берган таърифлари шу боисдан ғам тиниқ, таъсирчан бўлиб, кишини чуқур ўйга толдиради.

ТОҒЛАР ЮРТИНИНГ ТОҒДЕК ШОИРИ

Ҳар бир миллатнинг жаҳонга танилиши турлича йўсинда намоён топади. Лекин бадиий ижод ва илмий тафаккур қурбати билан танилган миллатнинг нуфузи янада мустаҳкам бўлади. Чунки тафаккур қудрати мангуликка дахлдор. У ҳар бир даврда ўз таъсирини кўрсатиб туради ва талантларни вояга етказиши. Шундай талантлардан бири авар шоири Расул Ҳамзатовдир. Бу ном кичик бир ўлка – Доғистонни дунёга танитди.

Расул Ҳамзатов шеърляри ўз Ватанини, ўз миллатини улуғловчи шеърлярдир.

“...Мен тоғдаги ирмоқман, – деб ёзади Расул Ҳамзатов. – Мен ўз манбаимни, ўз булоғимни, ўзимнинг тошлоқ ўзанимни яхши кўраман. Мен сувларим ўтиб келадиган дараларни, кумуш шалола билан тўкиладиган қояларни, сокин текисликларни яхши кўраман”. Доғистон – тоғлар ўлкаси. Шунинг учун у ўзининг тоғдаги ирмоққа ўхшатапти. Ирмоқни тоғдан ажратиш мумкинми? Яна у ўз манбаини, ўз булоғини, тошлоқ ўзанини яхши кўрса нима учун у ўз муҳаббатини чўллардаги қумларга кўмиб қўйиши керак. Чин муҳаббатгина инсонга жасорат бағишлайди. Расул Ҳамзатовнинг “Доғистоним” китоби ана шундай қайноқ муҳаббат заминидан яратилган.

Шоир ижодидаги Ватан ва ватанпарлик тушунчаси муҳаббат билан йўғрилиб кетган. Бири иккинчисиз яшай олмайди. Ватанда табиийлик бор, муҳаббатда эса самимийлик. Бу икки куч “Доғистоним”ни қора булутлардан асраб қолди. Асраб қолдигина эмас, ўзига хос ҳам наср, ҳам назм, жанрлар ҳам, хусусиятлар ҳам бир-бирига қоришиб кетган яхлит ва тугал бу асар Расул Ҳамзатовнинг ижодининг ўсувини намоён этади.

Шоирнинг Ватан ҳақидаги шеърларида дард бор, армон бор:

Доғистоним, ахир, мен сенга
Сифинмайми, севмайинми, айт?
Турналаринг сафидан нега
Хайрлашиб кетган қуш бўлай?

Одамлар не берса, Доғистон,
Барин сен-ла кўрурман баҳам,
Этурман мен тоғингга нишон
Барча орден, медалимни ҳам.

Бахш этурман жарангдор гимн
Ва шеър бўлган сўзларни сенга,
Сен берсанг, бас, ўрмон чакмонин,
Қорли чўққи қалпоғинг менга!

Аввало, бу шеър жонлантириш санъати асосида яратилган. Ватан жонлантириляпти. Турналар – метафора, яъни, истиора. Шу Ватаннинг кишилари, фарзандлари. Уларнинг бари ўз Ватанларини севишади. Шоир мана шу севувчиларнинг сафидан кетмай, доимо сифиниб, севиб яшаш истагида. Меҳнати натижаси, шон-шухрати белгиси бўлган орден ва медалларини ҳам тоғларга тақиб қўймоқчи. Давлат рамзи бўлган гимн ва шеърларни бахш этмоқчи. Хуллас, ҳамма нарсани беришга тайёр. Буларнинг ўрнига эса, Ватаннинг ўрмон чакмонини ва қорли чўққи қалпоғини сўраяпти, холос. Шунинг ўзи унга етарли. Нега, айни шу икки нарсани. Чунки

булар Доғистоннинг ўзига хос қиёфасини белгилайди. Чакмон – ёпинадиган кийим. Қалпоқ – қор билан қопланган чўкки. Бу билан шоирнинг мақсади нима? Ватан билан бирлашиб кетиш, ватан қиёфасига айланиш, Ватан қиёфасида бўлиш, бу – бахт. Лекин дардли бахт – ғам ичингда, армон ичингда:

Кушқанотли, ҳой, карвон,
Қандай яшар Доғистон?
Аёл, эркак қай ҳолда,
Бола ҳақда не дoston?

Кушқанотли, ҳой, карвон,
Тўхта!.. Туман-ку уён!
У-чи, учар қурқурлар:
“Доғи-доғи-Доғистон...”

Сезгир китобхон гап нима ҳақида кетаётганлигидан дарров пайқайди. Фақат “туман” сўзини кўчма маънода ишлатилганлигини ва шоир нимага ишора қилаётганлигини билиб олиш етарли.

Расул Ҳамзатов ижодида Ватани, халқи, тили, озодлик учун курашчан қаҳрамонлар ҳақидаги шеърлар кўплаб учрайди. “Ватан ҳақида”, “Доғистонимга”, “Кичик халқим севаман сени”, “Аймоқларим ҳақида”, “Лаклар”, “Тоғдан кўчган тоғликларга”, “Тоғлик кексалар”, “Шомил”, “Ҳожимуроднинг беш кўшиғи” каби шулар жумласидандир.

Маълумки, ҳар бир халқнинг ўз миллий қаҳрамонлари бўлади. Улар мардлик ва жасурлик кўрсатиб афсонага айланадилар. Шомил ва Ҳожимурод Доғистон халқларининг ана шундай миллий-афсонавий қаҳрамонларидир.

Шоир шеърлятида мардлик ва жасурлик Ватан ва халқ тақдири билан боғланади ва инсонлардаги муҳим ҳамда зарур фазилатлардан бири сифатида улуғланади. “Тоғдан кўчган тоғликларга” шеърида:

Тоғлик удумингиз олиб кетинглар,
Тоғ иси, мардлигу дўстлик бўлсин ёр, –

дейлади. Мардлик тоғликларга хос хусусият. Айниқса, дейилганда мард ва жасоратли инсон тушунилади. Шоир хулоса қилгандай у: “Ўлолгай озодлик учун ҳар қачон”. Демак кўрқоқлар эса ҳеч қачон бундай қилолмайди, аксинча, сотқин ва хиёнаткор бўладилар. Шунинг учун ҳам бу каби кимсаларга шоир ўзининг “Кўрқоқ” шеърида кескин ҳукм чиқаради:

Онажоним, мени яширгин,
Ваҳмдан муз кирди қонимга.
Нима қилай, маслаҳат беринг,
Раҳминг келсин менинг жонимга?

– Шамширни ва папоқни ташла,
Мўйлабингни, ўғлим, қирдиргин,
Рўмолимни ўраб ол бошга,
Тўғри бориб қабрга киргин.

Йигит учун, эркак учун бундан ортиқ жазо борми? Агар у она томонидан берилса-чи?! Бир қарашда ишончсиздай туюлади. Чунки “қабрга кирмоқ” бу – ўлимга ишора. Оналар ҳар қандай

дамда, ҳатто шунга лойиқ бўлса ҳам ўз жигарбандининг ўлимини истамайдилар. Мана шу истамаслик – оналик меҳр-муҳаббатидир. Шоирнинг бу улуғ туйғуни ифодаловчи “Бемор ўғил бошида она айтган қўшиқ” номли шеъри бор. Уна она: “Майли, менга раҳминг келмасин, майли, олис юртларга кет, майли, менга хатлар ёзмагин, майли, қайси қизга хоҳласанг уйлан ё бевалар билан билганингни қил. Майли, ич, лаънати тамакини чак, фақат тезроқ соғай, соғайгин болам!” дейди. Она ўғлининг тирик қолиши учун ҳамма нарсага рози, энди, кўрқоқ ўғлнинг онаси-чи? Унда оналик меҳри-муҳаббати йўқми?! Ёки шоир ўз мақсадини нотабиий ҳолда ифода этдими? Йўқ, аксинча, шоир бу она тимсолини табиий ҳолда, янада юксак даражага кўтарган. Кўрқоқ ўғлнинг онаси номини олишдек иснодга чидай олмайди. Жигарбандига эса меҳру муҳаббати... Мана шундай драматик ҳолат – икки йўл: биринчиси, оналик меҳри билан уни яшириш, иккинчиси, кўрқоққа ўлим. Шоирнинг маҳорати шундаки, она икки йўлдан барабар боради. Дастлаб, шамшир ва папокни ташлаш, мўйлабни қирдириш, рўмол ўраш – эркакликдан яшириш бўлса, бу ҳам ўлим билан баробар. Сўнг қабрга яшириш –бу ҳам ўлим. Демак шоир шеъридаги она оналигича қолади, кўрқоқнинг жазоси ҳам табиий.

Расул Ҳамзатов ижодида она ва оналарга, аёлларга бағишланган бир қатор шеърлар учрайдики, уларда самимийлик кучли, гўзал қалбнинг нозик туйғулари ифодаланади, миллий хусусиятлар очилади, умуминсоний ғоялар сингдирилади, қолаверса, фарзанднинг онага бўлган меҳри, унинг олдидаги бурчи, алам ва армонлари юракдан сўл олиб тўкилади. Айниқса, шоирнинг ўз онасига бағишлаб ёзган шеърларида ички кечинмалар таъсирли ифодаланади:

Иккаламиз, танҳомиз, мана,
Қалбимда йўқ ғам-ғашдан нишон.
Сенинг юмшоқ кафтингга яна
Оқсоч бошим қўяй онажон.

Ҳаёт бу дам бўлиб гирдобдай,
Олиб кетар комига солиб.
Дил сиқилур яна пайдар-пай,
Онам, сени унутдимми, деб?

Сен бўлсанг-чи, қилмасдан таъна,
Кўз ташлайсан ҳавотирланиб.
Хўрсиниб гоҳ, билдирмай она,
Артасан кўз ёшинг ўртаниб.

“Дурустгина сенга эътибор қилмадим”, дейди шоир. Унинг шеърларида “Онамни ўйлайман...” деган сатрлар такрор учрайди. Бу ўйларда она айтган аллаю қўшиқлар ҳам, болаликнинг меҳрга чўмилган ширин дамлари ҳам, алам, изтироб, армон, айрилиқ,... – ҳамма-ҳаммаси бор. Улар сатрлар тарзида шоир шеърлятига сочилиб кетган: “Менинг юрагимга жўр бўлган ашъор – Она қўшиғидан не бор гўзалроқ?” “Онам деразада шам қўяр ёкиб, адашмасин деб қайтар чоғимда”. “Оҳ, тирик бўлганда мунисим, онам, йўламас эди-ку менгаям фироқ”.

Синчков китобхон яна бир жиҳатни илғаб олади. Шоир она билан боғланган ҳар бир нарсани мукаддас ҳисоблаб, қадрлайди. Она замин, она Ватан, она қишлоқ, она халқ, она тили... Булар шоир шеърлятининг ўзаги.

Майли, ким қай тилдан завқу шавқ олса,
Менинг ўз тилимга минг жоним фидо.
Эрта она тилим агар йўқолса,

Мен бугун ўлишга бўлурман ризо.

Мали, кашшоқ бўлсин, майли, беҳашам,
Лекин менинг учун азиз ва суюк.
Жаҳон минбаридан янграмаса ҳам
Она тилим менга муқаддас, буюк.

Оташин Маҳмуднинг ёниқ шеърини,
Наҳот, таржимада ўқир авлодим?!
Наҳот, мен аварнинг сўнгги шоири,
Шуми эди менинг эзгу муродим?!

...Юртдошларим туриб қабр олдида
Кўрсатсин: “Аварнинг шоири шул”, деб.
Элим ёдга олсин она тилида:
“Ҳамзат Цадасининг ўғли Расул деб!”

Бу шеър авар тили ҳақида, кутилаётган фожеа ва унинг олдини олишга қаратилган бир шоир қалбининг дардли нидосидир. Лекин унга тақдирдош бўлган бир қатор тиллалар учун ҳам бу шеър огоҳлантирувчи ҳайқирӣқ сифатида хизмат қилиб келади.

Расул Ҳамзатов шеърини ранг-баранг товланувчи ижод маҳсулидир. Шаклий жиҳатдан олганда, ҳам насрий, ҳам шеърӣқ; жанг хусусиятига кўра, дostonлардан тортиб, то байтгача: сонетлар, саккизликлар, тўртликлар, эпиграммалар, ҳатто, “Битиклар” деб номланган алоҳида хусусиятга эга бўлган туркум шеърлар ҳам бор. Олинган мавзулар эса, сиз ва биз илғай олмайдиган, лекин инсон учун муҳим қилиб қўйилиши керак бўлган кичик масалалардан бошлаб, умуминсоний, умумбашарӣқ масалаларгача тегишли. Бу ранг-барангликнинг ҳар бирида шоирнинг ўзига хос услуби ва маҳорати очӣқ кўриниб туради. Масалан, сонет жанридаги шеърларига эътибор қилсак, уларда қофия йўқ. Бу авар шеърини хос қадимий анъанавӣқ хусусият. Шоир уни сонет жанрида давом эттирди ва янгилади. Саккизликлар ҳам шоир ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. “Расул Ҳамзатовнинг саккизликлари адиб шеъринида бир мустақил шакл бошланишига сабаб бўлди., – деб қайд қилади Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов. – тўғри адабиётда учлик, тўртлик, бешлик, олтилик ва ҳоказолар чексиз равишда учраши мумкин. Лекин саккизликнинг кўпчилик томонидан севиб қарши олинишини Р. Ҳамзатовнинг қудратли истеъдоди тақдим этади.” У шу кичик жанр орқали ҳам даврнинг катта муаммоларини, йирик жанрларда илғари суриладиган ғояларни, инсон қалбининг юксаклигини янги топилмалар ва тақдорланмас бадият билан намойиш эта олади.

Ҳиндларнинг нақлига ўра, энг аввал,
Оламда илонлар пайдо бўлгандир.
Тоғликларга қолса, улар ҳар маҳал,
Энг аввал, лочинлар пайдо бўлган, дер.

Мен эса ўйлайман: ушбу оламда
Одамлар бунёдга келган илғари.
Кейин, қай бирлари лочин бўлган-да,
Илонга айланган қайси бирлари.

Нега хулоса шу қадар ёқимсиз. Оллоҳ томонидан энг олий жонзот қилиб яратилган инсонга

нисбатан беҳурматлик эмасми, бу? Йўқ. Аввало, бу нақлнинг таъсирида ёзилган. Қолаверса, лочин – лочин мағрурлик, мардлик, курашчанлик, илон эса донолик тимсоли. Буни ижобий жиҳатдан ҳам қабул қилса бўлади. Албатта, шукроналик билан. Нима учун?! Чунки оламда қанчадан-қанча йиртқич хайвон ва қушлар бор. Ҳинд нақлича, балки қанча йиртқичлар ҳозир ичимизда одам шаклида юргандир. Қанчадан-қанча одамлар озор чекаётгандир. Агар шоир хулосасича бўлган эди, одамлик хусусиятини йўқотган кимсалар ўзига мос бир йиртқичга айланиб борарди-да, бу дунёда фақат биз истаган яхши инсонларгина яшаб қоларди. Балки биз шоир айтмоқчи бўлган фикрдан четга чиқиб кетгандирмиз. Лекин ҳақиқий шеър китобхонларни ҳар хил фикрлашга ўргатади. Шоирнинг бадиий қурботи ҳам шундадир.

Умуман, Расул Ҳамзатов фикр уйғотувчи шеърият соҳиби. Фикр эса, унинг ижодида юксак бадиёт ва норзик билан уйғунлашган ҳолда берилади. Шунинг учун ҳам шоир шеърларини ўқиганингизда, таъсирдан қалбингиз жимирлайди, гўзалликдан ҳайратланасиз ақлингиз янги, кутилмаган фикр билан бойийди. Ниҳоят, юрагингиз ларзага келади. Шеърнинг кучи юракдан бошланиб, яна юракка қайтади. Камдан-кам ижодкорга насиб қилади. Яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш жоизки, Расул Ҳамзатов айрим адабиётшунослар таъкидлаганидек, дунё шеъриятига тоғлиқлар руҳиятини биринчилардан бўлиб олиб киради. Бу чин маънодаги миллийлик дегани. Аммо, умуминсоний юксакликка кўтарилган миллийликдир. Шоир шеърияти билан ошно бўлган ҳар бир миллат ўқувчиси ўзини англашга ҳаракат қилади, халқини ўйлашга, унинг дарди билан яшашни истаб қолади, ўз кадр-қимматини тоғлар сингари юксак тутишга ўрганади.

Шоир ёган эди:

Бола эканимда сен она эдинг,
Улғайгач сен бўлдинг севимли дилдор.
Кексайсам бўларсан қиздай меҳрибон,
Ўлсам хоким узра қолурсан ёдгор.

Шубҳасиз, Расул Ҳамзатовдан қолган бадиий ёдгорлик абадиётга юз буриб улгурди.

ДАДАМНИНГ ИШИ

Ҳажвия

Комилжон ҳар доимгидек бугун ҳам ишидан барвақт қайтди. Эшикни очиб, уни хуш табассум билан қарши олган хотини Ҳалимаҳон меҳрибончилик билан ҳол сўради:

- Яхши келдингизми дадаси? Чарчамадингизми?
- Раҳмат. Ўзларинг тинч ўтирибсизларми?
- Шукр.

Ҳалимаҳон эри кўлидан пакетни олиб, ошхона томон юрди, Комилжон эса кўча кийимларини пижамасига алмаштирди-да, ювингани кириб кетди. Қайтиб чиққанида безатилган стол атрофида беш яшар қизчаси ва хотини кутиб ўтиришарди. Комилжон қизининг дўмбок юзидан чўлпиллатиб ўпди, эркалади:

- Оппоқ қизим! Ширин қизим! Доно қизим! Боғчалар қалай? Хафа қилишмаяптими?

Доно қиз жавоб беришга улгурмай туриб, Ҳалимаҳон гапга аралашди:

– Бугун боғча бўлмади, дадажониси. Эрталаб олиб борсам, тақа-тақ берк: грипп туфайли бир ҳафтага карантин эълон қилишибди.

– Ие! Нима, уйда бир ўзи қолдимиз? – ташвиш билан сўради Комилжон қизининг бошини силаркан.

Хотини қошларини чимирди:

– Нега бир ўзини қолдирар эканман? Қолаверса, уйга қайтиб келишга менда вақт қани? Тўппа-тўғри ишимга олиб кетдим. Эртага сизнинг галингиз, дадажониси...

Комилжон тушунмади:

- Гал?! Қанақа гал? У... нима деганингиз?

– Қанақа гал бўларди? Нима, ўзбекчани ҳам тушунмайдиган бўлиб қолдингизми? Навбатингиз-да!

Эрига ҳамон етиб бормаётганини кўриб, Ҳалимаҳон изох беришга киришди:

– Дадаси, ахир ўзингиз ўйланг, мен ҳар куни олиб кета олмайман-ку! Одамлар нима дейди? Қолаверса, бизда ишлаб чиқариш... Хуллас, бир кун сиз олиб кетасиз, бир кун мен, қарабсизки, бир ҳафта ўтади-кетади!

Комилжон қошиғини коса четига кўйди, бир нималарни ўйлаб туриб деди:

- Қанақа бўларкин?

Ҳалимаҳон бўш келмади:

– Рисоладагидек! Қизалоғим, – мурожаат қилди у Донога, – эртага дадангнинг иш жойига борасан-а? Шунга келишдик-ку! – сермаъно қаради у қизига.

Доноҳон онасига хушнуд бош силкади:

– Албатта! – сўнг Комилжонга ўгирилди. – Дадажон! Мени ишингизга олиб боринг, хўпми? Жон дада! Сизнинг ҳам иш жойингизни бир кўрай!

Комилжон чуқур хўрсинди, қошиғини яна кўлига олди.

Эртаси куни эрталаб соат тўққизда ишхонага Доно билан кириб келган Комилжонни тўрт-бешта ҳамкасб-ҳамхоналари шод-хуррам кутиб олишди. Хона тўрида ўтирган тикмачоқдек аёл Донони ёнига имлади:

– Бу ёққа кел, қароғим... Мана бу ерга ўтир... яхши... мана буларни ол, – бир ҳовуч конфет узатди у.

- Исминг нима?

– Доно!

– О! Ҳам гўзал, ҳам доно! Комилжон! Катта бўлса, шу қизингизни ўзим келин қиламан! Ёдингиздан чиқмасин-а? – тилла тишларини ярқиратиб илжайди у. – Нега илгарироқ олиб келмагандингиз бизнинг келинни? Кўз тегади деганмидингиз?

Доно унинг гапларига эътибор бермади, Комилжон қизарди:

– Гапниям оласиз-да, Раънохон! Қанақа келин, қанақа кўз... Олиб келганимнинг эса сабаби бор: боғчани карантинга ёпишибди, бир ҳафтага. Кеча Ҳалимахон олиб кетган эди, бугун эса мен...

Тикмачоқдек аёл жилва қилди:

– Қани эди ҳамма эркаклар сиздек бўлса! Ҳар куни олиб келаверинг, то боғча очилгунча, хўпми?

Қолганлар ҳам аёлнинг гапларини маъқуллашди, Донога турли ширинликлар, мевалар беришди.

Доно жойида ўтирганча, катта хонага бир-бир кўз югуртира бошлади: ана, бурчакда каттакон, оппоқ музлатгич овоз чиқармай ишлаб турибди, ҳар деразада биттадан кондиционер, токчаларда эса тувакка ўтқазилган гуллар... Ана, деворларга таниқли артист ва қўшиқчиларнинг суратлари осиб қўйилган: Озодбек, Гулсанам... Ана, дадам ўтириб олиб, газета варақляпти, ундан сал наридаги амаки эса бошини стол устига қўйиб... ие, ухлаяптими? Вой! Стол устида ҳам ухлаб бўларканми?

Ана, менга конфетлар берган хола... ўзига пардоз бераяптилар! Бизнинг боғча мудирамиз ҳам худди шу хола каби хўппа семиз! Унинг ҳам оғзи тўла тилла тиш!

Анави амаки нима қилаяптилар? Дадамнинг чап томонидаги? Сканворд ечаяптиларми? Дадам ҳам уйга борганларида диванда ётиб олиб нуқул сканворд ечадилар...

Доно ярим соатлар чамаси шундай ўтириб, ҳамма нарсани, шу жумладан, хонадагиларни ҳам обдон кузатиб бўлгач, ниҳоят зерикди ва қалин газета тўпламини берилиб ўқиётган дадасига мурожаат қилди:

– Дада!

Комилжон ўқишдан бош кўтарди:

– Лаббай қизим? – жилмайди у.

Доно унга жавдираб қаради:

– Зерикиб кетдим... Дадажон, юринг, кетайлик!

– Қаёққа?

– Ишингизга...

Комилжон бир оз ҳайрон бўлиб турди-да, сўнг кулиб юборди:

– Бу нима деганинг, қизим? Шу ер менинг... иш жойим-ку! Мен мана шу амакиларинг, мана шу холанг билан, мана шу хонада ўтириб ишлайман-да! Оббо қизим-ей...

Донохон ишониб-ишонмай сўради:

– Шу ерда ишлайсизми? Унда нега ҳеч нарса... қилмаяпсизлар?

Энди бошқалар ҳам кулиб юборишди, столга бошини қўйиб ухлаётган амаки кулгу товушидан уйғониб кетди, атрофга алазarak кўз югуртирди. Кроссворд ечаётган амаки бошини сарак-сарак қилганча, жилмайди:

– Ажойиб қизингиз бор экан-ку! – деди аввал Комилжонга, сўнг Донога ўгрилди. – Қизим, биласанми, дадангнинг ишхонаси ростдан ҳам шу ер! Бирга ишлаймиз! Мен, масалан... мана бу қоғозни... бу ердан оламан-да... ху анови жойга қўяман! Бу амакинг эса... ўша қоғозни у ердан олиб, бошқа жойга қўяди... Анави чиройли холанг эса, – тикмачоқдек аёлга имо қилди у, – иш тугашидан сал олдин ҳаммасини йиғиштириб...

Аммо у гапини тугата олмади, тикмачоқдек аёлга ўзи ва иши ҳақида гапиришлари ёқмади шекилли, пардоз буюмларини аччиқ билан сумкаси ичига жойлар экан, норози тўнғиллади:

– Э! Кимга ҳисоб бераяпсиз, Рустам ака?! Ёш бола ниманинг фарқига борарди! Айтаверадиди-

да! – У шундай деб, столи тагидан катта-кичик, семиз-ориқ папкаларни олиб, столи устига тарақлатиб ташлай бошлади, – шу тирмизак қолувди ўзи... Эркакларга ҳам ҳайронсан, онаси билан юбормай, уялмай-нетмай, болани ишхонага етаклаб келиб ўтирибди... Тавба...

У тинимсиз тўнғиллар экан, қизариб кетган Комилжон Донога кўз остидан ўқрайиб қаради:

– Эшитдингми? Энди жим ўтир? Бизнинг иш жойимиз шу ер!

Доно куюқ киприкларини пирпиратди:

– Иш... дейсизми? Ҳаммаларингиз ўтирибсизлар-ку! Мен кеча ойижонимнинг ишхонасига боргандим, улар сира ҳам бунақа қилиб ўтиришмас экан: катта-катта дастгоҳлар ишлаб турибди, юк кўтарувчи машиналар...

Комилжон столига қулочкашлаб мушт туширди:

– Жим бўл тирмизак! Нега ҳадеб бидиллайверасан! Айтишди-ку сенга, иш жойимиз шу ер деб!

Гурсилатиб урилган мушт зарбидан хонадагиларнинг барчаси бирдай чўчиб тушди, дераза ойналари зириллади. Отаси важоҳатини кўрган Дононинг рангида ранг қолмаганди. Лаблари йиғлашга тарадудланиб қийшайди, кўрқув тўла кўзлари катта-катта очилиб, Комилжонга термулганча қолди...

Анча вақт хонада юракни сиқадиган сукунат ҳукм сурди, ҳатто овозсиз ишлаётган музлатгичнинг ҳам товуши баралла янграй бошлагандек туюлди. Энди ҳамма кўзлар столлар устидаги қоғоз ва шу кабиларга тикилган, юзларда уят, хижолат зоҳир эди.

Нихоят Комилжон ўзига келди: дир-дир титраб, ёш тўла кўзи билан ўзига термулиб турган қизини кузатар экан, юраги бирдан орзиқиб кетди, томоғига бир нима тикилгандек бўлди, хато қилиб қўйганини тушунди.

У ўрнидан оғир кўзгалди-да, бир-бир босиб келиб, қизининг рўпарасида тўхтади, чўккалади, Дононинг митти қўлчаларини куракдек кафтлари орасига олди:

– Қизим... кечир мени... – деди у товуши титраб. – Ахир... ўзинг ҳам... Майли, бўлар иш бўлди. Энди айт қизим, нима қилай? Нима қилай кечирининг учун?

Доно кўрқиб қараб турди-да, тўсатдан бўйнидан ачомлади:

– Дадажон! Дадажоним... ўзимнинг дадажоним... сиз ҳаммадан яхшисиз...

Зурриётининг бунчалар тез кечирганидан, унинг пардек енгил вужуди тафтидан тўлқинланиб кетган Комилжоннинг кўзлари бирдан намланди:

– Қизгинам... нима қилай? Нима қилсам гуноҳимни юваман? Айт, нима десанг ҳаммасини...

Доно қўлчаларини ҳамон унинг бўйнидан олмасди:

– Ҳамма-ҳаммасиними, дадажон? – шивирлади у ҳиқиллаб.

– Ҳа!

– Алдамайсизми?

– Қизгинам, қачон сени алдагандим?

– Унда юринг... бу ердан кетайлик!

Комилжоннинг юраги пўкиллади, жавоб нима бўлишини ич-ичидан сезиб турса ҳам, ноилож сўради:

– Қаёққа... қизим? Қаёққа кетамиз?

– Қаёққа бўларди? Ишингизга-да! Ахир, кеча айтгандингиз-ку, иш жойимга олиб бораман, деб! Нега бу ерга олиб келдингиз?

Ўрнидан турган Доно энди унинг қўлидан маҳкам тутганча жон-жаҳди билан ташқарига судрар, Комилжон эса худди нажот тилагандек ҳамхона-ҳамкасбларига бир-бир кўз югуртирар, аммо уларнинг бирортаси юрак ютиб, иш столидан бош кўтара олмасди...